



ИСЛОМ КАРИМОВ

ЯНГИЧА
ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ –
ДАВР ТАЛАБИ

5

ГОШКЕНТ. "ЎЗБЕКИСТОН". 1997



Том 5. ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

1. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ЎУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 22 июнь, Флоренция шаҳри.
2. АҚШ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БРИФИНГДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 24 июнь, Вашингтон.
3. АМЕРИКА-ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА УЮШТИРГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 24 июнь, Вашингтон.
4. АҚШда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШИ ВА ЭЛЧИХОНА НОМИДАН ЎТКАЗИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 25 июнь, Вашингтон.
5. МИЛЛИЙ МАТБУОТ КЛУБИДА ЎТКАЗИЛГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАНГАН КИРИШ НУТҚИ. 1996 йил 26 июнь, Вашингтон.
6. ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИАТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 27 июнь, Хьюстон шаҳри, Техас штати.
7. "ЭНРОН ГРУП ОФ ЭНЕРЖИ КОМПАНИЕС" РАИСИ ЖАНОБ КЕННОД ЛЕЙ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА УЮШТИРГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 27 июнь, Хьюстон шаҳри, Техас штати.
8. ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИАТЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 28 июнь, Денвер шаҳри, Колорадо штати.
9. ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 4 июль.
10. ТОШКЕНТДАГИ ЧЕТ ЭЛ ДИПЛОМАТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН УЮШТИРИЛГАН БРИФИНГДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 5 июль
11. ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТ ТАСДИҚЛАМОҚДА.
12. АСАКАДАГИ "Ўздэуавто" ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 19 июль.
13. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзланган нутқ, 1996 йил 25 июль.
14. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ. Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 29 август.
15. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ. 1996 йил 31 август.
16. ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 1 сентябрь.
17. ТЕННИС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 1 сентябрь.
18. ТЕННИС БЎЙИЧА "ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ" УЧУН III АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРНИНГ ЁПИЛИШ МАРОСИМИДАГИ СЎЗ. 1996 йил 8 сентябрь.

19. ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ.
20. ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 7 октябрь.
21. БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИАТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ. 1996 йил октябрь.
22. ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР. Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь.
23. АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ. Самарқанд шаҳрида Амир Темуր хайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. 1996 йил 18 октябрь.
24. СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ. Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темури хайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. 1996 йил 18 октябрь.
25. АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ. 1996 йил, 18 октябрь.
26. АМИР ТЕМУР - ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ. Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь.
27. ИСЛОҲОТ - АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР.
28. ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ.
29. ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ - БУРЧИМИЗ. Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 6 ноябрь.
30. ИСЛОМ КАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ. Тошкент - Москва. ("Новое время" журналининг 1996 йил 45-сонидан олинди).
31. ИСЛОМ КАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ. Тошкент - Москва. ("Новое время" журналининг 1996 йил 45-сонидан олинди).
32. БЕНАЗИР БХУТТОНИНГ "ТУТУН ПАРДАСИ".
33. "РАҲМОНОВ ҲАҚИҚАТ БИЛАН ИСОБЛАШИШИ КЕРАК"
34. БИЗГА ЎЗГАЛАРНИНГ НАРСАСИ КЕРАК ЭМАС.
35. САЛОБАТ УЧУН ТАРВУЗ ЕЙИЛАРКАН.
36. ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ РАМЗИ. Хива шаҳрида буюк туркман шоири Махтумқули хайкали очилиши муносабати билан бўлган тантанали митингда сўзланган нутқ, 1996 йил 28 ноябрь.
37. ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. 1996 йил 3 декабрь.
38. ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.
39. 1997 ЙИЛ - ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛСИН.
40. ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИШ - БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ. Халқ депутатлари Бухоро вилояти сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 14 декабрь.
41. ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН.
42. ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР - ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИЛАНИШИ АСОСИ. Дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. 1996 йил 27 декабрь.
43. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА БЕРИЛГАН ИНТЕРВЬЮ. 1997 йил 14 январь, "Тошкент-2" аэропорти.
44. "ОЗОДЛИК" РАДИОСИНИНГ ЎЗБЕК ШЎҒБАСИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ.
45. ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ - УСТУВОР ВАЗИФА.

46. МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ.
47. ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 14 февраль.
48. ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ - ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзланган нутқ, 1997 йил 26 февраль.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИДАВЛАТ ВА ХУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Муҳтарам раис жаноблари!

Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, Флоренцияга, Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувига таклиф этилиш шарафига муяссар бўлганимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг мана шундай юксак анжуманда имзоланиши - шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир.

Биз бу муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувига қаратилган устувор йўналиши, деб қараймиз.

Шу билан бирга биз бу ҳужжатнинг имзоланиши - ёш давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эканини ҳам миннатдорлик билан қайд этамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ҳамда давлатчилик қайта тикланганидан бошлаб, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда кадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди.

Ўзбекистон минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Марказий Осиёда алоҳида жўғрофий ва сиёсий-жўғрофий ўрин эгаллайди. Улкан табиий, минерал-хомашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Хельсинки Ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкентни танлаганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги шериклик" дастуридаги иштироқи ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги замонда Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти тобора ўсиб бораётгани бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг ёрқин истиқболлигига эмас, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиши имкониятларига ҳам умид билан қараш имконини беради.

Биз, ўзбекистонликлар, мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғизиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мадани юксак баҳолаймиз ва миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Бугунги кунда хусусий сектор ва тадбиркорликни мус-таҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини оёққа турғизиш, замонавий меъёр ва стандартларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида бизга кўрсатилаётган ёрдам ниҳоятда муҳимдир.

Бу борада Европа Иттифоқидан ТАСИС дастури бўйича олаётган ёрдамимиз ҳам ниҳоятда мислсиздир.

Биз Европа Иттифоқининг Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги илгари Буюк ипак йўли ўтган йўлда транспорт қатновини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасини ривожлантиришга ниҳоятда катта аҳамият берамиз. Ўзбекистон бугунги кунда бир қанча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорликда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий қадамлар ташламоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Мен ҳамкорлигимиз Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар очиб беришига қодир эканига тўла аминман. ҲАМкорлигимизнинг мақсади битта - Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

Бугун шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолар эканман, мен муносабатларимизнинг истиқболига умид билан қарайман ҳамда бу муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қатъий аҳдимни ифода қиламан.

Эътиборингиз учун ташаккур.

1996 йил 22 июнь,
Флоренция шаҳри

АҚШ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БРИФИНГДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Мен АҚШга келганимдан бахтиёрман ва сизлар - АҚШ ишбилармон доираларининг вакиллари билан учрашиш имкони туғилганидан миннатдорман. Кўпчилигингиз билан танишлигимдан фахрланаман ва ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сизга ҳамкорликни ривожлантириш борасида шу вақтгача қилган ишларингиз учун ташаккур айтмоқчиман. Сизга Ўзбекистон ҳақида, муаммоларимиз ва имкониятларимиз ҳақида, ислохотларнинг аҳволи ва қўлга киритилган реал натижалар ҳақида сўзлаб беришим мумкинлигидан хурсандман.

Ўйлайманки, катта бизнес кишилари бўлган сизларни, энг аввало, Ўзбекистон қандай салоҳиятга эгаллиги, ҳамкорлигимиз имкониятлари ва йўналишлари қизиқтираётир деб ўйлайман.

Бу ерда, менинг ёнимда Ўзбекистоннинг тегишли тузилмалари вакиллари ўтиришибди, зарур бўлса, улар сизнинг саволларингизга жавоб бериб, менинг фикримни тўлдиришади.

Бизнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифимиз, энг аввало, ана шу ва бошқа кўплаб саволларга тўла-тўқис жавоб бериш ҳамда жавоб олишга интилиш билан боғлиқдир. Америка ишбилармон доираларининг вакиллари биз ҳақимизда холис ва тўла-тўқис ахборотга эга бўлишидан, манфаатларимиз мос келиши мумкин бўлган соҳалар ва тармоқларни белгилаб олишдан манфаатдормиз.

Бугун биз Ўзбекистонда жўшқин ҳамда самарали ҳамкорлик қилиш учун, иқтисодийтимизга инвестициялар киритилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган деб айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес билан шуғулланиш Ғоят фойдали ишга айланиб бормоқда. Нима сабабдан? Фақат айрим, жуда муҳим жозибали шарт-шароитлар ва омилларнигина айтиб ўтаман.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори кундан-кунга ўсиб бормоқда. Яқиндагина Ғарбда камдан-кам одамлар дунё харитасига қараб Ўзбекистоннинг чегараларини аниқ кўрсатиб бера олар эди. Ҳозир биз жаҳоннинг 94 мамлакати билан дипломатия алоқалари ўрнатганмиз. Тошкентда 35 мамлакат ва биринчи бўлиб АҚШ ўз элчихонасини очган.

Республикада 88 чет эл ваколатхонаси аккредитация қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Халқаро Валюта фонди, Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТҒБ), Европада Хавфсизлик ва ҲАМкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) ва бошқа халқаро ташкилотлар ўз ваколатхоналари ва бюроларини очишган.

Ўзбекистонда 257 чет эл компанияси ва фирмаларининг, шу жумладан 28 та Америка компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик таъминланмоқда, бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай бизнес учун мажбурий ва зарурий шартдир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг геосиёсий ва геостратегик мавқеи, унинг Марказий Осиё минтақасидаги коммуникациялари шундай бир қалит, шундай бир таянчдирки, унинг асосида бутун кенг минтақанинг, 60 миллиондан ортиқ киши яшайдиган минтақанинг бозорини ўзлаштириш мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон бой ноёб табиий ва минерал-хом ашё ресурсларига эга бўлиб, уларнинг кўплари ҳали ишлаб чиқаришга тўла жалб этилган эмас.

Ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ минерал ресурслар турлари излаб топилган ва фойдаланилмоқда, экспертлар уларни тахминан 3 триллион АҚШ доллари миқдорида деб баҳоламоқдалар. Кўпгина минерал-хом ашё ресурсларининг жойлашиши, қатламларнинг қалинлиги ва одатда очик ҳолдалиги сабабли жуда арзон усулда қавлаб олиниши туфайли

ана шу ресурсларни чиқариб олиш ва қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан фойдали ва истиқболли ҳисобланади.

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринни, олтин қазиб чиқариш бўйича еттинчи ўринни, унинг захиралари бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Мис, кумуш, қўрғошин, рух, вольфрам ва баъзи бир бошқа фойдали қазилмалар ҳамда стратегик материаллар захиралари бўйича Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринлардан бирида туради.

Республикада қудратли ривожланган энергетика базаси, катта миқдорда газ ва нефть захиралари мавжуд.

Ўзбекистон ривожланган кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эга. Ҳар йили қарийб 1,5 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, салкам 5 миллион тоннага қадар мева ва сабзавотлар етиштирилмоқда. Ўзбекистон ипак, жун, қорақўл терилардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон яна шуниси билан ўзига ром қиладики, ҳозирги вақтда республикада қудратли ҳуқуқий ва қонуний база шакллантирилган, иқтисодий ислоҳотлар йўлининг изчиллиги, бу йўлдан орқага чекинмаслиги ва истиқболлилиги таъминланмоқда. Чет эл инвестициялари ҳамда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар ва қафолатлар яратилган.

Ушбу масалалар устида бирмунча батафсилроқ тўхталиб ўтаман.

Республикада иқтисодий муносабатлар тубдан ўзгармоқда, ишлаб чиқаришда акциялаш жараёни фаол бормоқда, хусусий сектор кенгаймоқда, ҳақиқий мулкдорлар табақаси шаклланимоқда.

Ялпи ички маҳсулотнинг 64 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 50 фоизга яқини, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97 фоизи нодавлат секторининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг нодавлат секторида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоиздан ортиғи машғулдир.

Бозор инфраструктурасининг моддий базаси ривожланиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Марказий Осиёда энг йирик Биржа маркази ишга туширилди, Фонд биржаси, Миллий депозитарий, Кўчмас мулк биржаси ишлаб турибди.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Бизнес-фонд, Ўрта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Суғурта компаниялари тармоғи амал қилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 33 тижорат банки, 60 дан ортиқ Суғурта ташкилотлари ишлаб турибди. 8 та йирик чет эл банки, шу жумладан "Чейз Манхеттен бэнк" ҳам ўз ваколатхоналарини очган. Умид қиламизки, Америкадаги бошқа таниқли банклар ҳам, шу жумладан бизнинг Миллий банкимиз бир-бирларини тушуниш ҳақида бугун меморандум имзолаётган "Бэнк оф Америкэн" ҳам ўз ваколатхоналарини очадилар.

Чет эл сармояси иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Хорижий инвесторларга берилаётган имтиёзлар ҳақида бир неча сўз айтмоқчиман.

Чет эл инвестициялари национализация ва реквизиция қилинмайди. Чет эл инвесторлари объектлар, шунингдек, уй-жой биноларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга мулк ҳуқуқини сотиб олишлари, ерга ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин. Давлат мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнига, шу жумладан, кўчмас мулкни сотиш жараёнига ҳам эркин қўшилиш қафолатланади.

Қўшма корхоналар беш йил мобайнида фойдадан олинадиган солиқдан озод қилинадилар, уларга олинадиган фойдани алмаштириш ва уни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш қафолатланади.

Барча тижорат банклари, шу жумладан чет эл сармояси иштирокидаги банклар, шунингдек, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари барча турдаги солиқларни тўлашдан уч йилга озод қилинган.

Инвесторлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган хом ашё ва материалларга бож тўлашдан озод қилинган.

Республикада инвестициялар учун ишончли Суғурта базаси яратилмоқда.

"Ўзбекинвест" миллий Суғурта компанияси ташкил этилган бўлиб, у сиёсий ҳамда нотижорат хавфларининг олдини олади. "Ўзбекинвест", Ташқи иқтисодий фаолият банки ва Американинг "АИГ Инкорпорейшн" молия гуруҳи биргаликда сиёсий ва нотижорат хавфларининг олдини олиш бўйича қароргоҳи Лондонда ва Тошкентда жойлашган Суғурта компанияларини ташкил этдилар.

Амалга оширилаётган ислохотлар ва кўрилаётган чора-тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўз натижаларини бермоқда.

1995 йилда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши амалда тўхтатилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 100,2 фоизни ташкил этди.

Шуни айтиш керакки, агар 1990 йилни оладиган бўлсак, ялпи ички маҳсулот Ўзбекистонда 17 фоиз, саноат маҳсулоти эса атиги 1,5 фоиз камайди, ҳолбуки, бу кўрсаткичлар бутун МДХ бўйича ва Россияда ярмидан кўпроқ миқдорда камайди.

Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси йил охирига келиб 2,2 фоизгача камайди ва умуман йил давомида 1994 йилдагига қараганда 3,7 баравар паст бўлди. Бюджетнинг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил этди, холос. 1996 йилнинг 5 ойи мобайнида ўртача ойлик инфляция 2,8 фоиздан ошмади.

Хонимлар ва жаноблар!

Рухсатингиз билан мен бешинчи ва бизнесчилар учун Ғоят муҳим бўлган жалб этувчи омил - Ўзбекистоннинг ишончли ва тўловга қодир шерик эканлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон ҳамиша ўз зиммасига олган мажбуриятларини қатъий бажариб келган ва ҳозир кечиктириб юборилган қарзи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки жаҳондаги 30 дан ортиқ мамлакатда 235 та чет эл банки билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. АҚШнинг "Чейз Манхеттэн Бэнк", "Сити Бэнк", "Банкерс Траст", "Кэмиклбэнк", "Раббобэнк", "Бэнк оф Нью-Йорк", "Нэшнл Бэнк оф Нью-Йорк" ва бошқа нуфузли банклари билан ўрнатилган вакиллик муносабатлари муваффақиятли ривожланмоқда.

Бизнинг етакчи чет эл банкларидаги, шу жумладан вакиллари ушбу учрашувда ҳозир бўлиб турган банклардаги депозитларда жойлаштирилган активларимиз ҳам Ўзбекистоннинг тўловга қодирлигининг гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Бу активлар ҳозирги кунда 1,2 млрд Америка долларидан ошиб кетган.

Қаттиқ валюта захираларининг ҳажми етти ойлик импорт қийматига тенгдир. Республика валюта захираларини мустаҳкамлаш валютани жорий операциялар бўйича айирбошлаш вазифасининг ҳал қилинишини таъминлашга имкон беради. Республика валюта биржаси барқарор ишлаб турибди, унда ҳафтасига 2 марта биржа ким ошди савдоси ўтказилмоқда. Ҳар бир савдода 30 миллиондан ортиқ АҚШ доллари айирбош қилинмоқда.

1996 йилнинг биринчи ярмида валюта биржасида 1 мил-лиард 400 миллион Америка доллари ҳажмидаги талабномалар айирбош қилинди.

Барча хорижий инвесторлар олган фойдаларини ҳеч қандай чеклашларсиз мамлакатимиздан олиб чиқиб кетиш имкониятига эга, импорт маҳсулотни ички бозорда миллий валютага сотаётган чет эл фирмалари эса тушумни қаттиқ валютага айирбошлаш имконига эга.

Ҳозир Ўзбекистон бозорида жаҳондаги 70 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари иш олиб бормоқда. 2000 дан ортиқ қўшма корхона тузилган. Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти 1995 йилда 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қиймати 4,5 миллиард АҚШ долларига яқин.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Агар мен Ўзбекистон Америка бизнеси билан, Америка капитали билан ҳамкорлик қилишга устун даражада аҳамият бермоқда деб айтсам ҳақиқатга асло хилоф бўлмайди.

Бугун мен шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги билан ўрнатган ва ўрнатилаётган муносабатларидан Ғоят хурсандман ва уни қадрлайман. Бугун жаноб Жо Гранд Мейсон билан ушбу Агентлик иккита ҳужжатни имзоламоқда. Айни Агентлик билан келишувга эришиб, биз мисли кўрилмаган қадамни ташладик.

Биз америкалик тадбиркорларнинг Ғоят бой тажрибасини ва обрў-эътиборини ҳисобга олган ҳолда сизларга ўз манфаатларингизни рўёбга чиқаришингиз мумкин бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг кенг соҳаларини таклиф қилишга тайёрмиз.

Бизнинг фикримизча, минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш ва ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш энг истиқболли йўналишдир. Буларга мавжуд ва янги очилаётган нефть, газ, нодир ва қимматбаҳо металллар конларининг ишлатилиши киради.

Хом ашёни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, кўпгина саноат тармоқларига қарашли корхоналарни қайта қуриш, машинасозлик комплекси, тўқимачилик ва енгил саноатни модернизациялаш, транспорт коммуникациялари ва алоқа тизимларини қуриш, сайёҳлик ва бир қатор бошқа лойиҳалар катта истиқболга эга.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда Америка капиталини ишга солиш, Америка технологияларини республикамизнинг бой хом ашё ва минераллар манбалари билан қўшиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон бозорига қизиқиш билан қараётган, шунингдек республика ҳудудида ўз фаолиятини бошлаган компаниялар орасида "Ньюмонт Майнинг", "АИГ", "Кэллог", "Дрессер", "Дженерал Моторз", "Эксон", "Тексако петролеум", "Каргил Интернпрайзис", "Кэйс Корпорейшн", "Боинг Корпорейшн", "Энрон Ойл энд Гэз" ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Американинг "Энрон Ойл энд Газ интернейшнл" компанияси "Ўзбекнефтегаз" корпорацияси билан биргаликда Бухоро ва Сурхондарё вилоятларининг газ конларини ўзлаштириш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ниятида. Бугун ушбу фирма ва ОПИК билан молиялаш ва Суғурталаш ҳақида протоколлар имзоланмоқда.

"АВВ" концерни ва Американинг "Кэллог" фирмаси газни қайта ишлаб полиэтилен чиқаришга қизиқиш билан қарамоқда. "Кэллог" фирмаси Кўкдумалоқ нефть конденсат қонида компрессор станцияси қуриш бўйича лойиҳа ишларини ҳам олиб бормоқда.

"Тексако" фирмаси ёнилғи-мойлаш ва ёқилғи-нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиш ниятида. Ушбу фирма, ОПИК ва "Ўзбекнефтегаз" ўртасида бугун Суғурталаш ҳақида протокол имзоланмоқда. Транспорт-нинг бир қисмини ёнилғи сифатида газдан фойдаланишга ўтказиш борасида "Америкэн Инжинирэн Инкорпорейтед" билан биргаликда иш олиб борилмоқда.

Американинг "Агко" ва "Кэйс" компаниялари ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик техникаси Ўзбекистон шароитида муваффақиятли синовдан ўтди ва юксак самара билан ишлашини кўрсатди. Ҳозир Ўзбекистон далаларида "Кэйс" фирмасининг аъло сифатли комбайнлари ва ўрим машиналари жуда яхши ишламоқда.

Бундан бир ҳафта олдин вилоятларимиздан бирида мен "Кэйс" Ғалла ўриш комбайнининг рулига ўтирдим ва унинг нақадар ажойиб техника эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ушбу компания билан биргаликда қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва ишлатувчи қўшма корхоналар ҳамда лизинг компаниялари ташкил этиш ниятимиз бор. Шахсан мен бу масалани Ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган масала деб ҳисоблайман.

Ҳозирнинг ўзидаёқ республикада Америка капитали иштирокида 170 дан ортиқ қўшма корхона тузилган ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўйлайманки, бу ҳали ҳаммаси эмас.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга ҳам ҳукуматлараро даражада, ҳам бевосита ишбилармон доираларнинг вакиллари билан имзоланган Битимлар ҳам ёрдам беради.

Шу йилнинг май ойида конверсия технологиялари соҳасида ҳамкорлик қилишнинг асосий қоидалари тўғрисида икки томонлама ҳукуматлараро Меморандум имзоланган бўлиб, у иккала мамлакат амалий доиралари учун кенг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини очиб беради.

Хьюстон ва Денверда Ўзбекистоннинг нефть ва газ ҳамда минерал-хом ашё салоҳиятини ёритиб беришга бағишланган конференцияларнинг ўтказилиши мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, фойда келтирадиган янги қўшма ишлаб чиқаришларни яратиш учун туртки бўлиб хизмат қилади деган умиддаман.

Сўзимнинг охирида бу ерда ҳозир бўлганларга фаровонлик, омад ва Ўзбекистондаги бизнес ишларида раванқ тилашга рухсат бергайсиз.

Мен ўзим ҳамиша ёқтириб келган Рут Харкин хонимга алоҳида самимий хурматимни изҳор қилмоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат. ҚАММа саволларингизга мамнуният билан жавоб бераман.

1996 йил 24 июнь,
Вашингтон

АМЕРИКА-ЎЗБЕКИСТОН САВДО
ПАЛАТАСИННИНГ ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИ ШАРАФИГА
УЮШТИРГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Хурматли жаноб Президент - Николас Никазмерад!

Хурматли Директорлар Кенгаши аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мен ушбу учрашув ташкилотчиларидан Ғоят миннатдорман ва йирик Америка бизнеси вакиллари, Америка ишбилармонларининг вакиллари бўлган фирмалар, компаниялар ва банкларнинг раҳбарлари билан яна бир бор учрашиш имконига эга бўлганимдан хурсандман.

Мен сизлар билан - Ўзбекистонга чиндан самимий қизиқиш билан қараётган одамлар билан, АҚШ га ушбу ташрифимиз юз беришига кўп жиҳатдан мададкор бўлган кишилар билан учрашаётганимдан хурсандман.

Яқинда-шу йил август ойида Америка-Ўзбекистон палатаси тузилгани ва рўйхатга олинганига уч йил тўлади. Бироқ йил сайин, ой сайин биз Ўзбекистонда Палатамиз Қўшма Штатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ва шерикчилигини йўлга қўйишда қанчалик катта роль ўйнаётганлигини, у фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиёнинг кенг минтақасида ҳам Қўшма Штатларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун қанчалар кўп иш қилаётганини аниқ мисоллар ёрдамида борган сари кўпроқ сезмоқдамиз.

Мен ҳозир палатани шакллантиришга бош-қош бўлган барча кишиларга, Ўзбекистоннинг имкониятлари ва истикболига ишонганларнинг ҳаммасига самимий миннатдорлик сўзларини айтишни истар эдим. Биз бугун Палатани ташкил этганлар орасида "Боинг", "Каргил", "Катерпиллер", "Дрэссер Индастрис", "Чейз Манхеттен", "Эксон", "ФМС", "Ньюмонт Майнинг" ва бошқа йирик, дунёга танилган компаниялар борлиги билан фахрланамиз. Ўзбекистон томонидан анча қудратли салоҳиятга эга бўлган корхоналар, чунончи, "Ўзбекнефтегаз", "Ўзолмосолтин", Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзавтотранс", Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва бошқалар қатнашмоқда.

Биз бугун АҚШ конгресси томонидан ташкил этилган Марказий Осиё-Америка тадбиркорлик фонди, "Доновант", "Майер, Браунд энд Платт", "Банкерс Траст", "Америкэн Интернэйшнл Групп" ва бошқалар палатанинг аъзолари бўлиб, Ўзбекистон бозорида фаол иш олиб бораётганлиги билан фахрланамиз.

Биз палата иштирокчиларининг доираси, унинг фаолият соҳаси бундан буён ҳам кенгайишидан самимий манфаатдормиз.

Палатанинг ёрдамида мамлакатларимиз ўртасидаги таш-қи савдо оборотининг кўпайиб бораётганлиги ҳам ўзаро қизиқишларимиз ўсаётганлигининг, иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётганлигининг далолатидир. Биргина шу йилнинг биринчи чорагида АҚШ билан Ўзбекистон ўртасидаги ташқи савдо обороти бутун ўтган 1995 йилдаги даражада бўлди, ёки тахминан 4 баравар ошди.

Ишонаманки, бу ишнинг бошланиши, холос. Ҳозир фақат зарур база, таъбир жоиз бўлса, ҳеч шубҳасиз яқин келажакда ҳамкорлигимизнинг гуркираб ривожланишини таъминлайдиган старт майдони яратилмоқда. Мен бунга асло шубҳа қилмайман.

Агар хоҳласангиз, бизнинг Вашингтонга келишдан мақсадимиз - Ўзбекистоннинг имкониятлари салоҳиятини чинакам таништиришдан, сизни, ишбилармонлар дунёсини, жамоатчилиқни ва, агар керак бўлса, АҚШ ҳукуматини Ўзбекистонда яхши бизнес қилиш мумкин ва зарур эканлигига, биз нафақат иқтисодиётда, балки бошқа соҳаларда ҳам ишончли шериклар бўла олишимизга ишонтиришдан иборатдир.

Мен бугун эрталаб бўлиб ўтган брифингда Ўзбекистонда инвестициялар учун, кўшма корхоналар қуриш учун яратилган Ғоят қулай шароитлар ҳақида гапирдим ва сизларни ишонтиришга ҳаракат қилдим.

Биламанки, кўпларингиз ана шу брифингда қатнашгансиз ва мен бу ерда такрорлашни истамас эдим. Шу сабабли эътибор бермаслик мумкин бўлмаган баъзи бир муҳим нарсаларни таъкидлашни ва яна бир бор эслатиб ўтишни хоҳлар эдим.

Энг муҳими - Ўзбекистон шерик сифатида мутлақо ишончлидир.

Эътиборингизни қуйидаги фактга қаратмоқчиман. Ўзбекистонда бошланган биронта ҳам лойиҳа йўқки, у ўз натижасини, ўз дивидендларини бермаган бўлсин.

ҲАҚИҚАТан ҳам шундай. Биз катта ёки кичик лойиҳаларни қайси бир мамлакат - АҚШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Франция, Туркия, Швейцария билан, бирор бир банк, фирма билан бошлаган бўлмайдик, бу лойиҳаларнинг биронтаси ҳам барбод бўлгани йўқ. Умид қиламанки, бундай бўлмайди ҳам.

Бу ҳолнинг изоҳи битта. Лойиҳани бошлашдан олдин биз имкониятларимизни пухта асослаймиз, ҳисоблаб чиқамиз.

Сизлар учун Япониянинг Мицуи фирмаси-Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи билан боғлиқ бир мисол келтираман.

1. Муддатларни 1997 йилга кўчирди.

2. Муддати ўтказиб юборилган тўловлар йўқ.

3. Бизнинг активларимиз.

4. Суғурта.

5. Энг йирик Эксимбанклар ва АҚШ ҳам, Германия ҳам, Япония ҳам, Буюк Британия ҳам, Франция ҳам бизга ишонади. Бу эса ўзингиз ҳам тушуниб турганингиздек, жуда кўп нарсани англатади.

Биз фақат молиявий кафолатлар эмас, балки сиёсий кафолатлар ҳам берамиз, қонунларда юз берадиган ўзгаришлардан ишончли кафолатлар мавжуд. Агар қонун ҳужжатлари ўзгарганида инвестициялаш шартлари ёмонлашса, чет эллик инвесторларга 10 йил мобайнида инвестиция амалга оширилган пайтда кучда бўлган қонун ҳужжатларининг нормалари қўлланилади.

6. Барқарорлик.

7. Танланган йўлнинг изчиллиги ва оқибатини кўриш мумкинлиги.

8. Катта имтиёзлар.

Бунда: агар жуда улкан табиий ва минерал-хом ашё ресурслари ҳисобга олинса, бу-биринчиси.

Иккинчиси, ривожланган энергетика базаси, коммуникация ва инфраструктура;

учинчиси, арзон ишчи кучи ва унинг етарли даражада юқори малакалилиги;

тўртинчиси, Ўзбекистоннинг тўловга қодирлиги, муддати ўтказиб юборилган тўловларнинг йўқлиги, олтин-валюта ресурслари ҳисобга олинса, Ўзбекистонда бизнесни биргаликда амалга ошириш учун очилаётган жуда катта истиқболлар аниқ кўринмоқда.

Биз ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг кемасини Ғарбнинг замонавий технологиялари сари буришни истаймиз.

Биз Палата 1996 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказишни мўлжаллаётган "Ўзбекистон-Марказий Осиёдаги юксалиб бораётган иқтисодий кучли мамлакат" деган мавзудаги конференциянинг ўтказилишидан миннатдоримиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўз навбатида биз ҳам конференция юксак даражада ўтиши учун ҳамма чораларни кўраимиз.

Ўзбекистон ҳамкорлик учун очик мамлакатдир. Ўзбекистон халқи иқтисодиётимиздаги туб ўзгаришларга, унинг жаҳон иқтисодий тизимида кўшилишига қўлидан келганча ҳисса қўшганларни миннатдорчилик билан эслайди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир нарсани қатъий айтишим мумкин: Биз Ўзбекистонда сизлар учун, Америка бизнеси учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб беришга тайёرمىз, ҳатто бундан манфаатдормиз - бунга сизда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Америка халқи учун,
сизнинг ажойиб ва қизиқарли мамлакатингиз фаровонлиги ва равнақи учун,
Ўзбекистондаги бизнесингиз муваффақиятли ривож топиши учун қадаҳ кўтаришга рухсат бергайсиз.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва зафарлар тилайман!

1996 йил 24 июнь,
Вашингтон

АҚШда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЧИХОНАСИ БИНОСИНИНГ
ОЧИЛИШИ ВА ЭЛЧИХОНА
НОМИДАН ЎТКАЗИЛГАН
ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Вашингтонда Ўзбекистон элчихонаси биносининг очилиши маросимида расмий кишиларни, сиёсатчилар, дипломатлар ва бизнесменларни, мамлакатимиз дўстларини табриклашдан Ғоят мамнунман.

Бу воқеани мен Ўзбекистон-Америка муносабатлари ривожланишининг изчил ва муттасил ривожланаётганлигининг қонуний натижаси деб баҳолайман.

Тақдир ва тарих тақозоси билан шундай вазият вужудга келган эдики, кенг жаҳон жамоатчилиги неча ўн йиллар давомида қадимий диёримизни ўрганиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолган эди. Бизнинг тарихимиз "СССР" деган битта тушунча билан камситиб қўйилган эди. Аммо тарихий адолат қайта тикланган вақт етиб келди.

Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида неча минг йиллар давомида "Турон", "Туркистон", "Мовароуннахр" номлари билан машҳур бўлган қудратли давлатлар, юксак маданият равнақ топиб келган эди.

Айни бизнинг диёримиз асрлар давомида Шарқ билан Ғарб, Жануб билан Шимол ўртасида алоқа боғловчи кўприк бўлиб келди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан халқаро муносабатларнинг жўшқин қон томири: иқтисодий алоқалар, хунармандчилик, фан ва санъат ҳаракат қилиб турган Буюк ипак йўли ўтган эди.

Сўғд, Хоразм, Бактрия, Кушон, Парфия, Эфталитларнинг қадимий салтанатлари жаҳонга дохиёна мутафаккирларни, олимлар ва шоирларни етказиб берган еримизнинг олтин бешигидир.

Биз аждодларимиз - Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоийнинг буюк маънавий мероси билан фахрланишга ҳақлимиз. Ана шу улуғ зотлар сафида Амир Темурнинг номи алоҳида ўрин тутади. XV асрдаёқ у озод қилган заминда "Европа халоскори" деган рамзий ёзув билан ёдгорлик ўрнатилган эди. Эндиликда айни шу зот Европа истилосининг олдини олганлигини ҳеч ким рад эта олмайди.

Ўзбекистон мустақилликнинг беш йили мобайнида ўз тараққиётида каттагина йўлни босиб ўтди. Тўғри, ҳал этилмаган муаммолар ҳали кўп. Бу ҳам ҳар қандай жамият эволюцион олға ҳаракатининг қонуний воқеасидир. Лекин бир нарсани қатъият билан айта оламани, Ўзбекистон ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий, демократик давлат қуриш йўлидан ишонч билан бормоқда.

Ҳозир Ўзбекистон 94 та мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҲАМкорлик Ташкилоти, Иқтисодий Ривожланиш Бирлашган кенгаши, Халқаро валюта фонди, Жаҳон ва Осиё банклари, бир қатор нуфузли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, улардан мадад олмақда. Мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор негизида, фуқаролараро ва ижтимоий тотувлик асосида, барқарорлик негизида республикада ҳаётнинг барча томонларини кенг кўламда ислоҳ қилиш давом эттирилмоқда.

Жамиятимизнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Демократик ва маънавий кадриятлар мустаҳкамланмоқда. Табиийки, одамлар ҳам ўзгармоқда. Республика фуқаролари мустабид тузум меросидан, боқимандаликнинг руҳий кишанларидан халос бўлиб, уларда хўжайинлик ва мулкдорлик туйғуси, озод ва мустақил мамлакатда эркин инсон бўлиб яшаш иштиёқи, коммунистик ва диний фундаментализм ва радикализмни тамомила рад этиш иштиёқи тобора яққол намоён бўлмоқда.

Эндиликда Ўзбекистонда демократик ва бозор ислохотлари орқага қайтмайдиган тус олди деб айтиш учун барча асослар бор.

Хусусий сектор ва тадбиркорлик ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда, иқтисодий ва молиявий аҳвол бар-қарорлашмоқда, миллий пулимиз мустаҳкамланмоқда, иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун шароитлар яратилмоқда.

Жаҳондаги барча давлатлар билан, халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотлар билан шериклик муносабатларини фаол ривожлантириб, биз жаҳон ҳамжамияти билан тобора жадал интеграцияга киришмоқдамиз.

Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан вужудга келаётган фойдали ва ташкилий ҳамкорликни юксак баҳолайди ва Ғоят кадрлайди.

Мен аминманки, ана шу муносабатларнинг ривожланиши жамиятимизнинг демократик янгиланиш йўлида, мустақиллигимиз ва суверенитетимизни, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида янада олға боришимизга хизмат қилади.

Биз Қўшма Штатларнинг демократик кадриятлар ва эркинликларни мустаҳкамлаш, сайёрамизнинг турли жойларидаги кўпгина низоли вазиятлар ва урушларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиш, бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ташқи сиёсий йўли ва ташаббусларини, ҳар қандай кўринишдаги терроризм ва экстремизмга қарши курашдаги изчиллигини қўллаб-қувватлаймиз.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда АҚШнинг тан олинган жаҳон лидери сифатидаги обрўсини мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон бундан буён ҳам АҚШ сиёсатини қўллаб-қувватлайверади.

Биз Ўзбекистонда Америка сармоясини, компанияларини, фирмаларининг Марказий Осиё минтақаси ва бозоримиздаги мавқеи мустаҳкамланиб боришидан манфаатдоримиз.

Шубҳа йўқки, иқтисодий ҳамкорлик, қўшма корхоналарнинг шаклланиши, Ўзбекистоннинг фойдаланилмай ётган жуда катта табиий бойликлари, маъдан-хом ашё ва интеллектуал ресурсларининг ўзлаштирилиши мамлакатимиз манфаатларига ҳам, Қўшма Штатлар манфаатларига ҳам баб-баравар мос бўлиб тушади.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий фирмалар ва компаниялар фаолияти учун ниҳоятда қулай вазият яратилган. Вужудга келтирилган ва самарали амал қилаётган ҳуқуқий пойдевор чет эл инвестициялари ҳимоя қилинишига ва рағбатлантирилишига кафолат беради.

Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида Америка фирмалари билан биргаликда ташкил этилган 200 га яқин қўшма корхона ишлаб турибди, 30 га яқин компания, фирма ва банк Тошкентда ўз идораларини очган. Уларнинг кўплари, хусусан "АИГ", "Ньюмонт Майнинг", "Келлог", "Боинг", "Кейс", "Чейз Манхеттен Бэнк" ҳозир Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар, ўз бизнесларини ривожлантирмоқдалар.

Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз, лекин бу жуда катта, зўр мазмун билан бойитилган шерикликнинг бошланишигина деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг Америка расмий ва тадбиркор кишилари билан учрашувларимиз ва музокараларимиз, Ўзбекистон иқтисодий, нефть-газ ва кон қазиб чиқазиш имкониятининг тақдим этилишидан кўзланган мақсад ниҳоятда равшан: биз бундан буёнги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни белгилаб, аниқлаб, унинг манзарасини тўлақонли қилиб олишимиз керак. Агар истасангиз, ҳамкорлигимизнинг стратегик йўналишларини белгилаб олиш лозим. Бу гап фақат иқтисодий соҳагагина тааллуқли эмас.

Тамомила аниқ айтишим мумкин. Мен АҚШ раҳбарлари, маъмурият вакиллари ва раҳбарлари билан, тадбиркорлар билан ва бир сўз билан айтганда, америкаликлар билан суҳбатлардан бениҳоя мамнунман.

Мен икки томонлама муносабатларимизнинг истиқболига зўр ишонч билан қараяпман ва бунинг учун бизда барча асослар бор.

Биз бу ташрифни Америка халқига қадимий тарихимиз ҳақида, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаёти ва истиқболи ҳақида, узоқ муддатли муносабатларимизни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканлигимиз ҳақида тўлароқ маълумот бериш имконияти деб баҳоламоқдамиз.

Америкаликларнинг доно бир мақоли бор: "Одамларнинг сўзига эмас, ишига боқ". Мен бизнинг ташрифимиз, бундан буёнги ишимиз ва ҳар томонлама мулоқотларимиз ҳар иккала мамлакатимиз одамларига мумкин қадар кўпроқ фойда келтиришининг тарафдориман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

1996 йил 25 июнь,
Вашингтон

МИЛЛИЙ МАТБУОТ КЛУБИДА
ЎТКАЗИЛГАН МАТБУОТ
КОНФЕРЕНЦИЯСИДА
СЎЗЛАНГАН КИРИШ НУТҚИ

Мухтарам раис жаноблари!
Мухтарам Матбуот клуби аъзолари!
Хонимлар ва жаноблар!

Мен Америка оммавий ахборот воситаларининг етакчи вакиллари билан норасмий ва ошкора суҳбатлашишга ундайдиган бир вазиятда учрашиш имконига эга бўлганимдан хурсандман.

Бугун, агар шундай айтиш мумкин бўлса, бизнинг расмий ташрифимизнинг сиёсий қисми тугади, унинг баъзи дастлабки яқунларини чиқариш мумкин.

Эслатиб ўтаман, ташриф олдидан биз учун Ғоят муҳим бўлган воқеа юз берди. Ўзбекистон делегацияси Вашингтонга Флоренциядан учиб келди. У ерда Европа Иттифоқи аъзолари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида делегациямиз шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзолади.

Ушбу ҳужжат республикамиз билан Европа Иттифоқи ўртасида мунтазам сиёсий мулоқотлар учун муҳим база яратади, Европа мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Бу ҳол яна шундан далолат берадики, биз Ғарб цивилизациясининг идеалларига кўшилаемиз, ўзимизнинг амалий ишларимиз билан демократия ва эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига содиқ эканлигимизни исботлаймиз.

Энди АҚШ га ташриф натижалари, Вашингтонда уч кун мобайнида бўлиб ўтган учрашувлар ва музокаралар ҳақида.

Муҳокама ва мунозараларнинг бош мавзуси:

Бу, биринчидан,- Ўзбекистон салоҳиятини таништириш ва Американинг ишбилармон доиралари, банклари, фирмалари ва компаниялари билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг бундан буёнги йўллари белгилашдир. Америка бизнеси ва инвестициясини Ўзбекистонга таклиф этишдир.

Иккинчидан,- Ўзбекистонда сиёсий, демократик ислохотларни ривожлантириш ва амалга ошириш, Ўзбекистондаги демократик кадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш ва бу соҳада фикр алмашиш.

Учинчидан,- Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш муаммолари, нарқобизнесга, террорчиликка ҳамда экстремизмга қарши кураш муаммолари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари.

Мен учун жуда муҳим бўлган АҚШ Президенти жаноб Б. Клинтон билан учрашув бўлиб ўтди.

Суҳбат унча узоқ бўлмади, тахминан 20-25 минут давом этди. Лекин бу суҳбат, менинг назаримда, жуда самарали бўлди.

Ишончим комилки, бу учрашув фақат Ўзбекистондагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам жуда катта эътибор қозонади.

Айтишим мумкинки, АҚШ Президенти томонидан қабул қилинишим шахсан мен учун жуда катта шарафдир. Ишонаманки, бу суҳбат, шубҳасиз, Ўзбекистонда ва бизнинг минтақамизда ижобий жараёнларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Бизнинг ОПИК ҳамда Савдо ва тараққиёт агентлигидаги учрашувларимиз, АҚШнинг ишбилармон доиралари билан учрашувлар бизда ҳар иккала мамлакат иқтисодий ҳамкорлигимизни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қизиқиш билан қараётир ва интилаётир деган қатъий умид туғдирмоқда.

АҚШнинг жуда йирик банклари, компаниялари ва фирмалари билан биз учун муҳим бўлган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан бир талай муҳим аҳамиятга молик ҳужжатлар имзоланди.

Мен Жаҳон Банкнинг директори жаноб Вульфенсон билан учрашдим. Бу эса, ишончим комилки, бизнинг муҳим қўшма лойиҳаларимизнинг ҳал қилинишига туртки бўлади.

Шуни айтишим керакки, Американинг ишбилармон доиралари Ўзбекистонга улкан қизиқиш билан қарамоқдалар.

АҚШ Конгресси ва давлат департаментидаги давлат учрашувлари, жаноб Тэлбот, Рубин билан, О'Лири хоним билан, бошқа етакчи ҳукумат тузилмаларининг раҳбарлари ва давлат департаментининг раҳбарлари билан учрашувлар кўпгина муҳим ҳамда узоқ муддатли муаммолар юзасидан иккала мамлакатимиз мавқеларини аниқлаш ва яқинлаштириш, сиёсий, иқтисодий, илмий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш йўналишларини белгилаш имконини берди.

АҚШ халқаро терроризм ва экстремизмнинг, наркотиклар ёйилишининг хавfli манбаига айланиб бораётган Афғонистондаги кўп йиллик низолар муносабати билан Ўзбекистоннинг ташвишланаётганлигига қўшилади. Бу низолар ҳозирги вақтда минтақадаги нозик барқарорлик учун асосий хавфдир ва янги асрда жаҳондаги вазиятга таъсир кўрсатадиган глобал портлатгич ролини ўйнаши мумкин.

Бундан бир йил аввал Ўзбекистон низо зонасига қурол-яроғлар етказиб беришга қаттиқ халқаро тақиқни эълон қилишни таклиф этди. Шундан кейин Европа парламенти ва БМТ нинг Афғонистон бўйича қабул қилинган резолюцияси, АҚШ Конгрессида ушбу масала бўйича ўтказилган мунозаралар халқаро ҳамжамият бундай чоранинг муқобили йўқлигини англаб етганлигидан далолат беради.

Умид қиламанки, БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак 51-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги таклиф ўз тасдиғини топади. Бу эса янги асрга олиб ўтилиши мумкин бўлмаган кўп йиллик урушга чек қўйишнинг бошланиши бўлишига ишонаман.

Ўзбекистон минтақада ва бутун дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири деб ҳисобламоқда. Шунинг учун ҳам биз ЕХХТ йўли билан Европа хавфсизлиги тизимида фаол қатнашмоқдамиз. "Тинчлик йўлидаги шериклик" дастурининг олға босишидан астойдил манфаатдормиз.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзосига айланганлигини беш йил мобайнида мустақил бўлиб ҳаёт кечираётганлигимизнинг асосий яқунларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни орқага қайтариб бўлмайди. Бу ўзгаришлар ва ислохотлар аҳолимизнинг мутлақ кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Биз фавқулодда шароитларда сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Бу эса иқтисодиётда ларзаларга, ишлаб чиқаришнинг ўпирилиш ҳолларига, одамларнинг қашшоқлашувига йўл қўймаслик имконини берди. Бу қисқа муддат ичида демократик тамойилларга асосланган миллий давлатчилигимизни барпо этиш, бозор иқтисодиётининг пойдеворини қуриш имконини берди.

Ҳозирги вақтда бизда **халқаро ҳуқуқ** нормаларига мувофиқ инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайдиган қонунчилик асосларини ва ташкилий тузилмаларни шакллантириш жараёни тугалланди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 15 та халқаро конвенцияга қўшилди.

Биз миллий қонунчилигимизда асос солинган демо-кратик салоҳиятларни рўёбга чиқариш юзасидан, одамлар онгида янги демократик қадриятларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларига ва сўз эркинлигига риоя этишнинг, сиёсий муҳолифат

амал қилишининг реал кафолатларини шакллантириш бўйича ҳокимиятнинг барча поғоналарида ҳали катта ва заҳматли ишлар олиб боришимиз кераклигини яширмаймиз.

Шу муносабат билан халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни фаол ривожлантириб бормоқдамиз. Шулардан бири - "Хьюман Райтс Вотч" республикамыз пойтахтида тез орада ўз филиалини очади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳам аста-секин ва босқичма-босқич олиб борилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ амалда макроиқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ҳозирги пайтда хусусийлаштиришни тугаллаш, миллий валютани янада мустаҳкамлаш, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, иқтисодиётнинг тузилишини, унинг хом ашёга йўналтирилганлигини ўзгартириш вазифалари биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Халқаро молия тузилмалари Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаётганлиги танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигига бўлган ишончимизга ишонч қўшмоқда.

ХВФ, Жаҳон банки ва донор мамлакатлар маслаҳат гуруҳи Ўзбекистонга жами 1,3 миллиард доллардан ортиқроқ турли кредитлар, қарзлар ва кафолатлар ажратиш ҳақидаги шартномаларни имзолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг дастлабки натижаларини юксак баҳолади.

Ўзбекистонда жуда қулай ҳуқуқий база яратилди, чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда 200 га яқин қўшма корхона иш олиб бормоқда, АҚШ нинг 30 га яқин йирик компаниялари ва банклари Тошкентда ўз идораларини очди.

Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 4,5 миллиард АҚШ доллари бўлган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу ерда ҳозир бўлганлар олдида мен шуни алоҳида мамнуният билан айтиб ўтаманки, Америка кашшофлари руҳини йўқотмаган "Ньюмонт Майнинг" компанияси бизнинг биринчи шерикларимиздан бири бўлди. Биз Қизилкум саҳросида қурган олтин ажратиш заводи ҳозир маҳсулот бермоқда.

Умид қиламанки, бизнинг қўшма лойиҳаларимиз сони яқин вақт ичида анча ошади. Ташрифнинг кейинги икки куни менинг Америка ишбилармон кишилари билан учрашувларимга бой бўлади.

Сизнинг етакчи компаниянгиз раҳбарлари ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдиришмоқда. Бу "Энрон", "Тексако" "Амер-Тек" ва бир қанча бошқа компаниялар билан йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланишида рўёбга чиқмоқда.

Бугун Пентагонда жаноб Перри ҳузурида учрашув ва қабул бўлиб ўтди.

"Тинчлик йўлидаги шериклик" дастури ва икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек, конверсия дастури доирасида ҳамкорлигимиз ҳақида самарали фикр алмашув ва муҳокама бўлиб ўтди.

Бизнинг делегациямиз Арлингтон қабристонини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлди.

Шуни айтмоқчиманки, Америкада ана шу қабристонга дафн этилганларнинг хотирасига нақадар катта ҳурмат билан қаралиши мени лол қолдирди. Бу эса америкаликларнинг анъаналарига, Америка миллатининг анъаналарига юксак ҳурмат туйғусини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ушбу қисқа нутқимни тугаллар эканман, халқларимиз фаровонлиги йўлидаги Ўзбекистон-Америка ҳамкорлигининг яхши истиқболга эгаллигига қатъий ишонч билдирмоқчиман.

Энди саволларингизга жавоб беришга тайёрман.

1996 йил 26 июнь,
Вашингтон

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҶИДА
ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИАТЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам Раис Р. Кэмбри жаноблари!
Конференциянинг хурматли қатнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Мен Америка тадбиркорларини Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ мажмуи салоҳияти билан биринчи бор таништириш имкони яратилган ушбу конференция ишида зўр мамнуният билан қатнашмоқдаман.

Аминмизки, бугун биз иштирок этаётган таништирув маросими Ўзбекистон учун, энг аввало, биз ўз имкониятларимизни йирик Америка бизнеси саркорлари олдида очаётганимиз сабабли Ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, туб ўзгаришлар йўлига кирди.

Биз ўз олдимизга қийин, лекин амалга оширилиши аниқ бўлган вазифани - ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтилган, ўзимизнинг Ғоят улкан табиий, маъдан-хом ашё ва иқтисодий имкониятларимиздан тўла-тўқис ва самарали фойдаланишни таъминловчи демократик давлат барпо этиш вазифасини қўйдик. Биз шундай иқтисодиётни барпо этишимиз керакки, у Ўзбекистон диёрида яшовчи ҳар бир киши учун муносиб шароитларни таъминлай олсин. Биз жаҳон тизимида кенг қўламда қўшилган иқтисодиётни вужудга келтирмоқчимиз.

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ Ўзбекистоннинг тақдири ва истиқболига боғлиқ бўлган энг муҳим устувор муаммолар орасида республиканинг энергетика ва ёнилғи мустақиллигини таъминлаш марказий ўринни эгаллаб келди.

Ғап шундаки, Ўзбекистон нефть ва газнинг Ғоят улкан ресурсларига эга бўлгани ҳолда уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғуланмаганлиги сабабли ўзининг нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган талабларини республикадан пахта толаси, рангли металллар, олтин ва бошқа стратегик материалларни етказиб бериш эвазига Россиядан 4-5 миллион тонна нефть ташиб келтириш йўли билан қоплар эди.

Газ қазиб олиш Урал ва Россиянинг ҳамда собиқ СССР нинг бошқа минтақалари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди. Шу сабабли республика учун углеводород хом ашёсининг янги манбаларини жалб қилиш нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамият ҳам касб этди.

Нефть-газ хом ашёсининг янги-янги манбаларини излаш ва жалб қилиш соҳасидаги стратегик дастурнинг ишлаб чиқилишига айна шу нарса сабаб бўлди.

Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ёнилғи-энергетика комплексини ривожлантиришга шу қадар катта эътибор берилмоқда.

Биз чет эл инвестицияларини жалб қилишга шу қадар катта эътибор бераётганлигимизни, чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилишга шу қадар катта манфаатдорлик билан қараётганлигимизни ҳам айна шу нарса билан изоҳламоқчиман. Энергетика комплекси - мустақиллигимизнинг асос пойдеворигина эмас, айна вақтда экспортнинг ва валюта олишнинг энг муҳим манбаи эканлигини ҳам унутаётганимиз йўқ.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Республика ноёб ёнилғи-энергетика ресурсларига ва қудратли энергетика базасига эга. Разведка қилинган газ захираси салкам 2 триллион кубометр, кўмир захираси 2 миллиард тоннадан ортиқдир. Бизда 160 дан ортиқ нефть кони бор.

Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз талабларимизни тўла таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини четга чиқариш имконини ҳам беради. Бугун бу - сармоя сарфлашнинг энг фойдали соҳаларидан биридир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра Ўзбекистон ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар ҳисобланади.

Бешта асосий нефть-газ минтақасини: Уст-юрт, Бухоро-Хева, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларини ажратиш мумкин. Нефть ресурслари бўйича умумий имконият 4 миллиард тоннадан ортиқ. Газ конденсати бўйича 630 миллион тонна, табиий газ бўйича салкам 5 триллион кубометрни ташкил қилади.

Нефть ва газ ресурсларининг захиралари қиймати бир триллион АҚШ долларидан ошиб кетади.

Нефтнинг 90 фоиздан кўпроғи энг арзон - фаввора усулида қазиб чиқарилмоқда.

Сизларнинг эътиборингизни бир қатор муҳим масалаларга қаратмоқчиман.

Биринчиси. Ўзбекистон нефть ва газ конлари кудуқларнинг маҳсулдорлиги, қазиб олиш таннарих бўйича қўшни минтақалардаги конлардан анча фарқ қилади.

Бу эса улардан самарали фойдаланиш ва инвесторлар учун катта даромад олишга умид боғлаш имконини беради.

Иккинчиси. Ўзбекистон бўйича нефтнинг разведка қилинган захиралари тайёрлиги даражаси фақат 32 фоизни ташкил қилади. Масалан, қўшниларимиз, Туркменистонда бу кўрсаткич 61 фоизга, Қирғизистонда 41 фоизга, Тожикистонда 60 фоизга тенг. Табиий газнинг разведка қилинган захиралари ҳақидаги ишланмалар бўйича ҳам вазият ана шундай.

Шу сабабли нефть қазиб олишни кўпайтиришни таъминловчи замонавий чет эл технологияларини жалб қилиш қўшимча 50 миллион тоннадан кўпроқ нефть қазиб олиш имконини беради.

Бунда нефтнинг ана шу захираларини қазиб олишга кетадиган қўшимча сарф-харажатлар нисбатан унча кўп бўлмайди. Чунки бу ҳолда уни қазиб олиш, тайёрлаш ва ташиш инфраструктурасини яратиш зарурати бўлмайди.

Учинчиси. Нефть-газ ресурсларимизнинг сифатига оид маълумотлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Газ таркибида этан, пропан, бутан ва полимер материалларнинг кўпгина хилларини (полиэтилен, поливинил хлорид ва ҳоказолар) олиш учун яроқли бошқа компонентлар бор. Уларни Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Бухоро-Хева нефть-газ минтақаларида жойлашган Шўртан ва Муборак гуруҳидаги конларда иқтисодий жиҳатдан бемалол амалга ошириш мумкин.

Шўртан газ-кимё мажмуида олинган пропандан республика резина-техника ва автомобиль саноати учун зарур бўлган нитрил-аксил кислотаси, нитрон толаси олиш учун тегишли технологияларни жорий этиш чоғида фойдаланилиши мумкин.

Тўртинчиси. Республикада газ транспортининг кенг шохобчали тизими вужудга келтирилган. У МДХ мамлакатлари газ қувурларининг ягона тизимига чиқадиган умумий узунлиги 12 минг км бўлган тўққизта магистрал газ қувурларини ўз ичига олади.

У бир йилда Марказий Осиё давлатлари, Россия ва Украина, Европа мамлакатларига 20 миллиард кубо-метрдан кўпроқ ҳажмда газ етказиб бериш имконини яратади.

Ўзбекистон газ транспорти тизимининг алоҳида хусусияти шундан иборатки, у Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, минтақа учунгина эмас, балки МДХ мамлакатларининг Европа қисми ва Кавказорти учун ҳам давлатлараро аҳамиятга эга.

Ҳозир Ўзбекистоннинг давлатлараро магистрал газ қувурлари - Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой ва Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон газ қувурлари қурилишида иштирок этиши масалалари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши республика нефть-газ тармоғининг экспорт имкониятини 8 баравардан зиёдроқ кўпайтириш имконини беради.

Бешинчиси. Республика қудратли энергетика базасига эга. Ўзбекистон энергетика тизими Марказий Осиё Бирлашган энерготизимининг таркибий қисмидир.

Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашганлиги учун унга Марказий Осиё Бирлашган энерготизимидаги барча электр станциялар қувватининг 50 фоизи тўғри келади.

Ўзбекистон энергия тизимининг асосий йирик иссиқлик электр станциялари Сирдарё, Тошкент, Янги Ангрен, Навоий ГРЭСларидир. Уларда ҳар бирининг қуввати 150 дан 300 меговаттгача бўлган 30 дан ортиқ замонавий энергоблоклар ўрнатилган.

Биз ҳозир республиканинг электр қувватига бўлган талабини тўла қондирибгина қолмай, уни қўшни МДХ давлатларига ва Афғонистонга экспорт қилмоқдамиз.

Электр станцияларининг мавжуд қувватлари яқин келажакда янги қувватлар қурмаган ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча инвестиция лойиҳаларини таъминлаш имконини беради.

Айни вақтда 2000 йилгача бўлган даврда Янги Ангрен ГРЭСи ва Муборак ТЭЦ қурилишини тугаллаш, шунинг-дек, Толлимаржон ГРЭСидаги дастлабки энергоблокни фойдаланишга топшириш кўзда тутилади.

Хонимлар ва жаноблар!

Республика энергетикасининг ўзига етарли бўлишини ва нефть-газ тармоғининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш мақсадида биз чет эл инвесторлари иштирокида бир қатор устувор лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Бу лойиҳаларни амалга оширишда Америка фирмалари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Улардан энг йирикларинигина айтиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу - Кўкдумалоқ қонида компрессор станциясини биргаликда қуриш лойиҳасидир. Уни амалга оширишда Америка ва Япония фирмаларининг "Келлог-Нишо Иваи" консорциуми қатнашмоқда.

Лойиҳа қиймати 163 миллион АҚШ долларига тенг. Уни Япониянинг "Эксимбанк"и, шунингдек АҚШ "Эксимбанк" ининг Суғуртаси билан "Жей Пи Морган" банки амалга оширмоқда. Шунини айтиш керакки, ушбу банкларнинг нефть-газ лойиҳалари учун маблағ ажратиши бизнинг дастлабки ва катта ютуғимиздир.

Бу лойиҳа конденсат ажратиш олишни кескин кўпайтириш имконини берадиган замонавий технологияни татбиқ этишни кўзда тутди. Конденсат ажратиш олиш коэффициентини 30 фоиздан 70 фоизга етади. Натижада йилига қўшимча 2,5 миллион тонна конденсат олиш имконияти туғилади.

Иккинчидан, 1995 йил май ойидан бошлаб "Текнип" (Франция) ва "Марубени - Джей Джиси" (Япония) консорциуми билан биргаликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини тахт қилиб қуриб битказиш ишлари олиб борилмоқда.

У сифати жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган 660 минг тонна бензин, 1,3 миллион тонна дизель ёнилғиси, 300 минг тонна авиация керосини ишлаб чиқаришга қодир бўлади.

Лойиҳа технология қисмининг қиймати 262 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Бу қийматнинг қирқ фоизини Ўзбекистон улуши ташкил қилади. Завод қурилишини 1997 йилда тугаллаш кўзда тутилмоқда.

Учинчидан, Марказий Осиёдаги энг йирик Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Япониянинг "Мицуи" фирмаси кўмагида таъмирланмоқда. Натижада маҳаллий нефт-дан ишлаб чиқариладиган мотор ёнилғисининг сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилади. Заводни тахт қилиб ишга тушириш 1997 йилга мўлжалланган.

Тўртинчидан, ҳозирги вақтда Ғоят мароқли ва истикболли лойиҳа - полиэтилен ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши кўзда тутилмоқда.

Бунда Американинг "АББ Луммус Глобал" фирмаси бош пудратчи бўлади. Лойиҳанинг қиймати 600 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш ва молия билан таъминлашни ташкил этиш учун Япониянинг "Мицуи" ва "Нишо Иваи" фирмалари иштирокида консорциум ташкил этилди.

Бу лойиҳа амалга оширилиши натижасида турли маркадаги 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва 37 минг тонна енгил конденсат олиш мўлжалланмоқда.

Бу билан биз ички бозорни полиэтилен билан таъминлабгина қолмай, уни қўшни мамлакатларга экспорт ҳам қила оламиз.

Бешинчидан, дастлабки энг йирик инвестиция лойиҳаси - "Энрон Ойл энд Газ Интернейшнл" компанияси билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган табиий газни излаш, ишлаш ва экспорт қилиш бўйича қўшма корхона қурилиши соҳасида муваффақиятли иш олиб борилаётганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Лойиҳа Бухоро вилоятидаги Қандим газ конлари гуруҳини ишлаб чиқиш ва айни вақтда Сурхондарё вилоятидаги Гаждан конини разведка қилишни кўзда тутди. Дастлабки босқичда ҳар икки томондан 180 миллиард кубометр ҳажмдаги исботланган захираларни ишлаш учун 300 миллион АҚШ доллари инвестиция қилинади. 20 йил мобайнида лойиҳага жами 1,3 миллиард АҚШ доллари сарфланиши керак. Қўшма корхонанинг пировард мақсади разведка ишларини ниҳоясига етказиш ва 0,5 триллион кубометрдан 1,0 триллион кубометргача газ қазиб олишдан иборат.

Бу залда ўтирган мутахассислар ушбу рақамлар нақадар салмоқли эканлигини баҳолай оладилар.

Бу лойиҳага Европа тикланиш ва тараққиёт банки, ОПИК, Американинг Савдо ва тараққиёт агентлиги ва бошқалар маблағ ажратиш истагини билдирдилар.

Бундан ташқари, биз америкалик шерикларимиз билан қуйидаги йўналишлар бўйича қўшма корхоналар барпо этиш соҳасида ҳамжиҳатлик билан иш олиб бораёلمиз:

- "Тексако" фирмаси билан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг бирламчи мойи асосида юқори сифатли мой ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона барпо этиш. Биринчи босқичда йилига жами 13,5 минг тонна 7 хилдаги мотор ва трансмиссия мойлари ишлаб чиқариш кўзда тутилади. Лойиҳа харажатларининг ўрни 3 йилдан кейин тўла қопланади деб мўлжалланмоқда;

- "Американ Инжиниринг Инкорпорейтед" фирмаси билан биргаликда республика автотранспортини автомобиль ёнилғиси сифатида суюлтирилган газдан фойдаланишга ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Бу лойиҳанинг амалга оширилиши бензин сарфини анча қисқартириш, арзонроқ ёнилғини жорий этиш ҳисобига автотранспортдан фойдаланиш қийматини арзонлаштириш ва экологияга салбий таъсирни камайтириш имконини беради. Лойиҳада 5 йил мобайнида 160 минг дона автотранспортни қайта ускуналаш кўзда тутилган.

Айни чоқда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари бизнинг имкониятларимизга ҳали унча мувофиқ эмас.

Мен мазкур лойиҳалар соҳасида олиб борилаётган ишларни ҳамкорликнинг дастлабки босқичи, ҳамкорлигимизнинг дастлабки даври деб биламан. Аминманки, булардан кейин, мазкур конференция жараёнидаёқ янги таклифлар тушади.

Сизни қатъият билан ишонтириб айтаманки, таклифларингиздан биронтаси эътиборсиз қолмайди. Дадилроқ азму қарор қилинг ва ўз бизнесингизни бошлаб юборинг.

Ўзбекистонда бунинг учун барча зарур шароитлар яратилган, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кучли кафолатлари белгиланган ва улар учун солиқ солиш, хом ашё ва материалларни, технологияларни, тайёр маҳсулот экспорт-импорт қилиш юзасидан имтиёзларнинг кенг кўламли тизими кўзда тутилган.

Эътиборингиз учун раҳмат.

1996 йил 27 июнь, Хьюстон
шаҳри, Техас штати

"ЭНРОН ГРУП ОФ ЭНЕРЖИ
КОМПАНИЕС" РАИСИ ЖАНОБ
КЕННОД ЛЕЙ
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ШАРАФИГА УЮШТИРГАН
ҚАБУЛ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Доктор Кеннод Лей!
Хонимлар ва жаноблар!

Мен сизларга Ўзбекистон, ўзбек халқи ва делегациямиз шаънига билдирган самимий туйғуларингиз ва айтган илиқ сўзларингиз учун миннатдорчилик изҳор этаман.

Ўзбекистон халқи ҳамиша Америка халқининг, Америка бизнеси вакилларининг бизнинг ўлкамизни, унинг қадимий тарихи ва маданиятини, миллий анъаналарини чуқур билишга самимий истаги ва манфаатдорлигини жуда катта мамнуният ҳисси билан қабул қилиб келмоқда. Биз ўз манфаатларини, ўз бизнесини ёш республикамизнинг тараққиёт истиқболлари билан боғлаш ниятида бўлган одамларнинг интилишларини қутлаймиз.

Ўзбекистон бутун дунё учун очикдир ва биз республика ҳақида, унинг салоҳияти, амалга оширилаётган ислохотлар йўли ҳақида бутун дунёда мумкин қадар кўпроқ одамлар хабар топишига ҳаракат қилмоқдамиз. Биз ушбу ташрифимизни, ажойиб мамлакатингизда ўтказаетган кунларимизни ана шулар билан боғлаймиз.

Америка ишбилармон доиралари вакиллари қонунчилик тизимида, иқтисодиётимизда, ижтимоий соҳада, ташқи сиёсатимизда ислохот йилларида юз берган ўзгаришлар билан Ғоят фаол ва аниқ мақсадни кўзлаб қизи-қаётганликларидан жуда мамнунмиз.

Биз сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ҳаётнинг барча соҳаларида ва, энг аввало, иқтисодиётда ўз янгилашиш ва туб ўзгаришлар йўлимизни танлаб олдик. Бу йўл Ўзбекистоннинг минтақавий ва миллий хусусиятларини тўла-тўқис ҳисобга олишга, жаҳондаги илғор тажрибадан кенг фойдаланишга таянади. Бу ҳол бизга қисқа вақт мобайнида - бор-йўғи беш йил ичида муҳим натижаларни қўлга киритиш имконини берди.

Биринчидан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг фаол иштирокчисига айланди. 1995 йилнинг ўзидагина ташқи савдо оборотининг ҳажми 1,5 баравар ўсиб, 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу йил биз унинг барқарор ўсишини кутмоқдамиз.

Иккинчидан, республикада мулкчиликнинг хилма-хил шаклларида асосланган бозор иқтисодий муносабатлари реал шаклланиб бормоқда.

Хусусий мулк, фуқароларнинг иқтисодий эркинликлари қонун билан, республика Конституцияси билан ишонч-ли тарзда ҳимояланган. Ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётнинг нодавлат сектори ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоиздан ортиқроғи, саноат ишлаб чиқаришининг 50 фоизи, бутун кишлоқ хўжалик маҳсулотининг 97 фоизи, ички товар оборотининг 98 фоизи тўғри келмоқда. Нодавлат секторида барча ишловчиларнинг 64 фоизи банддир.

Учинчидан, республикада бозор инфраструктураси фаол шаклланиб бормоқда. 30 дан ортиқ тижорат банки, 60 га яқин Суғурта компанияси иш олиб бормоқда. Марказий Осиёда энг йирик Биржа маркази ташкил этилди. Фонд биржаси, миллий депозитарий, кўчмас мулк биржаси, товар-хом ашё биржалари, консалтинг, аудиторлик фирмалари ва компаниялари тармоғи ишлаб турибди. Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда халқаро лизинг компанияси ташкил этилди.

Тўртинчидан, муомалага киритилган миллий валюта - "сўм" барқарор бўлиб қолди. Жорий операциялар бўйича унинг қаттиқ валютага айирбошланиши таъминланмоқда. Биргина 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1,5 миллиард АҚШ

доллари айирбошланди. Бу йил тахминан 2,5 миллиард АҚШ долларини айирбошлаш мўлжалланмоқда.

Бешинчидан, республикада макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Инфляция даражаси кескин қисқартирилди. Бюджетнинг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмайди.

Ушбу омиллар ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик билан, вужудга келтирилган, халқаро нормалар ва қоидаларга жавоб берадиган ҳуқуқий база билан уйқунликда Ўзбекистон ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги даврига қадам қўйди деб ҳисоблашга асос беради.

Ҳозирги босқичда биз иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ясашга катта аҳамият бермоқдамиз. Иқтисодиётнинг базавий тармоқларини - нефть ва газ саноатини, энергетикани, рангли металлургияни, шунингдек, кўп илм талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотини ва минерал хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналарни жадал ривожлантириш устун йўналишлардир.

Шуни катта мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз учун стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ана шу вазифани ҳал қилишда Америка корпорациялари ва банклари ҳам иштирок этмоқда.

Назаримда, бугун биз қизиқарли суҳбатлар ўтказган ва бош ижро этувчи директори мезбонимиз бўлган "Энрон" корпорацияси билан Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланган "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси ўртасидаги муносабатлар истиқболлидир.

Конференцияда сиз Ўзбекистон нефть ва газ соҳасида қандай салоҳиятга эга эканлиги ҳақида тўла-тўқис ахборот олиш имконига эга бўлдингиз. Равшанки, бугун ҳам, келажакда ҳам ушбу тармоқ Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам биз "Энрон" дек жаҳонга машхур корпорация билан мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқалар ўрнатишга катта аҳамият бермоқдамиз. Унинг салоҳияти, имкониятлари, ишни ташкил этиш даражаси бизга яхши маълум.

Ўзбекистоннинг табиий газ конларини қидириб топиш, газ қазиб чиқариш, уни экспорт қилиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш борасида эришилган шартлашувлар, ушбу лойиҳани жадал амалга ошириш замонавий технологияларга йўл очибгина қолмасдан, шу билан бирга дўстона муносабатларимизни янада каттиқроқ боғлайдиган мустаҳкам бўғин бўлади.

Америкалик ва ўзбекистонлик энергиячилар ўртасида муносабатлар ўрнатишда ва уларни тобора раванқ топтиришда доктор Кеннод Лейнинг хизматлари жуда каттадир. Мен унга катта миннатдорчилик билдираман.

Мен ушбу қадахни Сиз учун, жаноб Лей, оилангизнинг фаровонлиги учун, Сиз раҳбарлик қилаётган компаниянинг муваффақияти ва гуллаб-яшнаши учун кўтараман.

Мен нефтчилар, газчилар, энергетиклар, ўз меҳнати билан мамлакатларимизнинг салоҳиятини ошираётган барча кишилар учун қадах кўтараман, мен Америка ва Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши учун қадах кўтараман.

1996 йил 27 июнь,
Хьюстон шаҳри, Техас штати

ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛИ
ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ
ВА ҚАЙТА ИШЛАШ СОҲАСИДАГИ
ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИАТЛАРИ
БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛГАН КОНФЕРЕНЦИЯДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Муҳтарам Раис жаноблари!
Конференциянинг муҳтарам қатнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Мен, аввало, ушбу конференция ташкилотчиларига миннатдорчилик туйғуларини изҳор этмоқчиман.

Ўзбекистон тарихида илк бор бу ерда, Америкада, ниҳоятда улкан, кўп қиррали салоҳиятга эга бўлган мамлакатда Сизни, хурматли ишбилармон ва мутахассислар, ўлкамизнинг имкониятлари ва бойликлари билан таништириш имкони туғилди.

Мен бу ерда, Ўзбекистон билан бир хил кенгликда, лекин Ер шарининг иккинчи ярмида жойлашган Колорадо штатининг Денвер шаҳрида нутқ сўзлаш имконига эга бўлганимдан Ғоятда мамнунман. Бу ўлка олтин, уран, рангли металллар қазиб олиш соҳасида бой тарихга эга.

Бугун биз илк бор ўзимиз, бошқа мамлакатлар воситасисиз ҳақиқатан ҳам гўзал ва ноёб бўлган диёримиз бойликларини тақдим эта оламиз. Бу ҳол Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгани шарофати билангина рўй берди. Биз бу йил мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонлаймиз. Неча ўн йиллар мобайнида мамлакатимиз ер ости бойликларининг ҳаммаси - олтин, газ, нефть, пахта Совет Иттифоқининг бойлиги сифатида тақдим этилар эди. Ўзбекистон ўз ресурсларидан ўз манфаатлари, ўз халқи манфаатлари йўлида фойдалана олмас эди.

Ўзбекистон демократик ривожланиш ва янгиланиш йўлидан, ҳуқуқий жамият куриш йўлидан ишонч билан бораётган бугунги кунда жаҳон ҳамжамятида интеграцияга интилишимиз, ташқи дунёга эшикларимизнинг очиклиги ана шу ресурслардан фойдаланиш учун ажойиб имконият яратмоқда.

Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўлини, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўз моделини танлаб олди ва муваффақиятли амалга ошираётир.

Қисқа муддат ичида республикада макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Пулнинг кадрсизланиши, давлат бюджетининг дефицити сингари муаммолар тубдан ҳал этилди.

Корхоналарни акциялаш жараёни фаол давом этмоқда, бу жараёнда хорижий инвесторлар ҳам иштирок этмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартиришни ва иқтисодий ўсишни таъминлашни амалга оширишдан иборат стратегик вазифани олға суриш имконини берадиган иқтисодий шарт-шароитлар яратилди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, Марказий Осиё минтақасида вужудга келган жуКрофий-сиёсий аҳволнинг мураккаблигига қарамай, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётган мамлакатдир. Биз чет эл сармоядорларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини иқтисодий ва молиявий хавф-хатардангина эмас, сиёсий хавф-хатардан ҳам ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаяпмиз.

Бу омилларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни жаҳон сармояси, хорижий тадбиркорлар манфаатдорлик билан қараётган мамлакатлар қаторига олиб чиқди. Биз бу интилишларга бажонидил, очикқўнгиллик билан жавоб бераётирмиз. Бизда чет эл сармоядорларига таклиф қилишга арзигулик нарсалар кўп.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ҳозирги кунда маъдан хом ашёсининг юзга яқин турини ўз ичига оладиган (буларнинг 60 тасидан

ортиғидан хозирдаёқ халқ хўжалигида фойдаланилаётир) 2700 дан кўпроқ кон ва истикболли маъдан манбалари аниқланди.

900 дан ортиқ кон разведка қилинган бўлиб, уларда тасдиқланган захиралар қиймати 970 млрд АҚШ долларига тенг. Умумий маъдан хом ашё имкониятининг қиймати 3,3 триллион АҚШ долларидан ошиб кетади.

Ҳар йили республика конлари қаъридан 5,5 миллиард долларлик фойдали қазилмалар олинмоқда ва бунинг ёнига янги захиралардан қўшилиб 6,0-7,0 млрд долларлик миқдорга етказилмоқда.

Олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолин (гилмоя) сингари бир қатор муҳим фойдали қазилмалар соҳасида Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истикболли маъдан конлари бўйича МДХ мамлакатларидагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринни эгаллайди.

Масалан, республика олтин захиралари бўйича дунёда 4-ўринда, уни қазиб олиш даражаси бўйича эса 7-ўринда бормоқда. Мис захиралари бўйича 10-11-ўринни, уран захиралари бўйича 7-8-ўринни эгаллаб турибди.

Маъдан хом ашёсининг тайёрланган захиралари аксарияти ишлаб турган кон комплексларининг узоқ истикболлини таъминлабгина қолмай, бир қатор стратегик фойдали ер ости бойликларини қазиб олиш қувватини ошириш имконини ҳам беради.

Мен фойдали қазилмаларнинг барча конларига баҳо бериб ўтирмайман. Бу мутахассисларнинг иши. Сизлар ахборот ва таклифлар билан бафуржа фикр алмашиш имкониятига эга бўласизлар.

Мен республика истикболи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган, АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашнинг негизи бўлиб хизмат қила оладиганлари устидагина тўхталиб ўтаман.

Биринчи. Ўзбекистон дунёда олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ва нодир металлларнинг жуда катта ресурсларига эга бўлган мамлакатлар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда баланс захираси 5,3 минг тонна олтинга эга бўлган қимматбаҳо металлларнинг 40 та кони разведка қилинган. Улардан фақат 12 та кондангина амалда фойдаланилаётир.

Евроосиё минтақасида маъдан таркибидаги олтин улуши юксаклиги билан машҳур бўлган энг йирик Мурунгов кони жаҳон гигантлари сирасига киради. Мурунгов конининг аниқланишини халқаро геология жамоатчилиги олтин соҳасида йигирманчи аср иккинчи ярмининг энг буюк кашфиёти деб тан олди.

Мурунгов карьерининг имконияти 5,5 минг тоннадан кўпроқ олтиндан иборат деб баҳоланмоқда.

Мурунговдаги аффинаж ишлаб чиқаришида олтинни тозалашнинг бир қатор янгиликларини ("ноу-хау") ўз ичига олувчи замонавий технология жорий этилдики, бу ҳол Ўзбекистонга кўплаб халқаро мукофотлар келтирган Гоят аъло даражали маҳсулот хисобланган соф олтин (тўртта тўққиз) олиш имконини бераётир.

Қизилқум минтақасидаги барча олтин конларининг алоҳида хусусияти - маъдан таркибида олтиннинг кўплиги, унинг очиқ усулда қазиб олиниши ҳамда муҳандислик шохобчалари ва коммуникациялари - сув, газ, электр қуввати, темирўл ва автомобиль йўллариининг мавжудлигидир. Улар ишчи кучининг катта имкониятлари бўлган ва инфраструктураси ривожланган, иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилган районларга жойлашгандир.

Шу сабабли айни шу минтақада аллақачон чет эл сармояси иштирокида дастлабки қўшма корхоналар ташкил этилганлиги ва ишлаб турганлиги тасодифий ҳол эмас.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда йирик олтин қазиб чиқариш корхонаси қурилишига дадиллик билан киришган биринчи хорижий кон қазиб олувчи компания - "Ньюмонт Майнинг Корпорейшн" бўлди. 1992 йилда Мурунгов кони чиқитларидан минераллашган массани қайта ишловчи "Зарафшон - Ньюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди.

Йилига 13,8 миллион тонна рудани қайта ишловчи ва қиймати 225 млн доллар бўлган корхона атиги 18 ой ичида қуриб битказилди. Корхона хозирок олтиннинг дастлабки тонналарини етказиб бермоқда.

Шу йилнинг август ойида иккита йирик олтин кони - ДовҚизтов ва Омонойтов конлари базасида Британиянинг "Лонро" компанияси ва халқаро молия корпорацияси билан биргаликда янги қўшма корхона қурилиши бошланади. Бу комплекс 1998 йилда ишга туширилади деб мўлжалланмоқда.

Биз бу йил олтин қазиб чиқариш бўйича иккита: Тошкент атрофидаги туманда "Ньюмонт" ва Япониянинг "Мицури" компанияси шерикларимиз бўладиган битта ва Самарқандда Австралиянинг "Вестерн Майнинг Корпорейшен" компанияси шеригимиз бўладиган иккинчи қўшма корхона барпо этиш юзасидан музокаралар муваффақиятли тугалланади деб умид қилмоқдамиз.

Кейинги йилларда Қизилқумда янги конлар аниқланди ва ўрганилаётир.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда уран ҳам қазиб олинаётир, бунинг учун йирик маъдан-хом ашё базаси яратилган.

Ураннынг разведка қилинган захиралари 120 минг тонна бўлиб, уни қазиб олиш 50-60 йилга етади.

Қазиб олиш энг самарали ва экологик жиҳатдан ҳимоя-ланган ер остида ишқорлаш усулида амалга оширилаётир. Биз уни хорижий сармоядорлар иштирокида биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасидаги таклифларни кўриб чиқишга тайёрмиз.

Ўзбекистонда рангли металллар - мис, кўрғошин, қалай, вольфрам ва шу гуруҳдаги бошқа металлларнинг разведка қилинган катта захираларига эгамиз. Рангли металл маъданларининг захиралари асосан Тошкент вилоятининг Олмалиқ маъдан майдонида тўпланган бўлиб, бу ерда учта конда миснинг 18,5 миллион тоннадан кўпроқ захираси аниқланди.

Ўзига хос томони шундан иборатки, маъдан асосан очиқ усулда қазиб олинмоқда, бу эса кончиларнинг рентабелли ишлашини таъминлайди. Ишлаб турган карьерлар мис ва унга йўлдош металлларни 40-50 йил, қалайи ва кўрғошинни 100 йилдан кўпроқ вақт давомида ишлаб чиқаришни таъминлай олади.

Дальная мис кони разведка қилинди. Ушбу кон захиралари, қазиб олиш таннархи, фойдали қазилмалар улушининг даражаси жиҳатидан ноёб бўлиб, МДҲ мамлакатларининг бирортасида бунга ўхшаш конлар йўқ.

Ҳозир биз асосан тозаланган мисни экспорт қилмоқдамиз. Уни чет эл инвесторларини жалб қилган ҳолда чуқурроқ қайта ишлаш йўли билан хилма-хил маҳсулотлар - сирланган симлар, кабель маҳсулотлари, жез қувурлари ва бошқа рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин бўлади. Ўнлаб янги қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор нодир ва кам учрайдиган металллар - литий, рений, селен, теллур, осмий, скандий ва ҳоказоларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш учун ишончли хом ашё базасига эга.

Улардан фойдаланишнинг улкан истиқболларини ва кенг қўламларини, шунингдек, нодир ер металлари, тар-қоқ металлларнинг ноёблигини ҳисобга олиб, чет эл инвесторларини жалб қилган ҳолда бир қатор корхоналар тузиш таклиф қилинади.

Республикада 20 та мрамор кони, 15 та гранит ва габбро кони аниқланган. Ранг-баранг пардоз берувчи тошларнинг кўпгина конлари ноёб табиий бойликлар бўлиб, бутун Евроосиё зонасида энг йирик конлардир.

Республика фосфоритларга бой. Жерой-Сирдарё фосфорит конидаги аниқланган майда донатор фосфоритларнинг захираси 58 миллион тоннани ташкил қилади, истиқболни мўлжаллаб, бу захира 70 миллион тонна миқдорида белгиланган. Ҳозир йилига 5,0 млн тонна фосфорит тайёрлаш қувватига эга бўлган Қизилқум комбинати қурилиши олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тасдиқланган захираси 900 млн тонна бўлган калий тузларининг жуда катта конлари жойлашган. Калий тузлари таъминоти истиқболли баҳоларга кўра 100 йилдан ортиқроқни ташкил қилади.

Ўзбекистонда гилмоя - ўтга чидамли маъданлар, керамик кошинкорлик тахтачалари, чинни, электр изоляторлари, дренаж қувурлари, оқ ва рангли цемент, мустаҳкам Қишт ва шу сингарилар ишлаб чиқариш учун керак бўлган хом ашёнинг жуда катта захиралари бор.

Гилмоя захиралари дастлабки баҳоларга кўра 78,6 миллион тонна, иккиламчи баҳоларга кўра 1 миллиард тоннадан ортади.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Республиканинг маъдан-хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш учун Ўзбекистонда барча зарур шароитлар яратилган.

Биринчидан, Ўзбекистон қулай геостратегик мавқега эга. Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик орқали бутун Марказий Осиё минтақасида фойдали муносабатларни ўрнатиш имконияти очилади.

Иккинчидан, кейинги йилларда республиканинг энергетика мустақиллиги анча мустаҳкамланди. Республика қудратли ривожланган энергетика базасига эга. Ўз талабларини ўз энергия манбалари билан, аввало, электр қуввати, табиий газ ва нефть билан тўла таъминламоқда. Ўзбекистон кўшни мамлакатларга энергия манбалари экспорт қилувчи мамлакатдир.

Учинчидан, республикада ривожланган транспорт ва коммуникация тизими бор. Республиканинг барча узоқ туманларини боғловчи темир йўллар узунлиги 6,7 минг км ва автомобиль йўллари узунлиги 80 минг км дан ортиқдир.

"Моторолла", "Сименс", "Алкатель" сингари етакчи хорижий компаниялар иштирокида телекоммуникация шохобчалари таъмирланмоқда, замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари вужудга келтирилмоқда.

Тўртинчидан, республика қудратли меҳнат имкониятларига эга. Аҳолининг ўртача ёши 24 ёш бўлиб, бу XXI аср арафасида шундай меҳнат ресурслари таркибига эга бўлиш имконини берадики, унда аксарият улушни меҳнат фаоллиги юқори бўлган ва ўз касбининг устаси бўлган одамлар ташкил қилади.

Меҳнат имкониятининг ўзига хос жиҳати - иш ҳақи даражаси нисбатан кам бўлгани ҳолда маълумот ва касб даражасининг юксак эканлигидир.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ҳар тўрт кишидан бири олий ёки ўрта махсус маълумотга эга.

Бешинчидан, республикада халқаро меъёрларга жавоб берадиган ҳуқуқий тизим вужудга келтирилган. Чет эл инвесторлари учун кучли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар белгиланган.

Чет эл инвестициялари национализация ва реквизиция қилинмайди. Инвесторларга фаолият натижасида олган ўз фойдаларини ҳеч қандай чекловларсиз чет элга ўтказиш кафолати берилади. Хорижий инвесторлар иншоотларга, шунингдек ер участкалари билан уй-жой биноларига мулкчилик ҳуқуқини олишлари ҳамда ер ва табиий ресурсларга эга бўлишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин. Давлат мулкни хусусийлаштириш, шу жумладан, кўчмас мулкни сотиш жараёнига эркин киришиш кафолатланади.

Кўшма корхоналар беш йил мобайнида фойда солиғидан озод қилинади.

Кўшма корхоналар маблағни қайта сарфлаш ва инвестицияни амалга ошириш, қарзларни узиш учун сарфлаган маблағлардан ҳам солиқ олинмайди.

Чет эл инвестицияларининг сиёсий ва Қайритижорат хавфларидан Суғурта ҳимояси таъминланади.

Инвесторлар ўз эҳтиёжлари учун, кўшма корхонанинг устав жамғармасига ҳисса қўшиш учун олиб келадиган мол-мулклари, шунингдек, республика иқтисодиётига бевосита киритиладиган инвестициялар бўйича божхона пош-линаларидан озод қилинганлар.

Хонимлар ва жаноблар!

Ҳозир Ўзбекистон бозорида 70 дан ортиқ мамлакат компаниялари ва банкларининг вакиллари иш олиб бормоқдалар. 2000 га яқин қўшма корхона, шу жумладан АҚШ билан шерикчиликда барпо этилган 200 га яқин корхона ишлаб турибди.

Бу кўпми ёки озми? Жуда оз, албатта. Фақат сизнинг штатингизнинг бир ўзи бизда бундан 10 баравар кўп корхона барпо этиши мумкин эди. Бизга, Ўзбекистонга келганда, Сиз, АҚШ учун тамомила бақримиз очик. Бу ерда маъдан-хом ашё ресурслари, олтин ва қимматбаҳо металллар бўйича тақдимот ўтказилаётганлигининг ўзи, бугун бу ерда илгари Америка тадбиркорлари учун тамомила ёпиқ бўлган махфий материалларнинг очик баён этилганлигининг ўзи (биз дунёдаги биронта мамлакатга нисбатан ҳали бундай қилганимиз йўқ) сизларга тўла ишонч билан қараётганимиздан, сизлар билан ишлаш, тадбиркорлик қилишингиз мақсадида барча шароитларни яратиш истагимиздан далолат беради. Барча қафолатларни берамиз. Бизнинг қафолатларимиз - бизнинг қонунларимиздир. Бизнинг қафолатларимиз - биз ўз зиммамизга олаётган мажбуриятлардир, биз эса ҳозиргача ҳеч кимга панд берганимиз йўқ, бизнинг муддати ўтган бирор доллар қарзимиз йўқ. Бизнинг қафолатларимиз сизлар билан ҳамкорлик қилиш истаги, стратегик, истиқболли муносабатларга эга бўлиш истагидир. Бизнинг қафолатларимиз - сизларнинг ҳузурингизда мен ўз зиммамга олаётган мажбуриятлардир.

Азиз дўстлар!

Бир нутқда сизни қизиқтирадиган масалаларнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олиш қийин. Бир неча бор эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган мақол бор.

Мен сизларни Ўзбекистонимизга таклиф қиламан. Ўзбекистоннинг афзалликлари ва жозибасини ўз кўзингиз билан кўриб ишонч ҳосил қиласиз. Ўйлайманки, ўз касбий билимларингиз ва сармоянгни сарфлаш учун ўзингизни қизиқтирадиган соҳаларни топасиз. Ўзбекистон тадбиркорлари сизларнинг истиқболли ва ишончли шерикларингиз бўлишади, деб умид қиламан.

Эътиборингиз учун раҳмат!

1996 йил 28 июнь,
Денвер шаҳри,
Колорадо штати

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ
БИЛАН УЧРАШУВДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Азиз спортчилар, кадрдон ўқлонларим ва қизларим!
Хурматли мураббийлар!

Сизлар - халқимизнинг фахри ифтихори бўлган спортчилар билан улкан сафарингиз олдидан учрашмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Чунки, эл-юртимиз шаъни, Ватан обрўи яна бир бор синовдан ўтадиган пайтда бутун мамлакатимиз аҳли сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг кадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир. Чунки сизнинг қиёфангизда бутун миллат ва мамлакат Ғурури, келажаги, унинг буюк истиқболини кўрамыз.

Мен бугун сизлар билан нафақат Президент сифатида, балки муқаддас анъаналарга, бой тарихга, беқиёс маънавий қудратга эга бўлган халқимизнинг мўътабар Ўзбекистон заминидан яшаётган ва ҳаётнинг машаққатли синовларини кўрган катта авлод вакили сифатида учрашяпман. Бугун халқимизнинг эътибори ҳақли равишда сиз азиз фарзандларимизга қаратилган.

Мен ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиман.

Сизларнинг Атлантага сафарингиз, олимпия ўйинларида иштирок этишингиз ўзи кифоя. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ўзбекистонлик учун катта фахр ва ифтихордир. Нега деганда, Сизлар биринчи марта бундай йирик халқаро спорт беллашувларида, ёш, мустақил, кучга кираётган Ўзбекистон давлати номидан иштирок этияпсизлар. Жаҳоннинг энг кучли, ман-ман деган спортчилари билан майдонга тушяпсизлар.

Шунинг учун ҳам сизлардан биринчи ва асосий илтимосим: қандай гўзал ва бетакрор Ватан, қандай мард ва танги халқ, эл-юрт номидан беллашув майдонига чиқаётганингизни ҳеч қачон, ҳар қандай пайтда унутмасангиз бўлди.

Иккинчидан, сиз кадрли ўқил-қизларимизга айтадиган гапим шуки, биз ҳаммамиз бутун эл-юртимиз, каттаю кичик, кексаю ёш катта ҳаяжон, катта орзу-умид билан доим ортингизда бўламыз.

Беллашаётган вақтингизда, энг оғир, энг мураккаб чоқда, сизга куч ва ирода бағишлаб, мардлик ва шижоатга чорловчи муқаддас заминимиз, не-не полвонлару, афсонавий паҳлавонлар юрти-файзи ва улуғ боболаримиз пок руҳи мадад беражак, иншооллоҳ. Зотан, она халқ меҳр-муҳаббатидек қудратли куч, илоҳий қудрат оламда йўқ!

Яна бир нарсани алоҳида айтмасам, кўпчилик ишончини, юрагимизнинг туб-тубидан жой олган орзу-умидимизни билдирмасам бўлмайди, албатта: агар АҚШ заминидан бирон бир марта Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилса, узоқ Америкада Ўзбекистон мадҳияси янграса, билиб қўйинг: бутун халқимиз сиз билан бирга Қалаба нашидасини суради. Бутун аждодларимиз руҳи ҳам сиздан шод бўлажак!

Сизларга улкан сафар олдидан бутун халқимиз номидан оқ йўл тилар эканман, сафарингиз беҳатар бўлсин, елкангиз ер кўрмасин, улуғ Ватанимиз ва буюк халқимиз бахтига соқ-саломат бўлинглар, дейман.

Эл-юртингизга, ота-она бақрига соқ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизга тилакдошман.

1996 йил 4 июль

ТОШКЕНТДАГИ ЧЕТ ЭЛ
ДИПЛОМАТЛАРИ ВА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН
УЮШТИРИЛГАН БРИФИНГДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Дипломатик миссияларнинг хурматли бошлиқлари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хонимлар ва жаноблар.

Сизлар билан яна учрашиб турганим ҳамда барчангизни соқ-саломат кўраётганимдан беҳад хурсандман.

1. Россиядаги сайлов натижаларига доир

Энг аввало, Россияда бўлиб ўтган сайлов натижаларидан мамнун эканимни ҳамда бу натижаларни қўллаб-қувватлашимни изҳор этишни истар эдим.

Бизнинг бу сайловга оид тахминларимиз тўғри чиққанидан хурсандман. Энг муҳими - Россияда бўлиб ўтган сайлов, Б. Ельциннинг 2-муддатга сайлангани Россиянинг демократик ислохотлар ва янгиланишлар томон тутган йўли тўғри эканини исботлади, Россиянинг бозор ислохотлари йўлидан бораверажагини яна бир бор тасдиқлади.

Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, Россиядаги сайловчиларнинг кўпчилиги эски тузумга, қотиб қолган коммунистик догма ва меъёрларга, маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар, мафқуралаштирилган тизимга қайтишни истамади.

Биз бу ҳодисада Россия халқининг иродасини, Россиянинг СССРнинг барча собик республикалари - бугунги кунда мустақил ва суверен давлатлар билан дўстлик ва тенгликда яшаш, улар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда муносабат ўрнатиш истагини кўраимиз.

Айни пайтда биз бу ҳодисада ССР Иттифоқини қай шаклда бўлмасин тиклашга бўлган ҳар қандай уринишларнинг ҳам барбод бўлганини, янги суверен давлатларга ихтиёрий-мажбурий тарзда эски тизим, эски иттифоққа қайтишга мажбур қилишдан бош тортишни ҳам кўришни истар эдик.

Борис Николаевич Ельцинни улкан Қалаба билан табриклаш, унга сихат-саломатлик ҳамда Россия Федерацияси Президентидек масъулиятли вазифадаги ишида муваффақиятлар тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

2. Италия ва АҚШга ташрифлар

Сўнгги учрашувимиздан буён ўтган уч ой мобайнида республикаимиз ҳаётида муҳим воқеалар шу қадар кўп бўлдики, мен тартибдан биров чекинган ҳолда уларнинг айримларига тўхталиб, улар орасидан халқаро-сиёсий фаолиятимиздаги асосий воқеаларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Бизнинг жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириш борасидаги стратегик йўлимизни фаол равишда давом эттириш ҳамон Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Эсингизда бўлса, мен апрель ойидаги учрашувимизда Европа Иттифоқи билан муносабатларимизнинг ривожланиб бораётганидан жуда мамнун эканимни изҳор этган эдим.

Йил бошида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида Ўзбекистон билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш бўйича музокаралар олиб боришга қарор қилган эди. Март ойида Брюсселда бу музокараларнинг биринчи босқичи муваффақият билан ўтди. Европа Иттифоқи комиссиясининг раиси Ханс ван ден Брукнинг Ўзбекистонга самарали ташрифи ҳам юз берди.

21 июнь куни Флоренцияда, Европа Иттифоқида аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим тантанали вазиятда имзоланди.

Маросимнинг ўзига келсак, илгари бундай битимни имзолаган янги Мустақил давлатлар орасида фақат Россиягина ана шундай шарафга муяссар бўлган эди.

Бу битим муносабатларимизнинг мустаҳкам ташкилий пойдеворини қўйибгина қолмай, уларни бутунлай янги даражага кўтарди ҳам.

Бу битим мамлакатимиз эга бўлган салоҳиятдан янада тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги мазкур битим кенг савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда, зарур бўлган тақдирда, олий даражада сиёсий маслаҳатлар ўтказишни ҳам назарда тутди.

Имзоланган битим икки томоннинг фаол шериклик асосини ташкил этишга бўлган интилишидан далолат бўлибгина қолмайди. У Ўзбекистонда демократик жамият муваффақият билан қурилаётганини, халқларимиз инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятларга содиқ эканини ҳам яққол кўрсатиб турибди. Назаримда, бу ҳужжат қачондир айтилган "Ғарб Ғарблигича, Шарқ шарқлигича қолаверади, ҳеч қачон уларнинг қони қўшилмайди", деган гапни ҳам чиппақка чиқаради. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтган йилларда амалга оширилган барча ишлар, Ғарб мамлакатлари билан кундан-кун мустаҳкамланиб бораётган муносабатлар бунинг аксини кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, Европа давлатларининг Тошкентда фаолият кўрсатаётган элчиларига самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Улар дастлабки пайтданок Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашга бўлган ҳаракатимизда бизга ҳар томонлама ёрдам ва кўмак бердилар.

- Италия Республикасининг элчиси Иоланта Брунетти Гоэц хонимга,

- Буюк Британиянинг элчиси Барбара Хэй хонимга,

- Франция Республикасининг элчиси жаноб Жан-Клод Ришарга,

- ГФРнинг элчиси жаноб Райнхардт Биндзайлга ҳамда бошқа дўстларимизга Ўзбекистоннинг Европа билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшаётган улкан ҳиссалари учун алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташриф буюриши ҳам бизнинг жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириб борганимиздан далолатдир.

Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлган бу ташриф натижаларини жуда муваффақиятли ва самарали деб ҳисоблайман.

АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашувимиз ташрифга алоҳида аҳамият ва салмоқ бахш этди.

Жаноб Клинтон билан музокаралар чоғида биз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга доир кўпгина масалалар юзасидан фикр алмашдик. Минтақавий ва оламшумул хавфсизлик муаммоларини ҳам батафсил муҳокама қилдик.

Президент Клинтон АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг мустақиллиги, улардаги барқарорлик ва уларнинг раванкидан жуда манфаатдор эканини таъкидлади. У АҚШ Ўзбекистоннинг Ғарб билан мустаҳкам алоқа ўрнатишида, қўшни мамлакатлар билан амалий муносабатларни йўлга қўйишида ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ёрдам бериш учун жиддий куч сарф қилади, деб таъкидлади.

Америка Қўшма Штатлари Президенти музокаралар чоғида Америка маъмурияти учун Ўзбекистон Республикаси билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш жуда муҳимлигини очиқ баён қилди.

АҚШнинг Ўзбекистон билан жуда кўп масалаларда мустаҳкам алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилиши, жаҳондаги етакчи давлат раҳбариятининг

мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлаштирувчилик ўрнини очик англаши менда чуқур мамнуният уйғотади.

Биз АҚШ раҳбариятининг манфаатларимиз Марказий Осиёдагина мос бўлиб қолмайди, деган фикрига қўшилаемиз. Кейинги йилларда АҚШнинг барча ташаббуси Ўзбекистон томонидан маъқуллангани бунинг далолатидир.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши ва истикболининг ўзи уларга стратегик аҳамият бахш этади. Бугун шуни айтиш лозимки, биз Ўзбекистон аҳли АҚШдек буюк давлат билан яхши муносабатларни юксак даражада кадрлаймиз ҳамда бу муносабатларни асраб-авайлаймиз.

Биз давлат департаментида Ўзбекистон делегацияси шарафига уюштирилган қабул маросими пайтида бўлган учрашув ва музокараларга катта эътибор билан қараймиз.

Давлат котибининг биринчи ўринбосари жаноб Тэлботнинг Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг яхши ривожланиб бораётгани, бу муносабатларни ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий масалаларда ҳам янада чуқурлаштириш зарурлиги ҳамда АҚШнинг Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барқарорлаштирувчилик ўрнини, бизнинг Афғонистонда урушни тўхтатиш ва Тожикистондаги таранг вазиятга барҳам беришни назарда тутган ҳолда минтақада тинчликни сақлаш ва қарама-қаршиликни тўхтатиш борасидаги ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаши ҳақидаги фикрларини мамнуният билан қайд этаман.

АҚШ Мудофаа вазирлигида Ўзбекистон делегацияси шарафига уюштирилган қабул маросими, унчалик кўп делегацияга кўрсатилмайдиган иззат-ҳурмат ва тантана менда ҳам, делегациямизнинг барча аъзоларида ҳам чуқур таассурот қолдирди.

Биз Арлингтон қабристонини зиёрат қилиш, номаълум аскар ҳамда Қўшма Штатлар шарафи ва мустақиллиги учун жонини қурбон қилган барча кишиларнинг руҳини ёд этиш шарафига муяссар бўлдик.

Бу қабристондаги вазият ва маросимнинг ўзи жуда улкан эҳтиромга лойиқ бўлиб, ҳалок бўлганлар хотирасига жуда юксак эътибор ва Қамхўрликдан далолат эканини алоҳида қайд этишни истар эдим.

АҚШ мудофаа вазири жаноб Перри билан музокараларимиз ҳам жуда самарали бўлиб, бизда икки томонлама ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига ишонч уйғотади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга қурол олиб кирилишини тақиқлаш масаласидаги ташаббусига алоҳида тўхташни истар эдим.

Бу муаммо нима учун бу қадар долзарб?

Мана, 17 йилдан буён Афғонистонда уруш бўляпти. Агарда қарама-қарши томонларни ҳеч ким қўллаб-қувватламаганида ва қурол етказиб бермаганида, ўз вақтида СССР ва бошқа мамлакатлардан келтирилган қурол-яроғ ресурси аллақачон тугаган бўларди. Бироқ, кўриб турибмизки, ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда. Бу ҳаракатлар давомида энг замонавий қурол-яроғ ишлатилмоқда.

Қонуний ҳамда алоҳида эътибор талаб қиладиган савол туғилади: бу қурол-яроғ қаёқдан келмоқда?

Биз шунга аминмизки, худди шунинг учун ҳам, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш учун зарур шарт-шароит яратиш, шунингдек, қарама-қарши томонларни музокара бошлашга мажбур қилиш учун, энг аввало, Афғонистонга қурол олиб кирилишини тўхтатишга эришиш керак.

Афсуски, бугунги кунда ҳам бу ажал қуроли кўпгина қарама-қарши томонларга кўплаб етказиб берилмоқда.

Биз ўзининг махсус резолюцияси билан тақиқлаш тўғрисидаги Ғояни қўллаб-қувватлагани учун Европа Иттифоқидан миннатдоримиз.

Биз АҚШ конгрессида бу масала муҳокама қилина бошланганидан миннатдоримиз.

Биз Афғонистонда тинчлик жараёнига қўшилиш истагини билдирган барча Европа мамлакатларидан миннатдоримиз.

Мазкур масала юзасидан Эрон ва Покистон раҳбарияти билан ўртамизда музокаралар бўлиб ўтган. Мен бу хусусда Ашгабадда жаноб Раббоний билан ҳам суҳбатлашганман.

Жаноб Раббоний фақат битта эътироз билдирганини қайд этмоқчиман. Бу эътироз мана шундан иборат: тақиқ барча қарама-қарши томонларга тенг даражада алоқадор бўлиши керак ҳамда унинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши зарур.

Аслида бугунги кунда тақиқ ўрнатилишига очиқдан-очиқ қарши чиқаётган биронта ҳам давлат йўқ. Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, бу масаланинг БМТнинг Хавфсизлик кенгашида кўрилишининг ўзиёқ, мажозий қилиб айтганда, лакмус қоғози сингари, Афғонистонда урушнинг тўхтатилиши ва тинчлик ўрнатилишини ким ҳақиқатан ҳам, ким эса сўздагина истаётганини яққол кўрсатиб беради.

АҚШ давлат департаменти Афғонистонни қурол етказиб беришнинг халқаро меъёрларига кирмайдиган давлатлар қаторига қўшганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиман. Бу қарор АҚШ Афғонистонга аталган ёки унинг ҳудудида ишлаб чиқарилган ҳарбий қурол-яроғни, улар Афғонистон ҳукуматига ёки бошқа афғон кучларига жўнатилаётганидан қатъи назар, экспорт ёки импорт қилиш бўйича ҳеч қандай рухсатнома ёки бошқа чораларни тан олмаслигини билдиради.

Давлат департаменти вакили Афғонистоннинг урушаётган фракцияларига ташқаридан қурол етказиб беришни тўхтатиш ҳамда бундан буён инсонларнинг қурбон бўлишининг олдини олиш мақсадида, бошқа давлатларни ҳам ана шундай қадам ташлашга даъват этди. Шундай қилиб, бу қарор Афғонистонга қурол олиб кирилишига бир томонлама тақиқ ўрнатиш билан баробардир.

Бу - жуда яхши аломат. Айни пайтда биз аминмизки, фақат яхши ният ва сиёсий иродагина, агар истасангиз, Афғонистоннинг бугунги етакчиларининг ватанпарварлиги, ташқаридан аралашмаслик шартига амал қилинган тақдирдагина албатта, Афғонистондаги бу мудҳиш фожиани бартараф этиш ҳамда мамлакатнинг тинчлик ва бунёдкорлик йўлига кириши учун муҳим омил бўлиши лозим.

Мен бугунги кунда муҳокама қилинаётган, Афғонистон ҳудудидан ўтадиган нефт-газ қувурлари ва бошқа коммуникациялар бўйича кенг миқёсли лойиҳалар аҳолини тинч меҳнатга қайтариш учун ҳал қилувчи рағбатли омил бўлишига ҳамда мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун зарур бўлган дивиденд ва даромадни беришига қатъий аминман. Бу музокараларда иштирок этаётган йирик компаниялар раҳбарларининг гапига қараганда, қарама-қарши томонларнинг биронтаси ҳам бу лойиҳаларга эътироз билдирмаяпти. Уларнинг барчаси Афғонистон манфаатларига хизмат қилишини ҳамма яхши англайди.

Хонимлар ва жаноблар!

Мен АҚШга қилган ташрифимизнинг, агар таъбир жоиз бўлса, иқтисодий қисми яқунларини сиёсий қисм яқунлари сингари салмоқли бўлди, деб ҳисоблайман.

Савдо ва тараққиёт бўйича агентлик, хориждаги хусусий сармояларни ҳимоя қилиш корпорацияси (ОПИК), йирик Америка компанияларининг раҳбарлари, шунингдек Жаҳон банки президенти жаноб Вульфенсон билан музокараларимиз натижаси ниҳоятда самарали бўлди.

Бу музокаралар Американинг биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар йўлини қўллаб-қувватлаш ниятинигина эмас, бу ислохотларни ўтказишда амалий ёрдам бериш истагини, иқтисодий фаолликни сезиларли даражада оширишга, Ўзбекистонда йирик қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришга зудлик билан киришишга тайёрлигини ҳам намойиш қилди.

Хориждаги хусусий сармояларни ҳимоя қилиш корпорациясида имзоланган, табиий газ захираларини ишлаб чиқиш бўйича энергетика соҳасидаги Америка-Ўзбекистон лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 400 миллион доллар ажратилиши назарда тутилган протоколни муайян мисол тариқасида келтирмоқчиман. Шунингдек, "Тексако" компанияси ОПИК қўллаб-қувватлаши билан яқин орада бутун минтақадаги эҳтиёжни

қоплаш учун Ўзбекистон худудида ўзининг ёқловчи материалларини ишлаб чиқаришга киришади.

Хьюстон ва Денвердаги конференциялар ҳам муваффақиятли ҳамда жуда фойдали бўлди. Бу жойларда Ўзбекистоннинг нефт-газ ва кон соҳаларидаги улкан салоҳияти билан таништирув маросимлари бўлди. Улар Америка бизнесменларининг Ўзбекистон бозорини ўзлаштиришдан жуда манфаатдор эканини кўрсатди. Шунингдек, республикада барпо этилган сармоя иқлимига ҳам юксак баҳо берилди. Йирик Америка ишбилармонларининг Ўзбекистон тўғрисида ишончли ва салобатли шерик экани тўғрисидаги гапларини эшитиш ҳам жуда ёқимли эди.

Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи хусусидаги гапга яқун ясар эканман, бу сафарни тайёрлаган ҳамда унинг муваффақиятли ўтишига кўмаклашган барча кишига, хусусан - АҚШ давлат департаменти ходимлари, шахсан АҚШнинг янги мустақил давлатларга нисбатан сиёсати масалалари бўйича бош мувофиқлаштирувчиси, элчи Жеймс Коллинз жанобларига, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва Мухтор элчиси жаноб Стэнли Эскудерога, элчихона ходимларига алоҳида миннатдорлик билдиришни истар эдим.

3. Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш

Хонимлар ва жаноблар,

Юртимизнинг жуКрофий ўрни барча асрлар давомида уни Шарқ билан Ғарб, Шимол билан Жануб ўртасидаги муҳим савдо йўллари кесишадиган марказга айлантирган.

Ўзбекистон, эҳтимол, ўзига ўхшаб денгизга йўли йўқ мамлакатлар ўртасида жойлашган ягона давлатдир. Биз замонавий транспорт йўлларини ривожлантиришга жуда катта аҳамият бераётганимиз шу билан изоҳланади. Чунки бу йўлларсиз мамлакат жаҳон хўжалик тизимига қўшилолмади.

Европа йўналишидаги ягона транспорт йўлаги транскавказ йўлидир. Туркменистон, Озарбайжон ва Грузия раҳбарлари билан имзоланган битим мамлакатларимизнинг транспорт коммуникациялари тизимини такомиллаштириш борасидаги умумий истагини тасдиқлайди.

Озарбайжон ва Грузия пойтахтларида ўтказилган музокаралар бу муаммога нуқтаи назарларимизнинг мослигини кўрсатиб қолгани йўқ. Улар минтақадаги янги мустақил давлатларнинг янги транспорт йўлларини қуриш борасидаги истаги ва қобилиятини ҳам намойиш қилди. Биз коммуникацион лойиҳани, жумладан, Ўзбекистоннинг темир йўл ва порт иншоотларини такомиллаштиришда, янги ер ости йўллари ва терминаллар қуришда иштирок этиши кўзда тутилган лойиҳани биргаликда амалга ошириш бўйича муҳим ахдлашувларга эришдик.

Шу йил 4-6 июнь кунлари Ўзбекистон давлат делегациясининг Руминияга ташрифи чоғида ҳам Ўзбекистоннинг Европа коммуникацияларига чиқиши учун транспорт йўллари масалалари муҳокама қилинди.

Бизнинг шу йил май ойида Машҳад шаҳрига қилган сафаримизнинг сабаби ҳам транспорт коммуникациялари масалаларини ҳал этиш зарурати эди. Туркменистон-Эрон чегарасида Транссиё темирйўл йўлининг туташishi республикамизга жанубий йўналишда кенг йўл очиб беради.

4. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Кейинги пайтда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги сезиларли даражада ривожланди. Энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сингари нуфузли ташкилот ҳамда унинг ихтисослашган бўлинмаларини тилга олишни истар эдим.

Шу йил апрель ойининг бошида Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темур юбилейининг нишонланиши Ўзбекистон тарихида йирик воқеа бўлди. Бизнинг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор билан учрашувимиз Ўзбекистоннинг бу нуфузли

ташкilot билан ҳамкорлигига бутунлай янги асос солди. Тошкентда ЮНЕСКО ваколатхонасини очиш тўғрисида битим имзоланди.

Буни қайд этиш менга яна шунинг учун ҳам мамнуният бахш этадики, халқаро ва минтақавий ташкilotлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкilot этади. Мана шу тамойилга суянган ҳолда Ўзбекистон Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда БМТ Бош қотибига Марказий Осиё тинчлик ўрнатувчи батальонининг БМТ захира кучлари тизимига кириши ҳақида расмий равишда хабар берди.

Май ойининг бошида Тошкентда БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат ўрнатиш бўйича дастури (ЮНДКП) доирасида Марказий Осиёда наркотик моддаларнинг Қайриқонуний тарзда айланишини назорат қилиш бўйича халқаро конференция бўлди. 21 давлатдан келган экспертлар конференцияда қабул қилинган ЮНДКП ва Марказий Осиё мамлакатларининг бу соҳадаги ҳамкорлиги дастурини муҳокама этишда қатнашди.

Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки президенти Жак Де Ларозьернинг шу йил июнь ойида Ўзбекистонга ташриф буюриши мамлакатимизнинг халқаро молия ташкilotлари билан алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг Европада Хавфсизлик ва ҲАМкорлик ташкilotи (ЕХХТ) билан ҳамкорлиги ҳам яхши ривожланмоқда. Бу ташкilot апрель ойининг охирида Тошкентда "Марказий Осиё: ЕХХТ доирасида умумий хавфсизлик ва минтақавий можаролар" мавзуида халқаро симпозиум ўтказди, сўнгра бу симпозиумни Душанбе шаҳрида давом эттирди. Симпозиум қатнашчилари ЕХХТнинг Марказий Осиё минтақасида ишончли мустақамлашдаги ҳиссасини оширишнинг муайян йўллари муҳокама қилишди.

Май ойининг охирида ЕХХТ президенти Ф. Сваллен раҳбарлигидаги шу ташкilot парламент ассамблеяси делегацияси Ўзбекистонга келди. Ташриф ЕХХТ парла-мент ассамблеяси билан Ўзбекистон Олий Мажлиси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муайян йўллари ишлаб чиқишга қўмаклашди. Бизнинг НАТО билан "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасидаги муносабатларимиз ҳам мунтазам кенгайиб бормоқда.

Шу йил июнь ойида Ўзбекистон билан НАТО ўртасида 1996-1998 йилларга мўлжалланган индивидуал ҳамкорлик дастури тайёрланди. 1996 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон вакиллари НАТО йўли билан ўтказилган бир қанча тадбирларда иштирок этди. Марказий Осиё тинчлик ўрнатиш батальонининг қўшма бўлинмаси НАТОнинг шу йил август ойида АҚШда ўтказиладиган "Оспра кооперативи" машқларида иштирок этишга тайёрланмоқда.

Демократия ва эркинлик йўлидан бораётган Ўзбекистон халқаро меҳр-мурувват ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкilotлари учун ҳам очиқдир. "Хьюман райтс вотч" Хельсинки делегациясининг шу йил май ойининг бошида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкентда бу ташкilotнинг минтақавий ваколатхонасини очиш ҳақида ахдлашувга эришилди.

Давлатимиз минтақада тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик йўлини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистоннинг бу муаммо бўйича нуқтаи назари шу йил май ойида Ашгабад шаҳрида ўтказилган иқтисодий ҳамкорлик ташкilotига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг IV учрашувида ҳам очиқ-ойдин баён қилинган эди. Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ташкilotини қандайдир даражада мафқуралаштириш ва сиёсатга бўйсундиришга мутлақо қаршидир. Биз иқтисодий ҳамкорлик ташкilotининг Ашгабаддаги йиғилишида ҳам бу хусусда тўғридан-тўғри гапирганмиз.

5. Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш

Менинг Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири икки томонлама муносабатларни, шу жумладан, МДҲ доирасида ҳам икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш эканини қайта-қайта гапиришимга

тўғри келган. Шерикларимиз билан фаол мулоқот олиб бориш истаги республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви заруратидан келиб чиқади.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, орада ўтган давр кўплаб муҳим воқеаларга бой бўлди.

Мисол учун, Латвия Республикасининг мамлакат Президенти Гунтис Улманис бошчилигидаги давлат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи шундай воқеалардан бири бўлди. Жаноб Улманис Тошкентда Ўзбекистон Латвияни ўзининг маданий мероси, кудратли иқтисодий салоҳияти, сиёсий барқарорлиги билан жалб этаётганини айтди.

Руминияга ташриф ва Бухарестда 19 та давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатнинг имзолангани Руминия билан муносабатларимизнинг истикболидан далолат беради, бу мамлакат билан ўзаро фойдали ҳамкорлигимизда бизга ишонч бағишлайди.

Грузия ва Озарбайжонга буюрган ташрифларимизнинг ҳам самарадорлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истар эдим.

Илгари айтганимдек, Грузия ва Озарбайжон раҳбарияти ва ҳукуматлари билан Кавказ транспорт йўлагига боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда, ҳаётимизнинг жуда кўп йўналишларида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг майдон очиб берадиган жуда муҳим икки томонлама ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Германия билан муносабатларимиз ҳам яхши ривожланмоқда. Май ойида ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель Ўзбекистонга келди. Музокаралар чоғида томонларнинг савдо, иқтисодий, маданий, мурувват соҳаларидагина эмас, ўзаро манфаатли муҳим сиёсий масалалар бўйича ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлиги тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг Европа тузилмаларига яқинлашувида бу буюк давлат билан икки томонлама муносабатларнинг чуқурлашувининг ҳам ҳиссаси бор. Германиянинг Ўзбекистонга Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилишида кўрсатаётган рағбат ва қўллаб-қувватлаши ўзаро муносабатларимизнинг янада мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Бизнинг алоқаларимиз узоқ муддатли манфаатларга асосланган. Мен бу ўринда бизнинг, Ўзбекистоннинг Германия билан муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлашни истар эдим.

Туркия Республикаси Президенти С. Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифига бизнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятимиз нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Шуни мамнуният билан қайд этаманки, Тошкентда имзоланган дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома муносабатларимизнинг изчил ва барқарор равишда ривожланаётганини акс эттиради.

Кейинги уч ой мобайнида Япония, Индонезия, Австралия, Польша делегациялари Ўзбекистонга расмий ва амалий ташриф буюрди. Дўстлик, яқдиллик ва ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани Тошкентдаги учрашувларнинг ўзига хос хусусияти бўлди.

Ўзбекистоннинг Хитой билан муносабатлари ҳам суверенитет ва мустақилликни, худудий яхлитликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, яқдиллик ҳамда ҳамкорликни чуқурлаштириш руҳида ривожланмоқда. Яқинда ХХР Раиси Цзян Цзэмин расмий дўстлик ташрифи билан республикаимизда бўлди.

Биз бир қанча масалалар, энг аввало, ҳамкорлик, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳамфикр эканлигимиз аён бўлди.

Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар - Ўзбекистон билан ХХР ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги декларация, темир йўл соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки томонлама солиқ солишни истисно қилиш ҳақидаги битим ва бошқа ҳужжатлар - шубҳасиз, буюк кўшимиз - Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлигимизни чуқурлаштиришга кўмаклашади.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Бизнинг кейинги пайтда халқаро соҳада ташлаган қадамларимизнинг қисқача натижалари шулардан иборат.

Эътиборингиз учун ташаккур. Ҳар доимгидай, сизни қизиқтирган барча саволга жавоб беришга тайёрман.

1996 йил 5 июль

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗ ТЎҒРИЛИГИНИ ҲАЁТ ТАСДИҚЛАМОҚДА

Шу йил 5 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов дипломатия корпуси ва Тошкентда фаолият юритаётган журналистлар билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди.

Президентимизнинг учрашувда сўнги ойларда мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан алоқалари хусусида сўзлаган батафсил нутқи матбуотда эълон қилинган эди. Учрашувда юртбошимиз журналистларнинг талай саволларига ҳам жавоб қайтарди. Қуйида ана шу савол-жавоблар билан танишасиз.

Юрий ЧЕРНОГАЕВ, "Постфактум" агентлиги, Россия:

- Жаноб Президент, Америкада қозонган улкан дипломатик муваффақиятингиз манзарасида Сизнинг МДХ га муносабатингиз ўзгарадими, янада қатъийроқ бўладими? Яна бир савол: Сизнинг бу сафарингизга Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар раҳбарлари томонидан муносабат билдирилдими? Агар сир бўлмаса, Пентагонда имзоланган протоколда Америка билан ҳарбий соҳада ўзаро муносабатларнинг қандай янги томонлари кўзда тутилган?

Ислам КАРИМОВ:

- Ҳа, Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи ҳақиқатан ҳам самарали ва муваффақиятли бўлди. Бу ташриф натижалари нафақат бизнинг икки томонлама муносабатларимизга, балки умуман халқаро доирадаги муносабатларга ҳам таъсир этиши шубҳасиз. Улар халқаро доирадагина эмас, бизнинг демократик ислохотлар, янгиланиш, бозор ислохотлари йўлидан, сармоя лойиҳаларини тобора ривожлантириш йўлидан янада жадалроқ ҳаракат қилишимизга, шунингдек, бошқа қўпгина масалаларга ҳам таъсир ўтказди. Бироқ бизнинг бошқа давлатлар билан, жумладан, МДХ давлатлари билан муносабатларимиз Президент ёки Ўзбекистон делегациясининг бошқа мамлакатларга қайсидир сафарлари натижасида юзага келгани йўқ. Шунинг учун ҳам сизга шуни маълум қилиб қўймоқчиманки, бизнинг МДХ мамлакатлари, умуман МДХ билан муносабатларимиз, энг аввало, шу мамлакатлар ва Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилган ва бундан кейин ҳам ана шунга хизмат қилиши лозим. Бизнинг МДХ келажагига доир масалаларга муносабатимизни сиз яхши биласиз, шунинг учун ҳам, ижозатингиз билан бу масалаларга тўхталиб ўтирмайман.

Биз МДХнинг келажаги порлоқ эканига аминмиз, унинг имкониятлари, салоҳиятидан ҳали тўла фойдаланилгани йўқ. Бироқ биз чуқур иқтисодий, гуманитар интеграция ниқоби остида давлатлардан устун турадиган турли-турли тузилмалар тузилишига қатъиян қаршимиз-бу бизнинг манфаатларимизга мос эмас. Биз иқтисодий муносабатларимиз МДХ доирасида чуқурлашиб, мустаҳкамланиши тарафдоримиз, собиқ СССРнинг турли минтақаларида истикомат қилаётган халқлар ўртасида чин инсоний муносабатлар ривожланиб, мустаҳкамланиши тарафдоримиз.

Сизнинг агентлигингиз учун алоҳида шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон МДХга халқаро ҳуқуқ субъекти деб қаралишига қарши. МДХ-Ҳамдўстлик, шундай экан, Ҳамдўстлик бўлиб қолавергани тузук.

Марказий Осиё минтақасидаги қўшниларимиз билан муносабатларимизга келсак, кеча мен Президент Асқар Акаев билан телефонда гаплашдим. Биз ташриф натижалари ҳамда ўзаро манфаатли бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдик. Мен Қозоғистон ҳам, Қирғизистон ҳам, Туркменистон ҳам, Тожикистон ҳам бизнинг ютуғларимиздан, муваффақият билан олға қараб бораётганимиздан хурсанд эканига аминман. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон эришган ютуғлардан биз ҳам худди шу тариқа қувонамиз. Бу ерда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Мен минтақавий ҳамкорлик, минтақавий интеграциянинг келажаги порлоқ ҳамда улар тобора ривожланиб боравериши лозим, деган фикримда қатъий тураман.

Вазир У.Перри жаноблари билан бизнинг суҳбатимиз, Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазирлигида олиб борган музокараларимизга келсак, шуни айтмоқчиман: бу ҳеч кимни кўрқитмаслиги керак. Бизнинг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимиз, жумладан, ҳарбий-техника соҳасидаги муносабатларимиз ҳам, бирон-бир томон ёки бирон-бир мамлакатга қарши қаратилмаган. Шуни яна бир марта аниқ ва қатъий таъкидламоқчиманки, бизнинг бу соҳадаги муносабатларимиз Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштиришни мустаҳкамлашга, Афғонистондаги нотинч аҳвол ва Тожикистондаги таранг вазиятни ҳисобга олган ҳолда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бизнинг Америка Қўшма Штатлари, жумладан, бу давлатнинг Мудофаа вазирлиги билан муносабатларимиз белгиланган тартибда, ҳеч кимнинг хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда ривожланмоқда.

Амиркул КАРИМОВ, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги:

- Ислом АбдуҚаниевич, мустақиллигимизнинг беш йиллиги нишонланадиган кунлар яқинлашмоқда. Шу муносабат билан жорий йилнинг биринчи ярми якунлари, ундан чиқадиган хулосалар ҳақида икки оқиз гапириб берсангиз.

Ислом КАРИМОВ:

- Хулоса тариқасида гапирадиган бўлсак, биринчидан: Ўзбекистон 1996 йилнинг биринчи ярмида ўзимиз олдин ишлаб чиққан ва астойдил амалга ошираётган сиёсат ривожини ҳамда унинг амалий самарасини яна бир бор тасдиқлаб берди. Бутун жаҳон буни тан олди, олдимизга қўйган тамойиллар, мақсадларимиз аниқ. 1996 йилнинг биринчи ярмида ҳам барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу режаларни рўёбга чиқаришга қаратилди.

Иккинчи хулоса: 1996 йилнинг биринчи ярми якунлари шуни яна бир бор тасдиқлаб турибдики, бозор иқтисо-диётига ўтиш, сиёсий ислохотлар, демократик жамият қуриш борасида бизлар янги-янги қадамлар қўйяпмиз. Бошқача айтганда, юртимизда юз бераётган демократик, сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар жараёни орқага қайтмайдиган бўлиб муқаррар тус олаётганини мен катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Учинчи хулоса: Жамиятимиз, халқимиз бу ислохотларни, ўзгаришларни қизғин қўллаб-қувватляпти. Америкада бўлганимда мухбирлар бундай яқдилликнинг сабаби нима, деб сўрашганди. Майли, сизлар ҳам эшитинглар, жавоб шундай бўлади: Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг мақсади - озод ватанда озод яшаш. Мен жуда хурсандманки, жамиятимиз, халқимиз мана шу мақсад йўлида белни маҳкам бойлаб, ўзини аямасдан меҳнат қиляпти, катта умид билан яшаяпти.

Охирги хулоса шуки, Ўзбекистоннинг ташқи, ички сиёсатини жаҳон ҳамжамияти эътироф этапти, қўллаб-қувватляпти, Ватанимизнинг обрўйи ошмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро обрўйи, миллати, эътиқодидан қатъи назар ҳар бир фуқаромизнинг юрагини фахр-ифтихор туйғулари билан тўлдиради. Келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Ким БРУТ, "Коре Ильбо" газетаси мухбири:

- Менинг иккита саволим бор. Билишимча, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодиёт соҳасидаги фаоллиги, энг аввало, хорижий сармояларни жалб этиш зарурати билан изоҳланади. Бугунги кунда беш йил давомида киритилган сармоялар ҳажми ҳамда бу борада айрим мамлакатларнинг алоҳида ҳиссаси қанча? Иккинчи савол: илгари иқтисодиётни ривожлантириш, маҳсулот, хом ашёнинг айрим турлари бўйича йиллик маълумотлар эълон қилиб турилар эди. Бу йил газеталарни унчалик диққат билан ўқимаганманми, ҳар ҳолда буни кўрмадим.

Ислом КАРИМОВ:

- Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий сармоялар иштирокида қарийб беш миллиард Америка доллари миқдорида лойиҳалар амалга оширилмоқда. 1995 йилда Ўзбекистонда тахминан бир миллиард Америка доллари миқдоридаги хорижий сармоялар ўзлаштирилди. Бу сармояларда қайси мамлакатларнинг улуши салмоқли деган савол қизиқтирадими? Мен биринчилар қаторида Германияни тилга олишни истар эдим.

Дарвоке, мен бугун Ўзбекистонга айнан мана шу масалалар бўйича келган "Даймлер-Бенц" корпорацияси раҳбариятини қабул қиламан. Кейинги ўринларда Жанубий Корея, Япония, АҚШ туради.

Иккинчи саволингизга келсак, бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ташкилий ўзгаришлар юз бермоқда. Биринчи галда статистика ҳисоботида ҳамда илгариги социалистик тизимда мавжуд бўлганидан мутлақо фарқ қиладиган барча индикатив маълумотларда акс этиши лозим. Совет тузуми даврида умумий маҳсулот, ўсиш суръати ва ҳоказоларнинг умумий ҳажминигина кўрсатадиган тизим мавжуд эди. Асосий мақсад - фақат ютуғларни кўз-кўз қилишдан иборат эди. Шунинг учун таъкидлайманки, илгари асосий кўрсаткич - ўсиш суръати эди.

Бугунги кунда биз Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг тегишли дастурлари ёрдамида миллий ҳисоб-китоблар тизимини жорий қиляпмиз. У илгариги статистикадан тубдан фарқ қилади ҳамда биз уни муваффақият билан ўзлаштиряпмиз.

Макрокўрсаткичлар, шунингдек, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа мутаносибликлар ва барқарорликни акс эттирадиган бошқа кўрсаткичлар янги тизимнинг асоси ҳисобланади. Газета маълумотларини билмадим, аммо бизда Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг махсус тўплами нашр этилади. Биринчи ярим йиллик натижалари бўйича ҳам албатта махсус тўплам чиқарилади. У турли тилларда - инглиз, рус ва ўзбек тилларида нашр этилади.

ФУРҚАТБЕК, "Озодлик" радиоси муҳбири:

- Жаноб Президент, май ойи охирида Сизнинг Фармонингиз билан бир қанча маҳбуслар озод этилди. "Хельсинки Вотч", "Хьюман Райтс Вотч" ташкилотларига Ўзбекистонда фаолият олиб боришлари учун йўл очдингиз. Ундан кейин яқинда баъзи бир сиёсий рақибларингизга, ҳатто Ўзбекистонда фаолият олиб боришлари учун рухсат бердингиз. Рўйхатни ҳали давом эттириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасида янги, аввалгисидан либералроқ давр бошланганини билдирадими? Умуман, 1995 йилнинг охиридан кўзга яққол ташлана бошлаган очиқ сиёсатингизни қандай тушунтирасиз? Каримов ўзгариб қолдими ёки унинг сиёсати ўзгариётими? Ёки буларнинг барчаси олдиндан ўйланган сиёсат эдими?

Иккинчи саволим: Америкага ташрифингиз жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мана шу ташрифдан кейин Ўзбекистон мустақиллиги, хусусан, унинг хавфсизлиги мустаҳкамландими?

Ислом КАРИМОВ:

- Мен айтадиган биринчи ва асосий гап шуки, Ўзбекистон мустақил бўлган кундан бошлаб сиёсат, иқтисод, маънавият соҳасида ўзининг мақсад-режаларини аниқлаб олди, тамойилларини ишлаб чиқди. Биз танлаган йўл тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Биз бошиданок нафақат иқтисод, балки сиёсатда ҳам "шок терапия"сига қарши эдик. Яна бир нарсага иқроқ бўляпмизки, ислохотлар ўтказилаётганда, албатта одамларнинг дунёқараши, миллий урф-одатлари, анъаналари, шарт-шароити, керак бўлса, табиати, феъл-атвори инобатга олиниши керак. Шунинг учун қилмасак, катта хатога йўл қўйган бўламиз. Ўзбекистонда сиёсий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекча айтганда, "мусулмончилик аста-секинлик билан" бўляпти.

"Каримов ўзгаришлари ёки унинг сиёсати?" деган саволингизга жавоб бериб, шундай демоқчиман: авваламбор одамни ҳаёт ўзгартиради. Шу жумладан, жамият ўзгараётганда Президент ҳам ўзгаради. Яқинда мустақиллигимизнинг беш йиллигини нишонлаймиз. 1991 йил 1 сентябрда туғилган болалар яқинда бешга киради. Илойим уларга умр берсин! Мана шу бешга кирган болалар балоқат ёшига етганда мутлақо бошқача бўлишади. Дунёқарашлари, табиатлари билан улар биздан мутлақо фарқ қилишади. Иншооллоҳ, мен катта умидлар билан шу кунларни кутяпман. Аллоҳ умр берса, мустақиллик кунини туғилган болаларнинг ҳаётга қадам қўйиб давлат, жамоат ишларида иштирок этаётганларини кўрсам, армоним қолмасди.

Муаммолар хусусига келсак, мен улардан учтаси ҳақида гапирмоқчиман. Конституциямиз, қонунларимиз берган ҳамма ҳақ-ҳуқуқларни амалга ошириш учун бизлар ҳали кўп ишлашимиз керак. Иккинчи масала-бу сиёсий муҳолифат. Муҳолифат ҳар бир демократик давлатда бўлиши керак. Муҳолифат мавжудлиги демократия аломати десак, сиёсий хато қилган бўлмаймиз. Ҳозир кучга қираётган партияларга, янги пайдо бўлаётган партияларга бизнинг ишончимиз катта.

Учинчи муаммо - бу матбуот. Мен бир марта эмас, бир неча марта таъкидлаб, алоҳида уқтириб ўтганман: матбуот соҳасида муаммолар жуда кўп. Бу муаммоларни ечишимиз, Ғарб давлатлари, демократик давлатлар андозалари даражасига, албатта, етиб боришимиз керак.

Гапимни яқунлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистонда сиёсий, демократик ислохотлар бундан кейин ҳам изчил давом этади. Америкага сафаримиз, Европа ҲАМЖамияти билан, Европа Иттифоқи билан имзоланган битимлар, шартномаларнинг ўзига яраша мажбуриятлари бор. Ушбу шартномаларни тасдиқлаётганда зиммамизга катта-катта мажбуриятлар олганмиз. Гап ана шу мажбуриятларни бажаришда қолган.

Энди Америка Қўшма Штатларига ташрифимиз хавф-сизлик масаласи бўйича бизга қандайдир қафолат бердимиз, деган саволингизга келсак, ташриф асносида Ўзбекистон танлаган йўл, Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар тўғри эканлигига, шу сиёсатни изчил давом эттиришимиз кераклигига ишончим кучайди. Жаноб Билл Клинтон билан суҳбатлашганда Америка Қўшма Штатлари Президенти АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини, истиқлолини ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бундан ортиқ яна қандай қафолат керак?

Ташрифимизнинг энг катта ютуғи ҳам мана шу қафолат эканлигига ҳалқимиз муносиб баҳо беради, деб ўйлайман.

Хайрулло УБАЙДУЛЛАЕВ, "Би-Би-Си" радиостанциясининг ўзбек шўъбаси:

- Жаноб Президент, мана менинг кўлимда АҚШ Мудофаа вазирлигининг меморандуми. Бу ерда, жумладан, "ўзаро фойдали-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун конверсион кўмита ташкил этилиши" ҳақида гап боради. Шунга озгина шарҳ беролмайсизми, яъни конверсияга гирифтор бўлиши мумкин бўлган объектлару бунинг фойда ва зарари ҳақида.

Ислом КАРИМОВ:

- Дарҳақиқат, Америка Қўшма Штатлари Мудофаа вазирлиги ва бошқа вазирликлар, жумладан, Савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан музокара олиб борилаётганда конверсия масаласига алоҳида эътибор берилди.

Америка Қўшма Штатларидан Ўзбекистонга бир неча бор махсус делегациялар келиб кетди. Ўзбекистон шароитида конверсияни уюштириш учун алоҳида дастурлар тузилди. Бир вақтлар мудофаа тармоғида ишлаган корхоналаримизнинг аҳволи ҳозир жуда оғир, улар буюртмасиз ўтиришибди. Шу корхоналарни, энг аввало, истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган соҳаларга ихтисослаштириш керак. Мисол учун, авиация заводимизда йўловчилар ташувчи янги ИЛ-144 русумидаги самолётни ишлаб чиқариш, уларни истифода этиш учун буюртмалар топиш, четга сотиш, умуман ҳалқ хўжалигида, иқтисодиётимизда мазкур самолётдан самарали фойдаланиш конверсия дастурида кўзда тутилган масалаларнинг бир қисми, ҳолос.

ўофур ЖАМОЛОВ, Ўзбекистон радиоси муҳбири:

- Яқин кунларда Асакадаги автомобиль заводи дарвозасидан Ўзбекистоннинг биринчи автомобили йўлга чиқади. Бу қўшма корхонанинг маҳсулоти жаҳон бозоридан ўз ўрнини топа оладими? Мана шу автомобилларнинг республикамиз ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси қандай бўлади?

Ислом КАРИМОВ:

- Дарҳақиқат, 19 июль куни Андижон вилоятининг Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи ва ягона автомобиль заводи ишга тушишини нишонлаш маросими бўлади. Бу нафақат иқтисодий ҳаётимизда, маънавий, сиёсий ҳаётимизда ҳам тарихий воқеадир. 3-4

Йил олдин мана шу лойиха бўйича иш бошлаганимизда, Ўзбекистонда шундай катта заводлар пайдо бўлишига камдан-кам одам ишонарди. Завод 50-50 принципи асосида (бизнесменлар тилида буни "фифти-фифти" дейдилар) қурилди. Яъни-50 фоиз маблағ Ўзбекистондан, 50 фоизи Кореянинг "ДЭУ" корпорациясидан. Йирик компаниялар, банклар, концернлар ҳам бу ишга бош қўшишди.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу залда ўтирган мухтарам элчиларни, халқаро ташкилотлар раҳбарларини, мухбирларни завод очилишига бағишлаб Андижон ва Тошкентда бўладиган тантаналарга катта мамнуният билан таклиф этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги брифингда иштирок этганингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик билдириб, халқимиз, жамиятимиз номидан бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаётган, ишлаганда ҳам ўз давлатлари, ўз халқлари равнақи йўлидагина эмас, умумий ҳамкорлигимиз равнақи, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида ҳам ишлаётган барча кишиларга юксак эҳтиром туйғуларини изҳор этмоқчиман. Гапимга ишонинглар, биз буни жуда яхши англаймиз ва қадрлаймиз. Шунинг учун ҳам барчангиздан миннатдоримиз.

АСАКАДАГИ "ЎЗДЭУАВТО"
ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ
РАСМИЙ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам Ким Ток Ленг жаноблари!

Мухтарам Ким У Жун жаноблари!

Жаноблар ва хонимлар!

Азиз қурувчилар, муҳандислар, мутахассислар, янги "ЎЗДЭУавто" қўшма корхонасининг жамоаси!

Ватандошларим, дўстларим!

Бугун биз ҳаммамиз катта тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон халқи интизор бўлиб кутган муборак кун - мамлакатимиздаги илк автомобиль заводининг очилиши - тантана кунлари етиб келди.

Фарғона водийси - Аллоҳ таолонинг назари тушган гўзал бир маскандир. Андижон вилояти эса бу гўзал водийнинг юрагида жойлашган. Бу муқаддас юртда буюк Темурий бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган, бошқа не-не алломалар, шоирлар ва меъморлар етишиб чиққан ва қадимий Туркистон - бугунги Ўзбекистон шухратини ёруғ оламга ёйган. Бу ерда мард ва танги, кўнгли кенг, иймони бақувват, инсофли ва диёнатли ажойиб инсонлар яшайди.

Ана шундай инсонлар билан бугунги кутлуқ кунда юз кўришиб турганимдан Ғоят бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини кураётганда, ўз олдига қўйган юксак марраларга кўтарилишда ҳал қилувчи, муҳим босқичлардан, иқтисодиётида туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийдир.

Беш йил олдин озод ва обод ватан, демократик давлат, янги жамият, эркин иқтисод қуриш йўлини танлаб олдик. Жаҳон илғор тажрибасига ва миллий анъаналаримизга, меҳнатсевар халқимизнинг кучига суяниб-таяниб фаровон ҳаётга эришиш учун авваламбор иқтисодимизни эски, бир ёқлама, қотиб қолган ҳолатдан янги босқичга кўтариш мақсадини олдимизга қўйдик.

Бошқаларга ўхшаб энгил йўлни қидирмадик. Қандай оғир бўлмасин, узокни кўзлаб, келажаги буюк давлатимизнинг пойдеворини яратиш учун тараққий топган, обрўли мамлакат, жаҳонда машҳур фирма, компаниялар ва ишбилармонлар билан мустаҳкам манфаатли алоқа боғладик, замонавий, ўзгалар ҳавас қиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишга киришдик.

Мана энди, бир вақт халқимизнинг бошлаган саъй-ҳаракатлари ўз ҳосилини бера бошлади.

Бугун нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида, балки собиқ Иттифок миқёсида ҳам бутунлай янги завод - қўшма корхона ишга тушиши, тарихимизда илк бор замонавий, жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган энгил машиналар - автомобиллар ишлаб чиқарилиши - бунинг ўзи биз танлаган сиёсатнинг тамал тоши, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мисли кўрилмаган қисқа муддатларда шундай ҳашаматли биноларни қуриш, бутун дунёга машҳур давлатлар, компаниялар ва фирмалардан замонавий ускуналарни, автоматларни олиб келиб, илғор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш, ўзимизнинг фарзандларимизни Жанубий Корея давлатида янги касбларга ўргатиш, шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириш чиндан ҳам, ҳар кимнинг қўлидан келмайдиган катта шарафли синов, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай улкан масалаларни ечиш, бугунги барчамиз иштирок қиладиган марраларга етиб келиш учун - албатта нафақат бу қурилишнинг бошида турган лойиҳачилар, иқтисодчилар, қурувчилар, монтажчилар - ишнинг негизини билган мутахассислар,

муҳандислар, мана шу мўъжизани барпо этган ишчиларимиз, раҳбарларимиз нафақат Андижон, Асака мўътабар заминда яшаётган ўқлонлар, балким бутун Ўзбекистон иқтисоди ва унинг имкониятлари катта-катта синовлардан муносиб ўтди, десак айти ҳақиқатни гапирган бўлардик.

Мен катта мамнуният билан яна бир бор мана шу мўъжизани ташкил қилган инсонларимизни - замондошларимизни, мардонавор хизмат қилган ишчи ва меҳнатчиларни чин қалбимдан табриклаб, тасаннолар айтмоқчиман! ҲАМмангизни баҚримга маҳкам босиб, хурсандлигимни билдирмоқчиман!

Азиз дўстларим!

Албатта, буни барчамиз яхши тушунамиз: бундай юкни кўтариш, шундай заводни ишга тушириш ҳеч қачон ёрдамсиз бўлмас эди.

Яратганимизга минг тасаннолар бўлсинким, уч йил олдин тақдир бизни Корея мамлакати, нафақат Кореяда, балки жаҳонда ҳам машҳур ДЭУ корпорацияси раҳбарлари ва унинг президенти Ким У Жун жаноблари билан учраштирди.

Бир-биримизни яхши тушундик, бир-биримизга ишондик ва ҳамкорлигимиз натижасида мана шу завод ва бош-қа қатор-қатор лойиҳалар амалда рўёбга чиқди.

Халқимиз номидан, Ўзбекистонимиз номидан Корея Республикаси халқига, унинг раҳбариятига, Президент Ким Ен Сам жаноби олийларига, ДЭУ компанияси президенти Ким У Жун жанобларига ва унинг ёрдамчиларига, мана шу проект-лоиҳа иштирокчиларига, корейс мутахассисларига, ишчилари ва муҳандисларига алоҳида табригимизни, миннатдорлигимизни Сизнинг номингиздан билдирмоқчиман!

Ва мажлисимизда иштирок қилаётган Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг жанобларидан сўраймиз - бизнинг миннатдорлигимизни Корея Республикаси раҳбариятига ва унинг халқига етказсинлар.

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Қурилган автомобиль заводи, "ЎзДЭУ авто" қўшма корхонаси, унинг аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, куйидаги фикр-хулосаларни кўзда тутамиз:

Биринчи навбатда. Ишга тушган завод, унинг қурилиш суръатлари, техник даражаси замонавий жаҳон талабларига жавоб бериши - бунинг ўзи яна бир бор Ўзбекистон танлаб олган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўли-моделли тўғрилигининг яққол исботи ва тасдиғидир.

Иккинчидан. Бу воқеа Ўзбекистоннинг катта салоҳиятидан, имкониятларидан дарак беради.

Ўзимизнинг юртимизда ҳам, узоқ ва яқин қўшнилариимиз ҳам яхши тушунадик, бундай улкан заводни қуриш учун нафақат иқтисодий ва молиявий имкониятларга, балким катта маънавий қудратга, қолаверса, катта юракка ҳам эга бўлиш керак.

Шу жумладан, бундай корхонани қуриш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, мана шундай заводнинг ишлаб туришини ташкил қилиш учун шунга жавоб бера оладиган малакали ишчи кучига, юксак даражадаги муҳандислик интеллектуал савияга эга бўлиш керак.

Бир сўз билан, лўнда қилиб айтганда, бу янги заводнинг ишга тушиши эл-юртимизнинг юксак савияси ва қудратидан далолатдир.

Учинчидан. Бундай буюк, жуда катта маблағ талаб қиладиган иншоот қурилиши бизга шерик хорижий давлат фирма ва компанияларининг, жаҳонда энг нуфузли молиявий тузилмаларнинг, банкларнинг Ўзбекистонга билдирган катта ишончининг тасдиғи, деб билишимиз керак.

Айти замонда автомобиль чиқариб ўзини оқлаётган мана шу завод Ўзбекистоннинг ўзига билдирилган ҳар қандай ишончни оқлашга, ҳар қандай мураккаб, улкан лойиҳаларни ҳам охирига - пировардига етказишга қурби етади, деган хулосанинг тасдиғидир.

Яъни бугун Ўзбекистон бозорига интилаётган чет-хориж мамлакатлардаги янги-янги сармоядорлар ҳам мана шу мисолда ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан халос бўлиши муқаррар.

Тўртинчидан. Шубҳа йўқки, Асакада ишга тушаётган завод ва бу заводни бутлов қисмлари билан таъминлаш мақсадида қурилаётган янги-янги йирик, ўрта ва кичик корхоналар, авваламбор, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилади, одамларимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан. Асака заводи ишга тушиши нафақат Андижон вилоятида, балки Ўзбекистонда ва унга узоқ-яқин қўшни минтақаларда пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва таъминот ин-фраструктурасини - корхоналарини яратади. Бош завод, унинг атрофида вужудга келаётган янги корхона ва ташкилотлар Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 ривожланган мамлакат қаторига - сафига киритиш билан бирга, бутун иқтисодимизни, унинг савиясини, ишлаб чиқараётган ялпи ички маҳсулот ҳажминини янги, юксак поғонага кўтаради.

Бундан хулоса шуки, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ишидан, унинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотидан, оладиган фойдасидан нафақат шу тармоқда ишлайдиган кишилар ва уларнинг оилалари, балки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро қўшимча фойда ва даромад топажак. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Азиз дўстлар!

Биз ҳаммамиз яхши англаймизки, ҳаётимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар, мана шу заводнинг, Асака заводининг ишга тушиши ва шу билан боғлиқ бўлган катта умид ва режаларимиз, авваламбор, юртимизда ҳукм сураётган ва биз кўз қорачиғидай асраб-авайлайдиган тинчлик ва тотувликка, Ўзбекистон заминида яшаётган миллатларнинг ўзаро бирлигига, яқдиллигига боғлиқдир. Бу буюк ҳақиқатни бугун ҳар қайси фуқаро яхши тушуниб олди.

Биз яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа қанчалик аҳил ва тотув бўлса, ҳар қайси хонадонда ва оилада ўзаро келишиб, муросою мадора қилиб, бир ёқадан бош чиқариб яшайдиган бўлсак, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиб, белимизни маҳкам боғлаб, ватанимизнинг буюк келажакига бутун вужудимизни, бутун борлигимизни бахш этиб ишласак - ҳар қандай юксак марра ҳам бизники!

Бир вақтлар мен катта умидлар билан: "Қани энди, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан, мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрса!" деб ҳавас қилар эдим.

Беш-уч йил олдин бундай ҳавас-умид ўзгалар у ёқда турсин, кўпчилик аҳолимизга ҳам афсонадай туюларди.

Мана энди ана шу пок ва холисона ниятларимиз Аллоҳнинг инояти, марҳамати билан рўёбга чиқди.

Иншоолло, барча эзгу ниятларимизнинг ижобат бўлишида ҳам яратганнинг ўзи мададкор бўлгай!

ҲАМмангизни яна бир бор чин қалбимдан бугунги тантана - хурсандчилик билан табриклайман, азиз дўстларим, юртдошларим!

1996 йил 19 июль

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Хар чорак охирида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга якун яшаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз бераётган ўзгаришларни мунтазам таҳлил этиш, олдимизга кўйилган мақсад ва вазифалар қай даражада бажарилаётганини баҳолаб бориш изчил анъанага айланиб қолди.

Бу ҳол бизга ислохотлар йўлида нима ишлар қилганимиз, қандай ижобий силжишларга эришганимиз ва қанчалик олға кетганимизни рўй-рост аниқлаб олиш имконини беради. Шу билан биргаликда, бу жадал олдинга юришимизга нималар халал бераётгани ва тўсқинлик қилаётгани, заиф томонларимиз, оқсоқ жойларимиз, ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз тўғрисида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз имконини беради. Хуллас, ишларимизнинг аҳволи тўғрисида тўла ва ҳаққоний тасаввурга эга бўлмоғимиз лозим.

Биринчи ярим йиллик натижаларини кўриб чиқаётганда, айнан белгилаб олинган вазифа ва ислохотлар йўлидан оқшмай, собитқадамлик билан бориш - муттасил ривожланиш ва олға силжишимизнинг асосий кафолати эканини назарда тутган ҳолда, аввало, республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим принциплари ва устувор йўналишлар қандай бажарилаётганини ажратиб олишимиз ва баҳо беришимиз керак бўлади.

Худди шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, биз ўтган даврда қилинган ишларга якун яшашимиз зарур.

Хурматли дўстлар!

Мен, Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланган тантаналарда (1995 йилнинг 1 сентябри) имкониятларимиз ва истиқболимизга ҳолисона баҳо бериб, 1996 йил, иншооллоҳ, Ўзбекистон учун туб бурилиш ва юксалиш йили бўлади, деб айтган эдим.

1996 йилнинг дастлабки ярим йили якунлари том маънода ҳаётимизда туб бурилиш юз бергани ва иқтисодиётимизнинг жадал ўсиш даври бошланганини кўрсатмоқда.

Ярим йиллик якунларини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон ислохотларнинг, иқтисодиётни соқломлаштиришнинг дастлабки энг машаққатли ва оғир босқичини босиб ўтди, дейишга барча асосларимиз борлигини яққол кўришимиз мумкин. ҲУҚУҚИЙ ва ташкилий-институционал ўзгаришларнинг, жамиятимизда таркиб топган янгича муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворига таянган ҳолда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига босқичма-босқич, пешма-пеш кириб келмоқда, тобора барқарорлашмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Умумиқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда тармоқлар, аввало, асосий ҳал қилувчи тармоқлар, республика ҳудудлари, иқтисодиётнинг айрим секторлари кўрсаткичлари, молия ва банк соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўлами шундан дарак бериб турибди.

Дастлабки ярим йиллик натижаларини рўй-рост ва танқидий кўз билан баҳолаганда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчи хулоса. Бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Бу нималарда кўринади? Аввало, пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин пасайди. Инфляцияни жиловладик, унга қарши кураш механизмини топдик ва унинг устидан тўла назорат ўрнатдик, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Биз жорий йилда энергия манбалари, транспорт ва коммунал хизмат нархларини эркин кўйиб юбориш бўйича қўлланган чора-тадбирлар ва мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси, умуман, ярим йиллик бўйича 4 фоиз атрофида бўлгани ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кам экани бунинг ёрқин далилидир.

Пул муомаласи мустаҳкамланди. Нақд пул ҳажмининг ўртача ўсиш суръатлари 1995 йил даражасига нисбатан 1,3 фоиз камайди. Муомалага чиқарилаётган нақд пул миқдори - эмиссия ярим йилликда 15,8 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1995 йилнинг шу даврида 20,7 фоизга тенг бўлган эди.

Умуман олганда, корхоналар ва давлатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланди. Агар 1995 йили зарар кўриб ишлаган корхоналар сони 630 тани ташкил этган ва биз уларга нисбатан махсус чоралар кўришга мажбур бўлган бўлсак, бугунги кунда ярим йилликни, бор-йўғи, 58 та корхона зарар кўриб яқунлади. Бюджетнинг даромад ва харажат қисмларини шакллантириш бўйича қўйилган вазифалар бажарилди. Бугунги кунда бюджет камомати ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 фоизидан ошмайди, 1995 йил натижаларига кўра эса бу кўрсаткич 3,5 фоиз бўлган эди. Республикада бюджет маблағлари ёрдамида ўта муҳим объектлар қурилиши жадал амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, бу нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Иккинчи хулоса. Миллий валютамитиз - сўмимиз мустаҳкамланди. Кейинги тўққиз ой давомида сўмнинг АҚШ долларига амалдаги нисбати барқарор бўлиб турибди. Агар 1995 йилнинг ноябрида бир АҚШ доллари 35,3 сўмга тенг бўлган бўлса, шу йилнинг июнь ойида эса 37,6 сўмга тенг бўлди.

Бугунги кунда жамланган олтин-валюта резервларимиз етти ойлик импортни таъминлаши мумкин. Бу Республика валюта биржасида доимий равишда савдо ўтказиш имконини бермоқда. Ярм йилнинг ўзида биржада сотилган валюта миқдори 1,5 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу бутун 1995 йил давомида алмаштирилган эркин муомаладаги валюта миқдоридан ҳам кўп демакдир. Биз бугунги кунда жорий операциялар бўйича миллий валютамитизнинг тўлиқ конвертациясига кафолат беришимиз мумкин.

Учинчи хулоса. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди. У сифат жиҳатидан янги аҳамият касб этганини ҳам қайд этиш лозим. Агар дастлабки йилларда асосий эътибор масаланинг миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, бугунги кунда хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий талаб мезони бўлиб қолди.

Биз учун бугунги кунда хусусийлаштирилган корхоналар қандай тусга - шаклга кираётгани, улар нечоғли самара бериб ишлаётгани, иқтисодиётга қанчалик наф келтираётгани муҳимроқдир. Агар 1994 йилда ҳиссадорлик корхоналари сони 2900 тани ташкил этган ва асосан ёпиқ турда бўлган бўлса, ҳозир 4,5 минг очиқ турдаги ҳиссадорлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Расман қайд этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 7,5 мингтадан 19300 тага кўпайди. Жорий йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 19100 тага кўпайди ва шу йилнинг 1 июлига келиб 83,5 мингтага етди.

Агар олдинги йиллар унчалик катта бўлмаган ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилган бўлса, бугунги кунга келиб, йирик корхоналар ҳам мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. Биринчи ярим йилликда акциялар сотувидан 1,7 млрд. сўм маблағ тушди ва бу 1995 йил кўрсаткичларидан 15,6 марта кўпдир. Умуман олганда, хусусийлаштиришдан тушган даромад, тахминан, 3 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. Агар 1993 йили жами корхоналарнинг 39,4 фоизи давлатга тегишли бўлмаган корхона бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, бугунги кунга келиб эса 82,7 фоизга етди.

1993 йили халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 48 фоизи нодавлат секторида ишлаган бўлса, айти пайтда уларнинг 70 фоизи мазкур секторда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда саноат маҳсулоти ҳажмининг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизи, чакана товар оборотининг 94 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.

Тўртинчи хулоса. Мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди.

Кўпгина хом ашё ресурсларининг саноат қайта ишлови ошгани ижобий силжиш экани шубҳасиздир. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улуши кўпайди, уларнинг кўпчилиги рақобатга бардошли бўлиб қолди. Агар 1993 йили тайёр маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг қарийб 45 фоизини ташкил этган бўлса, жорий йилда у 65,6 фоизга етди.

Иқтисодийтимиз қиёфасини ўзгартираётган соҳаларгина эмас, унинг ташқи омиллардан дахлсизлигини, қолаверса, ялпи миллий маҳсулот ўсишини таъминлаётган соҳалар ҳам жадал ривожлана бошлади. Биринчи ярим йилликда автомобиль саноати тез суръатлар билан тараққий этди, унинг ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6 баробар, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги - 34,4 фоиз, асбобсозлик - 24,2 фоиз, кимё ва нефть кимёси - 15,3 фоиз, станоксозлик ва асбоблар ишлаб чиқариш саноати - 13,3 фоиз, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати - 18,8 фоиз ўсди.

Жорий йилда республиканинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсати давом эттирилди. Нефть ва газ саноати барқарор ривожланмоқда. Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўтган йилги даражаси юқори бўлганига қарамай, бу йил уларни ишлаб чиқариш ҳажми 230 минг тонна, табиий газ - 130 млн. куб метр, кўмир - 44 минг тоннага ошди.

Тўқимачилик саноати, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати, пудратли қурилиш фаолияти, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси каби меҳнатталаб соҳалар жадал суръатлар билан ривожланди. Бу юртимизнинг иш кучини тўлароқ банд қилишга имкон яратди.

Жорий йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайганини ҳам жиддий силжиш, туб бурилиш палласи деб баҳолаш мумкин. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6,3 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари - 3,6 фоиз, ноозиқ-овқат товарлари - 5,8 фоиз ўсди. Энг муҳими, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмигина эмас, балки уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ҳам 4,3 фоиз кўпайди. Бугунги кунда 1450 та ёки барча корхоналарнинг 70 фоиздан ортиқроғи истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш, четдан келтириладиган маҳсулотлар (импорт) ўрнини босадиган товарлар ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёни кечмоқда. 1995 йилнинг ўзидаёқ саноатнинг барча соҳаларида 400 дан ошиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, биринчи ярим йилликда эса уларнинг яна 120 тури ўзлаштирилди.

Тузилма ўзгаришлари ва устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида гап кетганда, республикамиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бир воқеани алоҳида таъкидлашни истардим. Мен Жанубий Кореянинг "ДЭУ" фирмаси билан биргаликда Асака шаҳрида қурилган ва ишга туширилган автомобиль заводини назарда тутяпман. Марказий Осиёдаги биринчи автомобиль заводи бунёд этилиши ва бу улкан корхона бир йилда 200 минг енгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга эканининг ўзи тарихий воқеадир.

Автомобиль заводининг бунёд этилиши, саноатнинг янги соҳаларини вужудга келтириб ва замонавий технологиялар соҳасида тубдан янги поғонага кўтариб қолмасдан, яқин истиқболда саноат соҳасидаги сиёсатимизда кескин бурилиш ҳам ясайди.

Автомобиль заводи қурилиши бугуннинг ўзидаёқ рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дунё бозорларига чиқиш ва у ерларда муносиб жой эгаллаш имконини беради.

Бу завод қурилиши бутун бошли индустрияни, ишлаб чиқаришнинг замонавий соҳалари мажмуини вужудга келтиради. Улар келгусида ўша завод учун ишлайди, унга бутловчи ашёлар, хом ашё ва материаллар етказиб беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ автомобиль ойналари, ўриндиклари, дисклари, электр ускуналари ишлаб чиқарадиган заводлар қурилиши бошлаб юборилди. Улар эртага сифат жиҳатидан янги технологиялар даражасидаги моторлар, боғловчи мосламалар ва агрегатлар, кимёвий ва полимер

материаллар ҳамда автомобиллар учун зарур бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган бутун бошли заводлар ва цехлар бўлади. Бу ўзимизнинг конструкторлик базамиз ривожланишини англатади. Бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини яратиш ҳамда қайта ихтисослаш, бутунлай янгича хизмат кўрсатадиган банк ва Суғурта тизимини, замонавий сервис хизматларини шакллантириш демакдир.

Бу миллий кадрларнинг профессионал даражасини ўзгартириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий тизимларини жорий этиш демакдир. Ниҳоят, бу янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш демакдир.

Қишлоқ хўжалик машиналари паркини "Кейс" русумидаги Ғалла ўриш комбайнлари билан тўлдириш ҳам чуқур таркибий ўзгаришларга олиб келиши лозим. Бугунги кунда биз бундай комбайнлардан 340 тасини сотиб олдик ва улар далаларимизда синовдан ўтпти. Уларнинг меҳнат самарадорлиги, нобудгарчиликни кескин камайтириши, иш шароитлари жиҳатидан устунлиги ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб қолди. Қишлоқ хўжалигида бу машиналардан фойдаланишнинг ўзиёқ унинг ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар юз берганини кўрсатади, яъни Ғалла экиладиган майдонлар кенгайди. Пахта билан биргаликда бошқоқли дон экинлари етиштириш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг яна бир ихтисослашган соҳасига айланмоқда. Бу қишлоқ хўжалик машинасозлигини ҳам, қишлоқ хўжалик хом ашёсини саноат қайта ишлови билан боғлиқ соҳаларни ҳам, тегишли кадрларни тайёрлашни ҳам таркибий жиҳатдан кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар янги қурилишлар ҳисобигагина эмас, асосан, мавжуд ишлаб чиқаришни янгилаш ҳисобига амалга оширилади. Бу - аён ҳақиқат. Бугунги кунда технологияларни янгиланмай туриб, техник жиҳатдан қайта қуролланмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, олдинги йиллардагидан фарқли ўлароқ, айти замонда капитал маблағлар янги ва улкан иншоотлар, бинолар қурилишига, яъни асосий фондларнинг пассив қисмига эмас, балки технологияларни янгилашга сарфланмоқда. Бу қурилиш муддатларини қисқартиради, сарфланган маблағларнинг ўз-ўзини қоплашини тезлаштиради. Бундай мисоллар оз эмас. Қиймати 230 миллион АҚШ долларига тенг ва мисли кўрилмаган қисқа муддат - 18 ойда барпо этилган "Зарафшон - Ньюмонт" қўшма корхонаси худди шу каби лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқ эканига далилдир.

Бешинчи хулоса. Республикада бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантиришда сезиларли силжиш рўй берди.

Қисқа вақт ичида бозор инфраструктурасига асос солинди. Банк ва молия тизими ислоҳ этилди. Суғурта ва аудиторлик тармоғи яратилди. Замонавий компьютер ва телекоммуникация тизими билан жиҳозланган ва Марказий Осиёда энг йирик Биржа маркази ишга тушди.

Кўчмас мулкни сотиш бўйича 190 та, лицензия сотиш бўйича 132 брокерлик идораси, Республика фонд биржасининг 13 филиали ва бўлими, Миллий депозитарийнинг 10 филиали, 62 фонд магазини, 38 бизнес марказлари ва бозор инфраструктурасининг бошқа қатор таркибий қисм-лари фаолият кўрсатмоқда.

Олтинчи хулоса. Кўзда тутилган дастурни муваффақиятли амалга оширишнинг натижаси ўлароқ, асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришдик.

Шу маънода 1996 йил биз учун кескин бурилиш йили бўлди. Биринчи бор ички ялпи маҳсулотнинг пасайишига барҳам берилибгина қолмасдан, балки унинг 101,4 фоиз ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулоти ҳажми 105 фоизга ошди. Хусусан, мамлакатимизнинг барча вилоятларида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши таъмин этилди. Жорий йилда, айниқса, Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятида, Сирдарё, Андижон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида саноат тез суръатлар билан ривожланди.

Шу борада қишлоқ хўжалик соҳасида, Ғалла етиштиришимизда эришилган натижаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Дехқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозирги кунда республика бўйича 1 млн. 820 минг тонна Ғалла, жумладан 1 млн. 700 минг тонна буғдой тайёрланди. Шуни

айтиш керакки, ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан бу йил Ғалла 100 минг тонна, буғдой эса 200,0 минг тонна кўп тайёрланди.

1995 йилда ўртача ҳосилдорлик гектарига 21 центнер бўлган бўлса, бу йил бу рақам 22 центнерни ташкил этди. Агар бу йил об-ҳаво лалмикор майдонларда Ғалла етиштиришга салбий таъсир кўрсатганини инобатга олсак, бу натижалар ниҳоятда салмоқли эканлиги аён бўлади.

Бу йил Ғалла етиштириш ва тайёрлашда Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари алоҳида фаоллик кўрсатишди. Яқин кунларда улар қаторига Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳам қўшилади.

Ғалла тайёрлашда энг яхши натижаларга эришган Шаҳрихон, Бешариқ, Юқори Чирчиқ, Денов, Учкўрғон, Шофиркон ва бошқа туманларни алоҳида тилга олиб, уларнинг меҳнат аҳлига ташаккур айтмоқчиман.

Республикамизда капитал маблағларнинг ҳажми 4,4 фоизга кўпайди, уларнинг 60 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Буларнинг барчаси республикада иқтисодийнинг келгуси юксалиши учун мустаҳкам моддий, молиявий ва институционал база - асос яратилганидан, инвестициялаш жараёни фаоллашганидан далолатдир.

Навбатдаги муҳим хулоса шундан иборатки, ижтимоий соҳада ҳам, аҳолининг турмуш шароити ва даражасида ҳам ўзгариш юз берди.

1996 йил, бу - кенг қамровли ижтимоий дастурни амалга оширишнинг, уй-жой, қишлоқ мактаблари ва тиббиёт пунктлари, маиший объектлар, телефонлаштириш ва телекоммуникациялар қуришни ўз ичига қамраб олган кенг ижтимоий дастурни амалга оширишда биринчи йил бўлди.

Бугун биз халқимизнинг чекига тушган ва ўтиш даври учун муқаррар бўлган энг оғир синовлар ортида қолди, деб бемалол айта оламиз.

Бугун аҳолининг фаровон яшашига салбий таъсир этувчи омиллар йўқ, аксинча, аҳоли турмуш даражасини ўстириш учун тегишли шароит ва ишончли қафолатлар яратувчи барқарорлик омиллари кучга кирмоқда.

Аҳолини аниқ ва адресли ижтимоий ҳимоя қилиш учун жорий этилган тизим ўзини тўлиқ оқлади. Шунинг натижаси ўлароқ, ўтган йилга нисбатан аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошди ва шу йилнинг охиригача янада ошиши муқаррар.

Аҳолининг 1991 йилдан кейин қадрини йўқотган омонатларини индексация қилиш Ғоят муҳим аҳамиятга молик бир тадбир, Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотларнинг адолатли ва ҳаётий эканини тасдиқловчи бир воқеа бўлди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ижтимоий адолат тикланди - 3 миллиондан ортиқ омонат эгаларига уларнинг 1992 йилнинг 1 январига қадар қўйган ва умумий миқдори 35 миллиард сўмга тенг бўлган омонатлари индексация қилинди. Шу йилнинг 24 июлига қадар махсус "Индексация" деб аталувчи ҳисоблардан аҳолига 1 миллиард сўм тўланди ва 20 миллион сўм бош-қа омонат шаклларига қайтадан расмийлаштирилди.

Хурматли дўстлар!

Мен республикамизнинг жорий йилнинг ўтган ярмидаги иқтисодий ва ижтимоий ривож натижаларига тегишли айрим муҳим омилларни тилга олдим, ҳолос.

Улар ўзларининг миқёси ва қамрови билан, Ўзбекистоннинг ислохотлар ва янгилашни йўлидаги изчил тараққиётга ҳос барқарор ва мустаҳкам ижобий тенденциялардан - оқимлардан далолат беради. Энг муҳими эса, улар ўтказилаётган ислохотлар иқтисоднинг буткул тарзига ва бизнинг ҳаётимизга кўрсатаётган ва бугун барчамиз яққол сезиб турган таъсири ва натижалари, деб айтсак хато бўлмайди.

Албатта, биз биламизки, булар барчаси - дастлабки ниҳоллар, дастлабки ютуғлардир. Худди шу сабабли ҳам, 1996 йилнинг биринчи ярмига яқин ясар эканмиз, энг асосий омилларни ва эришилган ютуғларнинг манбаларини аниқлаб олиш биз учун Ғоят муҳимдир.

Биринчидан, бу - танлаб олинган иқтисодий ислохотлар йўлининг тўғрилиги натижасидир. Бугун, биз танлаган модель амалда, амалиётда синовдан ўтганидан кейин, Ўзбекистоннинг ислохотлар модели тўғрилиги ҳақида баралла гапириш учун барча асосимиз бор. Бугунги кунда ўзбек модели обрўли халқаро ташкилотлар томонидан, дунёдаги кўпчилик мамлакатлар томонидан эътироф этилди. Мухими - ўзбек модели тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Бизнинг моделимизнинг қайси муҳим жиҳатлари ва хислатлари хусусида гап кетмоқда?

Дастлаб шуни айтиш керакки, биз ўзимизнинг ислохотлар йўлимизни босқичма-босқич - ўз имкониятларимизни аниқ мақсад сари қаратиб, имконият ва мақсадни ўзаро тошу тарози қилиб, барча ресурсларимизни айна босқич учун устувор бўлган вазифаларни бажаришга сафарбар этган ҳолда ҳаётга татбиқ этмоқдамиз. Бу ҳолат, бир тарафдан, чекланган ресурслардан, уларни ҳуда-беҳуда исроф этмасдан, самарали ва оқилона фойдаланиш имконини беради. Иккинчи тарафдан эса, ўз фаолиятимизнинг, ўз меҳнатимизнинг натижаларини яққол сезиш, ўз қудратимиз ва салоҳиятимизга янада кўпроқ ишониш имконини беради.

Албатта, бизнинг моделимизда кучли ижтимоий сиёсат, унинг аҳамияти ҳақида гапирмасак бўлмайди.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли шундаки, у халқимизга ислохот шунчаки ислохот учун эмас, балки авваламбор халқ манфаатлари учун ўтказилмоқда, деган ишонч бахш этади.

Биз осон йўлни қидирмадик. Шу ўринда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари энг осон йўлдан кетганларини эслатиб ўтиш жоиздир.

Маҳсулот экспортдан тушган барча ресурслар ва хориждан олинган кредитлар, энг аввало, турли импорт молларига, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф этилди ва шу тариқа, ўзлари билган ва билмаган ҳолда, мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчиларни бозордан четга чиқариб қўйдилар. Пировард оқибат шу бўлдики, улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, туб маънода эса, буткул миллий иқтисодиёт заифлашган, аксар ҳолларда бутунлай таназзулга, парокандаликка учраган ҳолда, жуда катта валюта маблағларини бирпасда еб қўйдилар.

Биз эса, энг оғир йўлни танладик. Ўз маблағларимиз ва бошқалардан олган қарз маблағларининг асосий қисми инвестициялаш учун, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ўстириш учун ажратилди. Яъни, истеъмол қилишни эмас, балки инвестицияларни, ўзбекчасига айтадиган бўлсак, сармоя ётқизишни кўпайтирдик. Бугун ўша сармоялар ўз меваларини бермоқда.

Асака шахрида қурилган автомобиль заводи ҳам худди шундай мевадир. Бухорода қурилаётган улкан нефтни қайта ишлаш заводи ҳам шу сирага киради.

Кўкдумалоқ нефть конини изга солиш, Қувасой шахрида янги турли ойна шишаси тайёрловчи завод, Андижон, Қўқон ва Янгийўлдаги спирт заводлари, Хоразм вилоятида қурилаётган шакар заводи, Қорақалпоқистондаги сода заводи, Чирчикдаги ҳароратга чидамли металлургия заводини, Олмалиқ кон-металлургия заводини реконструкция қилиш, Навоий кон-металлургия заводининг 2-гидрометаллургия заводини ишга тушириш, янги темир йўллар, автомобиль йўллари, ободончилик ишлари - буларнинг барчаси биз танлаган машаққатли йўлда қурилган ва насиб этса, эртанги кунда барча оғиримизни енгил қиладиган бунёдкорлик намуналаридир. Тўқимачилик саноатида, енгил саноатда янгидан қурилган ёки модернизация қилинган ва бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда, ҳар бир аҳоли яшайдиган жойда учратиш мумкин.

Биз ўз ислохотларимиз учун мустаҳкам қонунчилик базасини, хорижий сармоядорлар учун кучли кафолат ва имтиёзлар тизимини яратдик. Биз бевосита кредитларни давлат учун эмас, балки бугун муваффақиятли амалга оширилаётган аниқ ва муайян лойиҳалар учун олдик.

Биз асосий эътиборни қўшма корхоналарни тузишга қаратдик. Аввал бошдан қайсики корхонанинг хорижий шериги бўлмаса, ўша корхонанинг келажаги йўқ, деган масала қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимизда хорижий сармоялар иштирокида тузилган 2400 корхона рўйхатдан ўтган.

Иккинчидан, бизнинг ютуғларимиз - одамларимизнинг фидокорона меҳнати натижасидир. Ватандошларимиз ислохотлар йўлига ишондилар ва бу йўл рўёбга чиқиши учун ҳаракат қилдилар.

Бугун мен, мана шу юксак минбардан туриб, халқимизга қилган меҳнатлари учун, тоқдай бардоши учун, қи-йинчиликлар вақтинчалик эканини тушунгани учун, мустақиллигимиз ва тикланиш йилларида қилиб улгурган ишларимизни қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Юртимизда ҳукм сураётган тинч-лик ва осойишталик учун, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳамда фарзандларимизнинг келажаги ва камолоти учун қилаётган меҳнати учун халқимизга таъзим бажо келтиришга ижозат бергайсиз.

Учинчидан, давлат қурилиши жараёнида, демократик жамиятни шакллантириш жараёнида давлат, жамоат ва давлатга тобе бўлмаган ташкилотларнинг тўлақонли тизими яратилди, замонавий банк ва молия тизимлари барпо этилди, кенг тармоқли бозор инфраструктураси бун-ёд қилинди. Энг муҳими, бу тузилмалар амалда ишлай бошлади.

Тўртинчидан, одамларимиз янги шароитларда ишлаш тажрибасига эга бўла бошладилар. Кўпчилик раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиати, психологияси ўзгарди. Бугун дадил айтиш мумкинки, республика, вилоят ва ишлаб чиқариш даражасида ислохотчилар командаси, эътиқоди бир, маслакдош кишилар командаси шакллана бошлади. Бир йўналишда, ҳамжиҳат бўлиб, умумий мақсад дастурига амал қилган ҳолда ишлайдиган кишилар командаси пайдо бўлди. Бу инсонлар учун давлат манфаатлари, иш манфаатлари, халқ манфаатлари ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир.

Мен бу юксак минбардан сизга, барча команда аъзоларига миннатдорчилик билдиришни истардим. Ишончим комилки, бу команда бошлаган ишларимизни охирига етказиши муқаррар.

Хурматли дўстлар!

Ватандошлар!

Яқунлар ҳақида, эришилган ютуғлар ҳақида гапирар эканмиз, биз ҳаммамиз яхши биламизки, энди бу марралар - ўзимизники, уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Аммо, бу яқунларни муҳокама этар эканмиз, оқсоқликларга, ўз ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида эътиборни қаратиш, айниқса муҳимдир. Биз учун бошқаришнинг барча бўғинлари, шу жумладан, қонун чиқарувчиларимиз ва ижроия тузилмаларининг диққат марказида туриши лозим бўлган биринчи даражали вазифаларни белгилаб олиш фавқулодда аҳамият касб этади.

Албатта, камчилик ва нуқсонлар хусусида, муаммо ва жиддий тўсиқлар хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин ислохотларнинг бугунги босқичида олға силжишимизнинг асосий гарови бўлмиш вазифаларга диққатни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Олға силжишимизнинг бош шарт, бу - хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш билан боғлиқ ислохотларни янада чуқурлаштиришдир. Хусусийлаштириш масаласида расмиятчиликдан, юзаки ёндошувлардан, тўрачиликдан воз кечиш ва уларга бутунлай барҳам беришдир.

Таъбир жоиз бўлса, хусусийлаштириш шунчаки номига эмас, балки мулк ўзининг асл соҳибини, хўжайинини топиши учун амалга оширилиши керак. Мулк ишга билими ва қурби етадиган, ташкилотчилик ва бошқарувнинг замонавий талабларини яхши англайдиган, кишилар манфаати ва бутун жамиятимиз манфаатлари учун янги сармояларни жалб этишга ва ишлаб чиқаришни юксалтиришга, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир инсонлар қўлига тегиши зарур.

Шу маънода бугунги кунда мулк эгалари ва тадбиркорларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда ҳам қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Уларга нафақат имтиёзли кредитлар ажратиш, балки энг муҳими, уларнинг замонавий ускуналар ва технологияларни олиш ва ўрнатишига доир масалаларни ҳал этиш, уларга хом ашё ва материаллар олиш имконини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сотишда амалий ёрдам кўрсатиш даркор.

Янги мулк эгалари, тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг савияси ва билимларини ошириш, улардан ҳақиқий бизнесменларни тарбиялаб етиштириш Ғоят муҳимдир. Бу масалалар Ўзукуматимизнинг, Давлат мулк қўмитасининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, маҳаллий ҳокимлар ва барча давлат идоралари ҳамда давлатга қарашли бўлмаган идораларнинг диққат марказида турмоғи лозим.

Бозор инфраструктураси ва таркибий-ташкилий ўзгаришлар хусусида сўз юритар эканмиз, уларнинг мазмуни, характери ва шакли бугунги кун талабларига муносиб эмаслигини қайд этиш керак. Бир қарашда барча тузилмалар яратилгандай туюлади, лекин афсуски, уларнинг иш услуби ва иш натижалари амалда ўзгаргани йўқ.

Энг муҳими шуки, бозор тузилмаларини шакллантириш биз учун шунчаки мақсад эмас. Улар шунчаки номига, рўй бераётган ўзгаришларни намоиш этиш, кўз-кўз қилиш учун тузилмайди, балки иқтисодиётга, хўжалик юритувчи субъектларга, ҳам ҳуқуқий ва ҳам жисмоний шахсларга хизмат қилиш учун тузилади.

Янги барпо этилган тузилмаларнинг туб мазмуни, уларнинг даромадлари ва келажаги хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиши шарт.

Шуни яхшилаб англаб олиш зарур: бугунги кунда банк-ларга, молия тизимларига турли Суғурта ва аудиторлик хизматларига, Давлат мулк қўмитаси бўлинмаларига берилган қатор имтиёзлар - уларнинг оёққа туриш даврига мўлжалланган вақтинчалик чора-тадбирлар, холос.

Улар шу нарсани тушуниши, англаши ва бугуннинг ўзидаёқ тўлиқ ўз-ўзини қоплашга, ўзларини боқиш учун, мижозлар сонини кўпайтириш эвазига ва иш натижаларига кўра фойда олишни таъминлашга, хуллас, ўз нонларини ўзлари топиб ейишга тайёр бўлишлари зарур. Бош-қача айтадиган бўлсак, оёққа туриш, тикланиш давридан фаол ва аниқ мақсадга қаратилган ишга ўтиш фурсати етди.

Иккинчи жуда муҳим вазифа - халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Халқ истеъмоли молларини, биринчи навбатда, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этишга, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлашга, хал-қимиз учун чиқарилаётган молларнинг сифатини оширишга нимаики хизмат қилса, ўшанга биз туртки беришимиз, қўмак беришимиз зарур. Биз бу йўналишни ва соҳани ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантиришимиз, қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Бугун республикада ҳар бир жон бошига 2600 сўмлик истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,3 фоиз кўпдир. Аммо, айрим вилоятларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш даражаси анча паст. Масалан, жон бошига ишлаб чиқарилган мол қиймати Жиззах вилоятида 740 сўмни, Қашқадарё вилоятида 1082 сўмни, Сурхондарё вилоятида 1235 сўмни, Сирдарё вилоятида 1449 сўмни, Навоий вилоятида 1697 сўмни, Қорақалпоқистон Республикасида 1529 сўмни ташкил этади. Шунинг учун ҳам айнан мана шу вилоятларда пулнинг эмиссия даражаси Ғоят юқори эканидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу ҳам камлик қилгандай, Қорақалпоқистон Республикасида, Навоий ва Сирдарё вилоятларида аҳоли жон бошига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пасайиб кетди.

Хорижий сармоялар иштирокида тузилган қўшма корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга етарли ҳисса қўшмаяпти. Уларнинг умумий ҳажмдаги улуши атиги 2,4 фоизни ташкил этади. Хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси бундан ҳам камроқ - бор-йўғи 0,2 фоизни ташкил қилади.

Талабга жавоб берадиган ва харидори кўп бўлган кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетганини оқлаб бўлмайди. Шундай мисоллардан айримларини айтиб ўтмоқчиман: илгари 32 хил макарон ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда атиги 5-6 хили қолди. Илгари ишлаб чиқариладиган деярли барча крупа турларидан эса, фақат гуруч, буғдой ёрмаси ва манна талқони қолди. Қандолат маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, пишлоқлар, консервалар ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол худди шундай. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Хўш, айтинглар: бу ҳолни қандай баҳолаш мумкин?

Аҳвол шундай бўла туриб, фақатгина 1996 йилнинг биринчи ярмида импорт бўйича ўтган йилдагидан 1,5 марта кўпроқ, яъни 600 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 170 миллион долларлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташқаридан олиб келтирилган. Шу жумладан, 9,4 миллион долларга макарон, 33,8 миллион долларга печенье ва бошқа турдаги қандолатчилик маҳсулотлари четдан келтирилган.

Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи молларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни тузишга, мавжуд қувватларни қайтадан мослаб жиҳозлашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, шу ихтисос - йўналишдаги кичик, хусусий ва оилавий корхоналарни шакллантиришга етарли даражада аҳамият берилмаяпти.

Улар учун энг яхши имтиёзли шарт-шароит яратиб бериш ҳамда жойларда, ҳар бир аҳоли пунктида эҳтиёж ва талабга қараб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш зарур.

Биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини пухта билиб олишимиз керак.

Халқ истеъмоли моллари - энг аввало ички истеъмол бозорини тўлдириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари - ўсиб бораётган истеъмол талабларини қондириш ва эмиссияни кескин қисқартириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари - пулнинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютаамизнинг барқарорлигини таъминлаш демакдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш - пировард натижада қўшимча иш жойлари демакдир. Бу ишга аёллар меҳнатини ҳам жалб этишни ҳисобга оладиган бўлсак, у алоҳида аҳамият касб этади.

Охир-оқибатда буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш демакдир. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бугунги кунда масала шундай турибди: биз республикага мол олиб келишимиз керак, бироқ ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган ёки ишлаб чиқаришдан кўра олиб келиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлган молларни олиб келишимиз керак. Биз ўзимизда ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган маҳсулотларнинг республикадан ташқарида ишлаб чиқарилишини рағбатлантиришимиз керак эмас. Мен, албатта, бу ўринда ўзимизда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутяпман.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар учун амалдаги имтиёзлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва бугунги кунда қандай турдаги рағбатлантириш фойда бериши мумкинлигини аниқлаш лозим. Қонунчилик соҳасидаги барча чеклашларни ҳам олиб ташлаш зарур. Керак бўлса, амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгаришларни тайёрлаш лозим. Бу масалага энг қобилиятли, энг истеъдодли кишиларни жалб этиш керак.

Иккинчидан, халқ учун зарур молларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга хорижий сармоя, хорижий технологияларни фаол равишда жалб этиш лозим. Қўйган маблағи тезда ўзини оқлаб, фойда келтирадиган бўлса, хорижий сармоядорлар бу ишга жон-жон деб рози бўлади.

Навоий кон-металлургия комбинатининг тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу корхона хорижий шериклар билан ҳамкорликда Зарафшон шаҳрида аралаш иплардан устки

трикотаж ишлаб чиқариш бўйича "Агама" кўшма корхонасини барпо этди. Франция ва Япониянинг замонавий ускуналарида аралаш пахта-акрил ипи ҳамда 30 хилдаги халк истеъмол моллари ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Зарафшон, Учқудук, Навоий, Тошкент ва бошқа шаҳарларда 9 та цех барпо этилди, уларда 800 киши ишламоқда. Корхона бу йил 2,6 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилишни, 1997 йилда бу кўрсаткични 9 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

Бу ташаббус ҳар томонлама эътиборга сазовор.

Учинчидан, истеъмол товарлари, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хусусий корхоналар улушини кескин ошириш лозим. Хусусий секторга кенг йўл очиб бериш керак. Ишбилармонларнинг хом ашё ва фонд биржаларида хом ашё, материал ва жиҳозларни сотиб олиши учун қулайлик туғдириш жуда ҳам муҳим. Хусусий секторгина талаб ва шароитнинг ўзгаришига мос равишда тезлик билан ўзгара олади.

Хусусийлаштириш сиёсатимизни (В.А.Чжен) тубдан қайта кўриб чиқишимиз лозим. Энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган хусусий секторни рағбатлантириш керак. Мулк эгаси ҳеч қачон ўз мулкини ўқирламайди. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Тўртинчидан, бу борада яқинда ташкил этилган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда зарур маблағга эга бўлган Бизнес фонди ўзини кўрсатиши лозим.

Бешинчидан, миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштираётганда арзон-гаров, сифатсиз мол олиб келадиган тижоратчиларга нисбатан, замонавий технологияларни олиб келувчиларга кўпроқ эътиборни қаратиш лозим. Технология ва ускуналарга эътиборни кучайтириш керак. Улар бизни янги иш ўринлари билан таъминлабгина қолмай, бугунги кунда республикага ташқаридан олиб келинаётган товарларга қараганда сифатлироқ ва кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимизга имкон ҳам беради.

Ўзукуматимиз (Ў.Султонов) яқин орада шу муаммо билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқиши ва тегишли қарорлар қабул қилиши зарур.

Навбатдаги муҳим вазифа - экспортни кенгайтиришдан иборат. Ярим йиллик натижаларига кўра, экспорт 1,4 АҚШ долларини ташкил этди ҳамда ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга таққослаганда, 4,8 фоиз ошди.

Экспортни кенгайтириш - республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани мустақамлаш демакдир. Бу корхоналар эҳтиёжманд бўлган янги технологиялар ҳам демакдир. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш - иш ҳақини ошириш; ижтимоий инфраструктурани кенгайтириш демакдир. Бу ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда бирорта корхона валютасиз, эркин муомаладаги валютасиз ўз истиқболини кўролмайди. Барча корхона раҳбарлари буни тушуниб етишлари лозим.

Афсуски, бугунги кунда республиканинг экспорт ҳажми асосан хомашё ресурслари ҳисобига таъминланмоқда.

Ҳали ҳам асосий экспортни анъанавий хомашё ресурс-лари - пахта толаси, рангли ва қора металллар, минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар, мис асосидаги электротехника маҳсулоти ташкил этмоқда. Экспорт тузилмасида озиқ-овқат маҳсулотлари атиги 1,4 фоизни, республикамиз ниҳоятда бой бўлган мева-сабзавотнинг қайта ишланган маҳсулотлари эса 0,4 фоизни ташкил этади. Бу бизнинг энг катта камчилигимиздир. Биз бу борада жуда кўп иш қилишимиз керак.

Бу масалада "Ўзмевасабзавотузумсаноат" (Носиров) уюшмасига жуда кўп марта кўрсатмалар берилган, бироқ ханузгача бирон-бир натижа йўқ. Бундан тегишли хулосалар чиқариш лозимга ўхшайди.

Республикада экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида зарур ҳуқуқий асос, кенг имтиёзлар тизими барпо этилган.

Шу жумладан, чет эл сармоялари билан ишлаётган корхоналар учун кенг имтиёзлар тизими барпо этилган. Бу имтиёз ва кафолатларнинг барчаси "Хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналар барпо этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги Фармонда ўз аксини топган. Бу уни билиб олиш ва фойдаланиш учун қулайлик туғдиради. Бизнинг вазифамиз бу имтиёзлар тўла амал қилишини таъминлаш, зарур бўлган жойларда эса қўшимча имтиёзларни назарда тутишдан иборат.

Экспортни кенгайтиришга халақит бераётган асосий сабаблар нималардан иборат? Бу энг аввало:

- кўпгина тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг алмисокдан қолган технологияларидир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг серхаражатлиги, кўп материал ва энергия талаб қилиши билан ажралиб туради. Натижада кўпгина маҳсулотлар таннархининг жаҳондаги шундай маҳсулотлар таннарихидан анча юқорилиги уларни рақобатга бардошсиз қилиб қўймоқда;

- нархлар эркин бўлган бир шароитда кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш монополиясининг сақланиб қолиши корхоналарга истаганча нарх қўйиш имконини бермоқда. Улар бундай шароитда ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдордирлар. Бу борада Молия вазирлиги ҳамда унинг Монополияга қарши кураш қўмитаси анчагина иш қилиши лозим;

- экспорт қилинадиган маҳсулот нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяётган, аксарият қисми тарифлар жуда юқори бўлган Қозоғистон ва Россия орқали олиб келинаётган мавжуд юк ташиш тизими;

- кўпгина корхоналарнинг фаол ташқи иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги; бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равишда ташкил этишда кўзга ташланмоқда;

- экспорт маҳсулотларини кўпайтириш учун яхши имкониятга эга бўлган айрим корхоналарда, зарур айланма маблағлар ва сармоялар йўқлиги;

- экспорт маҳсулотларини сертификациялаш тизимининг йўқлиги. Бу маҳсулотларни дунё нархларида сотишга имкон бермайди.

Бу ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун бош вазир ўринбосарлари - мажмуа раҳбарларига ўн кунлик муҳлат берилади. Таклифлар Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида умумлаштириб, кўриб чиқилсин.

Тўртинчи муҳим масала - хўжалик субъектларидаги шароитларни бундан буён ҳам эркинлаштириш, уларга катта иқтисодий эркинлик беришдан иборат. Бир томондан, корхоналарнинг мустақиллигини юқори даражада кенгайтириш, уларнинг ўз фаолияти натижаси учун масъуллигини ошириш зарур. Бошқа томондан эса, уларни юқори ташкилотлар, турли текширувчи органларнинг аралашувидан қўриқлаш лозим.

Бир вақтлар текширувчи органлар ва уларнинг текширувларини кескин қисқартириш бўйича чора-тадбирлар кўрилган эди. Бироқ шу пайтга қадар кўпчилиكنинг "текшир-текшир" билан шуғулланиш, корхоналарнинг хўжалик ишларига аралашини, ёрдам ўрнига халақит бериш истагига барҳам берилгани йўқ. Мен яқинда бу ишни ўрганиб чиқишга топшириқ бердим.

Бугунги мавжуд ҳуқуқий-меъёрий база таҳлили шуни кўрсатдики, 29 та давлат органи корхоналарни турли масалалар бўйича текшириш ҳуқуқига эга экан.

3700 корхона ва ташкилот бўйича ўтказилган текширувлар таҳлилидан маълум бўлишича, 1995 йилда ва бу йилнинг биринчи ярмида бу корхона ва ташкилотлар 21 минг марта ёки ўрта ҳисобда олганда, уларнинг ҳар бири турли органлар томонидан 5-6 мартадан текширилган. Солиқ органларидан ташқари энг кўп текширув санитария-эпидемия хизмати (умумий миқдорнинг 17,8 фоизи), банкларга (17,4 фоиз), давлат

ёнҚин назоратига (11,2 фоиз) маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқармаларга (қарийб 7 фоиз) тўғри келади.

Мисол учун "Электркимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси 43 марта, жумладан, Энергия назорат томонидан 9 марта, Техник назорат томонидан 7 марта, молия органлари томонидан 5 марта, Давлат ёнҚин назорати, санэпидстанция, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан 4 мартадан, Прокуратура ва Банк томонидан 3 мартадан, шаҳар харбий комиссариати ва солиқ органлари томонидан 2 мартадан текширилган. Текширувлар 300 кундан ортиқ давом этган.

Чирчиқ трансформатор заводи 56 марта, жумладан, Ўзэнергоназорати томонидан 11 марта, Техник назорат томонидан 9 марта, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан 8 марта, молия органлари томонидан 6 марта, давлат ёнҚин назорати ва санэпидстанция томонидан 5 мартадан, Прокуратура ва Банк органлари томонидан 3 мартадан, солиқ органлари, адлия органлари ва ҳатто иситиш тармоқлари назорати томонидан 2 мартадан текширилган. КаттакўрҚон ёҚ-мой комбинати турли органлар томонидан 50 марта, "Нарзия" (Самарқанд вилояти) савдо-ишлаб чиқариш фирмаси 30 марта текширилган.

Кўпгина корхоналарда ҳам аҳвол шундай. Бундай шароитда қандай қилиб унумли ишлаш мумкин? Бу вақтни бой бериш, тўғридан-тўғри йўқотишларгина эмас, текширилаётган жамоаларни ёмон аҳволга ҳам солиб қўяди, номақбул руҳий муҳит юзага келишига сабаб бўлади. Охир-оқибатда у интизомни мустаҳкамлашга эмас, аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади, жамоаларнинг қонунчиликка бўлган ишончига раҳна солади ва, энг муҳими, бу текширувларнинг ўзини обрўсизлантиради.

Бу борада қатъий тартиб ўрнатиш, текширувлар даражаси ва сонини ҳамда назорат органларининг ваколатларини чеклаш зарур. Мансабдор шахслар ва давлат органларининг корхоналарнинг ички ишларига асоссиз аралашувини тақиқлаб қўйиш керак. Аудиторлик хизматларининг ўрни ва масъулиятини ошириш, махсус солиқ судларини барпо этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Ўзукуматимиз (Ў.Султонов) икки ҳафталик муддат ичида бу ишда тартиб ўрнатиш ва бошқариш вазифаси юкланган махсус Мувофиқлаштирувчи Кенгашни ташкил этиш ҳақида таклиф киритсин. Кенгашга бу бюрократик офатга, текширувларни таъмагирлик ва зўравонлик қилишга айлантириш ҳаракатларига чек қўйиш ваколатини бериш керак.

Бугунги Ғоят муҳим вазифа - корхоналар, тадбиркорлик тузилмаларини мансабдорлик-тўрачиликнинг турли шаклларида муҳофаза қилиш учун маъмурий-бошқарув ишида ишлайдиганлар сонини қисқартиришдан иборат. Юксак малакали ва билимдон мутахассислардан иборат бутунлай янги бошқарув аппаратини барпо этиш, бу мутахассислар учун кучли рағбат ва кафолат тизимини яратиш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Аллақачон давлат хизмати ҳақида махсус қонун қабул қилиш зарурати ҳам пайдо бўлган.

Ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг принципиал вазифаси - қимматли қоғозлар бозорини, энг аввало иккиламчи бозорни янада фаолроқ ривожлантириш зарур. Қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Марказ ташкил этилган, бироқ ҳанузгача сезиларли натижа кўзга ташлангани йўқ. Ҳа, биз бу узоқ давом этадиган жараён эканини, унга яхши тайёргарлик кўриш, биринчи навбатда раҳбарларнинг ҳам, барча фуқароларнинг ҳам тафаккурини ўзгартириш лозимлигини тушунамиз. Бироқ биз ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолининг кенг қатламларида қимматли қоғозларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, фонд бозорларида уларни ишлатиш одатлари ва механизмларини эгаллашга майл уйғотишимиз зарур. Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ташкил этиш энг муҳим масалалардан биридир. Биз уни ривожлантириш учун ташкилий, меъёрий ва институционал шарт-шароитлар яратишимиз зарур.

Навбатдаги муҳим вазифа - солиқларни такомиллаштириш масаласидир. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 1997 йилги бюджет лойиҳаси билан яхшилаб танишиб, солиқ олинадиган базани батафсил аниқлаб, уни кенгайтириш имкониятлари бўйича муайян таҳлил ўтказиши, солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича умумий ёндашувларда аниқ йўлни топиб олиши лозим.

Биз солиқларнинг янги турларини жорий этиш ниятида эмасмиз. Солиқ тизими куйидагилардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиши даркор:

- солиқларнинг рағбатлантирувчи вазифасини кучайтиришга эришиш мақсадида фойдадан олинадиган солиқнинг ҳар қайси соҳа, ҳар қайси тармоқнинг алоҳида хусусиятларига қараб белгилаш;

- билвосита солиқлар, энг аввало, ресурс тўловларининг аҳамиятини ошириш;

- акциз базасини кенгайтириш;

- солиқ тўловлари турларини камайитириш ва уларни яхлит ҳолга келтириш.

Азиз дўстлар!

Сўзимнинг охирида барча тилга олинган нарсаларга яқун ясар эканман, эътиборингизни учинчи чоракда ва йилнинг охиригача олдимизда турган вазифаларга қаратмоқчиман.

Биринчи навбатда кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўриш ҳақида сўз кетмоқда. Энергетика тизимининг, электростанцияларнинг, буҚ қозонхоналарининг, газ тармоқларининг техник ҳолатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш зарур. Ушбу мақсадларга эришишда мазкур йўналишда ишлаётган корхоналарнинг барча имкониятлари ва ресурслари ишга солиниши керак.

Бу борада яна бир кечиктириб бўлмайдиган масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Молия вазирлиги ўзаро тўловлар муаммосини ҳал этиши, корхоналарни, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика мажмуини айланма маблағлар билан таъминлаши зарур, чунки бу соҳадаги ўзаро тўловлар муаммоси республиканинг умумий молия тизимида бош-қа кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўисоб-китобларнинг, умуман, ўзини оқлаган вексель тизими бюджет тушумларининг камайиб кетиши ва республикада тўлов интизоми пасайиб кетишига олиб келмаслиги учун зарур чораларни кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қадрли дўстлар!

Барчамиз бир нарсани яхши тушунамиз ва уни қайта-қайта таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Мен навбатдаги мавсум, қолаверса, жорий йил яқунлари Гўзани ўстириш, йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва йиғим техникасини мавсумга тахт қилиб қўйишга бевосита боғлиқ эканини назарда тутяпман. Умид қиламанки, бу ерда ўтирган ҳокимлар, вазирликлар ва муассасалар раҳбарлари ўзларининг бу борадаги масъулиятларини яхши тушунадилар.

Сўзимни тугатар эканман, барчангизга, энг аввало, раҳбарларга Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик юбилейига бир ойдан ошиқроқ вақт қолганини эслатиб қўймоқчиман. Яна икки ойдан сўнг буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллигини нишонлаймиз.

Ишончим комилки, халқимиз ва давлатимиз ҳаётидаги бу тарихий саналар Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Барчангизга эл-юртимиз фаровонлиги учун, обод бўлишига қилаётган меҳнатингиз учун миннатдорчилик билдириб, ишларингизга равнақ ва омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
мажлисида сўзланган нутқ,
1996 йил 25 июль

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ДЕМОКРАТИК
ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ
МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Хурматли халқ депутатлари!

Қадрли дўстлар!

Олий Мажлиснинг VI сессияси улуг байрамимиз - Ўзбекистон мустақиллиги куни арафасида ўтмоқда.

Бундан беш йил муқаддам мана шу бинода, мана шу юксак минбар орқали Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитетини эълон қилган эдик. Ўз келажагимизни ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этишдан иборат, деб қатъий азму қарор этганимизни маълум қилган эдик.

Бу табаррук кун Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихидан порлоқ саҳифа бўлиб жой олди.

Мустақиллик бизни мустабид ва мафқуралашган тузум кишанларидан озод қилди, ўзбек халқига ўз юртида бошини баланд кўтариб юриш, ўз маданияти ва анъаналарини, кадр-қиммати, дини ва эътиқодини, она тили ва маънавиятини қайта тиклаш имконини берди.

Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имконият яратди.

Мустақиллик улкан табиий, минерал-хом ашё, инсоний, ишлаб чиқариш ва интеллектуал ресурсларимиздан ҳамда юртимиз салоҳиятидан энг аввало ўз халқимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишимизга шароит яратди.

Мустақиллик иқтисодиётни, ижтимоий соҳаларни, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, ислоҳ қилишга катта туртки берди.

Фақатгина истиқлолнинг ҳаётбахш заминидан янги демократик кадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий, хўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғилди.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва кадриятларимизга, умумэътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик. Биз унинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.

Энг аввало, сиз - халқ вакиллари ана шу табаррук байрам билан табриклашга ижозат бергайсизлар!

Мухтарам ватандошлар!

Ўтган беш йил тарих учун бир лаҳза бўлса-да, биз учун бутун бир давр ҳисобланади. Зеро, мана шу беш йил ичида биз бошқа мамлакатлар ўн-юз йиллар мобайнида ўтадиган йўлни босиб ўтдик.

Улкан синовлар, қийинчиликларни бошдан кечирдик. Ҳаётимизнинг энг машаққатли йиллари ортда қолди. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб кенг миқёсли ислоҳотлар йўлига, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига кирди.

Биз ўтмиш ва бугунги кунимизни тўғри, холисона баҳолай олдик, қийинчиликларга бардош бериб, ўтиш даврининг мураккаб муаммоларига оқилона ечимлар топдик.

Биз зўравон империя ва мустабид тузум ҳалокатидан кейин мамлакатимизда юзага келган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий вазиятни чуқур англаган, аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиққан ҳолда жамиятни янгилашга киришдик.

Биз барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга асосланган қудратли ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролар жамияти қуришни олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос моделини ишлаб чиққан, мўлжалларни аниқлаб, устувор йўналишларни танлаб, босқичларни белгилаб олган эдик.

Хўш, ўша мақсадларимиз амалга ошдими? Танлаган йўлимиздан олға кетмоқдамизми? Биз бугун мана шу саволларга жавоб беришимиз лозим.

Беш йиллик яқунларини танқидий кўз билан баҳолаган ҳолда, шуни алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчиманки, ўтган давр мобайнида ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт дастурларимизни жорий этиш бўйича жуда катта ишлар қилинди.

Ижозатингиз билан мана шу натижа ва яқунлар ҳақида батафсилроқ фикр юритмоқчиман.

Ижтимоий-сиёсий соҳада: биринчи ва энг муҳим ютуғимиз шу бўлдики, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, тинчликни, миллатлараро тотувликни таъминладик, жамиятнинг кўпмиллатлилиги асосида шаклланишига шароит яратдик.

Бугунимиз ва эртанги кунимиз учун катта аҳамият касб этадиган бу кадриятларнинг маъносини англаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетгани Ғоят муҳимдир.

Халқнинг ҳаётий тажрибаларига, миллий ва маданий анъаналарига мос тушадиган ҳақиқий демократия тамо-йиллари қарор топмоқда. Умум-инсоний кадриятларнинг устуворлиги тобора мустаҳкамланмоқда, янги демократик мезонлар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эрки Конституция билан кафолат топмоқда. Миллати, дини, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро тенг ҳуқуққа эгадир. Одамлар Ўзбекистон ўзларининг умумий хонадони эканини тобора теран англамоқдалар.

Ўзбекистон ҳудудида 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаётганидан фахрланамиз. Ўқил-қизларимиз, ёшлар олий ўқув юртларида, мактабларда 8 тилда таълим олишмоқда. Кўплаб тилларда газеталар чоп этилмоқда, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда. Умумий сони юзга яқинлашиб қолган маданий-маърифий миллий марказларнинг халқ орасида нуфузи ошиб бормоқда. Фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига амал қилинмоқда - республикада 14 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчи хулоса. Мустақиллик йиллари ҳокимиятни тармоқларга ажратиш асосида миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш борасида тинимсиз меҳнат қилиш даври бўлди.

Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳамда унинг ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топди. Давлат ҳаётининг янги демократик, ҳуқуқий асослари яратилди.

Давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳияти тубдан ўзгарди. У ислохотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда.

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Ўеч бир давлат ўзининг Асосий қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор.

Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди.

Халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизими шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди. Жумладан, дунёдаги энг

ривожланган демократик давлатларда ҳам бизнинг "Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунимизнинг ўхшаши деярли йўқ.

1994 йил охирида тарихимизда биринчи марта мамлакат парламенти - Олий Мажлисга, маҳаллий вакиллик органларига очик, демократик сайловлар ўтказилди. Сайловлар халқимизнинг сиёсий савияси, фаоллиги юксалиб бораётганини намоиш этди.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тизими - яъни ҳокимият тармоқларининг бўлиниши қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Уларнинг ҳар бирида қонуний асосда авторитаризм ва тоталитаризм зўравонликларини истисно этувчи ҳақиқий демократик меъёр ва тартиблар жорий этилди.

Ижроия ҳокимияти органларининг иш йўсини тубдан ўзгарди: улар режалаштириш ва тақсимлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, кўпроқ иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан шуғулланиб, қонун доирасида фаолият кўрсатмоқда. Тугатилган вазирликлар ўрнида бозор шароитларига улардан кўра тезроқ мослашадиган хўжалик бирлашмалари, уюшмалар, корпорациялар, холдинг компаниялари вужудга келди.

Республика ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатлари чегараланди. Жойларда вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият институти - ҳокимлик лавозимлари жорий этилди. Уларнинг ваколат доираси изчил равишда кенгайиб бормоқда.

Халқимизнинг тарихий анъаналари ва тафаккур тарзига мувофиқ, фуқаролар ўз-ўзини бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи - маҳалланинг мавқеи қайта тикланди. Маҳалла одамлар ўртасида яхши кўшничилик, ўзаро ҳурмат ва инсонпарварлик муносабатларини тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда. Маҳалла кўмиталари аҳолининг эҳтиёжманд табақалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатишда хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган турли нодавлат жамоатчилик тузилмалари тармоғи ҳам кенгайиб бораётир.

Учинчи - энг муҳим ютуғимиз шундан иборатки, барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ҳамда қонуннинг ҳамма нарсадан устунлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди.

Ўзбекистонда давлат ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари мустаҳкам ҳуқуқий асосда қурилмоқда. Беш йил мобайнида бу борада қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини санаб ўтишнинг ўзиёқ анча вақтни олган бўлур эди. Қонун, маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг тазйиқ ва зўравонлигидан фарқли ўлароқ, жамиятни бошқаришнинг самарали воситасига, ҳамма органлар фаолияти, ҳар бир фуқаро хуқ-атворининг мезонига айланмоқда.

Бошқача айтганда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан ҳуқуқий меъёрлар сари улкан қадам ташладик. Бу эса инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, барча мулк шаклларига асосланган маъмурий-хўжалик тузилмалари билан турли-туман муносабатларини йўлга қўйишда яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклаш Ғояси бўлди. Суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёрлари шакллантирилмоқда. Эндиги муҳим вазифа - ана шу меъёрларнинг судлов амалиётига изчил кириб боришини таъминлаш, уларнинг одамлар онгида чуқур ўрнашиб қолишига эришишдан иборат.

Тўртинчидан, ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги кўп партиялиликни шакллантириш учун жамиятимизнинг сиёсий тузумини мутлақо янгилаш асослари яратилди.

Турли сиёсий ташкилотлар, мафкура ва фикрларнинг ранг-баранглилигига асосланган, бутунлай янги сиёсий тузум яратилди ва у ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республикада 4 та сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракат фаолият кўрсатмоқда, 200 га яқин жамоатчилик бирлашмалари рўйхатдан ўтган. Булар - давлат ва жамият масалаларини ҳал этишда тобора фаол иштирок этаётган касаба, ёшлар, аёллар, фахрийлар уюшмалари, шунингдек, жамоатчилик жамғармалари ва ташкилотларидир.

Шундай қилиб, ислохотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди.

Жамиятимизнинг сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ютуғимиз эса - ҳар бир инсон ва фуқаронинг тафаккури ва дунёқараши ўзгараётгани, унинг сиёсий ва ижтимоий онги, умумий савияси изчил равишда юксалиб бораётганидир. Биз энди беш йил олдинги одамлар эмасмиз. Бу ҳақиқат жамиятимизнинг турли жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Буни кўрмаслик, сезмасликка олишнинг иложи йўқ.

Мустақиллик йиллари мобайнида иқтисодиёт соҳасида ҳам теран ўзгаришлар рўй берди. Кейинги пайтда биз, бу соҳадаги ишлар аҳволини бир неча бор таҳлил этиб, амалга оширилаётган ўзгаришларга, иқтисодий ислохот натижаларига баҳо бердик. Шу боис, бу борадаги асосий яқунларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, иқтисодий муносабатларда, айниқса мулк масалаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастурини амалга ошириш натижасида, мамлакатимизда ҳақиқий кўп тармоқли иқтисодиёт шакллантирилди, нодавлат сектор мустақамланди ва у иқтисодиётимизда фаол роль ўйнай бошлади.

Иккинчидан, хўжалик юриштининг маъмурий-бўйруқбозлик усули, режали бошқариш ва тақсимлашнинг ўта марказлашган тизимига барҳам берилди, иқтисодий рағбатлантиришга, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ва рақобат тамойилларига асосланган бозор механизм-лари тобора кенг жорий этилмоқда.

Учинчидан, бозор инфраструктураси умуман шакллантирилди, янги банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар-хомашё биржалари, Суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмалари тармоғи барпо этилди, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини кучайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Тўртинчидан, ўзимизнинг миллий пул тизимимиз яратилди, сўм мамлакатимизда ягона тўлов воситаси бўлиб қолди. Миллий сўмимиз бугунги кунга келиб барқарор, жорий операцияларда эркин алмашилиш қувватига эга бўлган пул бирлигига айланди.

Бешинчидан, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, инфляция даражаси кескин пасайди, ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва биринчи навбатда чет эл сармоясини жалб этиш асосида инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари белгиланди.

1996 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор юксалиши ва аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиши кўзга ташлангани барчамизга мамнуният бахш этади, албатта.

Олтинчидан, иқтисодиётнинг тузилма жиҳатидан янгиланиши таъминланмоқда, республиканинг ёнилғи-энергия мустақиллигига эришилди, ўзимизнинг ташқи бозорда рақобат қилишга қодир бўлган тайёр маҳсулотимиз улуши ошмоқда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг бутунлай янги - автомобилсозлик, микробиология, Ғаллачилик соҳалари барпо этилди. Импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларнинг 500 дан ортиқ хили ўзлаштирилди, хорижий сармоядорлар иштирокида иқтисодиётимиз тузилмасини тубдан ўзгартирадиган йирик сармоя лойиҳалари муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Бу ўринда, шу йил июль ойида Ўзбекистон автомобилсозлигининг тўнғичи - "ЎздЭУавто" нинг ишга туширилишини алоҳида қайд этмоқчиман ҳамда бу ишда бевосита иштирок этган барча кишиларга самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим яқунларидан бири - аксарият юртдошларимизда мулкка эгалик, мулкдорлик туйғусининг уйқониши ва ривожланиши жараёни, ўрта қатлам, кичик ва хусусий корхона эгаларининг, мулкнинг, ер участкаларининг, акцияларнинг, бошқа қимматли қоғозларнинг, хуллас, даромад келтирадиган мулк-нинг шаклланишидир.

Энди ижтимоий-маънавий соҳада демократик янгилашларнинг асосий натижалари ҳақида тўхталсак.

Биринчидан - миллий маънавият ва ахлоқнинг тикланиши учун барча шароит яратилди. Жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошлангани туфайли инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятининг қудратли қатламлари очилди, гўзал миллий анъаналар тикланди, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг улкан маънавий меросига мурожаат этиш бошланди.

Халқнинг тарихий руҳи уйқонмоқда, маънавиятнинг кўзи очилмоқда, шу туфайли одамлар қалбида миллий Ғурур, она заминга меҳр-мухаббат туйғулари камол топмоқда.

Халқимизнинг Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фар-Қоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақш-банд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир сингари ўнлаб ва юзлаб буюк фарзандлари меросининг - абадиятининг халққа қайтарилиши мустақил Ўзбекистоннинг энг ёрқин ютуғлари қаторидан жой олади.

Бугунги кунда яқин тарихимиз - XIX аср охири ва XX аср бошида, 20-30 йилларда яшаб ўтган, бироқ ҳақсиз равишда унутиб юборилган, мустамлакачи, мафкуралашган ва тоталитар тузум шароитида тухматга учраб, йўқ қилинган ўзбек халқи фарзандларининг шарафли номларини тиклашга катта эътибор берилмоқда.

Миллатимизнинг урф-одатларини, қадриятларимизни, дину эътиқодимизни тиклаш, эъзозлаш, улуғлаш, халқимизга қайта тикланган муқаддас масканларимизни, масжиду мадрасаларни, тарихий обидаларни қайтариш йўлида қилган эзгу ишларимизни нима билан ўлчаб бўлади?

"Озодсан, улуғсан, иймонинг пок, Ватаним маним,
Истикболнинг порлоқ, эл бўл, мард бўл, Ўзбегим",

деб халқимизни янги ҳаёт, янги уфқлар сари чорлаганимиз, "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", деб юртимиз фидойиларининг бошини қовуштириб қилган меҳнатларимиз, савоб ишларимиз ўтган беш йиллик давримизни тўлиқ ифодалайди, десак хато бўлмас, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Биз миллий маданиятимизнинг асл бойликларини қайтарибгина қолмай, айти пайтда бу билан бутун инсониятнинг маънавий дунёсини ҳам бойитяпмиз. Мустақиллигимиз юбилейи ўтиши билан ЮНЕСКО қарорига асосан бутун жаҳон билан биргаликда Амир Темурнинг 660 йиллигини, кейинги йилда эса сайёрамиздаги энг қадимий шаҳарлардан бўлмиш Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллигини нишонлаймиз. Бу эса халқимизнинг тарихи, маданияти ва истеъдодига дунёда жуда катта эътиром билан қаралаётгани ҳамда эътироф этилаётганидан далолат беради.

Чекланган тафаккур, мафкуравий қарамлик, боқимандалик билан боғлиқ барча нарса ўтмишга айланмоқда, кишиларимизда мамлакат ичидагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахл-дорлик туйғуси ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида ўзимизнинггина эмас, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам тўпланган, кичик бўлса-да, бироқ анчагина аччиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийракроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган

шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини куриш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Бундай кишиларни ҳеч қандай куч билан ўзлари танлаб олган йўлдан орқага қайтариб бўлмаслигига ишончим комил.

Иккинчидан - ижтимоий адолат тамойиллари қарор топмоқда. Аҳолининг энг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг бутунлай янги тизими барпо этилди.

Қанчалик қийин бўлмасин, давлат ва жамият пенсионерлар, серфарзанд оилалар, талабалар ҳамда аҳолининг кучли ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган бошқа табақалари хусусида Қамхўрлик қилишни бир дақиқа бўлса ҳам унутгани йўқ.

Энг кам иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг қайта-қайта, энг муҳими - нарх-навонинг эркинлиги ва инфляциядан муҳофаза қиладиган тарзда оширилиши, собиқ шўролар ҳудудида мисли кўрилмаган воқеа - аҳоли жамғармаларининг кенг миқёсда индексация қилиниши, аҳолини иш билан банд қилиш, пенсия таъминоти бўйича замонавий қонунчиликнинг амалга оширилиши ўтиш даврининг муаммо ва қийинчиликларини енгиллатишга, кўпчиликнинг янги бозор шароитларига мослашишига имкон берди.

Бунинг натижаси ўлароқ, биз кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймадик, ижтимоий барқарорлик ҳамда аҳолининг ислоҳотларга ишончини, жамиятда умуммиллий тотувликни сақлаб қолдик.

Учинчидан - жамиятимиз асоси - оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Биз давлатимизнинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлашда, унинг барқарорлигида мамлакатимизнинг эртанги тақдири боғлиқ бўлган жисмонан соқлом, маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни тарбиялашда оиланинг муҳим ўрин тутишига катта аҳамият бермоқдамиз.

Республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича кучли кафолат яратилган, умумий таълим ва ёш авлодни профессионал жиҳатдан тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда, оилани мустаҳкамлашга кўмаклашадиган, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган турли ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатмоқда.

Жамиятимизнинг интеллектуал савияси ҳақида Қамхўрлик қилиш ва уни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва таълим, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун маблағ кидириб топиш вазифасига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятимизда:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва иштироки юксалиб, мустаҳкамланди. Бугунги кунда Ўзбекистон тенг ҳуқуқли асосда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҲАМкорлик Ташкилоти сингари энг нуфузли ва таъсир доираси кенг барча халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона муносабатларни кучайтирмоқда, йирик банк ва молия органлари, давлат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган хорижий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда.

Биз жамиятимизнинг жаҳон цивилизациясига фаол кириб бориши учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни барпо этганмиз.

Яқинда АҚШга қилган самарали ташрифимиз ҳамда Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига кучли туртки бўлди.

Имзоланган битим икки томоннинг фаол равишда шериклик қилиши учун асос яратишга интилишинигина кўрсатиб қолмайди. У Ўзбекистонда муваффақиятли равишда демократик жамият барпо этилаётгани, халқларимизни инсон ҳуқуқлари, фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятлар бирлаштириб турганини яққол кўрсатади.

Иккинчидан, жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг кўпчилиги билан, умуман 120 дан ортиқ давлат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат

Ўз элчихонасини очган ҳамда 19 хорижий давлатнинг элчиси Ўзбекистон Республикасида ўриндошлик йўли билан ишлаб турибди. Республикада 88 хорижий ваколатхона рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот фаолият кўрсатмоқда.

Учинчидан, ўтган йилларда республика кўплаб муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди, Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессияларида эса инсон ҳуқуқлари бўйича яна бир қанча халқаро ҳужжатлар кўриб чиқилиши ва ратификация қилиниши мўлжалланмоқда.

Тўртинчидан, республикада биринчи марта ташқи алоқаларимизни таъминлайдиган ташкилий тузилмалар - Ташқи ишлар ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари, хорижий фирмалар, банк ва компаниялар ваколатхоналари тармоғи барпо этилди. Улар ҳозир 260 дан ошиб кетган.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо обороти сезиларли равишда кўпайиб, кейинги беш йил ичида 2 мартадан зиёд-роқ ўсди. Экспорт ва импорт тизилмасида ижобий ўзгаришлар юз берди, МДХ мамлакатлари корхоналари билан самарали кооперация алоқалари сақлаб қолингани ҳолда, иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари ҳажми сезиларли даражада ошди.

Бешинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми ортди. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига ишонч, тараққиётимиз истиқболига ҳамда кучли давлатнинг иқтисодиёти оёққа тураётганига бўлган ишончдан далолат беради. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ 5 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармоя жалб этдик.

Шубҳасизки, ўтган беш йилнинг энг муҳим натижаси халқимизнинг танланган йўлнинг тўғрилигига, ўз мамлакатининг буюк келажагига ишончи ортиб бораётганидир.

Қадрли депутатлар!

Ўтган йиллар яқунлари, биз тўғри йўл танлаганмиз, ислохотларнинг асосий тамойилларини тўғри белгилаб олганмиз, янгиланиш ва тараққиётнинг Ўзбекистон модели ўзини тўла-тўқис оқлаб, муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда деб, айтишимизга асос беради. Янгиланишларнинг хусусияти ва теранлиги, мамлакат ва халқимизнинг бугунги куни ва келажагидаги аҳамияти нуқтаи назаридан, бу йиллар бизнинг янги тарихимизда мислсиз бир давр бўлиб қолади.

Биз бугун чиқаришимиз мумкин бўлган муҳим хулоса шундан иборатки, жамиятимизнинг янгиланишида ва ислохотларнинг ўтказилишида, дастлабки босқичларда кўзланган мақсадларга эришилди, олдимизга қўйилган вазифалар бажарилди. Янги вазифаларни белгилаб олиш имконини берадиган мустаҳкам пойдевор барпо этилди. Жамиятимизни келгусида барқарор ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароит, асослар яратилди.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз зарурки, агар ислохотларнинг дастлабки босқичида, олдимизга қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишини таъминламаганимизда, ҳуқуқий ва иқтисодий майдонни ҳар хил ғовлардан холи этиб, ана шу асосда мустаҳкам база яратмаганимизда, жамиятимизни демократлаштириш йўлидан янада дадил юра олмасдик.

Дастлабки кезларда Ўзбекистонни сусткашлик ва консерватизмда айбларди. Аммо Ўзбекистон бугунги кунга келиб, бозор ўзгартишларининг теранлиги, ижтимоий янгиланишнинг суръатлари ва тараққиёти юзасидан, собиқ совет ҳудудидаги аниқ дастурга эга бўлмай туриб, асоссиз ва муло-ҳазасиз ислохотлар жараёнини тезлаштиришга уринган, бесабрлик қилган, сохта обрўга интилган кўпгина республикалардан олдинлаб кетди.

Минг афсуски, ана шу юзаки уринишларнинг ҳаммаси пировард натижада ислохотларнинг ўзини, маълум даражада, обрўсизлантирди. Уларга ортиқча сиёсий тус

берди. Жамиятдаги ички қарама-қаршиликни кучайтирди. Бу бор гап ва ундан ҳеч қайқа кочиби қутулиб бўлмайди.

Азиз дўстлар!

Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар ўтказиш жараёни, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак. Таъбир жоиз бўлса, бу бизнинг кундалик табиий ҳолатимизга айланиши лозим. Биз изчил, қадам-бақадам янги марраларни эгаллашимиз, янги вазифаларни белгилаб олиб, уларни ҳал этишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак. Дастлабки босқичда амалга оширилган ишларни қилмаганимизда, бугун келгуси истиқболлар ҳақида ўйлай олмас ҳам эдик.

Шу билан бирга, босиб ўтилган йўлни танқидий таҳлил этиш амалда бажарилган ишларга баҳо бериш - керакли сабоқ, хулосалар чиқариб олиш имконини беради, демократик ислоҳотлар ва тараққиёт йўлидаги асосий, энг муҳим муаммоларни ва янада олға бориш йўлларини аниқлаб олишда кўмаклашади. Биз, ҳар доимгидек, йўл кўйилган камчилик ва нуқсонларимизни, қоқоқлик сабаблари ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш йўлида Ғов бўлаётган жиҳатларни пухта таҳлил этишимиз зарур.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида, эришилган натижаларнинг ҳолисона баҳосидан келиб чиқиб, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб олишнинг аҳамияти жуда каттадир. Лўндароқ қилиб айтганда - демократлаштириш йўлидан собитқадам ривожланишнинг кейинги режаларини аниқлаб олиш, уларни халққа тушунарли ва яқин мазмун билан бойитиш лозим.

Бугунги кунда гап, энг аввало, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг вазифалари ва дастури тўғрисида бориши керак. Бу ислоҳотларнинг суръатлари эса, очиғини айтганда, иқтисодиётдаги ва турмушимизнинг бошқа соҳаларидаги ислоҳотларнинг кўламлари ва самарадорлигидан орқада қолмоқда.

Хурматли дўстлар!

Республикада сиёсий институтлар ва суд тизими ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг айрим принциплар, айтиш мумкинки, асосий йўналишлари ва муаммоларига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон жамиятимизни янада демократлаштириш йўлидан изчил бормоқда. Шу билан бирга, барпо этилган сиёсий институтлар шаклан демократик мезонлар ва Ғарб андозаларига ўхшасада, мазмун-моҳиятига кўра, афсуски, замон талаблари даражасида эмас. Бу тузилмалар фаолиятининг мазмуни, мақсад-муддаоли халқимизнинг миллий хусусиятлари ва тафаккур тарзига мос бўлиши керак.

Бу ёлқиз бизга хос муаммо эмас. Бу собиқ социалистик ҳудудда пайдо бўлган, кўпгина янги мустақил давлатларга хос ҳолдир. Бу давлатлардаги Ғарб андозаларидан ўрнак олиб ташкил этилган демократиянинг асосий сиёсий институтлари ўз мамлакатлари тажрибасининг натижаси бўлмай, асосан ривожланишнинг ана шу йўлини босиб ўтган мамлакатлар тажрибаси маҳсулидир.

Бу муаммонинг иккинчи жиҳати шундан иборатки, талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мус-таҳкамланмаган, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва қафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Кўриниб турибдики, бу борада ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари, шунингдек, жамоат ва нодавлат тузилмалари қилиши лозим бўлган ишлар талайгина.

Бу борадаги муҳим йўналишлардан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш юзасидан муайян тадбирларни амалга оширишдир. Ушбу тадбирлар ҳам давлат томонидан, ҳам ижтимоий тузилмалар фаолиятини кенгайтириш натижасида амалга оширилмоғи лозим.

Афсуски, кундалик ҳаётда инсонни, фуқарони камситадиган кўплаб фактлар учраб туради. Бу ҳол мансабдор шахсларга, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларига, яъни вазифасига кўра инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиши лозим бўлган кишиларга

мурожаат қилинганда учрамоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида суд органлари ва, энг аввало, Конс-титудиявий суд қатъий позицияда турмоғи лозим.

Навбатдаги муҳим масала - республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришдир. Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдидаги мажбуриятлари ва уларга нисбатан қилиши шарт бўлмаган ишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳозирча бу стандартлардан 15 тасига қўшилган.

Олий Мажлис ана шу йўналишда фаол иш олиб бориши талаб этилмоқда. ҲУҚУҚ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги қонунларни - судлар, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқларининг устуворлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш керак.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминловчи идоравий тузилмаларни барпо этиш ҳам муҳим вазифадир. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг, ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш зарур. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мавжуд Омбутсмен институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотларни ривожлантириш ҳамда бошқа янги институтларни ташкил этиш лозим. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали механизмларини барпо этиш зарурати етилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни ҳам кенгайтириш зарур. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотларни бундан буён ҳам Ўзбекистонга жалб этиш ва республикада уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш лозим.

Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги кадриятлар ва кўникмаларни шакл-лантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш Ғоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шarti бўлиб қолиши керак.

Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари - айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин. Барча ўқув юртларининг таҳсил дастурларига "Инсон ҳуқуқлари" махсус курсини киритиш, шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик Ғоясига бўйсундириш зарур.

Ҳурматли депутатлар!

Ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш муаммоларига алоҳида тўхтаб ўтишни истардим.

Шуни эътироф этиш керакки, аҳолининг аксарият қисми кундалик юмушлар, одатдаги турмуш ташвишлари, иқтисодий муаммолар билан яшайди. Одамларнинг янги демократик кадриятларни идрок этиши кўнгилдагидек эмас.

Жамиятимизда янги мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг, акциялар, хусусий ва кичик корхоналар эгаларининг мавқеи ҳозирча анча заиф. Ўолбуки, улар, назаримда, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида ўз манфаатларини шакллантириш ва ҳимоя қилишда фаол иштирок этишлари керак.

Янги мулк эгалари жамиятда тезроқ ўз ўринларини топишлари, керак бўлса етакчи кучга-синфга айланишлари лозим. Бу ҳақда кўп гапирамузу, амалий ишга келганда сусткашликка йўл қўйяпмиз.

Аҳолининг сиёсий маданияти талаб даражасида эмас. Бу ҳолат уларнинг сиёсий, нодавлат ва жамоат тузилмаларини шакллантиришда суст иштирок этаётганида айниқса сезилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўппартияли тизим фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратилган. Турли партиялар ва ҳаракатлар фаолияти учун ҳуқуқий замин мавжуд. "Жамоат бирлашмалари тўғрисида" қонун қабул қилинган. Қонунда ҳар кимга қасаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, сиёсий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқи берилган.

Бироқ шуни айтиш керакки, сиёсий партияларнинг шаклланиш ва қарор топиш жараёни Ғоят суст кечмоқда, уларнинг сиёсий ва иқтисодий дастурлари ҳам заифдир. Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил (амалий) турларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда улар етарлича фаоллик кўрсатмаяптилар. Бу партияларнинг айби эмас, аниқроғи - кулфатидир. Бундай аҳвол партия етакчиларининг фаоллиги ва шижоати талаб даражасида етук эмаслигидан дарак бериб, биз бугун чинакам демократик жамиятни қарор топтиришнинг бошланқич босқичига эндигина қадам кўйганимизнинг далолати ҳамдир.

Ўртага кўйилган вазифаларни ҳал этишда жамоат, нодавлат тузилмаларини ривожлантириш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, бундай тузилмалар замирида, назаримда, фуқаролар ташаббусларини шакл-лантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этиш истиқболлари мужассам.

Шуни яхши уқиб олишимиз керакки, жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий қафолат ҳам бўлмайди.

Ҳақиқий демократик жамиятни шакллантириш тўғрисида сўз юритар эканмиз, табиийки, сиёсий муҳолифат зарур эканлигини айтиш лозим.

Сиёсий муҳолифат зарурат эканлигини исботлаб бермоқчиман. Дейлик, мен ҳокимман, амалдорман. Менга катта ҳуқуқ берилган. Лекин шу ҳуқуқларимдан мен қандай фойдаланяпман: Эл-юрт равнақи йўлидами ёки ўз манфаатларим йўлидами? Ким мени назорат қилади? Ким менга тўғри йўл кўрсатиб, камчилигимни юзимга рўй-рост айтади? Обрўйимни тўкмай, камситмай ким тўғри баланс қилади? Баланс дегани бу - тенглаштиришдир. Баланс бўлиши керак. Ўзбекчада бу адолат тарозиси, мезон дейилади. Тарозининг бир палласида амалдор ўтирибди, иккинчисида - жамият. Адолат тарозисини мувозанатга келтириб турувчи куч эса жамоатчиликдир. Хўш, энди айтинглари-чи, амалдоримизнинг барчаси ҳам инсофли, диёнатлими? Уларнинг ҳаммаси фақат халқ дарди билан яшайди, деб ким қафолат бера олади? Афсуски, ҳеч ким бера олмайди.

Ҳаёт - мураккаб. Кўп ҳолларда хушомад қилиб, мансаб курсисида ўтирганларни ўзимиз бузиб қўямиз. Натижада амалдор Қўдайиб кетади, ҳамма менга эътибор бер-япти, демак мен ҳаммадан ақлиман, деб ўйлай бошлайди. Мувозанатни жойига қўядиган, амалдорнинг поугини пасайтирадиган тизим тузиб олишимиз керак. Бу тизимнинг негизи, аввало, жамоатчилик бўлади. Яна бир бор айтмоқчиман: манмансираш иллатидан тезроқ, бутунлай қутулишимиз зарур, акс ҳолда ҳаммаси эскича қолаверади, жамиятимиз олға юрмайди.

Маълумки, тегишли юридик мақомга ва конституциявий қафолатларга эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарор ҳолати учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган муҳолифатнинг бўлиши - жамият ҳолатининг нормал аҳволини кўрсатади. Цивилизациялашган жаҳонда, умум эътироф этилган демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатаётган ва ривожланиб бораётган жамият учун, бу одатдаги ҳолдир.

"Мухолифат" деган тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий мухолифатни муқобил мухолифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли, мухолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислохотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориши бўйича муқобил дастур турларини таклиф этишга қодир, амалий мухолифатни назарда тутамиз.

Афсуски, биз мамлакатимизда бошқача мухолифат ёки аниқроқ қилиб айтганда, мухолифат ролини ўйнашга даъво қилганлардан қолган аччиқ тажрибани яхши биламиз. Даст-лабки, энг оғир йилларда истиқлолга эришган мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун жамиятни жипслаштириш, янги давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш ўрнига улар кибр-ҳавога берилиб, реал вазиятдан йироқ бўлган, сохта демократик, айтиш мумкинки, экстремистик шиор ва ҳаракатлар йўлига ўтиб олдилар.

Бу йўл бизни сиёсий, ижтимоий, ирқий, диний қарама-қаршиликларга, тартибсизлик ва бошбошдоқликка, давлат бошқарувини қўлдан чиқаришга олиб бориши мумкин эди. Энг хатарлиси шуки, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, одамлар учун жуда катта, ўлчаш қийин бўлган йўқотиш ва талафотларга олиб келган, жамиятимизни ўнлаб йилларга орқага суриб юборган бўлур эди. Мисол излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Қўшни Тожикистон, Озарбайжон, Грузия ва бошқа янги мустақил давлатлар мисолида бу ҳол шундоққина кўриниб турибди.

Бундай йўл биз учун бутунлай номақбулдир. Бундай истиқбол ҳалқимизнинг табиати ва тафаккур тарзига зиддир. Чунки ҳалқимиз ўз келажагини тинчлик, барқарорлик ва бунёдкорлик меҳнатида деб билади.

Ишончим комилки, ҳар қандай жамиятда мухолифат, башарти у жамиятни янгилашнинг ташкилотчиси бўлишга интилаётган бўлса, аҳолининг муайян ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг теран манфаатлари ва интилишларининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўлиши лозим. Мухолифат конституциявий мезонлар доирасида фаолият кўрсатиб, аниқ дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Ана шу дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳолини, айниқса сайлов даврида, ўзи таклиф этаётган ислохотлар ва янгиланиш йўли ҳозирги шароитда жамият учун энг тўғри ва энг мақбул йўл эканлигига ишонтира олиши лозим.

Биз расмий ҳокимият билан Ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифатни кўришни истаймиз.

Бугунги кунда барча оқил, соқлом фикр юритувчи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизнинг келажаги учун курашаётган кишиларнинг барчаси сиёсий мухолифатни айнан шу тарзда тушунишига аминман.

Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бироқ шуни ҳам эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини "тўртинчи ҳокимият" сифатида намоён қилганлари йўқ.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари олдида бутунлай янги вазифаларни қўймоқда. Матбуот аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлиши, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, аммо холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситалари мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, мустабдлик ва боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам Ғов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислохотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиши зарур.

Очиғини айтганда, бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳ-лар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий даврий нашрларнинг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқдалар.

Профессионал журналист, сиёсатшунос, шарҳловчи кадрлар танқислиги сезилмоқда. Уларда тажриба, дадиллик етишмаяпти, зиммага масъулият олишдан чўчиш ва лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатлари ҳукмрон. Кўпгина журналистлар ханузгача эскича фикр юритишдан халос бўлолмаётдилар, муҳим муаммоларни ёритишда уларда қатъият ва принципааллик етишмайди. Модомики, газета ёки журнал оддий фуқарони маҳаллий бюрократларнинг бедодлиги ва ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қодир эмас экан, умуман шундай матбуот керакмикан, деган ҳақли савол туғилади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш зарур. Олий Мажлис, унинг қўмиталари тегишли қонунлар лойиҳалари устида, хусусан "Ахборотдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Матбуот эркинлиги тўғрисида"ги Қонунларнинг лойиҳалари устида жиддий иш олиб бориши талаб этилади. Қабул қилинаётган қонун меъёрлари, улар асосида чиқариладиган ҳужжатлар сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаши, ахборотлар бозори шаклланиши учун шароит яратиб бериши, журналистларнинг шаъни ва кадр-қимматини ишончли тарзда ҳимоя этиши лозим.

Эркин демократик ахборот маконини яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот органларининг тармоғини кенгайтириш талаб этилади.

Биз ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга ўз муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Танқиддан кейинги муносабатимиз журналистга ва таҳририятга маъмурий тазйиқ ўтказиш тарзида бўлмаслиги керак, ҳозир эса баъзан шундай бўляпти. Аксинча, нуқсонларимиздан қутулишда бизга қўмақлашаётган, мамлакатимиз тақдири, ислохотлар тақдири учун жонбозлик қилаётган қаламкашларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашимиз керак.

Сизларга очиқ-ойдин айтиб қўймоқчиман: бугун матбуотда холис бир танқид чиқсаю, бирор ҳоким ёки амалдор эртага журналистни ер билан яксон қилиш пайида бўлса, тазйиқ остига олса, ундай ҳоким ҳам, амалдор ҳам узоққа боролмайди. Шунини яхши эслаб қолинглар!

Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш йўлининг, ислохотлар йўлининг фаол тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи зарур.

Ўзбекистонда яқинда тузилган Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, назаримда, айна шу мақсадга хизмат қилади. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Қонунчилик механизмини ва қабул қилинган қонун меъёрлари ижроси назоратини янада такомиллаштириш, республика қонунларини умум-эътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга мувофиқ ҳолга келтириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шунини эътироф этиш керакки, қонун лойиҳалари одатда идоравий маҳдудлик хусусиятига эга бўлади. Сабаби шуки, улар моҳият эътибори билан олганда, шу қонунларни ижро этиши лозим бўлган кишиларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади. Натижада айрим вазирликлар, идораларнинг манфаатлари кўпинча инсон ва умуман олганда жамият манфаатларига зид ҳолда биринчи ўринга чиқиб қолади.

Айрим қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, борларининг ҳам гоҳо нотўғри, қонунга хилоф тарзда талқин қилиниши баъзи қонунларнинг самара бермаётганига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликнинг мавжуд тартиботидаги жиддий камчиликни ана шунда деб биламан.

Қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тизими йўқ.

Сиз, депутатлар, бунга эътибор беришингиз зарур. Қонунчилик ҳам ўз стратегиясига эга бўлиши керак. Қабул қилинаётган қонунлар баъзан экспертизадан ўтказилмаяпти. Қонун қабул қилинаётганда уларни, албатта, тегишли ташкилотлар экспертизадан ўтказиши даркор. Шундан сўнггина биз, жаҳон андозаларига мос қонун қабул қилдик, дея оламиз. Ўзимизни ҳаммадан ақлли ҳисоблашимиз тўғри эмас. Биз ўтаётган йўлни кимдир аввалроқ босиб ўтган. Уларнинг тажрибаларини ўрганиш бизга фақат фойда келтиради.

Қабул қилинаётган қонунларни экспертизадан ўтказиш тартиби йўлга қўйилмаган. Қонунларни, Олий Мажлис ва ҳукумат қарорларини республика аҳолиси, ижрочилар эътиборига ўз вақтида етказишнинг самарали тизими вужудга келтирилмаган. Қабул қилинган қонунларни рўёбга чиқариш механизмлари яхши ишламаяпти.

Олий Мажлис, кўмиталар, маҳаллий вакиллик органлари айна шу йўналишда жиддий иш олиб боришлари зарур. Қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш тартиботини яратишга мустақил экспертлар, халқаро марказлар, чет эл мутахассислари кўпроқ жалб этилиши керак.

Суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш - ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак.

Суд бўлди, деса биз кимдир жазо олди, деб тушунамиз. Суд бўлди, деганда, одамлар ҳимоя қилинди деган тушунча қачон онгимизга сингади?!

Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим.

Бунинг учун:

биринчидан, халқ маслаҳатчилари тизимини ислоҳ қилиш зарур. Фуқароларнинг одил судловни ўтказишда қатнашуви - демократик жамиятнинг асосий принципларидан биридир. Демократия ривожланган кўпгина мамлакатларда профессионал суд билан бир қаторда ҳолис, ҳалол маслаҳатчилар иштирокидаги судлар муваффақиятли ишлаб турибди. Биз ана шу тажрибани ҳам ўрганишимиз керак. Суд ишларини кўриб чиқишга одамлар ўртасида ҳурмат ва ишонч қозонган обрўли, маърифатли фуқароларни фаолроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Сир эмас, кўп ҳолларда ташкилотлардан иккинчи даражали одамлар судга маслаҳатчи қилиб юборилади. Ахир, бу қип-қизил кўзбўямачилик-ку. Судда инсон тақдири ҳал бўладия! Бунга чек қўйиш керак;

иккинчидан, судларнинг таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш зарур. Шу мақсадда транспорт ва солиқ судларини тузиш, ҳолис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

1993 йил сентябрида қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилганлигига қарамай, судлар таркибида ҳанузга қадар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судьялар лавозимлари жорий этилмади.

Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ кўринади. Бу уюшма Халқаро судьялар уюшмасига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши мумкин;

учинчидан, суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Шунини эътироф этиш керакки, бугунги кунда бу тизим самарасиз бўлиб, айрим суд қарорлари узоқ вақтгача ижро этилмаяпти. Ҳар бир суд қарори сўзсиз бажарилишини таъминлашга имкон берадиган пухта механизм барпо этилгани йўқ. Қолаверса, хўжалик судлари тизимида бундай тузилма умуман йўқ. Суд қарорлари ижросини тартибга солиб турувчи қонун қабул қилиш талаб этилмоқда;

тўртинчидан, судларнинг ижро этувчи ҳокимият ва энг аввало жойлардаги ҳокимлар ва прокуратура органлари билан ўзаро муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқиш

фурсати етди. Ўқимлар судларни камситишга, ҳар қандай усуллар билан уларга ўз таъсирини ўтказишга уринаётган ҳоллар ҳам маълум. Бундай фактларнинг қатъият билан пайи қирқилиши керак;

бешинчидан, адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозим. Улар биринчи навбатда судлов амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишлари керак.

Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш -ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир.

Юридик таълим тизимини жиддий тарзда ислоҳ қилиш, юридик олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишни анча кенгайтириш, юристларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ўқув марказини ташкил этиш зарур. Ҳозирча республикада юристлар етишмаяпти. Ҳар юз минг аҳолига бизда судлар, масалан, Германиядагига нисбатан 6 марта ва адвокатлар АҚШдагига нисбатан 55 марта кам.

Хурматли халқ депутатлари!

Фурсатдан фойдаланиб шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, сиёсий тизимни ривожлантиришдаги қолоқлик иқтисодий ислохотларни изчил ўтказишда, иқтисодий юксалишни таъминлашда жиддий Ғов, тўсиқ бўлиши мумкин. Бунинг устига, демократлаштириш иқтисодиётнигина эмас, балки турмушимизнинг барча соҳаларини янада ислоҳ қилишда муҳим омил бўлиб қолади.

Давлат, давлатга қарашли тузилмалар ўтиш даврининг бошида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Давлат ислохотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди, устувор йўналишларни танлашда фаол иштирок этди, ислохотларни рўёбга чиқаришни, қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат олиб боришни таъминлади.

Айнан давлат янги ҳуқуқий база ва янги ижтимоий муносабатлар шаклланишида, эркин демократик меъёрларга ўтишда, кўпукладли иқтисодиёт ва бозор инфраструктурасининг қарор топишида, янги банк, молия, солиқ тизими шаклланиб, янги мазмун билан бойишида ташаббускор бўлди.

Дастлабки, энг оғир йилларда давлат аҳолининг ижтимоий жихатдан заиф қатламларини, қолаверса, амалда республиканинг бутун аҳолисини ўтиш даврининг қийинчиликларидан ҳимоя қилишдек мураккаб вазифани ўз зиммасига олди. Яъни кучли ижтимоий сиёсат ўтказилишини таъминлади.

Ана шу йиллар мобайнида давлатнинг ўзи ҳам анчагина ўзгарди - давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизими ва тузилмаси бутунлай янгиланди, уларнинг иш услуби ва шакли ўзгариб бормоқда, тоталитар тизимнинг қолдиқлари жадал бартараф этилмоқда. Давлатнинг ўтиш босқичидаги, миллий давлатчиликни қарор топтириш давридаги бундай роли, бугун кўриниб турганидек, ўзини тўла оқлади.

Бугун, эришилган марралардан туриб, ўз олдимизга демократик, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш вазифасини кўяр эканмиз, пировард мақсадга эришиш - фуқаролик жамиятини қуриш заруратидан келиб чиқиб, иш тутмоғимиз даркор.

Яъни, шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-интизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши лозим.

Давлатнинг вазифалари қисқариб боришига монанд равишда давлат аппарати таъминоти учун кетадиган сарф-харажатлар ҳам изчиллик билан камайтириб борилади.

Шу билан бир вақтда хўжалик тузилмалари ва субъект-ларига мумкин қадар кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг ишига давлат аралашувини тўхтатиш йўлидан бориш лозим.

Биз шуни яхши биламизки, зарур базани - сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий базани яратмай туриб, одамларнинг онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу мақсадларга эришишнинг иложи йўқ.

Бу жараёнда бутун жамият, ҳар бир кишининг қатнашуви жуда муҳимдир. Биз фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, лозим бўлса, турмушимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирок этишини рағбатлантириш йўли билан, ўртага қўйилган мақсадга эришишимиз мумкин.

Бу ўринда шуниси муҳимки, ҳар бир киши ўзини ўз мамлакатининг ҳақиқий фуқароси деб ҳис этиши, ўзига берилган ҳуқуқлар ва эркинликларни тушуниб етиши ва кадрлаши, оғир меҳнатда, зўр курашда қўлга киритилган демократик кадриятларни эъзозлаши ва ҳимоя қилиши лозим.

Қисқа қилиб айтганда, демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина, демократия ҳисобланади. Фарзандларимизни болаликданоқ айни шу руҳда тарбиялаб бориш зарур.

Азиз дўстлар!

Ватандошлар!

Олдин айтган бўлсам ҳам, яна бир бор такроран айтмоқчиман: бизнинг эзгу мақсад-орзуларимизни амалга оширишда, жорий этишда энг катта таянчимиз ва суянчимиз - янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, ислоҳотлар йўлида дадил бораётган, кўпни кўрган, катта-катта қийинчилик-синовларда тобланган мард ва танти, меҳнаткаш ва иймони бутун халқимиздир.

Бундай халқнинг асл фарзанди бўлиб яшаш, унинг буюк ва фаровон келажаги учун хизмат қилиш, бутун борлиғимизни бахш этиш - ҳар қайсимиз учун катта бахт, катта ифтихордир.

Эътиборингиз учун раҳмат!

Биринчи чақирик

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг VI сессиясида

сўзланган нутқ,

1996 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Азиз юртдошлар!

Бугун биз ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида буюк ва мўътабар сана - Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллигини нишонламоқдамиз.

Беш йил муқаддам эски мустамлакачи ва мустабид тузум кишанларидан халос бўлиб, озод ва обод ҳаёт куришга, тараққий топган демократик давлатлар қаторида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашга қатъий азму қарор қилдик.

Беш йил башарият тарихида - бир зум, бир дақиқа, холос. Лекин шу қисқа даврда биз босиб ўтган масофа бошқалар ўн йиллар, балким асрлар давомида босган йўл билан тенг, демак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий Ғурур ва миллий тафаккур Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон учун, унинг миллати, дину эътиқодидан қатъи назар, тенг бўлиб яшаш, ягона уйимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг бугунги ва келажак ҳаётини куриш имконини яратди.

Жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли дўстона алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдик.

Ўзал ва бетакрор диёримизнинг улкан табиий бойлигидан, инсоний ва интеллектуал имкониятларимиздан тўлиқ ва авваламбор, ўз халқимиз манфаатлари учун оқилона фойдаланишга киришдик.

Иқтисодиётимизни ўзимизга хос, ўзимизга мос, бугун "Ўзбек модели" деб ном олган дастур асосида марказга қарам бўлиб хомашё етказиб берадиган бир ёқлама ҳолатдан чиқариб замонавий тараққиёт йўлига ўтказмоқдамиз.

Тараққий топган давлатлар тажрибаси ва билими, уларнинг ёрдамига таяниб, шу билан бирга, ўз миллий хусусиятимизга ва халқ мафқурасига асосланиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини эъзозлайдиган янги демократик ва фуқаролик жамияти куриш йўлида анча ютуғларни қўлга киритдик.

Албатта, биз эришган натижалар - марралар, авваламбор, оғир ва машаққатли меҳнат эвазига бўлаётганини яхши тушунамиз. Ҳали олдимизда не-не қийинчиликлар, муҳим синовлар турганини ҳам чуқур англаймиз.

Лекин мен бугун халқимизни ишонтириб айтмоқчиманки, беш йил ичида бошимиздан кечирган ҳаётимизнинг энг машаққатли, энг мураккаб давлари ортда қолди.

Ўтган йили Мустақиллик байрамида, мана шу юксак минбарда туриб: "1996 йил Ўзбекистонимиз учун юксалиш йили бўлажак!" деб ишонч билдирган эдим.

Худога минг қатла шукроналар бўлсинким, бизнинг эзгу ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. 1996 йилнинг биринчи ярими якунлари шуни яққол кўрсатмоқдаки, бу йил, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонимиз учун барқарор юксалиш ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиш йили бўлур, иншооло.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Истиқлолнинг беш йиллик тарихи бизга кўп сабоқлар берди. Ақлимизни чархлади, кўзимизни очди. Ютуғлар қаторида камчиликларимизни ҳам кўрсатиб берди. Беш йиллик тажрибадан-якундан нафақат давлат миқёсида, балки ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман, ҳар қайси хўжалик ва ҳар қайси жамоа мисолида оқилона хулоса чиқариш - ҳаммамизнинг бугунги энг долзарб вазифамиздир.

Лўнда қилиб айтганда, эски замон асоратидан батамом кутулишимиз керак. Янги даврга муносиб бўлиш, дадил ва тадбиркор бўлиш, боқимандалик балосидан, мутелик ва карамлик кайфиятининг қолган-қутган саркитларидан халос бўлишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Биз ҳаётимизда эркинлик ва демократия тамо-йиллари чин маънода устувор бўлишига эришмоғимиз даркор.

Ўур жамиятни, эркин иқтисодни барпо этиш, инсон имкониятларидан тўла фойдаланиш унинг қилган меҳнати, ақл-заковатига қараб нафақат моддий, балки маънавий баҳо ва рағбат бериш, бир сўз билан айтганда, хал-қимизни рози қилиш - бу масалалар устида ҳали кўп ишлашимиз керак.

Шу билан бирга: ҳар қайси жамият аъзоси ўз инсоний ҳуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг ҳақиқий фуқороси деб ҳис қилган ва бугун қураётган жамиятимиз ҳаётида фаол қатнашиб, ўз Ватанидан, ўз заминидан, ўз тарихи ва халқидан фахр-ланиш туйғусига эга бўлган тақдирдагина биз муродимизга етамиз. Ватан ҳамма нарсадан мўътабар ва азизлигини, унинг номини эъзозлашда улуг бобомиз Амир Темур сингари шарафлаш зарурлигини англаб, Ўзбекистонга ўчмас муҳаббатни, садоқатни, фидоийликни дилга жо қилсак, иншооло, кўзлаган ҳамма мақсадларимизга эришамиз.

Менинг энг катта ишончим ва умидим - бугун замонавий тарбия ва билим олаётган, эндигина кучга қираётган ёшларимиз, фарзандларимиздир.

Мустақиллигимиз билан баробар туғилган болаларимиз бугун беш ёшга кирмоқда. Ҳадемай улар вояга етиб, камол топиб, бизнинг таянчимиз, ишончимиз бўлиб қолар, иншоолло.

Менинг эзгу тилагим:

Илоё, оналаримиз, боболаримиз ва бувиларимизнинг умрини берсин!

Ёш авлодга - кўзимизнинг нури бўлмиш азиз фарзандларимизга куч-қувват, ақл-заковат, Қайрат ва шижоат, битмас туганмас омад доим ёр бўлсин!

Азиз ватандошларим!

Бу саодатли онларнинг сабабчиси - халқимизнинг фидокорона меҳнати ва мардлиги, сабр қаноати ва меҳру оқибати деб, эл-юртимизнинг эсон-омон, талафотсиз шу кунларга етиб келиши, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тотувлик ва бирдамлик ҳукм сураётганини Оллоҳнинг марҳамати ва буюк инъоми деб билмоғимиз керак.

Минг бора шукроналар бўлсинким, бугун Ўзбекистонимиз ўзининг салоҳияти ва куч-қудратини англаб, истикболига ишониб, Ўумо қуши каби қанотларини кенг ёзиб, янада буюк парвозлар сари отилмоқда.

Мана шу юксак минбарда туриб, заҳматқаш ва саховатли халқимизга, ёшу кекса инсонларимизга тасаннолар айтмоқчиман, таъзим қилмоқчиман.

Муқаддас Ватанимиз бахтига соқ-саломат бўлинг, азиз юртдошларим!

Барчангизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат, юртимизга - Ўзбекистонимизга файзу барака тилайман!

Истиқлолимизнинг беш йиллиги байрами муборак бўлсин!

Мустақил Ўзбекистонимиз абадул-абад турсин!

Эзгу ва ҳалол ишларимизга Аллоҳнинг ўзи мадаккор бўлсин!

1996 йил 31 август

ОЛИМПИЯ ШОН-ШУХРАТИ
МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам Хуан Антонио Самаранч жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!
Азиз дўстлар!

Халқимиз озодлик ва хуррият нашидасидан баҳраманд бўлган улуғ айём - Мустақиллик байрами муносабати билан ҳаммангизни самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Олимпия шухрати музейининг Мустақиллик байрами кунда очилишининг чуқур рамзий маъноси бор. Ўзбекистонда спорт ҳаракатининг авж олиши ва истиқлол - бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Бугунги тантанада дунё олимпия ҳаракатига муваффақиятли бошчилик қилаётган, саломатлик, халқлар ўртасидаги дўстлик, бирдамлик, дунёдаги ҳар қайси кишининг ҳаёти мазмунига айланиши учун фидойилик кўрсатаётган Хуан Антонио Самаранч жанобларининг иштирок этаётгани янада қувончлидир.

Биз бу ташрифни Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан мамлакатимиздаги спорт ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши, халқимизга нисбатан самимий хурмат рамзи ва спортчиларимиз эришаётган ютуғларнинг эътирофи деб биламиз.

Халқаро Олимпия ҳаракати ҳозирги кунда бутун дунё-да тинчлик ва осойишталикни, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда етакчи кучлардан бирига айланмоқда, десак асло хато бўлмайди.

Мен бир нарсага аминманки, ҳеч бир халқнинг қудрати, машҳурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги тўпларнинг ёки бошқа қурол-яроғларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни авваламбор, миллатнинг соқломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамоқ керак.

Шу жиҳатдан Олимпия шухрати музейини очиш фикри ўз-ўзидан қуруқ жойда пайдо бўлгани йўқ. Чунки бизда дунёнинг истаган музейида намойиш этишга арзийдиган тарихимиз, анъаналаримиз, кадрларимиз ва ютуғларимиз бор.

Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга тегизган афсонавий Алпомиш, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривоят у дос-тонлар шунчаки афсона эмас, халқ руҳининг, халқ мардлигининг тимсолидир.

Шу йилнинг март ойида Халқаро Олимпия кўмитасининг таклифи билан Лозаннага борганимизда унинг Олимпия музейи бизда катта таассурот қолдирди. Бу бизда Тошкентда ҳам шундай музей очиш Қайратини тезлаштиради.

Ўшанда жаноб Самаранч билан ярим йилдан сўнг Ўзбекистон Олимпия шухрати музейини биргалашиб очишга келишган эдик. Бугун биз ана шу мақсадимизга эришдик. Осиёда биринчи ва ҳозирча ягона ана шу музейни ташкил қилишда Самаранч жанобларининг хизматлари катта бўлди. Бу музейга АҚШ, Испания, Швейцария ва бошқа кўплаб хорижий давлатлардан ноёб экспонатлар олиб келинди. Бинобарин, музей нафақат Ўзбекистон спорти тарихини, балки Халқаро олимпия ҳаракати тарихини ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Азиз биродарлар!

Бугун менинг катта бир орзуим амалга ошди. Менга Халқаро Олимпия кўмитасининг Олтин ордени топширилаётганда: "Олтин орден меники эмас, балки Ўзбекистон халқиники ва у янги очилаётган музейдан жой олади", деб ният қилган эдим. Энди бу орден Олимпия шухрати музейининг доимий экспонатига айланади. Мамлакатимиз вакилларининг Олимпия ўйинларидаги ютуғлари ҳам музейда кўз-кўз қилишга арзийди. Ўйисобимизда 38 та, жумладан 15 та олтин, 13 та кумуш, 10 та бронза медаль бор.

Руфат Рисқиев, Вера Дуюнова, Рустам Казаков, Лариса Павлова, Равиля Салимова, Собир Рўзиев, Эркин Шагаев, Собир Қурбонов, Сайфиддин Ходиев каби машхур спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ютуғлари ҳамма учун ўрнақдир.

Бундан 5 йил муқаддам Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз спорти ҳаётида янги саҳифалар очди. Олдинги ютуғларни камситмаган ҳолда ке-йинги 5 йилда кўп йўналишларда 70 йил ичида эришилган натижадан кўра кўпроқ иш қилинди, деб айтиш мумкин.

Бундан 2 йил муқаддам Лиллехаммерда ажойиб фристайлчимиз Лена Чериязова Қолибликни қўлга киритиб, илк бор Ўзбекистон мадҳияси Халқаро Олимпия майдонида янграганда, Атлантадаги Олимпия ўйинларида Армен Багдасаров ва Карим Тўлагановлар шарафига мамлакатимиз байроғи кўтарилганда ҳар бир ўзбекистонликнинг қалби фахр-ифтихорга ва Ғурурга тўлди.

Насиб бўлса, Олимпия ўйинлари олови албатта Тошкентда ёқилади. Ўзбекистон спортчилари ҳали кўплаб турнирларда рақиблару томошабинларни лол қолдириб, диёримиз номини шону шуҳратларга чулқайдилар.

Олимпия шуҳрати музейи шунчаки экспонатлар тўпламидан иборат маскан бўлибгина қолмасдан, балки у маънавият-маърифат ўчоғига, буюк Ватанга муносиб фарзанд-ларни тарбиялаш марказига айланмоғини ва жаҳон спорт майдонларида фарзандларимизнинг юксак Қалабаларини тасвирлайдиган янги экспонатлар билан бойиб боришини истар эдим.

Ёшларимиз келишсин, кўришсин, қандай машхур аجدодлари, замондошлари борлигини билишсин, улар билан фахрланишни, Ғурурланишни ўрганишсин. Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги куни ҳамиша порлоқ бўлади.

Азиз дўстлар!

Ижозатларингиз билан яна бир фахрли ва шарафли вазифани бажармоқчиман. Хабарингиз бор, яқинда мамлакатимизда янги мўътабар нишон - "Буюк хизматлари учун" ордени таъсис этилди.

Олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги хизматлари, Ўзбекистон спортининг халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллашида меҳр билан қўллаб-қувватлагани учун Халқаро Олимпия кўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч жанобларини ана шу олий мукофот - "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлаш ҳақида Фармон қабул қилинди.

Ҳозир шу ордени Хуан Антонио Самаранч жанобларига топширишга рухсат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугунги қутлуқ кунда барчангизни Ўзбекистон истиқлоли байрами билан яна бир марта муборакбод этаман. Юрт равнақи йўлидаги ишингизда муваффақият ва сихат-саломатлик тилайман.

Олимпия шуҳрати музейини очиқ деб эълон қиламан.

1996 йил 1 сентябрь

ТЕННИС БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН
АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА
ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам Хуан Антонио Самаранч жаноблари!
Хурматли меҳмонлар ҳамда мусобақа қатнашчилари!
Азиз дўстлар!

Куни кеча бизлар жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллигини катта қувонч, кўтаринки руҳ билан нишонладик. Истиқлол шароитида қилган ишларимизга яқун ясадик, бўлажак режаларимизни аниқ белгилаб олдик.

Эзгу ниятли халқимизда "Тўй тўйга улансин!" - деган сермазмун ибора бор. Мана, истиқлолимизнинг беш йиллик катта байрами анъанавий халқаро спорт байрамига уланиб кетди.

Сизларни пойтахтимиз - гўзал Тошкентга ташриф буюрган ва байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган спорт намояндаларини, чин қалбдан кутлашга ва "Диёримизга хуш келибсиз!" - деб айтишга ижозат бергайсизлар.

Кўхна тарих учун беш йил шу қадар қисқа муддатки, уни баҳорда осмонда чақмоқ чақнаган лаҳзага қиёслаш мумкин. Аммо шу вақт ичида биз бошқа шароитда ўнлаб йиллар талаб қилинадиган катта йўлни босиб ўтдик, десам муболаға бўлмайди.

Яқинда терма командамиз ўз тарихида биринчи марта Атлантадаги олимпия ўйинларида иштирок этди. Спортчиларимиз у ерда кўлга киритган совринлар, уларнинг жаҳондаги энг кучли спортчилар билан беллашувларда яхши натижа кўрсатишга интилиши бизнинг имкониятларимизни юксак маънавий ва ахлоқий анъаналаримизни, спорт соҳасида ҳам жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш истагимизни кўрсатиб турибди. Назаримда, бунинг учун бизда барча асос бор.

Бу гап спортнинг ажойиб тури бўлган, инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камолотига кўмаклашадиган катта теннисга ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир.

Бир пайтлар муайян кишиларгина шуғулланган бу спорт тури бугунги кунда мамлакатимизда энг машҳур ва оммавий спорт турларидан бирига айланди. Тошкент, Андижон ва Фарғонада ҳашаматли теннис саройлари қурилди ва улар фаол равишда ишлаб турибди. Республиканинг бошқа вилоятларида ва туман марказларида, ҳамма жойда халқаро андозаларга мос келадиган теннис кортлари қурилмоқда. Тез орада олис гўшаларимизда ҳам теннис коптокчалари овози эшитила бошлашига ишончим комил.

Илгари ҳам айтилганидек, Ўзбекистонда фақат теннис ракеткалари "отилаверсин". Бу ажойиб ўйин минглаб, миллионлаб кишиларга қувонч бағишлайверсин.

Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга - ушбу мусобақанинг ҳамма иштирокчиларига, энг аввало, бизнинг ёш, аммо аллақачон халқаро нуфузга эга бўлган турнирда қатнашиши анъанага айланган теннисчиларга спортнинг теннис каби чиройли, ёшлар ҳам, қариялар ҳам ўйнай оладиган турини Ўзбекистонда оммалаштириш ва ривожлантириш борасида қилаётган ишларингиз учун самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Мен бу кубок ташкилотчиларини, аввало дўстимиз, ҳормас-толмас Сассон Какшурининг хизматларини алоҳида таъкидламоқчиман. У бундай миқёсдаги мусобақаларни ташкил этишда ўз ноёб истеъдодини яна бир бор намойиш этди. Азиз мусобақа ташкилотчилари, бу турнирга пухта тайёргарлик кўрганингиз учун миннатдорлигимни қабул қилгайсиз.

Халқаро Олимпия қўмитаси президенти, бизнинг дўстимиз жаноб Хуан Антонио Самаранчга мазкур мусобақа очилишида иштирок этаётганлиги ва бу билан мусобақага ўзига хос нуфуз бағишлагани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Хурматли мусобақа иштирокчилари!

Маҳоратингиз даражасида чиройли ўйин кўрсатишларингизни тилашга рухсат этгайсиз. Барчангизга омад ва томошабинлар мадади ёр бўлсин!

Меҳмондўст, серкуёш Ўзбекистонда кечирган кунларингиз барчангиз учун байрамга айлансин!

Президент кубоги учун анъанавий халқаро мусобақани очик деб эълон қиламан!

1996 йил 1 сентябрь

ТЕННИС БЎЙИЧА "ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ"
УЧУН III АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО
МУСОБАҚАЛАРНИНГ ЁПИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ СЎЗ

Хурматли меҳмонлар ва мусобақа қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Мана, истиқлолимизнинг катта ва шукуҳли байрамига уланиб кетган ҳамда бир ҳафта давомида минглаб ишқибозлар ва спортчиларнинг қалбларини ҳаяжонга солиб турган анъанавий спорт байрамига яқун ясамоқдамиз.

Учинчи марта ўтказилаётган бу турнир иштирокчиларининг географияси кенгайиб, унда АҚШ, Франция, Россия, Португалия, Словакия, Швейцария каби теннис юксак ривожланган мамлакатларнинг нуфузли спортчилари қатнашганлигини мамлакатимизда спортни, жумладан, катта теннисни ривожлантириш соҳасидаги ишларга берилган юксак баҳо ва спортчиларимизга ҳурмат ифодаси деб биламиз.

Сиз, ҳурматли мусобақа қатнашчилари, сермазмун тарихга, юксак қадриятларга эга бўлган қадимий ўзбек заминидан ўтказган ҳар бир онингиз таассуротларга бой бўлганлиги, юртимизнинг меҳмондўст, саховатли ва бақри дўстларга ҳамиша очиқ кишилари қалбингизни мафтун этганлигига иймоним комилдир.

Тошкент кортларида бир ҳафта давом этган мусобақалар ҳаяжонли лаҳзаларга, гўзал ўйинларга бой бўлди. Ишқибозларимиз Феликс Мантийя, Андрей Черкасов, Мартин Хромик, Ларс Райман, Даниэль Балдуччи каби таниқли ракетка усталарининг ажойиб ўйинларидан баҳраманд бўлдилар, маҳоратларига юксак баҳо бердилар.

Олег Огородов, Темур Хонхўжаев, Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич каби ўзбек теннис мактаби вакиллариининг ҳам бу турнирда анча муваффақиятли иштирок этганлиги дилимизга қувонч ва завқ бағишлайди.

Теннис кортларидаги зафар сурурлари ва мақлублик аламлари дунёнинг турли мамлакатларидан келган спортчилар ўртасида адоват эмас, балки бир-бирининг кучига мардона тан бериш, ҳурмат, Қолибликка фақат маҳорат билан эришишга интилиш уруғларини экканлигига ишончим комил ва спортда шундай бўлиб қолиш керак. Чунки катта спорт - мардлар, чакқонлар ва кучлилар машғулотиридир.

Биз теннисга шунчаки бир спорт тури деб қарамасдан, уни соқлом авлодни камол топтириш, миллат генофондини соқломлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатнинг бир босқичи деб ҳисоблаймиз. Сиз эса бу мусобақаларда иштирок этиш билан мазкур ҳаракатга янги куч қўшяпсиз.

Бугун "Президент кубоги"ни қўлга киритган Феликс Мантийяни ҳамда турнирда юксак маҳорат кўрсатиб, совринли ўринни эгаллаган Ларс Райманни шарафлар эканмиз, мусобақанинг барча иштирокчиларига мамлакатимизда бу спорт турини оммалаштиришга ва ривожлантиришга қўшаётган хиссалари учун чин қалбдан ўз ташаккуримни изҳор этмоқчиман.

"Президент кубоги"нинг барча ташкилотчиларига, аввало, ўзбек халқининг яқин дўсти Сассон Какшури жанобларига бу турнирни пухта ташкил этганликлари, ўйингоҳларни минглаб кишиларнинг завқ-шавқ олиш масканига айлантирганликлари учун миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар, юртимиз меҳмонлари!

Ижозатларингиз билан яна бир фахрли ва шарафли вазифани бажармоқчиман. ҲАМмангизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикасида теннисни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун "ИТП Лимитед" компанияси президенти, халқаро теннис турнирларининг ташкилотчиси Сассон Какшури "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Шу ордени Сассон Какшури жанобларига топширишга рухсат бергайсизлар.

1996 йил 8 сентябрь

ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Президент Ислом Каримов 1996 йил 4 сентябрь куни "Маънавият ва маърифат" республика жамоатчилиги маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашди

Учрашувда одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий кадрларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол Ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида гап борди.

Президент йиғилганларни куни кеча тантанали нишонланган Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлади.

Мазкур сана халқимизнинг чинакам миллий байрамига айланди, деди Ислом Каримов. Бу халқимизнинг эртанги ёруғ кунларга ишончи ортиб бораётганидан далолатдир. Биз одамларда маданият ва маънавият юксалгани, ўзлигини англаш туйғулари, Ўзбекистон - менинг Ватаним, деган муқаддас тушунча ҳар бир ватандошимиз онгига теран кириб борганига гувоҳ бўлди. Байрам шодиёналарида юртдошларимиз ўзларининг Ватанга муҳаббатларини изҳор этдилар. Мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга муносабатларини билдирдилар. Юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик энг катта бойлигимиз эканини яна бир қарра намоён этдилар. Бу қувонарли ҳолдир, биз изчиллик билан амалга ошираётган ишларнинг натижаси, мустақиллик йилларида қўлга киритган энг катта ютуғимиздир.

Агар 1990 - 1991 йиллардаги қалтис вазиятни эсласак, шу нуқтаи назардан бугунги кунларимизга баҳо берсак, яратганга шукрона айтишимиз керак. Ўша йиллари тўғри йўлдан салгина оқиб кетсак, нима бўларди? Айрим қўшни мамлакатлар мисолида кўриб турганимиздек, бош-қарув издан чиқиб, тараққиётимиз неча ўн йиллар орқага кетган бўларди. Шукрки, Аллоҳ бизни тўғри йўлдан оздирмади. Шунини таъкидлаш керакки, жамиятда тинчлик, осойишталик, тотувлик муҳити ҳукм сурса, хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий бўлсин, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин. Буни кейинги йиллардаги тажрибамиз исботлаб турибди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бу хайрли ишларга адабиёт ва санъат намояндалари, маданият арбоблари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг меҳнати самарасини, иқтисодий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, бирон мезон билан ўлчаб бўлмайди. Уни фақат одамлар қалбида уйқонган Ғурурдан, чехраси очиклигидан англаш, ҳис этиш мумкин.

Мустақиллик байрами каби қутлуқ саналарнинг шарофати шундаки, байрам баҳона ҳар бир инсон босиб ўтилган йўлга назар ташлайди, унда эришилган ютуғлардан қувонади, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқаради. Демокчиманки, истиқлолимизнинг беш йиллиги тараққиётимиз йўлидаги муҳим бир босқич, таъбир жоиз бўлса, янги бир маррадир. Энди ана шу маррадан туриб келажақ режаларимизни, иқтисодиёт, маънавият соҳасида олдимизда турган вазифаларни белгилаб олишимиз даркор.

Ҳадемай буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг муборак 660 йилликларини нишонлаймиз. Бу оддий байрам эмас, тарихимиздаги буюк санадир. Юбилей муносабати билан бир қанча иншоотлар бунёд этилмоқда, тарихий обидалар таъмирланмоқда. Айниқса, қадимий Самарқанд, Шаҳрисабзда кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Ўзукуватимиз, жамоат ташкилотлари хайрли ишларни амалга ошириб, байрамга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Қолаверса, ҳар бир юртдошимиз буюк бобокалонимизга эҳтиромини бажо келтириб, қўлидан келганича бу тўйга совқа тайёрлапти. Бу ўзлигимизни англаганимиздан, не буюк зотларнинг ворислари эканимизни тушуниб етганимиздан далолатдир.

Соҳибқирон юбилейи дунёнинг маданият ўчоқларидан бири - Парижда бошлангани, нуфузли халқаро ташкилот - ЮНЕСКО бу ҳақда махсус қарор қабул қилгани ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта. Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унутилган кадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз. Ўйлайманки, биз нимага эришган бўлсак, ана шу савобли ишларимиз учун Аллоҳнинг бизга инъом этган марҳаматидандир.

Амир Темури юбилейи муносабати билан қурилган иншоотлардан бири - Темури ва теурийлар тарихи давлат музейидир. Миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланиб бунёд этилган мазкур бино кўзни қувонтиради. Гўзаллиги, салобати билан Ғуруримизга Ғурури қўшади. Иншооллоҳ, бу музейни биз буюк бобомизнинг тўйи арафасида, муборак жума куни очамиз. Бу маросим миллий анъаналаримизнинг намойиши бўлади. Унда маданиятимиз арбоблари, дин вакиллари, тарихимизни мукаддас ҳисоблаган барча кишилар иштирок этади. Эсимда, бундан уч йил бурун Тошкентнинг марказида Амир Темури хайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур зоҳир бўлгандай, у биз томонга қараб таралгандай туюлганди. Балким Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий каби муборак зотларнинг номини асрлар чангидан тозартириб, ҳурматларини жойига қўганимиз ана шу Қайритабий ҳолатнинг боиси бўлгандир. Бу билан яратганимиз бизга куч-қудрат ато этган, ҳар хил офату балолардан, ёмон кўзлардан асрагандир, деди юртбошимиз.

Маънавият ва маърифат йўлида меҳнат қилаётган сиз каби аллома ва адибларнинг вазифаси шундан иборатки, соҳибқирон таваллудидек шонли сана муносабати билан халқимиз ичига, ватандошларимиз юрагига янада теранроқ кириб борайлик. Ёшларни буюк тарихимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Кўпни кўрган кексаларнинг дуосини олайлик.

Бу борада матбуот, айниқса, телевидение одамлар билан мулоқотни изчил йўлга қўйиши керак. Бой тарихимиз, маданий меросимиз юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим. Бу иш фақат шонли саналар муносабати билан эмас, яъни мавсумий бўлиб қолмай, ҳар доим диққат марказимизда туриши лозим. Илгари бизга бу борадаги ишлар юзасидан кўрсатмалар бериларди. Шунинг билан ҳис этишимиз керакки, энди у марказ йўқ. Шундай экан, ҳар ким ўз жойида юқоридан кўрсатма кутмасдан, зиммасига юклатилган вазифани бажариши керак.

Бугунги учрашувдан фойдаланиб, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессияси яқунлари бўйича сизлар билан фикрлашиб олмақчиман. Хабарингиз бор, мазкур сессияда жамиятимиздаги демократиялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, матбуотни амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтариш, суд идораларини жазоловчи эмас, балки фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи қонуний воситага айлантириш тўғрисида гап борди.

Демократия хусусида шунинг аниқлаб олишимиз керакки, ҳеч бир мамлакатга бошқа давлатда қарор топган демократияни тўғридан-тўғри, яъни нусха кўчириш йўли билан жорий этиб бўлмайди. Чунки ҳар бир инсон, ҳар бир жамият ўз ҳаёти билан яшайди. Тўғри, демократиянинг умумэътироф этган, барча учун бирдек зарур бўлган талаблари бор. Биз ана шу талабларни назарда тутган ҳолда демократия жараёнларини чуқурлаштиришда миллий ўзига хослигимизни, анъаналаримизни ҳам инобатга олишимиз зарур. Дунёнинг турли мамлакатларида бўлиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, Америка демократияси, айтайлик, Оврупо демократиясидан фарқ қилади. Демократияни, бу борада барча учун умумий бўлган ягона қолип йўқ.

Шу маънода, ўтган беш йил мобайнида биз нафақат сиёсат, иқтисодиёт борасида, балки ҳуқуқий давлат қуриш, жамиятда демократия тамойилларини қарор топтиришда ҳам, таъбир жоиз бўлса, пойдевор барпо этдик. Энди ана шу пойдевор устида фуқаролар эркинлигини таъминловчи демократия биносини тиклашимиз мукин. Демократиянинг

асл моҳияти - инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборат бўлмоғи лозим. Шўро даврида инсон жамоат, давлат учун хизмат қиларди, курашарди. Ўлбуки, бу аксинча бўлиши керак. Инсон сўзи она-Ватан деган каломлар каби муқаддасдир. Бу муқаддасликни, инсон эркининг дахлсизлигини мустаҳкам қонунларимиз ҳимоя қилиши керак. Халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларни теран англашиш борасида матбуот ходимлари кўп иш қилиши лозим. Жамиятда ҳаётга, ўзгаришларга бефарқ қарайдиган лоқайд кимсалар бўлмаслиги керак. Бу таракқиётимизни орқага суриб юборади. Инсон буюк, эзгу орзулар билан яшасин. Уни нафақат мамлакат, балки жаҳонда рўй бераётган ҳодисалар қизиқтирсин. Дунёқараши, онги чегараланиб бир қолипда қолмасин. Миллий Ғурур, истиқлол мафқураси Ғоялари унга доимо ҳамроҳ бўлсин.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, миллий Ғурур ҳақида гапирганда, уни улуғлаганда ҳеч ким ўз миллатини бошқалардан устун қўймаслиги керак. Дунёда катта ёки кичик миллат йўқ, балки ҳар бир миллатнинг ўз Ғурури бор. Уни камситишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, дея таъкидлади Президент. Шу маънода, ўз кучига, салоҳиятига ишонган халқнинг баҚри кенг бўлади. Бундай миллат кучли, айни дамда вазмин, босиқ бўлмоғи керак. У ўзининг иқтисодий ютуғлари, маънавий юксаклиги билан бошқа-ларда ҳавас уйғотсин. Юртдошларимизни ана шу руҳда тарбиялаш, аввало, маърифат ва маънавият намояндаларининг энг асосий, муқаддас бурчидир.

Дунё ўткинчи. Дўппини бир бор айлантиргунча орадан шитоб билан неча йиллар ўтиб кетади. Ўзлигини англаб етган, қалбига қулоқ солган ҳар бир инсон ўзига, мен бу фоний дунёда нима иш қилдим, яна қандай ишлар қилишга вақтим ва қурбим етади, деган саволни бериши керак. Ана шу савол инсон қалбини тозартиради, уни босавоб, эзгу ишларга чорлайди. Хуллас, маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон - ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади.

Биз нега тарихий қадриятларимизга, буюк бобоқалонларимизга бу қадар эътибор бердик? Уларни халқимизга қайтаришга, танитишга ҳаракат қилдик?

Мақсад шу эдики, ҳар бир инсон ўз умрини ана шу табаррук зотлар кечирган ибратли ҳаёт билан таққослар экан, кўнглидан мен ана шу салафларимизга муносиб ворисманми, деган саволлар ўтсин. Улар шу қадар буюк мерос қолдирибди, мендан нима қолади, деган туйғу билан ўз фаолиятини баҳоласин.

Афсуски, жойларда маданият ва маънавият масалаларига энгил-елпи қараш ҳоллари мавжуд. Бу борадаги ишларни охирига етказиш масъулиятини кимдир зиммасига олиши керак. Шу маънода, маданият ва маърифат намояндалари билсинларки, маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси республика Президенти бўлади, деди Ислоҳ Каримов. Биз маънавият масаласидаги ишларимизни янада такомиллаштириш мақсадида махсус фармон чиқарамиз. Чунки, маънавият ишларини йўлга қўймасдан туриб иқтисодий юксалишларга эришиш қийин. Зеро, юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқдир.

ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАХАТ
ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Хонимлар ва жаноблар!

Хурматли меҳмонлар!

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси иштирокчиларини Ўзбекистон пойтахтида қутлаш менга мамнуният бахш этади. Учрашувимиз самарали бўлишига аминман. Бу учрашув пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланаётган барча мамлакат ва ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тошкентдаги ялпи мажлисда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Жаҳон савдо ташкилотининг, Жаҳон банкининг вакиллари иштирок этаётгани унга алоҳида аҳамият бахш этади.

Бремен, Ливерпуль пахта уюшмалари, Нью-Йорк пахта биржаси вакиллари шаънига табрик сўзлари айтишга ижозат бергайсизлар. Уларнинг мазкур мажлисдаги иштироки Ўзбекистон пахта индустриясининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ишончли тарзда кўрсатиб турибди. Республикамиз пахта индустриясини тарғиб қилишда "Коттон аутлук" наشريёти Ўзбекистон тўғрисида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаб, салмоқли иш қилди.

Бутун пахтачилик олами пахта экинни қадимий даврлардан буён маълум бўлган Ўзбекистон заминиде тўплангани чуқур рамзий маънога эга.

Бу диёрда истиқомат қилаётган кишилар қадимий замонлардан буён сахий заминда пахтани, айтишим мумкинки, зўр бериб, қатъият билан меҳнат қилишни, билим ва тажрибани талаб қиладиган бундай нозик, инжиқ экинни етиштириш билан шуғулланиб келади. Пахта Ўрта денгиз соҳилларига, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази - айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган.

Мустақиллигимизнинг беш йили мобайнида пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг стратегияси қайта кўриб чиқилди. Мазкур стратегиянинг мақсади янги ил-Қор технологиялардан фойдаланган ҳолда тола етиштиришнинг энг мақбул ҳажмини сақлаб қолган ҳолда пахта якка ҳокимлигини тугатишдан иборат. Мувофиқлаштирилган аграр сиёсатни ўтказиш - пахта етиштиришни барқарор қилиш, 1,3 миллион тонна рақобатбардошли тола ишлаб чиқариш имконини берди.

Шуни айтиш лозимки, янги навларни жорий этиш ва агротехникага риоя қилиш ҳисобига пахта майдонларини камайитириш республикамизга дон етиштиришни 3 баравардан зиёдроқ кўпайитириш имконини берди. Бу эса, пировард натижада, Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини таъминлайди.

Бизнинг пахтамыз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жануби-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, АҚШ бозорига чиқиб олди.

Ўзбекистон асосий пахта етиштирувчи давлатлардан бири сифатида бу соҳани янада ривожлантириш учун кўп куч-Қайрат сарфламоқда. Айни пайтда пахтачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 1992 йилда Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасига аъзо бўлганининг аҳамияти беқиёсдир.

Бу ташкилотнинг ишида иштирок этиш фақат пахта етиштирувчилар учун эмас, уни қайта ишловчилар, экспортчилар, олимлар учун ҳам қимматли илмий-техника ахборотларини айирбош қилишни таъминлайди. Пировард натижада, мустаҳкам ҳамкорлигимиз туфайли, Ўзбекистон пахта етиштириш ва сотишнинг жаҳон тажрибаси марказига чиқиб олди.

Биз Жаҳон банки билан биргаликда республикада пахта етиштиришни қайта куриш лойиҳасини ишлаб чиққан қўмита ва унинг котибияти мададини жуда қадрлаймиз.

Бизнинг асосий мақсадларимиз қуйидагилардан иборат:
биринчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш;
иккинчидан, пахта толасининг сифатини яхшилаш;
учинчидан, юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш;
тўртинчидан, экинларни суқоришда сувни тежаш;
бешинчидан, атроф-муҳитни соқломлаштириш, экология вазиятини яхшилаш.

Пахта лойиҳасининг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ҳукумат қарори билан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида бу лойиҳани амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган агентлик тузилди.

Ҳурматли дўстлар!

Пахта, бутун пахта саноати қудратли ва кенг тармоқли, юз минглаб кишилар банд бўлган инфраструктурани ўз ичига олади.

Бу соҳада қишлоқ хўжалик машинасозлиги муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам машинасозликни ривожлантиришда жаҳондаги эътироф этилган етакчилар билан биргаликда куч-Қайратларимизни бирлаштирмоқчимиз.

Бу йўналишда биз Американинг трактор ишлаб чиқарадиган "Камминз энжин" фирмаси ҳамда пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган "Кейс" фирмаси билан ҳамкорликни ривожлантирмоқдамиз. Бу ҳамкорлик деҳ-қончилик маданияти ва самарадорлигини оширишга, ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини тезлаштиришга имкон беради.

Британиянинг "Меридит Жонс" фирмаси билан биргаликда Фарғона водийсида амалга оширилаётган лойиҳалар жамоа хўжаликлари негизда пахта етиштириш ва йиғиштириб олишнинг илғор усуллари ҳамда пахтани қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар маркетинг асосида бутун қишлоқ хўжалик мажмуини қайта қуриш ва такомиллаштиришнинг янги моделини яратишга имкон беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ўўза жуда катта имкониятларга эга бўлган ноёб экинлардан биридир. Шу сабабли пахта фақат толани қайта ишлаш эвазигагина эмас, бошқа жиҳатлардан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда катта аҳамиятга эга.

Масалан, тозаланган пахта ёҚи ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг тоннани ташкил этади. Бу эса республика аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёҚига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлабгина қолмай, ёҚни экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Германиянинг "Луизенталь" фирмаси билан биргаликда барпо этилган корхоналарда юқори сифатли қоғоз, шу жумладан, пул чиқаришда ишлатиладиган қоғоз тайёрланмоқда.

Олдимизда ёҚ-экстракция заводларида тиббиёт ва техникада ишлатиладиган госсиполни катта миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ва ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, Ёўзапоядан кенг кўламда целлюлоза ишлаб чиқариш вазифаси турибди.

Бироқ биз пахта савдосида Ўзбекистоннинг ўрнини сақлаб туриш ва мустақамлашни асосий вазифа деб биламиз. Биз Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда эгаллаб турган иккинчи ўринни сақлаб қолишга қатъий аҳд-паймон қилганмиз.

Шу мақсад йўлида пахта таснифи, маркетинг борасидаги илғор усулларни қўллаш, ходимларни ўқитиш соҳасида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик тобора тез суръатлар билан кенгаймоқда.

Масалан, "Донавант" (АҚШ) компанияси Мемфисдаги пахта мактабида, Рода коллежи қошидаги Халқаро пахта институтида ўзбекистонлик мутахассисларга маркетинг ва пахта таснифи бўйича таълим беришда ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонлик

мутахассислар имтиҳон топширганларидан сўнг АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлиги таснифчиларининг шаҳодатномасини оладилар.

Шунингдек, биз "ВЭКфилд" (Буюк Британия), "Эс Жи Эс", "Робертсон" (АҚШ) ва бошқа компаниялар билан ҳам биргаликда фаол ишламоқдамиз.

Яқин келажакда пахта сертификат омборлари қурилишига зарур сармоя ажратилади. Бу эса импортчиларнинг пахта толаси тури ва уни жўнатиш муддатларига талабларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайди. Демак, экспорт-импорт юкларини ташиш учун самарали транспорт йўлларининг мавжудлиги ташки савдомизда жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан экспорт ва импорт товарларини ташишнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Улар орасида Потти ва Батуми портларигача борадиган Транскавказ йўли бор. Шунингдек, Қозоғистондаги Дўстлик станцияси орқали Евроосиё темир йўлига қўшилиб, Хитойнинг Янь Юньгай портига чиқишга имкон берадиган Трансосиё темир йўлидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бу - толамизни истеъмолчиларга қисқа муддатларда етказиб бериш имконини беради.

Хурматли меҳмонлар!

Биз Тошкентда Ўзбекистоннинг сахий замини деҳқон меҳнатиغا сахийлик билан ўз бойликларини ҳады этадиган олтин куз пайтида тўпланиб турибмиз. Пахта заминимизда етиштириладиган маҳсулотларнинг энг муҳимидир.

Мен ушбу мажлиснинг барча иштирокчиларига меҳмондўст Ўзбекистонга келиш имкониятини топганлари учун миннатдорлик изҳор этаман. Барчангизга саховатли ўзбек диёрида бўлган вақтингиз самарали ўтишини, жаҳон пахтачилик соҳасининг гуллаб-яшнаши йўлида муваффақиятли ишлашни тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

1996 йил 7 октябрь

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
президенти Ислам Каримовнинг
Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири
саволларига жавоблари

САВОЛ. Ислам АбдуҚаниевич! Кейинги пайтда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиётдаги демократик бозор янгиланишлари бузиб кўрсатилаётгани, ноҳолис ёндашилаётганига муносабатингизни билмоқчи эдик...

ЖАВОБ. Бу саволга жавоб бериш учун СССР барбод бўлганидан кейин бу ҳудудда юзага келган икки асосий муаммога тўхталиш лозим.

Биринчидан, эски тузум соғинчи азоб бераётган ҳамда собиқ Иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш истаги билан яшаётган Москвадаги айрим сиёсатчилар ва уларга хизмат қилаётган матбуотга бугунги кунда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен Ўзбекистоннинг мустақил йўли тинчлик бермаяпти.

Улар ўтмиш қолипидан, салтанат даъвосидан, бугунги кунда ҳам ўзларининг собиқ шўролар ҳудудидаги мустақил давлатлар билан муносабатини оҚа ва ини ақидасига мослаб қуриш, эски, уларнинг тушунчаси бўйича яхши даврлардаги сингари, ҳамма нарсани марказдан туриб ҳал қилиш истагидан кутула олишмаяпти.

Айнан мана шу кайфият айрим "мустақил" деб аталмиш газеталарда бирёқлама мақолалар чиқишига сабаб бўлаётир.

Эртами-кечми, барибир бу касалдан фориҚ бўлишга тўғри келади. Бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Бундан ҳамма манфаат кўради.

Биз эса, катта-кичик давлатлар, катта-кичик халқлар бўлмайди, балки халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бор ҳамда улар бир-бирини ҳурмат қилиши керак, деган ақидадан келиб чиққан ҳолда барча давлатлар ва халқлар билан муносабатимизни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосга қуришни истаймиз.

Биз барча узоқ ва яқин қўшниларимиз, биринчи навбатда демократик кайфиятдаги Россия билан, кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган рус халқи билан яхши муносабатда бўлишга интиламиз.

Бизнинг сиёсатимиз энг аввало ана шу ақидалар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларига асосланган ҳолда шаклланиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Иккинчидан, собиқ шўролар ҳудудидаги кўпгина давлатлар бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушгани, айтиш мумкинки, боши берк кўчага кириб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Энг аввало оддий кишиларнинг оғир аҳволга тушиб қолгани, ислохотларнинг дастлабки пайтида ўжарлик билан ўтказилган "фалаж қилиб даволаш" деб ном олган жараённинг натижаси бўлиб, бундай оқибат одамларда норозилик туғдирмоқда. Ваъдалар ваъдалигича қолиб, бар-қарорлик ўрнатилиши ва оғир вазиятдан чиқиб олишнинг янги-янги муддатлари охири кўринмаяпти.

Бундай аҳволни оқлашнинг кенг тарқалган изоҳи - бугунги аҳвол бозор иқтисодиётига ўтиш, эски ижтимоий муносабатларнинг парчаланиши жараёнининг муқаррар натижаси, деган гап бўлиб қолди. Собиқ шўролар ҳудудидаги барча давлатлар бошидан кечираётган муқаррар фалокат, гўё СССР барбод бўлганидан кейин иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг узилгани оқибати эмиш.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларни, халқ тафаккур тарзини чуқур билиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда демократик бозор ислохотларини амалга ошириш йўлидан ишонч билан, дадил бораётгани, бу йўлнинг, янгиланишларнинг босқичма-босқич амалга

оширилаётгани ҳамда кучли ижтимоий сиёсат билан уйқунлиги умумий манзарага "қовушмай" турибди.

Ислохотларнинг дастлабки даврида чекинмасдан, аксинча, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги устувор йўналишларни танлаш ва амалга оширишни ўз зиммасига олган сиёсат, кишиларни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, бозор ислохотларига хос, ҳақиқатан ҳам муқаррар бўлган қийинчилик ва камчиликларни иложи борича камайтириш, юмшатиш учун имконият даражасидаги ҳамма ишни қилишга қаратилган Ўзбекистон давлат сиёсати мамлакатимиздаги вазиятнинг, ўзгалардан фарқли ўлароқ, мўътадил бўлиб турганига сабабчидир.

Собиқ шўролар ҳудудидаги давлатлар тараққиётининг кейинги беш йилдаги натижаларини олиб кўринг. Уларнинг аксарияти бугун барқарорликнинг эндигина белгиланаётган ёки кўзга ташланаётган куртаклари ҳақида жуда кўп гапирмоқда.

Лекин бу солиштириш ва қиёслаш қайси даврга нисбатан қилинмоқда? Маълум бўлишича, ўтган 1995 йилга нисбатан экан. Агарда оддий мантиқ тақозосига кўра, куртаклар деб айтилаётган ўша кўрсаткичларни ислохот бошланган 1990 йил билан қиёслаб кўрсак-чи, у ҳолда нимани кўрамиз? Амалда иқтисодиётнинг барча соҳасида 50-70 фоиз ўпирилишни кўрамиз. Ёки бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ҳамда шунга биноан аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари бугунги кунда 60-70-йиллар даражасига тушиб қолгани маълум бўлади. Мана сизга ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати.

Айримларга ўхшаб, Ўзбекистоннинг мустақиллик ва суверенитет йилларида эришган ютуғлари ҳақида жар солишни истамас эдим. Лекин шуни қатъий айтиш мумкинки, биз мамлакатимизда бундай ўпирилишларга йўл қўймадик.

МДХнинг халқаро статистик қўмитаси эълон қилган объектив статистик кўрсаткичлар ҳам кўп нарсани айтиб турибди. Умумий ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, умуман Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёти 1996 йилда 1990 йилдагига нисбатан камайгани йўқ. Аксинча, жуда кўп соҳаларда барқарор ўсиш таъминланмоқда.

Биз шу йиллар мобайнида иқтисодиётни мунтазам ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам асосини, пойдеворини яратдик. Сармоя сарфлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ички сармоя ва хорижий сармоя ҳисобидан янги иншоотлар ва корхоналар қурилмоқда, янги илғор тармоқлар барпо этилмоқда. Таркибий қайта қуриш давом этмоқда. Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, миллий валюта мустаҳкамланмоқда.

Нодавлат сектори, хусусий корхоналар иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллаб турибди, ўрта ва кичик бизнес тез ривожланиб бормоқда. Аслида ўртаҳол мулк эгалари синфи шакл-ланмоқда. Қисқа қилиб, Ўзбекистонда бозор ислохотлари ва демократик янгиланишлар барқарор тус олди, дейиш мумкин. Бу ҳақда, менимча, республикамиз парламенти - Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида ҳам ишонарли тарзда гапирилди. Аммо, энг муҳими, буни фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида, олисда ҳам кўриб ва сезиб туришибди.

Бу айрим сиёсатчилар ва ахборот воситаларининг зардасини қайнатаётган иккинчи муаммодир.

Ўзбекистоннинг ютуғлари уларнинг Қашини келтирмоқда, бизнинг муаммоларимиз, хато ва нуқсонларимиз эса уларни хурсанд қилмоқда.

ҲАҚИҚАТан ҳам, иштони йўқ тиззаси йиртиққа қулаверади.

Айрим Россия газеталарининг саҳифаларида пайдо бўлаётган турли уйдирмалар ва бўҳтонлар, сиёсатимизни бадном қилишга, миллатлараро нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочишга қаратилган иқвогарлик ҳаракатлари ана шунга асосланган. Шу мақсадда бизнинг умумий тарихимиз, Марказий Осиёда яшаётган миллатлар ва халқларнинг тарихи тафтиш қилинмоқда.

Эркин матбуот хоҳлаган нарсани ёзишини, содир бўлаётган воқеаларни ўзича кўриб, уларга ўзича баҳо бериши мумкинлигини, ўз фаразлари бўлишини тушунамиз. Бу табиий ҳол. Лекин ўзини демократик ва маърифий деб ҳисоблаган бирорта мамлакатда атайлаб миллатлараро нифоқ чиқаришга, миллий қадриятларни таҳқирлашга қаратилган уйдирма ва бўҳтонлар, умумэтироф этилган мавжуд чегара ва ҳудудларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги чақириқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: мамлакатимизни ичдан емиришга уринишмоқда. Шу сабабли мен осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқларининг бирлиги кифоя қилмайди, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб қатъият билан айтмоқдаман. Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган муқаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу уйни биз биргаликда асрашимиз лозим.

САВОЛ. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган миш-мишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

ЖАВОБ. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаетган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1993 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта - сўм ҳозирги вақтда барқарор мустаҳкамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислоҳотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидаги камомад ҳажмининг жуда камлиги келишган ҳолда бўлиши, ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими - бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютаимиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта - сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта захирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз захиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жам-Қармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва Ғаразли уйдирмаларга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва порахўрлик ҳолларини бартараф этишга қаратилган. Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислоҳотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим баравар кўпайиб, 2 миллиарддан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шериклар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади.

САВОЛ. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги ва Аф-Қонистонга қўшни мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътибори бу мамлакатда содир бўлаётган фожиали воқеаларга қаратилган. Қўшни Афғонистонда вужудга келган вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

ЖАВОБ. Афғонистонда юз бераётган воқеалар барча мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарларини, биринчи навбатда, Афғонистонга қўшни бўлиб яшаётган кишиларни ташвишга солмай қўймайди.

Афғонистонда фуқароларнинг биродаркушлик уруши 18 йилдан буён давом этмоқда. Ўша вақтда айтилганидек, "ўз байналмилал бурчини бажариш", "халқаро империализм кирдикорларига йўл қўймаслик учун" совет қўшинлари чекланган қисмининг мустақил Афғонистон ҳудудига киритилиши бу урушнинг бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Бунинг оқибатида ўн минглаб собиқ Совет Армияси аскарлари ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ этилди. Хароб бўлган тақдирлар, оналар ва аёлларнинг йиллаб, ҳатто ўн йиллар давомида ҳам тузалмайдиган Қамзадалиги ҳам ана шу уруш натижасидир. Юз минглаб нобуд бўлган афғонистонликлар, миллионлаб қочоқлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, жафокаш Афғонистон халқининг тақдиридаги қонли воқеалар ва беадоқ Қам-алам шу уруш туфайлидир. Ҳадемай Афғонистон ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига 9 йил тўлса-да, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ, аксинча, авж оляпти.

Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаш учун этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар олиб бораётган уруш гоҳ у, гоҳ бу томоннинг вақтинчалик устунлиги билан давом этмоқда. Сиёсий партиялар ҳам, уларнинг етакчилари ҳам асосан аҳолининг турли этник гуруҳлари ва кучли қариндош тўдалар намояндалари бўлиб, уларнинг тарихи, ўзаро алоқаси, мақсадларини бир қарашда аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига, фуқаролар уруши йилларида бу партиялар, этник ва диний гуруҳлар бир неча бор турли блокларга қўшилдилар - улар гоҳ қабилалараро зиддиятда иттифоқдош бўлдилар, гоҳ "жиход" ёки муқаддас уруш эълон қилиб, ўзларининг кечаги иттифоқдошлари билан ўзаро шафқатсиз кураш олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Ўқимият учун бўлган бу аёвсиз қабилалараро урушда халқ манфаатлари, унинг бугуни ва эртаси четда қолиб кетмоқда.

Бу даврда Афғонистонда тинч яратувчилик меҳнатидан мосуво, асосан жанг қилиш ва одам ўлдиришни биладиган авлод кучга кирмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон халқаро террорчиликнинг, қурол билан савдо-сотик қилишнинг хавfli манбаига, жаҳон бозорига асосан гиёҳванд моддалар етиштириб берувчи мамлакатлардан бирига айланди.

БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда йилига икки ярим минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилади ва турли йўллар билан дунёнинг кўплаб минтақа ва

мамлакатларига тарқатилади. Афғонистон бугун бутун Марказий Осиё минтақасидаги, бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашларнинг манбаидир. Буни кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушуниб ета бошлади.

Бизнинг имонимиз комилки, Афғонистондаги урушни фақат бир шартга амал қилгандагина тўхтатиш мумкин: Афғонистоннинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаслиги керак. Ва биринчи навбатда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳларга ажал қуроллари етказиб беришни тўхтатиш лозим.

Қурол-яроғ етказиб бериш давом этар экан, Афғонистондаги урушни тўхтатиб бўлмайди. Айни шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ўзбекистоннинг бу таклифи амалда барча буюк давлатлар, Европа парламенти, жафокаш афғон заминида биродарқушлик урушининг тўхтатилишига, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига тилда эмас, амалда манфаатдор бўлган яна кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларнинг ўта мутаассиблиги, экстремистлиги, ўз рақибларидан аёвсиз ўч олиши, ҳокимият ва бошқарувнинг ўрта асрларга хос бўлган шафқатсиз усуллари нафақат Афғонистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатиш режалари борлиги ҳақида кўп ёзмокда.

Табиийки, Кобулда ва бутун Афғонистонда ҳукм сураётган бундай аҳвол барчамизни ташвишлантирмай қолмайди. Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиб фикрдан йироқмиз. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бизнинг жанубий сарҳадларимизга яқинлашаётган пайтда чегараларимизнинг ва мамлакатимиз ҳудудининг хавфсизлиги учун хавотирланмаслигимиз ва ташвишланмаслигимиз мумкин эмас.

Шу йил 4 октябрь куни Алматида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Россия Бош вазири В.Черномирдин билан бўлган учрашувида бу ҳақда гапирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Биз Афғонистондаги уруш мамлакатимизда истиқомат қилаётган одамларнинг тинч меҳнати ва осойишталигини бузмаслиги учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Ва бунинг учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор.

Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилаётгани, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчи экани ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман.

Биринчидан, ҳозир кўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин.

Иккинчидан, хоҳлаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги тангликни янада чуқурлаштиради ва ноўрин хавотир уйғотади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали кайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчидан, бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтурса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Ва ниҳоят, бугун ёки эртага Кобулда ҳокимият тепасига ким чиқишидан қатъи назар, ўзаро курашаётган томонларга бир нарса аён бўлиши керак. Афғон фожиасини сиёсий,

тинч йўл билан ҳал қилишдан ўзга чора йўқ. Уруш ва қурол билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Фақат барча қарама-қарши курашаётган томонлар, ҳамма этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар иштирокидаги сиёсий, тинч музокараларгина Афғонистоннинг ички муаммоларини ҳал этиши мумкин.

Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида, Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларининг иштирокида ўтказилиши керак.

Бу урушга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

1996 йил октябрь

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН,
АМИР ТЕМУР НОМИ
БАРҲАЁТДИР

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Кадрли оксоқоллар, мухтарам уламолар!

Бугунги муборак жума тонгида Аллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз -ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, у зот таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас ислом динимиз буюрган бир фарз-ни - ўтган аجدодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бун-ёд этилган мухташам кошонанинг очилиши маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси - кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуқ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилақларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлқусидир.

Чунки улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёқилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлқай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўқ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро куёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутди.

Ул мухтарам инсон соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайқуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини "Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат" деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Мухтарам жамоат!

ҲАМмамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун - ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур - бизнинг шаън-шавкатимиз, Ғурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур - халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шахрисабз, Бухоро, Тошкент ва соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боқу роқлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўқул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини

хам йўқотиб, мустамлака ўлкасига - ЧиҚатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, суҚориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноксиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини куритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз - сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қажатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча худудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб мўътабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз - Амир Темурнинг бугунги ворислари соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўлириб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зўр шодиёна билан очилаётган темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурнинг башарият олдигаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси - Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик Ғоялари билан табиий ва гўзал бир равишда уйқунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриёдларига қарата "Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раббиятни бошқарингиз" деб васият қилган.

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун - буюк соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

ҲАМиша эл Қамини, юрт Қамини ўйлаб яшаган соҳиб-қирон ёвлар оёҚи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз

дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик!
Бу йўлда бобокалонимизнинг: "Адолат ва озодлик - дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин" деган доно ўғитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улуғ аждодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки:

Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзозлаган Ғоялар - шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

Темурийлар тарихи давлат
музейининг очилиш маросимида
сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига бекиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуқ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-этиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд - халқимиз, миллатимиз довуғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд - ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига бекиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли харобаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай хувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темур бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул хунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилдирди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму-кўст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боқишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, хунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтамыз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар кудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иклимида маълуму машхур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг хоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатталаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари - мадрасалар, энг машхур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндalarининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратига шуҳрат қўшапти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги - бақри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машхур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш - тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш - ўзлимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, кудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд - азалий буюк ва даҳолик кудрати мужассам бўлган, Аллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз - муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келатганингиз ва мус-тақил Ўзбекистон шон-шавкати оширишдаги Ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри "Амир Темур" ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани адо этиш - қадрдон ва азиз шахримиз байроғига ана шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодларимизнинг руҳи пок-лари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

Самарқанд шаҳрида

Амир Темур ҳайкалининг очилиш

маросимида сўзланган нутқ,

1996 йил 18 октябрь

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танги, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини Ғоят қутлуқ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо ўолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донҒини таратган зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон - табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам хоки поклари билан муқаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйкуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти - Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонида юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида "Илму адаб куббаси" дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз соҳибқирон бобомизнинг қутлуқ тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалб-ларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид бос-қинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, Ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам "илмий тадқиқотлар" ниқоби остида талон-торож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оксарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони

бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор.

Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу кошона пештоқиға шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларға маълум: "Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларға назар солсин".

Бу кўхна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: "Қай бир жойдан бир Қишт олсам, ўрниға ўн Қишт кўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрниға ўнта кўчат эктирдим".

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: "Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим".

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришға ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Мухтарам дўстлар!

Қарами улуғ Аллоҳ халқимизға, Ватанимизға шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизға Амир Темурдек буюк соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганға ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам кўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолқусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига кўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Бугунги кутлуқ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охириға келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мақрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишға қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишиға кўшган алоҳида хизматларини эътиборға олиб, Шаҳрисабз шаҳри "Амир Темур" ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларға топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларға муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояға етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

Шаҳрисабз шаҳрида

Амир Темур ҳайкалининг

очишлиш маросимида сўзланган нутқ,

1996 йил 18 октябрь

АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд тўйи мамлакатимизда зўр шоду хуррамлик билан давом этмоқда. 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизнинг мухташам ҳайкаллари қад ростлади. Бундан уч йил муқаддам гўзал Тошкент марказида ҳазрати Темурнинг улуғвор суворий ҳайкали ўрнатилган эди.

Эндиликда бир-бири билан узвий боғлиқ бу уч муаззам бадиий обида шавкатли ажодимизнинг адолат ва қудрат рамзи бўлган беназир сиймосини яхлит ҳолда тасаввур этиш имконини беради.

Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тантаналар чоғида Соҳиб-қирон тимсолини мужассам этган ҳайкаллар маросимга йиғилган жамоат, узоқ-яқин мамлакатлардан келган меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳаяжонига сабаб бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг муҳбири Президент Ислон Каримовдан Амир Темур образининг мазкур бадиий талқинлари ҳақидаги таассуротларини сўради. Юртбошимиз муҳбирнинг саволига кўтаринки кайфият билан жавоб бериб, жумладан, бундай деди:

- Аввало, бу ҳайкалларда Амир Темурнинг салобатли ва улуғвор қиёфаси муносиб тарзда яратилган, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Шахсан мен Соҳибқирон бобомизнинг сиймосига боқар эканман, вужудимни ички бир ҳаяжон чулқайди. Дикқат билан қарасангиз, ҳазрати Темурнинг нуроний, шижоатли қиёфасида у зотнинг бу дунёга келиб қилган ишларидан, кезган йўлларида, суронли ўтган умридани, тузган бекиёс давлатидан мамнунлик ифодасини уқиш мумкин.

ҲАҚИҚАТан ҳам, Самарқанддаги ёдгорликда Амир Темур буюк салтанат тахтида султонлар султонига мос виқор ва салобат билан ўтирибди. Соҳибқироннинг қаддиқомати ҳам, савлатли чехраси ҳам унинг тоза насл-насабидан, танг-ри ёрлақанган улуғ зот эканидан далолат беради.

Амир Темур ҳайкалларида эътиборга молик яна бир маъно ўз ифодасини топган. Соҳибқироннинг шафқат ва айни пайтда қатъият билан боқувчи нигоҳи унинг бепоён салтанатини қамраб олгандек, бу улкан ҳудуддаги барча халқлар ва элатларнинг аҳвол-руҳиясидан огоҳ бўлиб тургандек таассурот қолдиради. Гўёки бобокалонимиз: "Мен бор эканман, менинг руҳим барҳаёт экан, эл-улусда омонлик ва фаровонлик мудом барқарор бўлмай, менким Амир Темур - тинчлик ва осойишталик кафилиман", деб тургандек.

Менинг назаримда, Соҳибқироннинг бу ҳайкаллари нафақат бадиий, балки катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўқтамлик фазилатлари намоеён бўлган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириши ва сафарбар этишига ишонаман.

Бу гўзал ва улуғвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил садоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади. "Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завоқ топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлқусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз - адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат - бизнинг дастуримиздир".

Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриётлар бўлишга даъват этади.

Чиндан ҳам, Амир Темурнинг юртимизда мақрур қад ростлаб турган улуғвор ҳайкаллари халқимизнинг асрий орзулари, пок ва муқаддас ниятлари ушалганидан, дуои фотиҳалари ижобат бўлганидан яна бир бор далолат беради.

1996 йил, 18 октябрь

АМИР ТЕМУР - ФАХРИМИЗ,
ҒУРУРИМИЗ

Хонимлар ва жаноблар!
Конференциянинг мухтарам иштирокчилари!
Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминидан кутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналардаги иштирокингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Темур ва темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намояндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга хавола қилмоқчиман.

Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибкиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат - хусусиятларини намоен қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, дастлаб шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий сахнага қадам қўйганда эндиgina 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Мўқулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуқум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига мушток эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг мантиқий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминидан тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. ҲАМма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиклантириш керак. Тупрокни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин - қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озикланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуғлар бўм-бўш, хувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шакл-ланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган хиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик "Алгебра" деб атаган фанга асос солган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида куруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган комусий билим соҳибни Абу Райҳон Берунийнинг;

"Тиб қонунлари" номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонидан қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик Ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу Ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва Қайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган хиссасини бугунги кунда хорижда - АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ўиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар - яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатада темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, Ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-иқром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ

аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Мухтарам конференция иштирокчилари!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур аввало кудратли давлат қурган. Давлат кудрати бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим", деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан - Хитой, Ўиндистон, бир томондан - Франция ва Англия, яна бир томондан - Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нукталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуғларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: "Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо аҳли ила обод бўлажак".

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак, Амир Темур ташки сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош Ғоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

"...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим".

Учинчидан, соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бош-қа қатор иморату иншоотларнинг сон-саноқи йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибиҳоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боқи Чинор, Боқи Дилкушо, Боқи Беҳишт, Боқи Баланд сингари ўнлаб гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди".

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг "Қай бир жойдан бир Қишт олсам, ўрнига ўн Қишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим", деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суқориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан.

Бир ўйлаб кўрайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

"Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг", деганда Амир Темур, энг аввало, ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўлаемиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин, Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қураар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат соҳибқироннинг авлодлари - айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани - шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири

бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошданок пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машхур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат Қамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилишини ниҳоясига етказётганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт эдими? Унинг шону шухрати шусиз ҳам етарли эдику?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболлини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улуғвор режалар ва Ғоялар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган - жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз "Тузуқлари"да шундай дейди: "ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим".

Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймону диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу - мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу Ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

"...Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турунлар, қатъиятли ва мардонавор бўлинлар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинлар..."

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминиде узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди".

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинлар, деб, инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол туғилиши мумкин: нима учун бугун Ўзбекистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бакувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз - беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

- биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий кадриятларимизга асосланиб;

- иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб, мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмақчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тар-Қибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата: "Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, Ғуруримиз!", деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан.

Хонимлар ва жаноблар!

Замонамизнинг кўпгина долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасини чуқурроқ тушунишни тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференциямизнинг муҳим вазифа ва мақсадларидан бири деб билмоқ керак.

Ўеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай тажриба манбаидир.

Ишончим комилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва темурийлар даври сабоқларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олдимизга қўяётган долзарб саволларга жавоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Амир Темур таваллудининг
660 йиллигига бағишланган
халқаро илмий
конференциядаги маъруза,
1996 йил 24 октябрь

ИСЛОҲОТ - АВВАЛО ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШДИР

1996 йил 25 октябрь куни халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, ислохотларнинг бориши, жумладан, Жиззах вилояти меҳнаткашлари эришган ютуғлар, айтиш чоқда йўл қўйилган камчиликлар, улар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида батафсил гапирди. Вилоятнинг бугунги аҳволини чуқур таҳлил этди.

Мустақил мамлакатимизда бўлаётган ишлар ва тарихий воқеалардан барчангиз хабардорсиз. Юртимизда тарихан қисқа муддатларда оламшумул ўзгаришлар бўлаётгани, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига мос ва ўзига хос ўрнини эгаллаб олиб, обрў-эътибори ўсаётгани ҳам ҳаммамизни қувонтиради, деди Президент.

Мамлакатимиз ислохотларнинг дастлабки, энг қийин, энг оғир босқичини енгиб ўтди, тараққиёт ва ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда.

Маънавий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, бой тарихий ва маданий меросимизнинг тикланиши, улуғ аждодларимизга адолатли баҳо берилиши халқимизни катта бунёдкорликларга даъват этмоқда. Рухига руҳ қўшмоқда. Соҳибқирон Амир Темур юбилеи чин маънода ўзлимизни намоён этиш, давлатимиз қудрати ва халқимиз шижоатини кўрсатиш имконини берди.

Меҳнаткаш, мард ва фидойи халқимизнинг она юрт келажаги, унинг истикболи йўлида қилаётган шижоатли меҳнати, ҳамжихатлиги, мамлакат осойишталигининг барқарорлиги дастлабки ютуғларимизнинг энг асосий омили бўлди.

Жамиятда таркиб топаётган янгича муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида ва унинг бозор муносабатларига ўтишида Жиззах вилоятининг ҳам катта ҳиссаси, муносиб ўрни бор, деб таъкидлади юртбошимиз.

Жиззах икки минг йилдан кўпроқ тарихга ва гўзал табиатга эга бўлган қадимий маскан. Жиззах вилояти ўз табиатининг хилма-хиллиги билан бошқа вилоятлардан фарқ қилади. Бу диёрда бамисоли Ўзбекистоннинг гўзал табиати мужассамлашгандек.

Ўзбек халқининг кўп-кўп асл фарзандлари мана шу заминда тарбия топган, ўз фидойилиги билан эл-юртимизнинг обрўсига обрў, салоҳиятига салоҳият қўшган, тарихда ўзларининг пок номларини қолдирган. Жиззах вилояти халқимизнинг буюк давлат арбоби Шароф Рашидовни вояга етказган юрт эканини шахсан мен ҳеч қачон унутмайман.

Жиззах чўлини ўзлаштириш ўз даврида халқимиз қахрамонлигининг рамзига айланган эди, деҳқончиликда эса ўз технологиясига эга бўлган воҳа сифатида майдонга чиққан эди.

Жиззах воҳаси ҳақида, унинг гўзаллиги ва бетакрорлиги ҳақида, шу юртда яшаётган аҳолига муносиб турмуш шароити яратишга тўлиқ имконият мавжудлиги ҳақида гапириш учун ҳар қанча асос бор.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, вилоят аҳли қатор ибратли ишларни амалга ошириб келган.

Кейинги 2-3 йил ичида шаҳар ва туманларда ободонлаштириш, айтишча, Жиззах шаҳри қиёфасини миллий услубда бойитиш, бозорлар қуриш каби ишларга сезиларли эътибор берилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ана шу давр ичида 57 фоиздан 75 фоизга, табиий газ таъминоти эса 48 фоиздан 70 фоизга ўсган.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: охириги йилларда эришилган ютуғлар оз эмас.

Лекин, минг афсуски, бугунги учрашувимизда, авваламбор, вилоятда мавжуд бўлган муаммолар, вилоятнинг иқтисоди ва ривожига танг аҳволга тушиб қолгани ҳақида гапиришга мажбурмиз, деди Президент.

Вилоятда ислохотларни амалга ошириш, бутун имкониятларни ва авваламбор меҳнаткашларимизнинг кучини долзарб масалаларга жалб қилиш, ечилмаган муаммоларни ҳал этиш масалаларида, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ҳамон паст-лигича қолмоқда.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга раҳбарлик бўшаштириб юборилган. Туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарларининг қишлоқларда ислохотларни амалга ошириш, иш услубини тубдан ўзгартириш, янги агротехника қоидаларини жорий қилишда тадбиркорлиги ва ташкилотчилиги сезилмаяпти, улар боқимандалик кайфиятидан холи бўлолмаяптилар.

Пахта, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва пировард натижалардан меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини ошириш чора-тадбирларини кўра олмаяптилар.

Ҳозирги кунда вилоятда истиқомат қилаётган 905 минг аҳолининг 618 минг нафари қишлоқда яшайди. Аҳоли асосий қисмининг турмуши қишлоқ хўжалигидан келадиган даромадга боғлиқ.

Вилоятда 1995 йилда ишлаб чиқарилган 18 миллиард сўмлик ялпи маҳсулотнинг 61 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

Шундан, авваламбор, қандай хулоса, керак бўлса - қандай сабоқ чиқаришимиз зарур?

Биринчи ва асосий хулоса - қишлоқ аҳолисининг устини бут, қорнини тўқ қилиш учун ердан унумли фойдаланиб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш чораларини кўриш керак.

Лекин кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда орқага кетиш кузатилмоқда. Етакчи тармоқ ҳисобланган пахта етиштиришдаги ишлар мутлақо қониқарли эмас. Белгиланган режалар сурункасига 4 йилдан буён бажарилмай келмоқда. Ҳозирги кундаги ҳолат бу йил ҳам пахтачиликда дурустроқ натижага эришиш мушкул эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўтган йилнинг якунини 1991 йилга нисбатан солиштирадиган бўлсак, вилоятда 100 минг тоннадан ортиқроқ пахта кам етиштирилган. Бу асосан ҳосилдорликнинг пасайиши ҳисобига камайган. Кейинги тўрт йил ичида вилоят бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 17,6 центнерга тушиб кетди.

Деҳқончиликда ном чиқарган Дўстлик, Мирзачўл туманларида ҳосилдорлик 21 центнерга тушиб кетганлигини, Арнасой туманида ўтган йили 10, Зоминда 13 центнердан ҳосил олинганлигининг сабабини ким тушунтириб бера олади?

Ўтган йили хўжаликларнинг ярмидан кўпи топшириқни бажара олмаган, ҳар тўрттадан биттаси йилни зарар билан якунлаган эди. Буни қандай баҳолаш мумкин?!

Пахтачиликдаги, умуман деҳқончиликдаги бу салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлмоқда?

Бунинг сабабларини мамлакатимиз раҳбари қуйидагича изоҳлади:

Биринчидан, кузги ва қишки дала ишларини ташкил қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Ерни кузда шудгорлаб қўйишда ҳикмат катта эканлигини деҳқонлар яхши биладилар. Вилоятда бу муҳим тадбир четга суриб қўйилмоқда. Айниқса, Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик ва Зомин туманларида бу муҳим ишга умуман эътибор берилмаяпти.

1995 йилги ҳосилга тайёргарлик кўришда пахта майдонининг 80 фоизи баҳорда шудгор қилинди. Натижада ҳосилдорлик пасайиб, ернинг унумдорлиги йўқолди. Деҳқонча қилиб айтганда, ер ишдан чиқди. Бундай нуқсонга 1996 йилда ҳам йўл қўйилди. "Ер ҳайдасанг - куз ҳайда, куз ҳайдамасанг - юз ҳайда", деган нақлни вилоят ва туман раҳбарлари унутганга ўхшайди.

Ер ўз вақтида ҳайдалмай, бир қисми баҳорга қолиб кетмоқда. Шу аҳволда қандай юқори ҳосил ҳақида гапириш мумкин? Боқимандалик, ўзибўларчилик, эгасизлик қачонгача давом этади? Масъулиятсизлик - раҳбар учун иллат! Бундай кайфиятда юрганларни аллақачон тартибга чақириш вақти келган деб ўйлайман.

Иккинчидан, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирлар қониқарсиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Суқориладиган ерларнинг асосий қисми шўрлаган.

Шу ўринда Президент йил бошида Хоразм вилоятида айтган гапларини яна бир бор эслатиб ўтди.

Дехқончиликда энг муҳим, энг долзарб муаммоларни билмасдан туриб, уларни ҳал қилиш учун, яъни энг устувор масалаларни ечиш учун маблағ топиб бутун имкониятларни жалб этмасдан туриб, шу муаммоларни доим эътибор марказида сақламасдан туриб, олға силжиш мумкин эмас!

Меҳнат тақсимоти, ишчи кучи сарфи ва иш ҳақи ўртасидаги мувозанатни сақлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли шакллари жорий этиш мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Охирги йилларда вилоятда шўр ювиш ишлари 60 фоизни ташкил қилмоқда. Хўжаликлараро ва хўжаликларнинг ички зовур тармоқларини таъмирлаш ишлари ҳам қониқтирадиган даражада эмас. Очик зовурларнинг яроғсиз аҳволга келган қисми вилоят бўйича 27 фоизга етган. Бу кўрсаткич Арнасой ва Зарбдор туманларида 34-45 фоизга кўтарилган.

Ёпиқ дренаж тармоқларининг 20 фоизи ишдан чиққан. Уларни таъмирлаш ишлари кескин камайиб кетган. Ўтган йили дренаж тармоқларининг талабга нисбатан 7, очик зовурларнинг эса 22 фоизи таъмирланган, холос. Натижада ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетган.

Албатта, бу муаммоларни давлатимиз, ҳукуватимиз эътибори марказида ушлаб туриш керак. Лекин маҳаллий ҳокимият раҳбарлари қани?

Ҳар бир хўжалик ўз имкониятидан келиб чиқиб, дренажларни ювадиган ва таъмирлайдиган ихтисослашган бригадалар тузса бўлмайдами? Аллақандай бегона ташкилотларга пул ўтказмай, ортиқча чиқимсиз ўз кучимиз билан ўз муаммоларимизни ҳал этишни қачон ўрганамиз?

Учинчидан, вилоятда пахтанинг тезпишар, ҳосилдор навларидан фойдаланилмаяпти. Уруғчиликка етарли эътибор берилмаяпти. Ҳар йили пахта майдонининг ярмидан кўп қисмига сифати бузилган навлар экилмоқда. Яъни, экилган чигитнинг 45 фоизини унувчанлиги паст бўлган иккинчи класс уруғ ташкил этади. Бунинг устига турли-туман навлар экилади. Ахир бу тола сифатининг бузилишига олиб келмайдами?

Тўртинчидан, маҳсулот етиштиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан ҳамда сувдан самарали фойдаланилмаган. Вилоят хўжаликлари бу йил 66 фоиз азотли, 47 фоиз фосфорли ўғит билан таъминланган, холос. Бунинг устига минерал ўғитларнинг 20 фоизи август ойига яқин келтирилган, хўжаликларга кеч етказиб берилган. Ахир оддий агроном ҳам биладики, август ойида берилган азотли ўғит пахтанинг етилишини кечиктиради. Оддий тил билан айтганда, Ғўза семиради-ю, лекин ҳосил бермайди. Наҳотки, вилоятда деҳқончиликдаги бу оддий ҳақиқатни тушунадиган биронта мутахассис топилмаса?! Бунинг устига сентябрь ойининг ўрталарида ҳам Ғўзани суқориш Жиззах шароитида бутунлай номаъқул иш, ақлга сиқмайдиган усул эмасми?!

Андижонда деҳқонлар пахтачиликда янги технологияни қўллаб, плёнка остига чигит экиб 50-60 центнердан ҳосил олаётдилар. Бундай усул билан экилган пахта тез етилади, ёқин-сочинга қолмай териб олинади.

Бундай масалаларда ҳар доим илғор сафларда юрган жиззахликларнинг ҳаракатлари кўринмаяпти. Янгиликка интилиш, изланиш, ҳосилдорликни ошириш учун ҳаракат сезилмайди.

Бешинчидан, кишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш, уларни янгилаш ва таъмирлаш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Чўлни ўзлаштиришда барча жараён техника ҳисобига бажарилиши назарда тутилган. Буни кўпчилик яхши тушунади.

Бугун кишлоқ хўжалигига техника етишмайди. Буни биз яхши тушунамиз. Ҳозирги кунда вилоятда 2,5 мингта ҳайдов, 400 та чоппик трактор етишмайди. Лекин мавжуд тракторларнинг ҳам асосий қисми етарли даражада қаровнинг йўқлиги, масъулият бўлмаганлиги, хўжасизлик оқибатида ишдан чиққан. Жамоа мулки ўз мулкидек авайланмаяпти. Қор-ёмҚир тагида қолиб кетаяпти. Мулкка эгалик тушунчаси етарли эмас.

Нега механизатор ўзининг енгил машинасини ювиб, мойлаб асрайди-ю, хўжалик тракторига жони ачимайди? Ахир ана шу трактор туфайли оиласини боқмайдими? Хўжалик раҳбарлари қаёққа қарашаяпти? Нега улар хўжаликларда тартиб ўрнатмайдилар? Чунки уларнинг ўзларини тартиб-интизомга чақириш керак, деб ўйлайман.

Пахта териш машиналари талабга нисбатан анча оз. Мавжудларининг эса 25 фоизи ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Бу йил ҳам етиштирилган пахта ҳосилини йиқиб-териб олишда машиналар хизматидан унумли фойдаланилмаяпти. Ҳар бир машина кунига ўртача бир тонна ҳам пахта тераётгани йўқ. Бундай натижа билан яна нима ҳақида гапириш мумкин? Ҳозирги кунга қадар терилган пахтанинг 20 фоизи машиналар билан йиқиб олинган, холос. Кейинги йилларда машина теримининг улуши 30-40 фоиздан ошмаяпти.

Такрор айтаман, деди нотик, техникага хўжасизларча муносабатда бўлинмоқда. Энди техникани ҳеч ким текинга бермайди. Буни англаш вақти келди. Боқимандалик кайфиятини йўқотиш керак. Техника ҳам - сизнинг мулкингиз, хусусий мулкингиз. Тушуниб олинг. Энди уни асрашни ҳам, ундан фойдаланишни ҳам билиш керак. Янгисини сотиб ололмасангиз, эскисини авайлаб ишлата олмагангиз, эртага нима қиласизлар? Бу тўғрида бош қотириш вақти етди.

Ерни шудгорлашдан пахтани териб олишгача бўлган барча агротехника қоидаларига амал қилмаслик, янгиликка интилишнинг йўқлиги, ерга эътиборнинг яхши эмаслиги ва пировард натижада деҳқон манфаатдорлигини ошириш чоралари кўриб чиқилмагани - барчаси пахтачиликдаги қолоқликка олиб келган.

Кейинги йилларда республикада дон мустақиллигини таъминлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. ғалла майдонлари кенгайтирилди, соҳага эътибор кучайтирилди.

Жиззах - республикада энг кўп Ғалла экиладиган вилоятлардан бири. Бу йил 246 минг гектар ерга Ғалла экилиб, 496 минг тонна дон етиштириш режалаштирилган эди. Афсус, вилоят давлат хирмониға ўзининг муносиб хиссасини кўша олмади.

Кўзланган ҳосилнинг 40 фоизи етиштирилди холос, давлатга сотиш режаси эса атиги 53 фоизга етказилди.

Республикамизнинг бир қатор вилоятларида Ғалладан 40-50 центнер ҳосил олинаётган бир даврда, сизларда суҚориладиган ерларда ҳосилдорлик 14 центнерни ташкил қилганлигини қандай баҳолаб, нима деб тушунтирса бўлади?

Президент масалани кўндаланг қўйди; қани менга айтингни, ярим миллион тонна Ғалла етказиб бериши мумкин бўлган вилоятда нима ишлар бўлаяпти ўзи? Бунинг сабаблари нимада? Менимча, бунинг сабаби: авваламбор боқимандаликда, ўзибўларчиликда, эртанги кунни ўйламай, ишни пала-партиш ташкил қилишда.

Ўтган йили 20 минг тонна сифатсиз уруғдан фойдаланилган. Бу вилоят бўйича экилган уруғнинг 45 фоизини ташкил қилади. Шундай уруғ тўлиқ униб чиқадими, ҳосилдорлиги қандай бўлади, ҳеч кимни ташвишга солмаган.

Бунинг устига Ғалла экиш муддатлари кечиктириб юборилган, 63 минг гектар Ғўза қатор ораларига Ғалла экишда агротехника қоидаларига риоя қилинмаган. Ҳар гектар майдонга нормадаги 250 килограмм ўрнига 80-100 килограмм уруғ тушган. Буни ҳеч ким назорат қилмаган. Ўғит вақтида берилмаган ва суҚорилмаган.

Уруғ сифатли бўлмагани, тўла униб чиқмагани учун Ғалла вилоятнинг ҳамма майдонларида сийрак бўлиб қолгани сабабли уни бегона ўт босган. Ўрим-йиғим мавсуми кечикиб, кўзланган муддатдан ўтиб кетган ва 45-50 кунга чўзилган.

Арнасой (Б. Раҳмонов), Дўстлик (А.Ўжимуrowов), Мирзачўл (Т. Есимов) ва Пахтакор (Ў. Олимов) туманларининг 60 фоиз майдонидаги Ғаллани бегона ўт босиб кетган. Бу майдонларнинг аксарият қисмини комбайн ҳам ўролмаган ва ҳосил далада қолиб кетган. Ишга шундай муносабат билан Ғалладан юқори ҳосил олиб бўладими? Бу ўзини-ўзи алдаш эмасми? Агрономлар, мутахассислар йил бўйи нима билан шуғулланади? Улар қаёққа қарашди? Наҳотки, бефарқлик шу даражада бўлса? Бундай ҳолатга энди чидаб бўлмайди! Унга чек қўйиш керак!

Дехқончиликда ерга, ишга бўлган муносабатни кескин ўзгартирмай, ерга ҳам, етиштирилаётган маҳсулотга ҳам эгалик ҳиссини кучайтирмасдан туриб қишлоқ хўжалигида ислоҳот қилиб бўлмайди.

Ачинарлиси шундаки, ҳанузгача қишлоқ хўжалигида пайчиликни, хўжалик аъзоларининг умумий мулкдаги улушига қараб ҳақ тўлаш тизимини ривожлантириш масаласига эътибор берилмаяпти.

Ерга бўлган муносабат йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Айниқса, уни талон-торож қилиш, шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланиш ҳоллари учрамоқда. Биргина Мирзачўл туманидаги (ҳоким Т. Есимов) "Пахтазор" хўжалигида (раиси М. Файзиев) ноқонуний равишда 170 гектар ер томорқа сифатида бўлиб бериб юборилган. 190 гектар ерга мелиоратив ҳолати ёмонлиги ва техника етишмаслиги туфайли экин экилмаган. Вилоят бўйича пахта учун ажратилган майдоннинг минг гектарига чигит экилмай қолди. Яна минг гектар ерда қаровсизлик туфайли чигит унмай қолиб кетган. На туман ҳокимлиги, на вилоят агросаноат уюшмаси бу фактларга ўзларининг баҳоларини бермаганликларини, вилоят раҳбарларининг эса кузатувчиликдан нарига ўтишга кучи етмаётганини қандай баҳоласа бўлади?

Бир қатор пахта тозалаш заводларида пахта толасининг камомати аниқланган. Масалан, Зафаробод туманидаги (ҳоким С. Абдусатторов) пахта тозалаш заводи фаолияти текширилганда 2 минг тонна пахта толаси, 9 минг тонна чигитнинг камлиги аниқланган. Пахтакор (ҳоким Ў.Олимов), Дўстлик (ҳоким А. Ўжимуrowов) туманларидаги пахта заводларининг ҳар бирида бир ярим минг тоннадан пахта толаси кам келган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида мулк нодавлат шаклларида ўтказилди. Кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари тузилганлиги хусусида ҳисоботлар берилди. Лекин, нега маҳсулот етиштиришда кўзланган натижага эришилмаяпти? Чунки мулкчилик шакли ўзгаргани билан ишни ташкил қилиш Мирзачўл, Арнасой ва Зомин туманларида эскича усулда олиб борилмоқда. Мулк эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Хусусийлаштирилган фермаларда қорамол сони, сут етиштириш кескин камаймоқда.

Бу ўз навбатида соҳани ҳокимлардан бошлаб, агросаноат мутахассисларигача ўзибўларчилик ҳолатига ташлаб қўйганлигидан дарак беради.

Юртбошимиз вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш борасида ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Аввало бозор иқтисодиёти моҳиятини тўла англаб етиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмас.

Вилоят корхоналарида дебитор ва кредитор қарзлар ойдан-ойга кўпайиб бормоқда.

Шу йил текширилган 300 дан ортиқ ташкилотнинг 70 фоизида 9,2 миллион сўм зарар келтирилганлиги, ҳар учтасидан биттасида эса катта миқдорда ўқрилик ва камоматга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жорий йилнинг 9 оyi якунига кўра, вилоятда эмиссия улуши 71,2 фоиз миқдорида кайд этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан эса 18 фоизга ошган. Бу рақам Зомин, Арнасой, Мирзачўл, Фориш ва Бахмал туманларида 80-85 фоизни ташкил қилган. Бу муаммо заминида аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўпайтириш, улар ишини тубдан яхшилаш, кўплаб халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, пештахталарни харидоргир товарлар билан тўлдириш вазифалари ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мавжуд 562 та қишлоқнинг ярмидан кўпроғида косибчилик, тикувчилик устахоналари йўқ. Шундай экан, прокат хизмати, кимёвий тозалаш, кир ювиш, сураткашлик, телевизор ва музлатгичларни тузатиш сингари бироз тайёргарлик ва махсус малака талаб этадиган хизматлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Савдо ҳиссадорлик жамиятларига қарашли дўконларнинг пештахталари бўм-бўш. Айрим дўконларнинг ёзувлари, иш режими йўқ. Атрофи санитария талабларига жавоб бермайди. Аксарият ҳолларда улар эрталабдан кечгача очилмайди. Бундай ҳолат ғаллаорол (Т. Умрзоқов), Пахтакор (Ў. Олимов), Зомин (Ш. Абду-Қаниев), Бахмал (Х. Суюнов) ва бошқа туманларда кўплаб учрайди.

Қишлоқда ишчи ўринларини барпо этиш масалалари бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланмоғи лозим, деб кайд этди нотик. Шу ўринда вилоятнинг хусусиятидан келиб чиқиб айтмоқчиманки, аҳолининг 50 фоизга яқини тоқли Фориш, Бахмал, ғаллаорол ва Зомин туманларида яшайди.

Чўл туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, кичик саноатни олиб кириш ҳисобига кўшимча ишчи ўринларини яратиш чораларини кўриб, тоқли аҳолини ана шу жойларга фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирларини ишлаб чиқиш вилоят раҳбариятининг хаёлига ҳам келмаган.

Айни пайтда иш сўраб мурожаат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётгани ва вилоят аҳолиси бир йилда ўртача 23 минг кишига кўпаяётганлиги назарда тутилса, юқоридаги вазифанинг яна ҳам долзарблигини англаш қийин эмас.

Фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия ва маданий-маънавий ишларни жонлантириш маҳаллий ҳокимият идораларининг, ҳар бир раҳбарнинг кундалик ишига айланмоғи лозим.

Уй-жой, қишлоқ мактаблари, тиббиёт пунктлари, маиший хизмат объектлари, телефонлаштириш масалаларини ҳал этишга доир ҳукуматнинг қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини яна бир бор танқидий кўз билан кўриб чиқиш даркор. "2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури"ни бажариш вилоятда эътибордан четда қолган.

Вилоятда аҳоли соғлиғини сақлаш, тиббий хизматни яхшилаш борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. 346 та қишлоқ тиббиёт шохобчаларининг фақат 32 фоизи махсус биноларда жойлашган, 70 фоизда эса телефон алоқаси йўқ.

Аҳоли ўртасида юқумли вирусли гепатит, ўткир ичак касалликлари билан касалланиш даражаси пасаймаётир.

Ёш авлодни вояга етказиш, уларни муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда ҳам камчиликлар кўп.

Вилоятда кейинги йиллар ичида 61 та болалар боқчаси аввало раҳбарларнинг калтабинлиги ва масъулиятсизлиги оқибатида турли баҳоналар билан ёпиб кўйилган. Ваҳоланки, ҳозирги кунда боқча ёшидаги болаларнинг фақат 20 фоизигина тарбия муассасаларига жалб этилган, холос.

Халқ таълими ислохоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам яхши эмас. 485 та мактабнинг ярмидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган, 11 таси эса қулаб тушадиган ҳолатда. Шунга қарамай, мактаблар қурилиши суёт олиб борилмоқда.

Ўқиш ва ўқитишнинг энг илғор тажрибаларини жорий этишга кам эътибор берилмоқда. Вилоятда мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш 92 фоизга

бажарилган. Химия, биология, тарих, чет тили фанлари бўйича ўқитувчи кадрлар етишмайди. Мавжуд мактабларнинг 50 фоизидоғина компьютерли синфлар ташкил қилинган. Бироқ уларнинг 30 фоизи ишламайди.

Бахмал, Фориш, Пахтакор, Дўстлик, Жиззах, Зомин туманларида клублар ва стадионларнинг ташландиқ ҳолатга келиб қолиши, айниқса, ташвишли. Бу соҳага жавоб берадиган раҳбарлар ўз иш услубларини замон талаби даражасига кўтариш чораларини белгилаб олишлари зарур деди Президент.

Томирида миллий Ғурур, Ватан ишқи жўш урмаган одамдан жасорат кутиб бўлмайди. Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бурчагида, ҳар бир фуқаро қиёфасида озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни яшнатиб турсин. Бу борада ҳокимликлар билан бирга, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари "Соқ-лом авлод учун" ва "Камолот" ёшлар жамғармалари ҳамда кенг жамоатчиликнинг бошини қовуштириб ишлаши лозим. Шунини яхши билиб олишимиз керакки, жамоат ташкилотлари фаолияти энг таъсирчан ва ҳозиржавоб фаолиятдир. Чунки, улар бевосита одамлар кундалик ҳаёти ва ташвиши билан узвий боғланган. Жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари ишини кучайтириш, уларнинг жамиятда тутган мавқеини ошириш зарур.

Ислоҳот - энг аввало одамлар онгидаги ўзгаришдир. Токи бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, қалбига етказмас эканмиз - туб ўзгаришларга эриша олмаймиз.

Дунёқарашни ўзгартиришдек улкан, кенг қамровли масалаларни ҳал этишда матбуотнинг ўрни катта. Вилоят газеталари, радио ва телевидениеси имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти. Тўғри, "Жиззах ҳақиқати" ва "Жиззакская правда" газеталари ўзларини янги давр талабларига бирмунча мослаштиришга интиляптилар. Бироқ, ислоҳотларнинг муҳим бўғини бўлган қишлоқ аҳли турмуши, унинг маданиятига доир муаммоли, таҳлилий ва танқидий мақолалар кам берилмоқда.

Айниқса, буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланаётган, миллатимиз ва давлатимиз тарихида янги даврни очиб бераётган бу улкан воқеа нимагадир вилоят газеталари саҳифаларида етарлича ёритилмаяпти. Ватанпарварлик мавзуидаги чиқишлардан қониқиш ҳосил қилиш қийин.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида кадрлар масаласига алоҳида эътиборни қаратди.

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларнинг малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янги давр талабларини нечоғлик ўзлаштириб олганига, жонкуярлигига, ҳалол ва поклигига, қолаверса, ватанпарварлигига боғлиқ.

Шу сабабли янгича фикрлайдиган, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган ёшларни тарбиялаб, уларни ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак. Шу йўл билан биз ўз сафимизни тозалашга, бошқарув тизимининг мустаҳкамланишига эришамиз.

Вилоятда бу ишга ёндашилмаяпти. ҲАМон ишни эскича усул билан ташкил қилаётган, ислоҳотларни амалга оширишга доир қонун-қоидаларни яхши билмайдиган, замон талабларига етарли жавоб бера олмайдиган кадрлардан воз кеча олинмаяпти. Кадрлар сиёсатида аниқ тизим йўқ. Уларни тарбиялаш, жой-жойига қўйишда ошна-оқайнигарчилик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик иллатлари ҳамон давом этмоқда.

ҲАМмамиз бир юртнинг фарзандимиз, Ўзбекистон - ватанимиз учун жон куйдириб яшаб, меҳнат қилишимиз, муаммоларни биргаллашиб ҳал қилишимиз зарур. Маҳаллаларни, қишлоқларни, туманларни, қолаверса, вилоятларни бир-биридан ажратишга, "Менинг киндик қоним фалон маҳаллада ёки даҳада тўқилган!" деб юришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Энди ана шу касалликдан қутулиш керак!

Биз учун Ватан битта! Мамлакат битта! Бизни битта манфаат бирлаштиради: мустақил Ўзбекистон манфаатлари! Ана шу буюк мақсад, олий манфаат йўлида бирлашиб курашишимиз керак.

Вилоятда хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтаришга, уларга масъулиятли вазифаларни топширишга эътибор берилмаяпти.

Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, тажрибали, аввал халқни, Ватаннинг равнақини ўйлайдиган инсонлар бошчилик қилмас экан, вилоятда тартиб ҳам бўлмайди, иш ҳам юришмайди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш бевосита раҳбар маънавияти, унинг шахс сифатидаги камолоти, етук ва комил инсонлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун биз турли тоифа ва даражадаги раҳбар кадрлар танланаётганда уларнинг қобилияти, билим даражаси, тажриба ва кўникмаси билан бирга, маънавий қиёфасига ҳам жиддий эътибор бермоғимиз лозим.

Одамлар дардига кулоқ солмайдиган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, турмушимиз фаровон бўлишига тўқоноқ бўлаётган, халқ мулкани талон-торож қилаётган таъмагир мансабдорлар энди этагини йиғиштириб олсин.

Умуман олганда салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак, деди юртбошимиз.

Албатта, бу борада вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, вилоятда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Ўтган ярим йилда жиноятнинг оғир ва ўта оғир турлари кўпайган. Одам ўлдириш, босқинчилик, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш ҳолатлари камайган. Бундай жиноятлар кўпроқ Жиззах, Арнасой, Зомин ва Мирзачўл туманларида содир этилган. Жиззах шахри, ғаллаорол, Зафар-обод, Зомин ва бошқа туманларда маст ҳолда жиноят содир этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайган.

Вилоятда жазонинг муқаррарлиги тўлиқ таъминланмаётир. 1995 йилда 235 та ёки ҳар ўн жиноятнинг бири, жорий йилнинг ўтган даврида эса 135 та жиноят очилмаган. Уларнинг аксарият қисми оғир ва ўта оғир жиноятларни ташкил қилади.

Қонун устуворлигини таъминлашга масъул идораларнинг ходимлари томонидан ҳам жиноят содир этиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. 1995 йилда вилоят прокуратурасининг, ички ишлар бошқармасининг 9 нафар ходими мансаб ваколоти доирасидан чиқиш каби жиноятларни содир этганлар.

Вилоятда балоқатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятлар сони кўп. Улар вилоят, туманлар ҳокимлари, фуқаролар йиқинлари оқсоқоллари, маҳалла жамоатчилиги, маориф, прокуратура, ички ишлар ходимларини сергаклантириши керак эди. Бу жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш чораларини белгилаш бўйича амалий иш йўқ.

Президентимиз пировардида бундай деди:

Жиззах вилояти аҳли олдида турган ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали жуда кўп. Жиззах аҳли бақри кенг, қалби қайноқ, ғурурли ва адолатли халқдир. Унинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва қайратини яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишига ишонамиз.

Вилоятнинг истиқболи учун ҳамма аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, бу воҳа тараққиёти тезлашади.

Энди фақат имконият ва ҳаракатлар бирлиги, Гоялар ва мақсадлар бирлиги керак. Ана шунда Жиззах ҳам она юртимиз буюк келажаги йўлида, унинг бой-бадавлат, ривожланган мамлакатга айланишида ўзининг катта улушини қўшади. Иншооллоҳ, ана шундай эзгу-ниятларимизга етамиз.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ИШЛАШ - ДАВР ТАЛАБИ

1996 йил 28 октябрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мазкур вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, бир қанча вазирлик, республика идора ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Республика Президенти Ислом Каримов сессияда нутқ сўзлаб, Сирдарё вилоятидаги бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятни теран таҳлил қилди. Мавжуд имкониятларга қарамай, халқ хўжалигининг кўп соҳаларида қолоқликка йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва тинчлик шароитида ислохотлар, янгилашиш, тараққиёт дастурларимизни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар барчангизга маълум, деди Президент. Ютуғларимизни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Лекин бугунги ҳаётимизни ислох этишда, биз аввало, фойдаланилмаётган имкониятлар, ишга солинмаган омиллар, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, тараққиётимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳақида кўпроқ гапиришимиз, уларни бартараф этиб, керакли сабоғлар чиқаришимиз лозим.

Шу маънода Сирдарё вилояти мамлакат халқ хўжалигида катта ўрин тутади. Бу воҳа улкан ишлаб чиқариш имкониятларига, бой деҳқончилик ресурсларига, саноат ва қурилишнинг улкан тажрибасига эга.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг қарийб учдан бир қисмини етказиб берувчи Сирдарё ГРЭСи, Гулистон ёҚ-экстракт заводи, қурилиш ашёлари корхоналари, пахта тозалаш заводлари ва бошқа бир қанча саноат корхоналари борки, улар мамлакат иқтисодий ривожини таъминлашда вилоят муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Бу йил Мирзачўлни ўзлаштиришнинг 40 йиллиги нишонланди. Қирқ йил тарих учун ҳеч нарса эмас. Бироқ инсон куч-қудрати, ақл-идроки, яратувчилик салоҳияти тарихда абадий ном қолдириши мумкинлигини кўрсатиш учун етарли муддат. Буни мана шу табаррук заминда меҳнаткаш халқ, фидойи инсонлар амалга оширган ишлар мисолида кўриш мумкин.

Шу заминда меҳнат фаолиятини бошлаган, деҳқончилик тажрибаларини бойитган, куруқ ернинг ўзига хос деҳ-қончилик мактабини вужудга келтирган номдор кишилар воҳа шон-шавкатини кўтаришган, ўзбек деҳқонининг тадбиркорлигини, беқиёс куч-қудратини намойиш этишган. Лекин бугунги вазият сизлар билан юзма-юз туриб, бу ерда бўлаётган ишлар, ривожланишга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, ҳаётимизга халақит бераётган нуқсонлар ҳақида очиқ-ойдин фикрлашиб, зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда, деди Ислом Каримов.

Қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик соҳаси муаммолари ҳақида тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, бу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас! Тармоқда туб ислохотларнинг амалга оширилиши талабга жавоб бермайди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари сурункасига бажарилмаяпти. Энди бу масалага жиддийроқ қараш, уни ҳар томонлама таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш пайти келди.

Пахтачилик соҳасида вилоятда 1992 йилдан буён режалар бажарилмаяпти. Кейинги 3 йилда 213 минг тонна пахта кам етиштирилди. Ёки бошқача қилиб айтганда, охириги уч йилда салкам бир йиллик пахта етказиб берилмади. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Меҳнатга муносабатнинг ёмонлиги, иш тўғри ташкил этилмагани, бошқарув тизимининг қониқарсизлиги, ташаббус йўқлиги бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Юртбошимиз вилоятнинг ўрта ва қуйи раҳбар ходимлари кўпинча ўз шахсий ташвишлари ва шахсий манфаатларини ўйлашдан нари ўтмаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Табиийки, нега аҳвол шу даражага бориб етди? - деган савол туғилади. Бунга жавоб битта: сабаб вилоятнинг энг юқори мартабали раҳбарларининг ташкилотчилик савияси пастлигида, қўл остида ишлаётган раҳбарларни бош-қариш, уларнинг бошини қовуштиришда заифлик қилаётгани, бепарволик ва масъулиятсизлигида деб биламан, деди давлатимиз раҳбари.

Ишга ана шундай ёндашувнинг сабаби ўлароқ, Мирзаобод, Мехнатобод, Сирдарё, Ш. Рашидов туманлари республикада энг қоқоқ ўринларга тушиб қолди. Бу ерларда ҳоқимлик курсисида, хўжалик раҳбарлигида ўтирганлар нима билан шуғулланишяпти? Халқ ва давлат ишончи, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулият қани?

Ёки пахта йиғим-терими мавсуми яқунланаётган айни шу кунларда Мирзаобод туманидаги Дўстлик, Тошкент, Беруний, Улуғбек номли хўжаликлар, Мехнатобод туманидаги А. Тоиров номли, Ш. Рашидов туманидаги Бўстон, Темур Малик номли, Сайхунобод туманидаги "Янгиобод" хўжаликлари эндигина йиллик топшириқнинг атиги 15 - 20 фоизини бажарганини қандай тушуниш мумкин? Шароф Рашидов тумани ҳоқими И. Ибодуллаев ўтган йилги камчиликлардан тўғри хулоса чиқара олмади. У раҳбарлик қилаётган энг йирик туман кейинги йилларда барча соҳаларда қоқоқ бўлиб қолди. Туманда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баробар пасайиб кетди. Саноат, қурилиш ривожланмаяпти. Маънавият соҳасида деярли иш қилинмаяпти.

Вилоятнинг бошқа туман ва хўжаликларида ҳам аҳвол яхши эмас. Ўтган йили 29 та хўжалик ёки жами хўжаликларнинг учдан бири 248 миллион сўм зарар кўрди. Бу аҳволда ишчиларга нима ҳисобидан иш ҳақи тўланипти - буни тушуниш қийин.

Биз ер - бебаҳо бойлик, деймиз. Вилоят дехқонлари, соҳибқору боқбонлари, бу ҳаётини ҳақиқатни яхши билишади. ҲАММа гап маҳаллий раҳбарларнинг ишни қандай ташкил этишида қолган.

Эътибор беринг: кейинги 3 йил ичида шўрланган ерлар майдони 55 минг гектар кўпайди. Ўта кучли шўрланган майдонлар миқдори 2 марта ортди. Бу нима деган гап? Ўз илдизига болта уриш, ўз ризқини қийиш эмасми?!

Вилоятдаги иқтисодий заиф хўжаликларга ҳуқумат қарори билан йил бошида ички ариқ, зовур ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ҳамда уларни тузатиш учун давлат ҳисобидан 60 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Бугунги кунга келиб, ана шу маблағнинг эндигина ярми ўзлаштирилган, холос. Бундай аҳволни қандай тушуниш мумкин?

Қатъий интизом, юксак талабчанлик, ишда аниқ маромни таъминлаш, қайси тоифада бўлмасин, ҳар бир раҳбарнинг энг муҳим фазилати бўлмоғи керак! Акс холда раҳбар ўзига ишонч билдирган халқни қийин аҳволга солиб қўйиши, мамлакат ривожига тўқонок бўлиши ҳеч гап эмас, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг муваффақияти, мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш билан боғлиқ. Худди шу мақсадда давлат хўжаликлари жамоа, ширкат, дехқон (фермер) хўжаликлари уюшмаларига айлантирилди. Бироқ бу ўзгаришлар ҳам вилоятда қутилган самараларни бермаяпти.

Бунинг сабабларидан бири - хўжалик раҳбарларининг ўзи ислоҳотлар моҳиятини тўла тушуниб етмаганидир. Уларнинг ишни қандай ташкил қилиш, мулкчиликни ривожлантириш ва унинг асосида одамлар манфаатдорлигини ошириш тамойилларини англаб етмаётгани, аксарияти манфаатпарастлик гирдобига тушиб қолгани кишини ранжитади.

Кейинги йилларда техникани сақлаш, таъмирлаш ва ишлатиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Шу йил 1 октябргача вилоятдаги умумий трактор паркларининг тайёргарлиги 69 фоиз, шундан ҳайдов тракторлариники 47 фоиз, пахта териш машиналариники 66 фоиз бўлган, холос.

Боз устига, бу муҳим ишда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Биргина мисол: Сирдарё туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги ҳисоботида 7 та пахта териш машинаси

теримга тайёрлиги кўрсатилган. Текширишда биронта ҳам техника ишга шай эмаслиги аниқланди.

Техникага муносабатни шу кунларда пахтазорларда ишлаётган пахта териш машиналари сонидан ҳам билса бўлади. Мавжуд 2200 машинанинг 40 фоиздан кўпроғи ёки 800-900 таси ишлаяпти, холос. Уларнинг иш унуми жуда паст. Кейинги уч йилда хайдов ва чопиқ тракторлари 5 фоиз янгиланди, холос.

Дон етиштириш ҳажми асосан экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига кўпайди. Ўсилдорлик эса тобора камайиб бормоқда. Жорий йилда гектар ҳисобига етиштирилган Галла ҳосили 16 центнерга ҳам етмади. Ялпи ҳосил топшириқдаги 312 минг тонна ўрнига 165 минг тоннани ташкил этди.

Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқ олтин, Ш. Рашидов туманларида гектаридан 11-14 центнердан дон олинди. Бундай қоқоқликнинг сабабларидан бири вилоятда уруғчиликка аҳамият берилмаганлигидадир.

Ўтган йили Галла майдонларига экилган 40 фоиз уруғликкина фақат биринчи ва иккинчи нав талабларига жавоб берганлигини қандай баҳолаш мумкин? деган саволни кўндаланг қўйди Президент. Вилоят ҳокими ў. Ҳасановнинг шахсан топшириқи билан давлат буюртмасини бажарган хўжалик ва туманларга зуқум қилиниб, уларнинг уруғликка сақлаган сара донлари тортиб олинди.

Натижада илғор хўжаликлар бир килограмм уруғлик Галлани 7 сўмдан сотиб, 23-28 сўмдан паст навли донни қайтадан сотиб олдилар. Бу эса, биринчидан, Галла етиштирувчилар ўртасида норозиликнинг пайдо бўлишига, иккинчидан, кейинги йилги ҳосилнинг камайиб, навларининг бузилишига, учинчидан, Галла мустақиллигига эришиш каби давлат сиёсатининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Ўрим-йиғим пайтида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилди. Вилоятда бу мавсум 74 кун давом этди. Қани, айтингчи, ўрим-йиғим қанчалик чўзилса, шунчалик талон-тороғликка йўл қўйилмайдими?

Вилоятда кейинги йилларда картошка, сабзавот, полиз ва узум етиштириш ҳам кескин камайди. Ўсилдорлик паст бўлмоқда. Ўрта ҳисобда боқ ва узумзорларнинг ҳар гектаридан 15, сабзавотлардан 70, полиз маҳсулотларидан 65, картошкадан 50 центнер ҳосил олинмоқда.

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида жамоа ширкат, деҳқон хўжаликларидан 3,8 минг тонна сабзавот, 3,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 4,3 минг тонна мева ва узум етиштирилган. Шунча маҳсулотни бир хўжаликда етиштириш мумкин. Шунинг ўзиёқ вилоятда мева ва сабзавот етиштиришнинг қай аҳволда эканлигини кўрсатиб турибди.

Вилоят аҳолисига истеъмол учун бир йилга 30 минг тонна картошка керак бўлади. Ер етарли бўлса, бошқа барча имкониятлар мавжуд бўлса, наҳотки вилоят ўз эҳтиёжини ўзи қондиrolмаса?! Бу йил вилоят бўйича 150 гектар ердан 600 тонна картошка ҳосили йиғиштириб олинганини қандай изоҳлаш мумкин? 4 тонна картошкани уруғ сифатида ишлатиб, бир гектардан 4 тонна ҳосил олса, буни қандай баҳолаш мумкин?

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сут ва гўшт етиштириш 4 фоиз камайди. Қорамоллар, шунингдек, сигирлар, қўй ва эчкилар бош сони камайтириб юборилди.

Ачинарлиси шундаки, нуқсонлардан тегишли хулосалар чиқарилмаяпти, аксинча, бепарволик ва укувсизлик натижасида муаммолар тобора чуқурлашмоқда, деди Президент. Бугунги кунда бир бош шартли молга 4,4 озуқа бирлигида ем-хашак тайёрланди. Бу икки ярим ойга етади, холос.

Сессияда қишлоққа саноатни олиб кириш масаласини ҳал этиш ҳам кўнгилини хира қиладиган даражада эканлиги таъкидланди. Бу борада маҳаллий хом ашёлардан умуман фойдаланилмаяпти. Сўнгги йилларда сабзавот, мева ва узум маҳсулотларини қайта ишловчи кичик-кичик цехлар қуришга киришилган бўлса-да, улар қувватидан самарали фойдаланилаётгани йўқ.

1993 йили вилоятда 5 та қўшма корхона тузилган. Шу йилга келиб уларнинг сони 17 тага етган. Лекин фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони 5 талигича қолган.

Катта шов-шувлар остида Оқ олтин туманида Италия билан ҳамкорликда "Каррера", Гулистон туманида Россия билан ҳамкорликда "ўолиб" қўшма корхоналари ташкил этилган эди. Бироқ улар ишда изчилликнинг йўқлиги, ташкилотчилик ва ишбилармонликнинг етишмаслиги туфайли фаолият кўрсата олмади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш - иқтисодий тараққиёт негизи. Лекин бу ҳақиқатни вилоят раҳбарлари чуқур англамайди. Шу йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 147 тага, уларда ишловчилар сони эса 10 фоиз камайган. Мавжуд корхоналарнинг 6 фоизигина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаряпти.

Аҳолининг жойлашишига қараганда, мазкур корхоналарни асосан қишлоқларда очиш мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин уларнинг аксарияти шаҳарларда жойлашиб, олиб сотарликдан бошқа фаолият кўрсатолмаяпти. Қишлоқларнинг учдан бир қисмида кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилмаган.

Жорий йилнинг 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 10 фоиз ўсган. Лекин мавжуд корхоналарнинг 33 фоизиди ишлаб чиқариш камайган. Натижада 135 миллион сўмлик саноат маҳсулоти кам ишлаб чиқарилган. Гулистондаги ёҚ-экстракт заводи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 26 миллион, Сирдарё гуруч заводи 14 миллион сўмга пасайтирган. Ҳар иккала завод маҳсулотлари эса халқ истеъмоли учун жуда зарурдир.

Вилоятда қурилиш ҳажми деярли кўпаймаган. Ўзукуматнинг қишлоқ ижтимоий-иқтисодий инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган қарорининг бажарилиши таъминланмаган. Дастур асосида қишлоқларда умумтаълим мактаблари, уй-жой қуриш, ичимлик сув билан таъминлаш ва газлаштириш йиллик топшириқлари 15 фоизга бажарилган, холос.

Давлат корхоналари негизидида ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Йил чоракларида ва охирида ҳиссадорлар ўзларининг сотиб олган акция ва пайларига дивиденд, яъни даромад олишлари керак. Ўтган йили вилоятдаги 174 та ҳиссадорлик жамиятининг биронтаси ҳам ҳиссадорларга умуман дивиденд бермаганликларини қандай тушуниш мумкин?

Жорий йилнинг дастлабки 9 ойидаги натижалар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўйиссадорлик жамиятларининг учдан бирида дивиденд берилмаган. Бу ислохотларнинг обрўсига путур етказиш эмасми? деган саволни қўйди мамлакатимиз раҳбари.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарда ислохотларни амалга оширишда сусткашлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўсқинлик ҳоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Мавжуд 210 та ҳиссадорлик жамиятининг фақат 178 таси "вақт" миллий депозитарийсидан ўтган. Шундан фақат бугунги кунда 73 таси ўз акцияларини сотган. Жойларда шахсий уй қуриш учун ер майдонларини сотиш ишлари суст бормоқда. Вилоятда бу топшириқ бор-йўғи 21 фоиз бажарилган, холос. Айниқса, Гулистон, Бахт шаҳарлари, Гулистон, Сирдарё туманлари ҳокимлари бу муҳим масалага ўта совуққонлик билан қарамоқда.

Совуққонлик бўлса ҳам бир нави эди, лекин мен бу масалада асосий тўсиқ - жойларда ўтирган томорқа ва уй-жой қурилиши учун ер ажратишга мутасадди раҳбарлар ва ҳар хил "арбоблар"нинг қўли нопоклиги деб биламан, деди Президент. Нима, Сирдарёда ер етишмайдими? Бунга ким ишонади?

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун вилоят "Бизнес-фонди" маблағларини тақсимлашда жиддий хатоларга йўл қўймоқда. 59 миллион сўмлик имтиёзли кредитни фақат Гулистон шаҳри, Боёвут ва Мирзаобод туманлари олган. Нега бошқа туман ва шаҳарлар четда қолди? Буни мазкур ташкилот раҳбари қандай изоҳлайди? Ўзини нима билан оқлайди?

Вилоятда бюджетнинг даромад қисми бажарилган. Лекин солиқ бошқармаси ходимларининг ишни тўғри ташкил этмаганлиги туфайли қарздор ташкилотлар сони ортмоқда. Ўтган даврда текширилган 1952 объектнинг ярмида солиқ қоидалари кўпол равишда бузилган. Бу ўз навбатида солиқчиларимизнинг янги қонун-қоидаларни ўз вақтида тегишли хўжалик ташкилотларига етказмаётганлигини кўрсатади.

Шу йилнинг 9 ойида Молия вазирлигининг вилоят назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 290 марта тафтиш ва текшириш ўтказилиб, шундан 71 фоиз ҳолларда 9,2 миллион сўмлик зарар аниқланди.

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш республика ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида турибди. Лекин Сирдарёда шу йилнинг 9 ойи давомида ажратилган 56 миллион сўм маблағнинг 10 миллион сўми ўз эгаларига етказиб берилмади.

Айниқса, вилоят иқтисодийотидаги боқимандалик кайфияти иқтисодий ҳамда молиявий аҳволни оғирлаштирди, деб таъкидлади Президент. Даромаднинг кескин камайгани туфайли корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2-3 баравар кўпайган. 42 ташкилотнинг тўлов қобилияти йўқлиги аниқланиб, шундан 7 таси банкрот деб эълон қилинди.

Пул эмиссияси ўтган даврда қарийб 71 фоизни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан қарийб 4 марта юқоридир. Меҳнатобод, Сайхунобод, Ш. Рашидов, Мирзаобод туманларида муомалага чиқарилган ҳар 100 сўм пулнинг 85-91 сўми қайтиб банкка тушмаяпти. Натижада нафақа, пенсия ва иш ҳақи бериш муддатлари бузилмоқда. Шу кунгача тўлов муддати ўтган маблағ 800 миллион сўмни ташкил қилади.

Нақд пул тушумини кўпайтириш бўйича амалий ишлар қилинмаяпти. Бунинг сабаблари ўрганилганда, барча савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхона ва шохобчаларининг ярмидан кўпида ҳалигача назорат-касса аппаратлари йўқлиги аниқланди.

Кўпгина корхона ва ташкилотларда нақд пулларни банкка топширмай мақсадсиз ишлатиб юбориш ҳоллари кўплаб учрайди.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли талабини тўла қондиrolмаяпти. Қишлоқ жойларда бундай шохобчаларни кўпайтиришга эришилмаяпти. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган хизмат турларини кўпайтириш, мавжудларининг бир маромда ишлашини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бир қисмини ана шу соҳага жалб қилиш вилоят ва туман ҳокимликлари эътиборидан четда қолмоқда.

Ёш авлоднинг маънавий камолоти ва жисмоний соқлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам етарли даражада эмас. Соқлом, бақувват авлодни тарбиялаб, вояга етказиш ҳукумат диққат марказида турган бир вақтда, кўплаб болалар боқчаларининг ёпиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин? Мактабгача ёшдаги болаларни боқчаларга жалб қилиш қарийб 50 фоиз камайиб кетган.

Кўпчилик мактаблар таъмирга муҳтож. Уларнинг 35 фоизида ичимлик сув, 60 фоизида спорт заллари ва майдончалари, 50 фоизида ошхоналар йўқ. Энг ачинарлиси, кўпчилик мактаблар қошидаги тиббиёт пунктлари қисқариб кетган. 14 ёшгача бўлган болаларнинг 78 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилганда, уларнинг 50 фоизида турли касалликлар аниқланганига нима дейсиз?

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқларда жойлашган тиббиёт муассасаларига кам эътибор берапти. Мавжуд қишлоқ шифохоналари, врачлик амбулаториялари, фельдшерлик пунктларининг ярмидан кўпида тегишли шароит йўқ. Соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда маънавий-ахлоқий кадриятларни тиклаш, миллий истиқлол мафқурасини шакл-лантириш, ёшларни маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримизга ҳурмат ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Лекин вилоятда уларнинг бажарилиши маънавият моҳиятини тушуниб етмаган раҳбарлар томонидан тадбирбозликка айлантириб юборилганини қандай тушуниш мумкин? деган саволни ўртага қўйди Президент.

Фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчиликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари фаолиятдан (П. Жумаев, Ф. Раҳимов) норозиликлар кўпаймоқда. Одам ўлдириш, босқинчилик, товламачилик, безорилик каби жинойтлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўқирлик, талон-торож қилиш каби қонун бузилишлар кенг тарқалган. Республика ташқарисига товар-моддий бойликларимизни олиб чиқиб кетилишига чек қўйилмаган.

Юқоридаги таҳлил қилинган масалаларнинг ечими, энг аввало, кадрларнинг бошқарувчилик қобилиятига, янгича ўйлаш ва янгича ишлашнинг моҳиятини нечоғлик англ-лаб олишига боғлиқ. Бу борада ҳар доим, ҳамма жойда биринчи раҳбар ибрат ва намуна бўлмоғи керак.

Ана шу жиҳатдан қараганда, вилоят ҳокими ў. Ҳасанов йўл қўйилган барча камчиликлар учун жавобгардир.

Вилоятда кадрларни танлаш ва вазифаларга қўйиш ишига эскича ёндашилмоқда. Турли манфаатпарастлик, одамларни шахсий садоқатига қараб танлаш иллатлари кўзга ташланмоқда. Кадрлар кўнимсизлигига йўл қўйилмоқда. Сўнгги уч йилда вилоятда 14 та туман ва шаҳар ҳокимларидан 11 таси алмаштирилди. Шу давр ичида хўжалик раҳбарларининг 64 фоизи ўзгартирилган. Мирзаобод, Меҳнатобод, Оқ олтин (Ўролов, Раҳмонов, Қаюмов) туманларида қарийб 100 фоиз хўжалик раҳбарлари алмашган.

Хўш, мана шундай ўзгаришлар қандай натижа берди, деган савол туғилиши табиийдир. Аввало шунга алоҳида эътибор бериш керакки, алмаштирилган янги раҳбарлар орасида 40 ёшгача бўлганлари атиги 12 фоизни ташкил қилади, холос!

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек: "ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр" кишиларни раҳбарлик лавозимига - вазифасига тайинлаш учун ёшлар сафидан топиш қийинми?

Чўлнинг қийин шароитида ўсаётган ва тобланаётган, эл-юртига садоқати ва миллий Ғурури баланд ёшлар Сирдарё воҳасида камми? Бундай ёндашишнинг бошқа сабаби борлигини кўпчилик яхши билади. Одамлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Раҳбарлик лавозими - вазифасига ўтказиш, тайинлаш масаласида эскидан қолган сарқит - маҳаллийчилик, уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик иллатлари устунлик қилмоқда. Яна бир сабаб - кўпчилик вилоят, туман раҳбарлари ўзларидан кучлироқ, салоҳияти кўпроқ ёшлар ўсишидан қўрқиб, уларнинг йўлига тўсиқ қўймоқда. Бундай аҳволни таг-томири билан йўқ қилишимиз даркор, деб алоҳида таъкидлади мамлакатимиз раҳбари.

Шу йилнинг 9 оyi давомида Президент девонига вилоятнинг 640 минг аҳолисидан 515 та хат ва ариза келган. Шахсий қабулда 193 киши бўлган. Хат ва аризалар ва қабулда бўлганлар кадрлар сиёсати, маъмурий-ҳуқуқий, қонунчилик ишлари, иқтисодий хўжалик юриштишнинг янги усуллари, уй-жой шароитларини яхшилаш соҳаларидаги камчиликлар билан муурожаат қилишган.

Юқорида айтилган камчиликлардан биттагина хулоса бўлиши мумкин: энди имкониятларни чамалаб чиқиб, мавжуд омилларни ишга солиб, йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чораларини кўришимиз керак, деди Ислом Каримов пировардида. Зеро, йиллар синовидан ўтган халқ иродаси ҳамма нарсага қодир.

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ - БУРЧИМИЗ

Азиз дўстлар!

Мухтарам депутатлар!

Мустақиллик шароитида ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир қилаётган ишимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик салоҳиятини, бунёдкорлик истеъдодини, куч ва қудратини яққол кўрсатмоқда.

Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди. ҲУҚУҚИЙ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадлари учун жаҳон илғор андозаларига ва тажрибаларига, шу билан бирга қадимий миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ва уйқунлашган ҳолда дадил қадам қўймоқдамиз.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади - халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир.

Мана сизга оддий бир маиший мисол: Наманган вилоятида бутун собиқ шўролар замонида бор-йўғи 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Истиқлол даврининг беш йилида эса 90 минг хонадон газлаштирилди.

Бу содда рақамлар мустабидлик шароити билан мустақиллик шароити ўртасидаги фарқни жуда яққол кўрсатади. Бир ўйлаб қарайлик, беш йил муқаддам Нанай, Чодак қишлоқларига табиий газ боришини ким ҳам тасаввур қиларди?!

Бугунги кунда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 74 фоизни ташкил этади. Учқўрғон - Наманган сув узатиш иншооти яқин орада тўлиқ ишга туширилгач, насиб этса, вилоятдаги тўрт туман ва Наманган шаҳри тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.

Мухтарам дўстлар!

Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саховати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва исломий қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта ҳурмат қиламиз.

Ишлаб чиқариш соҳасида, халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, маънавият ва маданият ривожига ҳам Наманган аҳлининг қилган меҳнатлари ўзининг муносиб ҳосилини ва самарасини бермоқда. Буни мажлисда иштирок этаётган кўпчилик кузатиб бормоқда ва англамоқда. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, албатта,

Лекин қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараб, холисона баҳо берсак, бугунги кунда вилоятда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилиши ҳақида гапирсак, афсуски, кўп жойларда оксоқлик, оддий фуқароларни норозиликка олиб келадиган ҳолларни, вазиятни кўриш мумкин.

Диққатингизни бир муҳим ижтимоий масалага жалб этмоқчиман. Вилоят аҳолиси кейинги беш йил ичида 263 минг нафар кўпайди ва 1 миллион 820 мингдан ошди. Умумий аҳолининг 62 фоизи қишлоқда жойлашган.

Худо берган болани боқиш, тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало, шу заминда яшаётган ота-онанинг, қолаверса, шу эл тақдири қўлига ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди. Улқайган фарзандларимизга иш топиб бериш, янги замон талаблари даражасида касб-хунарга ўргатиш учун ҳар бир қишлоқда, аҳоли зич яшайдиган ҳар бир жойда бугунги бозор иқтисоди талаб этадиган равишда ишлаб чиқариш ва турли хизматларни ташкил этмасдан яна қандай чорамиз, қандай иложимиз бор?

Хўш, шу муаммони ечиш йўлида Наманган вилоятида қандай ишлар қилиняпти? Келинглр, шу нуқтаи назардан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиб кўрайлик.

Маълумки, иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш, янги иш жойларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг ҳамма турларини мухайё этишдир.

Шуни айтиш керакки, вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Аммо қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий корхоналар барпо этиш талаб даражасида эмас.

Мавжуд 6 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналарнинг аксарияти қишлоқ жойларида ташкил этилган бўлсада, уларнинг самарадорлиги паст. Уларнинг ҳар бирида ўртача тўрт киши иш билан таъминланган. Корхоналарнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотик билан, олибсатарлик билан шуғулланмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пулли хазмат турлари яхши ташкил этилмаган.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини ривожлантириш бўйича Наманган яқин йилларга қадар намунали вилоятлардан ҳисобланарди. Лекин ички имкониятлардан ва савдони майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳамда савдони ташкил этиш ва бошқаришдаги салбий ҳолатлар натижасида тармоқ оғир аҳволга тушди.

Чакана савдо оборотидаги нақд пул тушуми вилоят бўйича бор-йўғи 12,7 фоизни ташкил этгани ҳолда Минг-булоқ, Поп, Тўрақўрқон, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида ҳатто вилоят кўрсаткичидан ҳам анча паст даражададир.

Яқинда Норинкапа қишлоқда бўлган эдим. Бу ерда 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан салкам 2 минг нафари умуман иш билан таъминланмаган. Шунча аҳолиси бўлишига қарамай, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги битта тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси бор.

Айтинг-чи, ишсиз юрган одамларни иш билан таъминлаш, уларга меҳнат қилиш шароитларини яратиш учун ким бош қотириши керак? Қишлоқнинг савдо шохобчалари ниҳоятда ночор аҳволда. Кўринишидан ташландиқ жойни эслатадиган дўконлар таъмирланмаган, пештахталар эса бўм-бўш. Кундалик истеъмол молларининг етишмаслиги тўғрисида халқ жиддий эътироз билдирмоқда. Бундай аҳвол на туман ҳокимини, на савдо ташкилотлари раҳбарларини ташвишлантиради. Тўғрироғи, улар савдо, таъминот масалалари билан мутлақо шуғулланмаган.

Ҳаққулбод ва Чортоқ шаҳарлари ҳамда Норин, Янгиқўрқон, Чортоқ ва Уйчи туманларида жон бошига чакана савдо обороти ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми вилоят кўрсаткичидан 1,5-2 барабар камдир.

Бунинг асосий сабаби савдо шохобчаларида харидоргир моллар камлигида, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, ки-йим тикиш, транспорт, ҳаммом ва бошқа турдаги хизматлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигида, деб билиш даркор.

Вилоятдаги 555 қишлоқнинг учдан бирида ҳаммом, суратхона, таъмирлаш, косибчилик ва тикувчилик каби маиший хизмат турлари йўқ.

Қишлоқда иш ўринларини барпо этиш масаласи биринчи навбатда вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси бўлса-да, Косонсой ва Поп туманларида бу масалага жиддий эътибор берилмаётир. Ж. Сиддиқов саккиз йилдан буён биринчи раҳбар бўлиб ишлаётган Наманган туманида ҳам маънавий, маданий ва ижтимоий соҳаларда жиддий оқсоқлик мавжуд.

Халқ таълими соҳаси ҳам жиддий эътиборни талаб этади. Вилоятда кейинги беш йилда ўқувчилар сони 39 минг нафар кўпайди. Бу эса ўз навбатида янги мактаб биноларини, қўшимча синф хоналарини қуришни тақозо этади.

Мавжуд мактабларнинг ярмида спорт заллари, тиббиёт пунктлари ва канализация шохобчалари, уларнинг бир қисмида ҳатто ошхона, спорт майдончаси ва водопровод йўқ. 22 мактаб эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган.

Айни пайтда 69 мактаб, 25 болалар боқчаси қурилиши маблағ етишмаслиги сабабли тўхтатиб қўйилган.

Тиббиёт муассасаларининг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Ўпка шамоллаши, вирусли гепатит, тиф каби оғир касалликлар, шунингдек оналар ва болалар ўлими тобора кўпайиб бормоқда.

Бу турдаги касалликлар айниқса Норин ва Наманган туманларида 1,5-2 баравар ошганлиги, оналар ва болалар ўлимининг кўплиги бу ердаги раҳбарларни ташвишга солмаяпти.

Умуман, вилоятда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурининг бажарилиши қониқарли эмас.

Соқлом авлодни тарбиялашда эса спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни бекиёс. Шу боис ҳам биз бу борада ўзимизнинг стратегиямизни аниқ белгилаб олдик. Мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтардик. Вилоятда ҳам янги спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар қурилиши, эскиларини таъмирлаш, спорт байрамларининг ўтказилиши ва "Навбахор" футбол жамоасининг муваффақиятли ўйинлари аҳолининг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен "Навбахор" футбол жамоасининг улкан Қалабаси - мамлакатимиз чемпиони унвонини қўлга киритгани муносабати билан барча наманганлик футбол мухлисларини самимий табриклайман.

Лекин, ҳурматли депутатлар, спорт соҳасидаги хато ва камчиликлар ютуғларга қараганда анча кўп. Жамоа хўжаликлари тасарруфидаги ўйингоҳлар ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

Спорт мактабларида юқори тоифадаги спортчиларни тайёрлаш талаб даражасида эмас. Ўтган йил давомида вилоятда бор-йўғи уч нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Йирик спорт анжуманларида, жумладан, 1995 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчи ўйинларида атиги бир спортчи қатнашган. Атлантадаги XXVI олимпия ўйинларида эса биронта ҳам спортчи қатнашмаган. Республикада ўтказилаётган мусобақа турларининг 50 фоизи наманганлик спортчиларнинг иштирокисиз ўтмоқда.

Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда.

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларини теран англаши борасида вилоят матбуоти етарли даражада иш олиб бормаяпти. "Наманган ҳақиқати" ва "Наманганская правда" газеталари саҳифаларида ислохотлар моҳияти чуқур таҳлил этилган мақолалар ҳам, танқидий чиқишлар ҳам жуда кам.

Вилоят телерадиокомпаниясининг кўп кўрсатувлари юзаки тайёрланмоқда. Улар зерикарли. Мамлакатимиз ва вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳақида етарли ахборот берилмаяпти.

Муҳтарам дўстлар!

Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динига кенг йўл очиб берилди. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонляяпмиз.

Мустақиллик давригача Ўзбекистондан ҳар йили атиги 5-6 нафар киши Макка ва Мадинани зиёрат қилар эди. Ҳозир-чи? Фақат Наманган вилоятининг ўзидан ҳар йили 700

нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этмоқда. Давлатимиз бундан кейин ҳам ана шундай муқаддас сафарга бориш истагини билдирган фуқаролардан ўз ёрдамини аямайди.

Динимизга монелик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақламаслик - бизнинг сиёсатимизга бутунлай зид нарсадир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш - бу ҳам бугунги сиёсатимизнинг узвий қисмидир, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолатидир.

Ота-боболаримиз ва бизнинг муқаддас эътиқодимиз бўлмиш ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, одамларимизни руҳан пок, иймонини бутун, иродасини бақувват этишдаги, одамийлик фазилатларини уйқунлаштиришдаги ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Худо бизга қўйган талаб битта - иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий деҳқонми - мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

Ва шу билан бирга, бева-бечораларга, етим-есирларга, ночор-ногиронларга мурувватли бўлсин, Аллоҳнинг ўзи буюрган фитр ва закот фарзларини бажарсин.

Халқимизда доно бир нақл бор: "Ота рози - Худо рози, она рози - пайқамбар рози". Бизни дунёга келтирган азиз инсонларни қанчалик улуғласак, бу ҳам яратганимизнинг назарига тушади ва шубҳасиз, фарзандларимизнинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан ўзидан яхши ном ва яхши из қолдириб, Аллоҳ ва эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини бажариши шартдир.

Намангандек табаррук заминда ана шу ақидаларни гапириш ўринли ва ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Агар шу нуқтаи назардан қарасак, бу муқаддас заминда яшаётган, истиқомат қилаётган одамларга қўядиган талабларимиз ҳам жуда юксак бўлади. Айрим номақбул ишлар, чегарадан чиқишларни Наманган аҳли шаънига зид деб билиш керак.

Масжид - муқаддас маскан. Элга маънавий тушунчаларни тарғиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинч-лик-осойишталикни сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой.

Бироқ, назаримизда, вилоятда масжид қуриш масаласида шўролар даврига хос эскича "кампаниябозлик" авж олиб кетганга ўхшайди. Кўп асрлик ислом тарихида юксак маънавият даражаси масжидлар сони билан эмас, балки қавмнинг иймони ва эътиқоди бутлиги, мустаҳкамлиги билан ўлчанган.

Наманган шаҳридаги 8 минг аҳоли истиқомат қиладиган "Иттифоқ" маҳалласида - 9 та, 7 минг аҳолиси бўлган "Зарафшон" маҳалласида - 7 та масжид бўлгани ҳолда ана шу маҳаллалар худудида биттадан мактаб бор, холос.

Ҳашаматли масжидлар қурилишига кетган маблағларнинг бир қисмини мактаблар, маданий-маиший бинолар қурилишига сарфланса бўлмасмиди?

Бир маҳаллада 8-10 та, айрим кўчаларда бир нечталаб масжид қурилиши шартми? Яна такрорлаб айтаман: ҳақиқий мусулмончилик фақат масжидлар сони билан ўлчанмайди. Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мазорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва норасидаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига қиради. Буни асло унутмаслигимиз керак!

Масжид мавқеи имом ва қавмнинг илму заковати даражасига қараб баҳоланади. Хўш, Наманган вилояти масжидларида аҳвол қандай?

Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни айтишга мажбурмиз: бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган масжид имомларининг 7 фоизигина махсус диний маълумотга эга, холос. Афсуски, ана шунинг натижасида баъзан диний ақидалар ногўғри талқин қилинишига йўл қўйилапти.

Бундай номақбул ҳолатларга чек қўйилади, деб ишонамиз.

Ҳурматли халқ депутатлари!

Энди иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги борасидаги ишлар тўғрисида гаплашиб олайлик.

Вилоят деҳқонлари кейинги 2-3 йилда дончилик, пахтачилик ва чорвачилик соҳасида жиддий оқсамоқдалар. Бунинг асосий сабаби шуки, вилоятда қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш тизими ислохотлар, бозор муносабатлари талаби асосида ташкил қилинмаяпти. Ҳар қадамда расмийчилик, бепарволик ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Йил бошида ҳар бир тумандан биттадан хўжаликни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ҳақида баландпарвоз, умумий ваъдалар берилди, бироқ етарли даражада амалий иш қилинмади.

Агар деҳқоннинг қўлида хўжалик ихтиёрида бўлган бойлик - фондлар, меҳнат қуроллари, ернинг соҳиби сифатида ўз ҳиссасини белгиловчи ҳужжати бўлмаса, ўзининг улуши қанчалигини ва қанчалик яхши ишласа ўз пайига мувофиқ кўпроқ даромад олишини билмаса, унда мулкка муносабат ўзгармайди.

Вилоятда уруғчиликка, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли эътибор йўқ. Замонавий техника, технология ўзлаштирилмаяпти, ўғит ва сувдан самарали фойдаланилмаяпти.

Бу йил пахтанинг пишиб етилиши 20 кун орқада қолди. Унинг асосий сабаблари баҳорда чигитнинг кеч экилганида, минерал ўғитларнинг ўз вақтида ва талаб этилган миқдорда берилмаганида, коллектор ариқлар тозаланмаганлиги оқибатида ер ости сувларининг кўтарилиб кетганида, Ғўзанинг агротехник тадбирлари тўлиқ ўтказилмаганида. Умуман ишга лоқайдлик, масъулиятсизлик билан қарашда. Жонқуярлик, янгиликка интилиш, изланиш ва тадбиркорлик йўқлигида, деб биламан.

Мамлакатимизда дон мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга вилоят Ғаллакорлари ҳам ўз улушларини қўшиб келмоқдалар. Аммо, жорий йилда Ғалла етиштириш режасининг 79 фоиз бажарилгани ва Ғалла ҳосилдорлигининг режага нисбатан 9 центнер камайгани вилоятда уруғчиликка, Ғалла етиштириш технологиясига етарлича эътибор берилмаётганини кўрсатади.

Ачинарли бир мисол: Чуст туманида 1700 гектардаги Ғалла эрта баҳорда қайта экилди. Натижада туманда суқориладиган ердан Ғалла ҳосилдорлиги атиги 17 центнерни ташкил этди.

Вилоятда кейинги йил ҳосили учун бошоқли дон уруғи жамғариш топшириқи атиги 54 фоиз бажарилди. Ғалладан бўшаган майдонларда эса такрорий экинлар экиш топшириқи барбод бўлди. Натижада чорва озукасини жамғаришда талайгина муаммоларга дуч келинмоқда.

Чорвачилик соҳасидаги ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Вилоят бўйича барча турдаги хўжаликларда гўшт сотиш топшириқи 82, сут - 58, тухум - 63 фоиз бажарилган, холос.

450 га хўжаликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сигирлар ва қўй-эчкилар сони ўртача 15 фоиздан ортиқ камайганлиги натижасида гўшт ва сут етиштириш ўртача 30 фоиз камайиб кетган. Наманган, Норин ва Чуст туманларида эса чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5-2 баравар камайган.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган муносабат ва ундан фойдаланиш талаб даражасида эмас. Мавжуд техникаларнинг 40 фоизидан ортиғи ишга яроғсиз ҳолатга келган. Уларнинг аксарияти эскирган. Эҳтиёт қисм-лар етишмайди. Кейинги уч йилда атиги 6 фоиз янги техника сотиб олинган, холос.

Табиий савол туғилади, агар ернинг унумдорлиги, экиннинг ҳосилдорлиги, чорванинг маҳсулдорлиги оширилмаса йилига 2,7 фоиз кўпаяётган аҳолининг таъминоти нима бўлади?

Йирик 148 та саноат корхонасидан 17 таси ишлаб чиқариш ҳажмини 405 миллион сўмга камайтириб юборди. Тўрақўрқон тумани "Ширинлик комбинати", "Шоҳи сўзана" бадий буюмлар фабрикаси, Учқўрғон йигирув-тўқув акционерлик жамияти фаолияти мутлақо қониқарсиздир.

Вилоят саноатининг етакчи соҳаси ҳисобланган енгил саноат корхоналарида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга камаймоқда. Ишчилар сони кескин қисқармоқда. Айниқса Ҳаққулобод йигирув-тўқув акционерлик жамияти, Наманган шойи ишлаб чиқариш, "Атлас", Чуст "Чевар" акционерлик жамиятлари бир неча йилдан буён ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб келаётганликлари ҳеч кимни ташвишлантirmаяпти.

Раҳбарият эса корхона бошлиқларини алмаштириш билан овора. Жумладан, Наманган шойи ишлаб чиқариш корхонасида сўнгги 2 йилда учта раҳбар алмашгани ва кейинги раҳбар ҳам ишни янги хизмат машинаси сотиб олишдан бошлагани ва самарали фаолият кўрсатмаётгани кадрлар танлашдаги шошма-шошарлик эмасми?

Бир вақтлар бу корхоналарда 20 мингдан ортиқ киши ишларди. Ҳозир улар сони тенг ярмига қисқариб кетган. Чунки ишлаб чиқариш кескин камайди. Қишлоқ жойларида очилган филиаллари тўхтаб қолди. Маҳсулот бозори касод бўлмоқда.

Корхоналар омборлари ва савдода туриб қолган товарлар кўринишидаги ўлик капитал миқдори 1,3 миллиард сўмга етди. Бунинг учун ким жавоб беради? Нега халқ мулкига бефарқ қараймиз?

Наманган кимё заводи ишлаб чиқариш ҳажмини 58 фоиз пасайтириб юборган. Сентябрь ойида эса завод умуман ишламаган. Корхона раҳбарлари ҳамон боқимандалик кайфияти билан яшаб, фондлар, ҳар хил лимитлар, имтиёзли кредитлар ундиришга умид боғлаб юрибди.

Наманган вилоятида 56 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Лекин улардан фақат 35 таси фаолият кўрсатаяпти. Шунинг учун ҳам учдан бир қисмигина ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани ташвишли ҳолдир.

Жорий йилда вилоятда республика ҳукуматининг қафолатланган банк кредити ҳисобига 81 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл инвестицияси ўзлаштирилиши керак. Аммо бу маблағларни тезроқ ўзлаштиришга, улардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор берилмаяпти.

Моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини - қурилиш мажмуида қурилишда бажарилган пудрат ишлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Норин, Наманган, Чуст туманларида, Косонсой ва Учқўрғон шаҳарларида 70-80 фоизга тушиб қолган.

Вилоятда капитал маблағларни кўпроқ корхона, ташкилот ва хўжаликлар ҳисобидан ўзлаштиришга эътибор берилмаяпти. Баҳона битта - пул йўқ. Маблағ йўқ. Қачонгача бюджет маблағларига кўз тикиб ўтираемиз?

Аҳолиси зич жойлашган Учқўрғон шаҳри, Норин, Тўра-қўрқон ва Чортоқ туманларида яқка тартибдаги қурилишлар бўйича топшириқлар бажарилмай келаётир. Бунинг асосий сабабларидан бири - аҳолига қурилиш материаллари сотиш қониқарсиз ташкил этилганлигида. Натижада аҳоли лой-пахсадан, гуваладан уй-жой қурмоқда. Қурилаётган бинолар эса кўримсиз, ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларга мос келмайди.

Бир вақтлар вилоятда йилига 150 миллион дона пишиқ Қишт чиқарадиган заводлар бор эди. Қани ўша заводлар? Қани мамлакатимизга доврўқи кетган Наманганнинг ўзига хос меъморчилик анъаналари?

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Наманган шаҳридан бир машина Қиштни Норинга олиб келиш учун 2 минг сўм йўл ҳақи тўланса, Норинда Қишт заводи бўлмаса, аҳоли қандай қилиб пишиқ Қиштдан уй қурсин?

Маълумки, давлат мулкни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида Наманган вилоятида мўлжалланган асосий кўрсаткичлар бажарилаётган бўлса-

да, мавжуд 323 та акционерлик жамиятларида акциялар чиқариш ва сотишга етарли эътибор берилмаяпти.

Жорий йилда акция сотиш режаси Тўрақўрқон тумани, Чортоқ, Косонсой, Чуст ва Ҳаққулобод шаҳарларида ўртача 40 фоиз бажарилган, холос.

Миллионлаб сўм давлат маблағининг ҳаракатсиз "ўлик" сармоя бўлиб қолишига сабаб бўлаётган 200 та қурилиши тугалланмаган бинолардан атиги 9 таси "ким ошди" савдосида сотилганини қандай баҳоламоқ керак?

Наманган вилоятида эмиссия салмоғини пасайтириш, ўзаро ҳисоб-китобларни мустаҳкамлаш, тўлов интизомига қатъий риоя этиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни ташкил этиш талаб даражасида эмас.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлар режаси 103,5 фоиз бажарилган бўлсада, солиқнинг уч тури бўйича 61 миллион сўм кам маблағ тушди. Шу йил мобайнида бюджетга солиқдан тушмаган тўловлар 1,6 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Вилоят бюджетининг харажат қисми 105,6 фоизни ташкил этиб, 228 миллион сўм маблағ ортиқча сарфланди. Лекин болали оилаларга нафақага ажратилган маблағ атиги 32 фоиз ўзлаштирилганлиги ёки Наманган туманида умуман нафақа берилмаганлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга зид эмасми?

Вилоятда шу йилнинг 9 ойида эмиссия ҳажми 2,6 марта ўсди. Айниқса Норин, Поп, Чортоқ, Учқўрғон, Мингбулоқ, Чуст, Янгиқўрқон туманларида аҳвол яна ҳам аянчли.

Хўжалик субъектлари томонидан касса интизомининг бузилиши, яъни тушумни банкка топширмай, кўзда тутилмаган мақсадларга сарфлаш ҳоллари кўпаймоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг барқарор эмаслиги ҳамда пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар натижасида иш ҳақи ва тўловлар ўз вақтида берилмаётир.

Азиз биродарлар!

Шу йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда умумий жиноят сони 8 фоиз камайган. Ўта оғир жиноятлар 24 фоиз, оғир жиноятлар сони 6 фоиз, оғир шикаст етказиш ҳолатлари 15 фоиз озайган. Ўтган йилнинг 9 ойида милиция жиноий-қидирув жараёнида жиноятларни очиш даражаси 88 фоизни ташкил этган бўлса, бу йилнинг шу даврида 91 фоизга кўтарилган.

Албатта, бу рақамлар ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатидан дарак беради. Аммо уларга жиддий эътирозларимиз ҳам бор.

Намангандек хулқ-атвори юксак элда номусга тажовуз этиш ҳолларининг 39 фоиз, товламачилик 31 фоиз, фирибгарлик 15 фоиз ошганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу турдаги жиноятлар айниқса Наманган шаҳри, Косонсой, Наманган, Поп ва Уйчи туманларида кескин ошди. 309 та иқтисодий жиноят аниқланиб, 218 киши, жумладан, 41 киши порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Республика прокуратураси текширишлари натижасида биргина Норин туманида бир неча ашаддий қонунбузарликлар аниқланди ва 14 та жиноий иш кўзқатилди.

Вилоят ва туман судларининг фаолиятига ҳам эътирозлар кўп. Масалан, илгари 7 марта судланган фуқаро Г. Пак ноқонуний равишда тўппонча, милтиқ ва ўқ-дорилар олиб юргани ҳамда наркотик моддаларни сақлагани учун Мингбулоқ тумани суди томонидан атиги 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Аксинча, Наманган шаҳар суди бир жуфт калиш ўқирлагани учун фуқаро К. Раҳматовга қамоқ жазоси берган. Давлат-обод туман суди эса иккита аёллар кўйлагина ўқирлагани учун Г. Йўлдошевани 5 йилга озодликдан маҳрум қилган.

Демак, қисқа вақт ичида вилоятда 4 нафар судья, шундан иккитаси порахўрлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳам тасодиф эмас экан! Қани судларнинг одиллиги?

Кейинги уч йил ичида 66 нафар милиция ходими жиноий жавобгарликка тортилди. 120 ходим эса ишдан бўшатилади. Норин тумани ички ишлар бўлими давлат автомобиль

назорати бўлинмаси бошлиғи А. Эшонбобоев, Поп тумани судьяси З. Ҳайдаровалар пора олганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Муҳтарам дўстлар!

Жамиятимизнинг маънавий-маърифий жиҳатдан покланиши, ислоҳотларнинг тақдири, халқимизнинг фаровонлиги биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг малакасига, фидойилигига, юртпарварлиги ва иймону эътиқодига боғлиқ.

Албатта, ҳар бир сайланаётган ва тайинланаётган раҳбарга халқ жуда катта умид ва ишонч билан қарайди.

Раҳбар сайланаётган пайтда албатта энг биринчи навбатда, унинг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, мутахассислиги, малака ва савияси эътиборга олинади. Ижтимоий ҳолат варақасига бир қарасак, сайланаётган ёки тайинланаётган раҳбарларимизнинг аксарияти бу талабларга тўлиқ жавоб беради. Аммо бу масалада биз иккинчи томонга ҳам жиддий эътибор беришимиз керак.

Бу муҳим савол шундан иборатки, раҳбар лавозимига, курсисига ўтираётган одамнинг иродаси бақувватми, имони бутми, керак бўлса, ўз манфаатини бутунлай унутиб, бошқаларнинг манфаати, юрт фаровонлиги учун ҳаловатидан воз кечиб, бутун кучини, бутун борлигини бахш этишга, фидо этишга тайёрами ёки тайёр эмасми?

Айтинглар, азиз дўстлар, бу улуг мезонни қайси тарозуда ўлчаш мумкин?

Тажриба кўпинча шуни кўрсатадики, янги тайинланган раҳбар аввал бир йил иш ўрганади, одамларни ўрганади. Яна бир йил баҳоли-қудрат ишлайди, ҳаракат қилади. Афсуски, ана шундан кейин, ўзини озгина ушлаб олганидан кейин, бели бақувватгина бўлиб қолганидан кейин, бола-чақани жойлаштириб, яна етти пуштига етадиган мол-бойлик тайёрлаб қўйганидан кейин, қарабсанки, раҳбарнинг ўзиям чакнамайди, кўзиям чакнамайди, ҳаракатлари суст, ишга ҳафсалалари йўқ, қискача, содда қилиб айтганда, "оқсоқоллик гашти"ни суриб, шунчаки "хорманг! - бор бўлинг!" деб юрадиган бўлиб қолади.

Яъни, энди бу одамнинг гўёки иши битган, эшаги лойдан ўтган. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак, деган шиоримиз, даъватимиз, бундай одамнинг қулоқига жуда узоқдан эшитиладиган ноаниқ бир садога айланади.

Очиқ айтишимиз керак: ҳам вилоят, ҳам туман, ҳам хўжалик раҳбарлари орасида мана шу касалликка мубтало бўлганларни учратиш мумкин.

Бу дардга қандай даво бор? Унга қарши қандай дори-дармон топиш мумкин?

Албатта, авваламбор, бу борада давлатимиз қонунчилиги, ҳисобот тартиби, жавобгарлик масъулияти ўз таъсирини кўрсатиши керак.

Лекин бу касалликнинг энг катта ва энг таъсирчан шифоси борки, бу - жамоатчиликнинг доимий назоратидир.

Ҳали иситмаси чиқмасдан туриб, раҳбарнинг биз айтган дардга чалинганини ким биринчи бўлиб сезиши мумкин?

Албатта, унинг атрофида яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа, жамоатчилик. Лекин мен биламанки, буни ошкор қилиш, керакли шошилиш чора-тадбирларни кўриш, аччик бўлса-да, раҳбарнинг юзига ҳақиқатни очиқ гапириш, афсуски, негадир бу тартиб бизнинг одатимизга кирмаган.

Бундай тартиб, яъни касалликнинг олдини оладиган таъсирчан тартиб, минг афсуски, ҳаётимизда жуда кам учрайди. Агар бу касаллик қандай хунук оқибатларга олиб келишини англаган ҳолда тўғри гапиришга журъат этувчи одамлар пайдо бўлса, билиб қўйингки, бундай бечораларнинг боши калтақдан чиқмайди. Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари рост гапни айтган одамнинг ҳолини вой қилади.

Натижада тўғри ва ҳалол гапирадиган одамнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлади, у ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш йўлига ўтади.

Биз андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик деган эзгу тушунчаларни ўзига ниқоб этган ана шу қусурдан бутунлай холи, бутунлай ҳалос бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон, энг аввало, журъатли ва жасур бўлиши лозим. Дард яширилса, оқибати ёмон

бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиз, тузатишимиз, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур.

Очиқ айтиш керакки, вилоятда кадрларни шошма-шошарлик билан, тадбиркорлик, ташаббускорлик, касбий ва ахлоқий сифатларини чуқур ўрганмаган ҳолда юқори лавозимларга қўйиш ҳоллари мавжуд.

Шу боис ўтган бир йилу тўққиз ой мобайнида вилоят ҳокими ўринбосарлари ва туман шаҳар ҳокимларидан саккиз нафари ўз вазифасидан озод этилдилар. Жумладан, Чортоқ шаҳри, Чуст тумани собиқ ҳокимлари А. Ўжиев ва Р. Муртазоев ўз хизмат вазифаларига ўта бепарволик ва масъулиятсизлик билан қараганлар. Улар суиистеъмолликлар ва қонунбузарликлар учун ҳибсга олинган.

Вилоят халқ депутатларидан беш киши, шу жумладан, Мингбулоқ тумани, Ҳаққулобод шаҳар собиқ ҳокимлари И. Собиров ва Х. Мелибоев жиддий камчиликлари учун ўз вазифаларидан бўшатиладилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б. АбдуҚаниев, Ю. Собиржонов ва А. Султонов ҳам худди шундай нуқсонлари учун ўз лавозимларидан озод қилиндилар.

Кадрларни лавозим билан "сийлаш" оқибатида Мингбулоқ, Норин, Чортоқ, Уйчи ва Давлатобод туманлари ҳамда Ҳаққулобод шаҳрида ҳар йили 25-30 фоиз раҳбар кадрлар алмашган.

Мухтарам дўстлар!

Биз муқаддас заминда яшаймиз. Бу азиз тупроқда не-не улуғ аجدодларимизнинг, пиру авлиёларнинг хоки бор. Уларнинг руҳи бошимизда чарх уриб кезмоқда. Бугун биз ана шуларнинг армонларини амалга оширишга, келгуси авлодга ўзимиздан ибратли ишларни мерос қолдиришга қарор қилганмиз. Энди бу йўлда ҳаммамиз, бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий хонадонимиз - Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим.

Наманган халқи бу орзу-умидларнинг қадриятини яхши тушунади. Уни эъзозлайди. Бунга ишончим комил. Чунки бу халқ азалдан ўзининг юксак ахлоқ-одоби, бой маънавияти, беқиёс иймон-эътиқоди билан ўрناк бўлиб келган халқ. Энди, азиз дўстлар, ана шу асрлар мобайнида тўплаган қадриятларимизни янада бойитиб, бутун куч-қувватимизни, тажрибамизни миллат ва мамлакат равнақига сафарбар этайлик.

Ана шунга эришсак, вилоятнинг ҳам, мамлакатнинг ҳам, халқимизнинг ҳам келажаги буюк бўлиши шубҳасиздир. Иншооллоҳ, яратганнинг ўзи бизнинг бу улуғ орзуларимизнинг амалга ошишига мададкор бўлгай.

Барчангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилайман.

Халқ депутатлари
Наманган вилоят кенгаши
сессиясида сўзланган нутқ,
1996 йил 6 ноябрь

ИСЛОМ КАРИМОВ КАТТА ТЕННИС ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИ ЯХШИ КЎРАДИ

"Новое время" журнали мухбири Аркадий Дубнов
Ўзбекистон Президенти билан суҳбатлашди

Афғонистонга қилган сафаримдан Тошкент орқали қайтиб келаётган эдим: у ерда туркий тилли давлатлар бошлиқларининг тўртинчи учрашуви ўтаётган эди. Табиийки, Ислон Каримов билан учрашиш имконияти пайдо бўлганида суҳбатни ҳозирги вақтда Марказий Осиёдаги энг қийин муаммо тўғрисидаги саволдан бошладим...

МДХдаги манфаатдор давлатлар бошлиқларининг Алматидаги Афғонистон муаммосига бағишланган учрашуви МДХ доирасида ҳарбий ҳамкорликка ёндашувлар турлича бўлишига қарамай, ўзаро келишиб олинган умумий ҳаракатларга ҳам эҳтиёж борлигини кўрсатди. МДХ коллектив хавфсизлиги тўғрисидаги Тошкент Шартномаси эса олинди... Сиз нима дейсиз, Афғонистондаги вазият ҳақиқатан ҳам МДХ жанубий чегараларидаги барқарорликка хавф соляптими?

- Ҳозирги кунда шахсан мен учун, халқимиз учун энг асосий муаммо - мустақилликни сақлаб қолиш ва мустақамлашдир. Бизнинг мустақиллигимиз ва ислохотларимизга қандайдир хавф вужудга келаётган бўлса, бу хавфни қандай кучлар билан бартараф этиш тўғрисида ўйлай бошлаймиз.

Толиблар муаммоси кеча пайдо бўлгани йўқ, улар тўғрисида икки йилдан буён гапирилмоқда. Лекин уларнинг Кобулни эгаллаши, Афғонистон шимолига Қолибона юриши, ўзига ортикча бино қўйган кишиларнинг манманлик билан берган баёнотлари ҳар қандай чегарадан чиқиб кетмоқда. Улар ўз таъсирларини Афғонистон чегарасидан ташқарида ҳам ўтказишни ўйлашаётгани ҳақидаги, айтишим мумкинки, сурбетларча қилаётган баёнотлари ҳаддан ошиб кетмоқда... Бундай вазият биз Россиянинг, аниқроғи ташқи ишлар вазири Евгений Максимович Примаковнинг Алматидаги кенгашда иштирок этишга таклифини сўзсиз қабул қилдик.

Шуниси қизиқки, учрашув иштирокчиларининг фикри бир-биридан фарқ қилмади. Урушаётган томонлар теварагида тўпланаётган кучларга турлича баҳо берилгани, кимнинг орқасида кимлар турганлиги хусусидаги турли фикрлар эса бошқа гап... Бирок толиблар бизга хавф солаётганига келганда - бу масалада фикрлар бир жойдан чиқди. Шу билан бир вақтда мен "Толибон" ҳаракатига қарши ягона жабҳани яратишга уринишларни дарҳол рад этдим. Биз толибларни Афғонистондаги муайян ички кучларнинг вакили бўлмиш муҳолиф томонларнинг бири деб ҳисоблаймиз. Толиблар Покистонда вужудга келганига қарамай (толиблар ўша ерда барпо этилди, шаклланди), улар Афғонистонда ҳокимият учун курашда ўз йўлини тутмоқда ва муайян минтақанинг вакиллари дир.

- "Ягона жабҳа" мақбул эмаслиги тўғрисида гапирганингизда Сиз Афғонистон ташқарисидаги жабҳани назарда тутаяпсизми ёки Афғонистон ичида тузилган Маъсуд, Дўстум, ўилоний, Халилийлар коалициясидан иборат толибларга қарши жабҳаними?

- Саволингиз замирида шундай маъно бор: гўё Афғонистонда қандай гуруҳлар бир-бири билан бирлашиши лозимлигини биз биладигандай. Сиз келтирган номлар менга маълум, лекин бу одамлар қандайлигини ва уларнинг орқа-сида қандай ҳарбий ёки сиёсий куч турганлигини билмайман. Сиз бу кучларнинг ҳар бири Афғонистон ташқарисида муайян мададан фойдаланмоқда, демоқчи бўляпсиз... Аммо, мен бунга қаршиман ва Афғонистоннинг энг катта фожиаси у ердаги можарога аралашган томонларнинг ҳар бири қурол-яроғ, моддий воситалар ва маблағ тарзидаги ташқи мададни изламоқда, деб ўйлайман. Ғарбий инструкторлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги фикримиз ана шундан келиб чиққан.

Бу фикрни биз БМТ Хавфсизлик Кенгашига етказдик. Уни Европа парламентидаги буюк давлатлар қўллаб-қувватлади.

Ягона жабха тўғрисида шуни айтмоқчиманки, Алматидаги учрашув натижаларини Афғонистонда урушаётган томонлардан бирига ўз хайрихоҳлигимизни намойиш этишга уриниш, деб тушуниш нотўғри бўлур эди. Дўстум ёки унинг кимлар биландир иттифоқига хайрихоҳлик билдираётганимиз йўқ. Бундай қилиш Афғонистоннинг ички ишларига аралашиб бўлур эди. Биз фақат толибларнинг жанубий чегараларимизга яқинлашиб келаётгани, уларнинг, жоиз бўлса, мутаассиблиги ва бутунлай беҳаё баёнотлари, Кобулда Қалабадан маст бўлиб, қилган бошбошдоқликлари - буларнинг ҳаммаси бизнинг хавфсизлигимизга, осойишталигимизга рахна солаётганини айтдик.

БЕНАЗИР БХУТТОНИНГ "ТУТУН ПАРДАСИ"

- Яқинда Покистон Бош вазири Беназир Бхутто толибларга фақат Покистон мадад бермаётганини, улар Саудия Арабистони пули ҳисобидан АҚШ ва Буюк Британия ёрдамида тайёрланганини айтди. Яқинда Покистон Президенти Фаррух Легҳарийни Тошкентда қабул қилганингизда шу муаммони у билан муҳокама қилдингизми?

- Сиз Ўзбекистоннинг имкониятларига ортиқча баҳо беряпсиз. Бундан ташқари, Покистон Президентининг ташрифи тўғрисида биз май ойида келишиб олган эдик. У вақтда толиблар Кобулни эгаллаганидан сўнг вужудга келиши мумкин бўлган вазиятни тасаввур ҳам қилмаган эдик... Ўзбекистон - Покистон муносабатларига доир биргаликда тайёрланган ҳужжатлар анча олдин тузилган. Бу ҳужжатларда Афғонистонга яқин вақт ичида барқарорлик ўрнатиладиган мамлакат деб қаралган эди. Бундай барқарорлик Покистон билан Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни Афғонистон орқали йўлга қўйиш имконини берарди. Қанчалик Қалати туюлмасин, Афғонистонда ўн саккиз йилдан буён давом этаётган урушдан айни Покистон кўпроқ жабр тортмоқда.

Чунки миллионлаб Афғонистонлик қочоқлар Покистонга ўзлари билан бедодликларни олиб борди, жангарилар, ўқ-дорилар, наркотик моддалар кўпайиб кетди... Мен Покистон ҳукуматига ҳавас қилмайман. Шу сабабли айнан Покистон ҳукумати кўшни мамлакатда барқарорлик ўрнатилишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдордир. Афғонистондаги тинчлик афғонларнинг ўзларини йўллар, газ қувурлари, телекоммуникациялар қурилишига жалб этиш имконини беради.

Лекин биз жаноб Легҳарий билан бу мавзуда гаплашмадик, десам нотўғри бўлур эди, бизнинг фикрларимиз ўхшаш бўлиб чиқди - урушни тўхтатиш керак. Афғонистондаги урушга барҳам беришнинг турли йўллари, хусусан, Кобулни қуролсизлантирилган зонага айлантириш, у ердан қурол-яроғларни олиб чиқиб кетиш, Кобулда тартибни бетараф кучлар сақлаб туриши (у ерда бетараф кучлар мавжудлигига шубҳа қилсам ҳам) каби масалалар муҳокама қилинди... Бундай баёнотлар пайдо бўлишининг ўзи ҳам яхши гап. Чунки кимки, Кобулни эгалласа, ҳукумат ўшанга қарашли бўлади, дейишмоқда ва бу эхтиросларни авж олдирмоқда. Лекин мен шунга аминманки, ҳукумат таркибига бири-бирига қарши турган барча уруғлар, диний ва ҳудудий кучлар вакиллари кирсагина барча учун мақбул ва қонуний бўлади.

- Қурол-яроғларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида фақат генерал Дўстум гапирмоқда.

- Менга маълум бўлишича, бу ҳақда энди Кобулда ҳам гапиришмоқда. Улар (толиблар - А. Д.) бу ҳақда гапиришга мажбур бўлишмоқда. Улар маърифатдан узоқ бўлган усуллар билан одамларни бешафқат қилиб қўйишди, ХХ асрнинг охирида бундай усулларнинг ўтмаслигини энди тушуниб қолишди...

- Ҳар ҳолда Беназир Бхуттонинг баёноти тасодиф эмасдир?

- Ҳар бир Бош вазир ўзи зарур деб ҳисоблаган гапларни айтишга ҳақли. Лекин Беназир Бхутто хонимнинг бу баёноти, қурол-яроғ Американики, қурол-яроғ Англияники, пул Саудия Арабистониники, деган баёноти ишонарли даражада жиддий эмас. Менимча, бундай шароитда ҳар бир мамлакат қандайдир муаммоларни ўзидан четлаштириш учун тутун пардасини вужудга келтиради. Назаримда, ҳозир қурол-яроғ кимники, кимнингдир пули, кимнингдир ташаббуси тўғрисида гапирмаслик керак - бу янги муаммоларни келтириб чиқаради. Мен Бхутто хонимни ҳурмат қиламан, уни эътиқодли демократ, Покистоннинг келажаги демократик тараққиёт эканлигини кўра билади, деб ҳисоблайман, бу энг оқилона йўлдир.

"РАҲМОНОВ ҲАҚИҚАТ БИЛАН ЎИСОБЛАШИШИ КЕРАК"

- Яна бир оғир муаммо ҳақида... Сиз тожикларнинг ўзаро музокараси жараёнидан қаноат ҳосил қиласизми?

- Мутлақо қаноат ҳосил қилмайман. Бу жараён бугунги кунда ҳам бир ярим йил бурунги даражада турибди. Техронда Тожикистон Президенти Раҳмонов билан муҳолифат раҳбари Нурий ўртасида қўшма баёнот имзоланган, шунга асосан урушни тўхтатиш ҳамда Тожикистон - Афғонистон чегарасида барқарорликни ўрнатишнинг барча режалари тузилганидан буён ўтган вақт мобайнида ҳеч нарса ўзгаргани, олдинга силжиш бўлгани йўқ. Турли шаҳарларда бўлиб ўтаётган, Ашгабадда икки марта такрорланган бундай учрашувларнинг барчаси Техронда эришилган натижаларни такрорламоқда, холос.

- Аслида томонлар ўжарлигининг сабаби нимада?

- Бу жудаям мураккаб савол. Унинг мураккаблигини ўзингиз ҳам билиб турибсиз. Гап кимнинг ўжарларча ким биландир ҳисоблашмаслигида эмас. Масаланинг моҳияти ҳам аслида бунда эмас. Менинг назаримда, Тожикистон муаммосини ҳал этиш калити ҳам, худди Афғонистон муаммосини ҳал этиш калити сингари, Тожикистонда эмас, унинг ташқарисида... Сиз менинг айнан қандайдир номларни айтишимни истаяпсизми?

- Албатта...

- Шунақа денг... Сиз ҳозир муҳолифатнинг қароргоҳи Техронда жойлашганини биласиз, албатта. Муҳолифатнинг бошқа бир қисми эса - Москвада. Ана шундан бу жараён нега олға силжимаётгани хусусида хулоса чиқариб олаверинг...

Умуман олганда, жиддий гапирадиган бўлсак, Раҳмонов ҳанузгача ҳамма нарсага фақатгина сиёсий музокаралар, ўзаро муроса орқали эришиш мумкинлигини тўла англаб етгани йўқ... Қанчалик қийин бўлмасин, у ҳақиқат билан ҳисоблашишга мажбур. Фақат шундагина Тожикистон муаммосини ҳал этиш мумкин бўлади. Яна шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, агарда Раҳмонов бундан бир йил бурун МДҲ мамлакатлари раҳбарлари учрашувида билдирилган фикрларга - Ельцин ҳам, Черномирдин ҳам, Примаков ҳам бу хусусда жуда астойдил гапирган эди - амал қилганида, Душанбенинг мавқеи ҳозиргидан кўра анча мустаҳкам бўларди. Бу вазият чуқур идрок қилинмас экан, маълум вақтдан кейин - мен аниқ муддатни айтишни истамайман - бу мавқе янада сустлашаверади.

- Мабодо муҳолифатнинг Техрон ва Москвадаги вакиллари ўзаро тил топишса, бу тинчлик ўрнатиш жараёни фойдасига хизмат қиладими? Саволимга аниқлик киритай: мен "Миллий тикланиш" блокани таъсис этган Абдумалик Абдуллажонов ҳамда Тожикистоннинг иккита собиқ Бош вазирини назарда тутаяпман. Бу саволга жавоб бермаслигингиз ҳам мумкин албатта...

- Йўқ, Аркадий, мен суҳбатимизнинг бошидаёқ ҳамма саволингизга жавоб бераман, деганман. Мен бирлашган тожик муҳолифати икки қисмдан, яъни бир қисми - биз илгари учрашган жаноб Нурий ҳамда Тўражонзода раҳбарлигидаги, иккичи қисми эса жаноб Латифий бошчилик қилаётган, ҳозир Москвада бўлган демократик кучлар марказидан иборат, деб билардим. Ҳозир эса сиз Абдуллажонов тўғрисида гапириб турибсиз... Дарвоқе, у ўзини муҳолиф деб ҳисоблайдими-йўқми мен буни билмайман. У "учинчи куч" тўғрисида гапиради, аммо мен бу "учинчи куч"нинг бирлашган тожик муҳолифати таркибига киришини билмас эканман.

- Йўқ, мен бу ҳақда қатъий гапирганим йўқ. Мен фақат агар шундай иттифоқ пайдо бўлса, унинг таъсири кучаядими, деб сўрадим. Менга маълум бўлишича, Душанбенинг ўзида ҳам бу "учинчи куч"ни унча хуш кўришмас экан. Иккита куч учинчи кучни унчалик хуш кўрмас-ю, улар бирлашса-чи?

- Бу жуда ҳам мантиқий фикр. Лекин мен бугунги кунда жаноб Раҳмонов, энг аввало, жаноб Нурий билан келишиб олиши керак, деб ўйлайман. Менда қандайдир "учинчи куч"лар ҳақида ахборот йўқ. Ўзи ҳақида шундай ахборот тарқата олиши учун бу "учинчи

куч" бошқа кучлар қаторида музокарага қўшилиши керак. Агарда жаноб Раҳмонов билан жаноб Нурий ўзаро тил топишса, "учинчи куч" ҳам бу билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

БИЗГА ЎЗГАЛАРНИНГ НАРСАСИ КЕРАК ЭМАС

- Ўзбекистоннинг иқтисодиёт билан боғлиқ ички ишлари хусусида тўхталсак, дегандим. Республикада хорижий сармоялар билан боғлиқ ишлар кўнгилдагидай эканидан хабарим бор. Бироқ бугунги кунда менда хорижий бизнесменларнинг бир қисмида ўзбек валютаси конвертацияси, яъни сўмни долларга айирбош қилиш имконияти йўқлиги билан боғлиқ хавф туғилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Яъни мамлакат ичкарасида конвертация йўқ, аксинча, долларнинг баҳоси расмий нархдан 50 фоиз баланд бўлган бозор бор эмиш. Вазиятнинг бу қадар ёмонлашиши нима билан боғлиқ?

- ҲАҚИҚАТан ҳам, сиз айтган гапларда жон бор. Модомики, савол туғилган экан, мен бирон-бир нарсани инкор этмоқчи эмасман... Бироқ вазиятга ҳолисона изох бермоқчиман. Мана сизга Ўзбекистон биржа ва бозорларида сўмнинг долларга алмашуви ҳажмининг ўсиши даражаси: 1995 йилда бу рақам 1 миллиард 300 миллион доллардан иборат эди. Бу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида бу кўрсаткич 1 миллиард 900 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Йил охиригача конвертация миқдори 2 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда. Кўриб турибсизки, гап конвертациянинг камайиши тўғрисида эмас, аксинча, 60 фоизгача ўсиб бориши ҳақида кетаяпти.

Мен бу ўринда конвертациянинг ўзи нималиги ҳамда у қандай мақсадда амалга оширилиши хусусида тушунтириш бериб ўтишга мажбурман. Биз Халқаро валюта жамғармаси низомининг жорий конвертацияни, яъни фақат асосан савдо операцияларига тегишли конвертацияни амалга ошириш мажбурияти юкланадиган 8- моддасини имзолаганимиз йўқ. МДХдаги биронта мамлакат ҳозирча бундай конвертацияни амалга оширмаяпти. Россиянинг 8-моддага қўшилиши ҳақида яқинда берган баёноти ҳозирча кўриб чиқилгани йўқ. Биз ҳам Халқаро валюта жамғармасининг асосий шarti: мамлакат импортининг камида уч ойлик резервини таъминлай оладиган олтин захирасига эга бўлганимиз учун бу моддага аллақачон қўшилишимиз мумкин эди. Бироқ биз бундай қилмаяпмиз. Шунинг учун ҳам бизга бу борада бўлаётган барча даъволар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай асосга эга эмас.

Нима бўлаяпти? Ўтган йили Ўзбекистон озиқ-овқат ҳамда кенг истеъмол молларини олиб келишнинг ўзига 800 миллион доллар сарфлади. Биз дарвозаларимизни кенг очиб қўйганимиз учун, айтайлик, Ғарб бозорида ўтмаётган барча нарса бизнинг бозоримизга келиб туша бошлади. Хорижга эмин-эркин бориб келаётган олиб-сотарлар, воситачи ташкилотлар қайсидир бир араб мамлакатада, Покистонда, Туркияда шартнома тузади, бизга мол олиб келади, уни сотганидан тушган маблағни конвертацияга тақдим этади. Мана шу маблағ ўтган йили 800 миллион долларни ташкил этган эди. Бу йилнинг ўзида 750 миллион долларлик мол олиб келинди. Шунинг ҳам айтиш лозимки, бу воситачилар ҳукуматдан, Марказий банкдан ёки тижорат банкларидан майли, молларни олиб келаверинглар, бу пуллариғизни алмаштириб берамиз, деган кафолат олган эмас.

Мен бундан иккита хулоса чиқараман: биринчидан, биз сифатсиз, ўзимизга керакли бўлмаган товар ишлаб чиқарувчи бегоналарни иш билан таъминлаяпмиз. Иккинчидан эса, мана шу маҳсулотнинг ўзини анчагина яхши тайёрлашга қобил бўлган ўзимизнинг корхоналаримизга жуда катта зарар етказяпмиз. Чунки ўзимиздаги хом ашё анча сифатли экани барчага маълум. Мана, макаронни олиб қарайлик: Ўзбекистонга макароннинг 8 хили, вермишелнинг эса 12 хили ташқаридан келтирилмоқда. Помидор-чи... Энг яхши помидор Ўзбекистонда етиштирилади. Биз - оми одамлар, уни уч литрлик банкаларда хорижга экспорт қиламиз, улар эса шу маҳсулотнинг ўзини чиройли ёрлиқ ёпиштирилган чиройли шишаларга жойлаштириб, ўзимизга қайтаради. Шу тариқа юз миллионлаб доллар фойда олинади. Биз - ношудлар, шунинг ўзимиз қилишимиз мумкин эмасмиди?

Бу бизнинг иқтисодиётимиз манфаатларига, унинг Халқ-аро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки қўллаб-қувватлаётган тузилма жиҳатидан қайта қурилишига мос келадими? Биз ҳар доим хом ашё базаси бўлиб келган эдик, Россиядан ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган энг жўн нарсалар олиб келинарди, ҳозир ҳам шу аҳволда қоляпмиз. Бироқ

ҳозир бу... кечирасиз... номаъкулчилик Россиядан эмас, бош-қа мамлакатлардан олиб келинмоқда. Биз бунинг учун ўша устомонларга доллар беришимиз, олтин билан пахтамининг жаҳон бозорида сотиб, пулини вермишел ҳамда чиройли ёрлик учун сарф қилишимиз керакми? Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар қандай мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларини бундай қаллобликдан ҳимоя қилиши шарт.

Мабодо, айтайлик, "Файнэшил таймс"да кимнингдир манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда Ўзбекистон конвертация масаласида қандайдир қийинчиликларга дуч келиб қолди, деган афсона тарқатувчи мақола чиқса, бунга ишонманг. Мен сизга рақамларни келтирдим. Энг тўғри маълумот шундан иборатки, биз йўналишларни бироз ўзгартиряпмиз. Биз валютани ишлаб чиқариш ва технология билан шуғулланаётган фирма ва кўшма корхоналаргагина конвертация қилмоқчимиз. Мен бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шунини айтаманки, бундай компанияларнинг биронтаси ҳам жабр кўрмайди: биз буни назорат қиладиган тегишли тузилмаларни барпо этганмиз.

САЛОБАТ УЧУН ТАРВУЗ ЕЙИЛАРКАН

- Сиз Ўзбекистонда мустақил матбуот зарурлиги тўғрисида кўп гапирасиз. Лекин Самарқандда республикадаги ягона мустақил телевидение студияси ҳеч қандай сабабсиз Россия телевидениесининг ТВ-6 дастурини Ўзбекистонга ретрансляция қилиш учун белгиланган каналдан фойдаланиш борасида Алоқа вазирлигининг тақиқига дуч келди. Матбуот ўзининг мустақил мақомини сақлаб қолиши учун давлат билан матбуотнинг ўзаро муносабатлар тизимини қандай қилиб тартибга солиш мумкин?

- Бунинг бирдан-бир йўли - зиммасига ортиқча масъулият олаётган Алоқа вазирлиги каби бирор-бир орган матбуотнинг ҳуқуқларини чеклай ёки тақиқлай олмаслиги белгилаб қўйиладиган қонунни тезроқ қабул қилишдир. Бундай қонун ҳаддан ташқари узун, тақиқловчи қўлларни чўзган учун жазо чораларини қўллашга имконият беради. Ана ўшанда ҳеч ким матбуотни жиловлашга уринмайди.

Алоқа вазирлигига келганда эса, у бу борада ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас, у ҳатто мафкуравий орган ҳам эмас. Бинобарин ТВ-6 зарарли ёки зарарли эмаслигини фарқлай ҳам олмайди.

Мен зимдан кураш бормоқда деган бўлардим. Кимдир кимгадир бирон нарсани бермаган, қандайдир манфаатлар тўқнаш келиб қолган... Мен бугуноқ бу масалани текшириш тўғрисида топшириқ бераман. Мени айнан ТВ-6 тақиқлаб қўйилгани эмас, балки шу можаронинг ўзи ташвишлантиради: эҳтимол, Алоқа вазирлиги эртага "Вести" кўрсатуви ёки бошқа бирор телевидениени ёқтирмай қолар. Мен ҳозир Россия НТВ кўрсатувларини бажонидил томоша қилган бўлардим. Москвада бўлган вақтимда бу ҳақда кўп нарса эшитаман ва кўраман, лекин уни республикамизда нега кўрмаймиз, мен буни ҳатто тушуна олмайман...

- Ўзбекистондаги мансабдорлар журналистларнинг саволларига қачон кўркмай жавоб берадиган бўлишади?

- Қизиқ савол... Бизда мансабдорлар лавозими ўзидан юқори амалдордан кўрқадиган бўлиб қолган. Бундай мансабдор матбуот ўзи учун хавфли экани ҳақида ҳеч қачон ўйламайди. Ўртамиёна раҳбарлар газеталар, телевидение, ўзлари учун прокуратурадан ҳам жиддийроқ хавф эканини ҳеч қачон ҳаёлига келтирмайди. Матбуот бирор ерда мансабдор ўқрилиқ ёки Қайриқонуний иш қилганини маълум қилса, одамлар дарҳол бундан хабар топади...

Иккинчи томондан биз мансабдорлар, ниҳоят, матбуот билан ишлашни ўрганишларини талаб қиламиз. Уларни матбуот билан ишлашга ўргатишмаган. Дарвоқе, менга ҳам буни ҳеч ким ўргатмаган.

- Ўзбекистонда Сиздан юқори турадиган мансабдор йўқ. Сиз фақат ўз виждонингиз олдида масъулсиз, бошқа мансабдорлар устида эса яна кимдир бор, у шундан кўрқади...

- Бу - кўпгина сабаблардан бири. Лекин менимча, бош-қа сабаб муҳимроқ: улар бу ишга кўникишмаган, бу уларни осойишта турмушдан маҳрум қилади. Бундай ташвишни ким ҳам хоҳлайди, дейсиз? Унинг олдида бориб, нега бундай хунук ишлар бўляпти, бунда сизнинг қай даражада айбингиз бор, деб сўрайсиз. У эса, пешонасини тириштириб, ўйлашга мажбур бўлади. Бирдан қош қўяман деб, кўз чиқариб қўймасам эди, деб ўйлайди. Петр I айтганидек, ўзининг аҳмоқлигини кўрсатиб қўйишдан кўрқади... Мансабдор саволларни олдиндан олади, унга жавоб ёзади, сўнгра бировга грамматик хатоларни тўғрилатади, шундан кейингина газетага жўнатади. Биз шунга ўрганиб қолганмиз.

Шу сабабли сизнинг фикрингиз тўғри, лекин менинг фикрим ундан ҳам тўғрироқ: энди одамларни лақиллатиб бўлмайди. Улар энди юқори лавозимли мансабдордан кўркмайди. Биз бундай даврдан ўтдик. Хоҳлаган гапингизни гапираверинг. Мен қаерда нутқ сўзласам, ўша ерда, пировард натижада бизнинг тақдиримизни вазирлар ҳал қилмайди, сиз учун мен жавоб бераман. Бирорта гапингиз сизга зарар етказмаслигига мен қафолат бера оламан, дейман. Одамлар истаган гапини гапираверсин. Балки, сизнинг

ҳозир эркин гапиришингиз ҳам бизнинг эркинлик ва демократия йўлидан ҳаракат қилаётганимизнинг бир белгисидир...

Олдинги саволлар билан мутлақо боғлиқ бўлмаган бошқа масалани ўртага қўймоқчиман. Бизнинг вазирларимиз катта теннис билан шуғулланади, деб ким ўйлаган эди? Қоматлари унча келишмаган, баъзилари қорин қўйган. Бу одамлар ҳозир шўрти, кроссовка, ўзларига унча ярашмайдиган яхши формани кийиб, зўр қизиқиш билан теннис ўйнашяпти. Буни тушуниш учун бизнинг анъаналаримизни билиш лозим. Гапимга ишонаверинг. Бу - бомбанинг ўзи. Вилоят раҳбари калта шўрти кийиб теннис майдонига чиқади. Бир вақтлар одамлар салобатли кўриниши, қорни чиқиб туриши учун атайлаб тарвуз еган. Ҳозир биз бундай эски ақидаларни унутаяпмиз.

- Россияда Президент Ельцин теннис ўйнай бошлагач, вазирлар ҳам қўлига ракетка олишди. Сиз ўзингиз теннис ўйнайсизми?

- Албатта.

- Бу ердаги раҳбарлар ҳам Сиздан кейин қўлига ракетка олишгандир?

- Бунга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен Қашқадарёда ишлаган пайтимда бўғинларимда туз йиғилиб, қўл-оёқларим оғрий бошлади. Зинадан зўрға тушадиган бўлиб қолдим. Вазним орта бошлади. Ахир мен илгари баскетбол ўйнардим, қўл жанги билан шуғулланардим. Ҳозир менинг ёшимда шу ишлар билан шуғулланса бўладими? Бир куни теннис ўйнамоқчи бўлдим ва бу ўйинга берилиб кетдим. Сарик копток югуришга, сакрашга мажбур қилади. Бундан ташқари, теннис кишини ўйлашга ҳам мажбур қилади. Буни теннис ўйнаган одамгина билади...

Тошкент - Москва.

("Новое время" журналининг
1996 йил 45-сонидан олинди).

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ РАМЗИ

Хурматли Сапармурот Отаевич!
Муҳтарам меҳмонлар, азиз дўстлар!

Бугун биз қадимий ва ҳамиша навқирон Хева шаҳрида учрашиб турибмиз. Кўп асрлик тарих ва бебаҳо маданиятга эга, қанчадан-қанча буюк зотларга таълим ва тарбия берган Хева шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир.

Қадим Хоразм диёрида азал-азалдан илму-фан, санъат ва ҳунар равнақ топиб, гуллаб-яшнаган. Юртимиздаги дастлабки Байтулҳикмат - академиялар, хусусан, Маъмун академияси ҳам айнан шу ерда вужудга келганини доимо фахру Ғурур билан эслаймиз. Бу ўлкадан етишиб чиққан Муҳаммад Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Берунийдек даҳо аждодларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшиб, ўз ақл-заковати, ўз салоҳияти билан элу юртимизнинг, халқимизнинг номини оламга тараннум этдилар.

Бу кўхна заминда не-не буюк инсонлар, не-не алломаю шоирлар, азиз-авлиёлар ўтган.

Оламга донғи кетган ва ўз юртида юлдуз каби чакнаб, тарихда ёрқин из қолдирган шу буюк зотлар қаторида турк-ман халқининг улуғ шоири Махтумқули Фироқий алоҳида ўрин эгаллайди.

Махтумқули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир.

Азиз биродарлар!

Дунёда элу элатларни, халқларни бир-бирига ҳамқору ҳамқадам қиладиган восита ва омиллар кўп. Ўзбек ва турк-ман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламини, орзу-армонларини, маънавияти ва қисматини яқинлаштиришда, яъни икки халқ қалбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари, айниқса, беқиёс ва унутилмасдир. Унинг теран донолик билан йўғрилган биргина ҳикматли байти бу борадаги кўплаб саъй-ҳаракатлардан кўра минг марта афзалдир, десак, асло муболаға бўлмайди.

Махтумқули одамларни ҳамиша иймон-эътиқодли бўлишга, ҳаётда ўзидан яхши ном, ўчмас из қолдиришга даъват этади:

Саҳар тур, Худога ёлвор,
Ислон уйинг обод қолсин.
Ёмонни қўй, яхшилик қил,
Шайтон иши барбод қолсин.
Яхши сўзга қулоқ солгин,
Саҳар вақти бедор бўлгин,
Яхшилардан олқиш олгин,
Умринг ортсин, зиёд қолсин.

Махтумқули - улуғ шоир, улуғ мутафаккир. Шу боис у маърифатпарвар инсониятнинг бу қадар юксак эҳтиромига сазовор бўлиб келмоқда. Шу боис унинг ижоди ҳамон юрагимизга яқин, ҳароратли сатрлари ҳамон ёниб туради.

Одам баъзан оғир кунларда руҳан тушкунликка тушади, ҳаёт муаммоларидан чарчаб-толиқиб қолади. Менинг назаримда, инсон бундай кезларда иймон-иродасини чиниқтирмоқ учун Махтумқули ижодига мурожаат қилса, албатта таскин топади ва мадад олади.

Шунинг учун ҳам бизнинг ўзбек ҳофизларимиз, мумтоз ижодкорларимизнинг санъати Махтумқули шеърояти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунга биргина мисол келтирадиган бўлсак, Хоразмнинг истеъдодли фарзанди, булбулнафас ҳофизимиз Комилжон Отаниёзовнинг бутун Марказий Осиёда шухрат топишида Махтумқули Ғазалларининг катта ҳиссаси бор.

Кадрли дўстлар!

Ўзбекистон ва Туркменистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳозирги кунларда барча улуғ аждодларимиз сингари Махтумқулининг ўлмас мероси биз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий Ғуруримизни юксалтиришда, миллий мафқурани ривожлантиришда кучимизга куч, Қайратимизга Қайрат қўшади.

Бугун ўзбек мактабларида, туркман мактабларида улуғ Махтумқули ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганадиган, янгитдан кашф этадиган замон келди. Бинобарин, шоир қолдирган бебаҳо меросни янгича кўз билан ўқиб-ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштириш, руҳини шод этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Махтумқулининг Хевадаги Шерғозихон мадрасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк санъаткорни ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстликнинг ажойиб намунасидир.

Муҳтарам жамоат!

Бугун Махтумқули бобомизга ҳурматимизни бажо келтириб, ул зот бир пайтлар ўқиб вояга етган шаҳарда унга муҳташам ҳайкал ўрнатмоқдамиз. Шу тарихий ва ҳаяжонли дамларда бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бу ҳайкал нафақат икки халқ дўстлигининг рамзи, балки халқларимиз, миллатларимизнинг азалий тарихи, маданияти, маънавияти, тақдири, айтиш мумкинки, юраги абадул-абад туташиб, бирлашиб кетганининг тимсолидир.

Ишончим комилки, бу ёрқин тимсол маънавиятимизни янада юксалтиришга, ўсиб келаётган жондан азиз фарзандларимизни халқларимиз даҳоси яратган маданият дурдоналари билан яқиндан ошно этишга, улардан бир умр баҳраманд бўлишга хизмат қилади. Ҳаётимиздаги бу муҳим воқеа қадриятларимизни тиклашга нақадар катта аҳамият бераётганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Азиз дўстлар!

Мен шу унутилмас лаҳзаларда дўстим Сапармурот Ота ўғли ёнимда турганидан бахтиёрман. Бу қувончли маросимда Туркменистон халқининг етакчиси, ёшуллиси иштирок этаётгани бу йиқинга алоҳида маъно ва аҳамият бағишлайди.

Янгича мазмун билан бойиб бораётган қадимий қардошлигимиз ва дўстлигимиз бугунги ҳаётимизда бир-биримизга қўл бериб, бошимиздан ўтаётган синовларга биргаликда мардона бардош бериб, келажагимизни бирга қуриш йўлида бизга улкан ишонч ва куч-қувват бахш этади.

Ана шу ишонч барқарор экан, ўзбек ва туркман халқларининг ёруғ келажакка етиши шубҳасиз.

Кадрли дўстлар!

Бугунги маросимда иштирок этаётгани учун Туркменистон Президенти, дўстим Сапармурот Ниёзовга миннатдорлик билдиришга, унинг сиймосида қардош Туркменистон халқига, унинг тарихига, унинг маънавиятига, унинг маданиятига ва ёруғ келажакига ҳурмат ва ишончимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар!

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада ривожлансин, яна ҳам зиёда бўлсин!

Хива шаҳрида буюк туркман шоири
Махтумқули ҳайкали очилиши
муносабати билан бўлган
тантанали митингда
сўзланган нутқ,
1996 йил 28 ноябрь

ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР
БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШУВИДА
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Мухтарам раис жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Европадагина эмас, балки бутун дунёда вазият ва кучлар нисбатининг тез ўзгараётгани, янги мустақил давлатларнинг майдонга чиқаётгани ҳозирги вақтда давлатлар ва халқлар барқарорлигини таъминлаш, XXI аср бўсағасида хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиш учун янги ёндашувларни излашни қатъий тақозо этмоқда.

Бу хавфсизликни биз қандай тасаввур этамиз?

Биринчидан. Ўзбекистон ЕХХТнинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватлайди.

Хавфсизликнинг, шу жумладан Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шунга асосланадиган бўлсак, бизнинг назаримизда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти - ЕХХТнинг ўрни ва аҳамияти, агар жоиз бўлса, масъулияти Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Биз Марказий Осиё минтақасининг жуКрофий-стратегик ҳолатини, унинг салоҳиятини, улкан хом ашё ва инсоний ресурсларини, шунингдек тез ривожланаётган бу минтақада содир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТ бу ерда ўз фаолиятини янада кучайтириши тарафдоримиз.

Иккинчидан. "Совуқ уруш" тугаганидан сўнг ялпи хавф-сизликка, шунингдек Европа хавфсизлигига ҳам, этник, минтақавий можаролар, давлатлар ичидаги тажовузкор миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм асосий хавф солиб турибди.

Учинчидан. Минтақа можаролари тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, нарқобизнес ва Қайриқонуний қурол савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш каби хатарли хавфлар ва ҳаракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Бу ҳоллар давлат чегараси нималигини билмайди. Шу сабабли халқаро хавфсизлик тизими жуКрофий белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракатлар билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан биз Афғонистонда 18 йилдан буён уруш давом этаётганлигидан, бу мамлакат фақат Марказий Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик учун ҳозир ўта хатарли хавфга, халқаро терроризмнинг, Европага кўплаб миқдорда наркотик моддалар етказиб берилишининг манбаига - ўта хатарли марказга айланиб қолганидан ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари ташвишланаётгани ва хавфсираётганини мутлақо асосли, деб биламиз.

БМТ маълумотларига қараганда, жаҳонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг деярли 40 фоизи ҳозирги вақтда уруш давом этаётган Афғонистонга тўғри келаётгани ҳисобга олинса, гап қандай хавф тўғрисида бораётгани равшан бўлади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда можарони ҳал этиш ҳамда бу уруш Афғонистондан ташқарига чиқиб, кучайиб кетишининг олдини олишнинг дастлабки ва энг муҳим шарти сифатида Афғонистонга қурол-яроғ олиб келишни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлагани учун мен Европанинг барча тузилмаларига самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Мен эътиборни қаратмоқчи бўлган навбатдаги масала - ЕХХТ маконини кимларнингдир таъсири майдонига бўлиб юбориш, Европадаги бир тузилмани иккинчисига қарама-қарши қўйишнинг номақбуллигидир. Бизнинг назаримизда, бир-бирига бўйсунувчи тузилмаларни барпо этмасдан, муштарак манфаатларни кўзлаган ҳолда Европанинг мавжуд ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимроқдир.

Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ўзаро келишилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, можароларнинг олдини олиш мақсадида самарали воситаларни шакллантириш, танг вазиятларни ва можаролардан кейин пайдо бўлган вазиятларни унда иштирок этувчи барча мамлакатлар учун мақбул равишда бошқариш учун нуфузли халқаро тузилмага айланаётганини табриклаймиз.

Бизнингча, жаҳондаги вазиятнинг ўзгарганини ҳисобга олиб, ЕХХТга аъзо бўлган давлатлар қоидалари ва мажбуриятларини ҳамда бу ерда айтиб ўтилганидек хавфсизликнинг янги хартиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш ўринлидир.

Бунда давлатлараро муносабатларда хавфсизлик ва бар-қарорликни сақлаб туришнинг муҳим шарти сифатида ҳозирги чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитликни яна бир бор тасдиқлаш муҳимдир.

Биз халқаро муносабатлар тажрибасида ҳар бир мустақил мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муайян халқаро тузилмаларда, шу жумладан НАТОда ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз иштироки даражасини мустақил белгилашига асосланиб, унинг ҳуқуқлари кўзда тутилиши лозимлигига аминмиз.

Ўз-ўзидан равшанки, биз бу ўринда хавфсизликнинг ҳимоя қилинишини, бошқа мамлакатларнинг манфаатлари камситилишига, яқин ўтмишдаги ҳарбий-сиёсий қарама-қарши туришдек ачинарли тажрибага қайтишга ва янги "Берлин" деворларини тиклашга йўл қўймасликни таъминлаш лозимлигини кўзда тутаямиз.

Бизнингча, блоклар тафаккуридан бутунлай воз кечиш, собиқ Советлар ҳудудидаги айрим қайсар кучларнинг анъанага айланиб қолган эски шиорлар остига яшириниб, блокларнинг бир-бирига қарама-қарши туриш вазиятини кучайтиришга уринишлари мутлақо истиқболсиз эканини тушуниб етиш бундай хавф-хатарнинг олдини олишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Бизнинг назаримизда экология ва ядро хавфсизлиги муаммолари ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади.

Биз Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан мурожаат қилиб ўртага ташлаган ташаббусини қўллаб-қувватлашни илтимос қиламиз. Гап ядро қуролига шерик бўлиш режаларини яширмаётган айрим давлатлар қўшни бўлган Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисида бормоқда.

Бундай интилишларнинг мазкур кенг минтақада яшаётган миллионлаб кишилар учун хавфли эканини олдиндан кўра билиш қийин эмас.

Биз Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга эътибор бераётгани учун ЕХХТдан миннатдоримиз. Бироқ аниқ ёрдам бўлмаса ва давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағ ажратилмаса, жаҳоншумул тус олиб бораётган бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Раис жаноблари!

Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унинг тузилмалари билан муносабатларни яқинда Флоренцияда имзоланган шартнома доирасида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, шунингдек НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Европа мамлакатлари билан қилинаётган ўзаро фойдали ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайиб бораётгани бизга республика салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик ва бозор ислохотлари йўлидан муваффақиятли ҳаракат қилиши учун кенг имкониятлар очиб бераётганига ишончимиз комил.

Лиссабон учрашувининг иш якунлари ЕХХТнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятларини қидириб топиш ва уларни рўёбга чиқаришга, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни чуқурлаштиришига, халқларимизнинг хавфсиз ва тинч келажагига ишончини мустаҳкамлашга имкон беришига аминман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

1996 йил 3 декабрь

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида республика иқтисодиёти ривожига кўшган ҳиссаси, мамлакатда тинч-лик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол Ғоялари руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватаннинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган тарихий ёдгорликларни таъмирлаш борасидаги ишлари учун бир гуруҳ усталар Алишер Навоий номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

1996 йил 6 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Гўзал ва обод ватанимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига тўрт йил тўлиши арафасида, биз мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида меҳнат қилиб, катта ютуғларни қўлга киритган бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросимига йиғилдик, деди давлатимиз раҳбари.

ХАЛЮЛ меҳнатнинг қадрига етиш, элу юрт бахт-саодати, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган ўқил-қизларининг хизматларини муносиб тақдирлаш - халқимизга хос азалий фазилатдир.

Биз бугун адолатли, инсонпарвар жамият қураётган эканмиз, аввало, одамларимизнинг қилаётган ишларига, меҳнатига ҳурмат билан қараш, кадрлаш, уларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш сиёсатимизнинг пойдевори бўлиши шарт. Чунки одам бу дунёда ўзининг керакли эканини англаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслигига ишонч ҳосил этса, ўзига муносиб иззат-икром кўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдида фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши муқаррардир.

Аслида ҳар қандай мукофот ва рағбат замирида инсоннинг ақл-заковати ва меҳнатига, ўз илму хунарига меҳр билан қарашига ва маҳорат кўрсатишига чуқур эҳтиром мужассамдир. Биз бугун фидокорона меҳнати, кашфиёт ва ихтиролари, санъат асарлари билан халқимизнинг моддий ва маънавий юксалишига хизмат қилаётган ва шу боис, бугунги олий мукофотларга сазовор кўрилган ватандошларимиз билан чин дилдан фахрланамиз.

Ватанимиз орден ва медаллари мазмун-моҳияти билан ҳам, ташқи кўринишию жозибаси билан ҳам ҳавас қилгулик. Уларнинг номида ва шаклида биз танлаб олган йўл, буюк мақсадларимиз, хоҳиш-иродамиз, Ватан ва миллатга муносабатимиз ифода этилгандир. Бунинг буюк маъноси бор. Зеро, улар ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий кадриятдир!

Биз Ўзбекистоннинг келажаги шонли ўтмиши каби буюк бўлади, халқимиз фаровон турмуш ва осойишта ҳаётга албатта эришади ва шулар орқали жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди, деб ишонч билдирар эканмиз, биринчи галда сиз каби фидойи, заҳматқаш, салоҳиятли илму хунар эгаларига таянамиз.

Сизларнинг ўз соҳангизда эришган ютуғларингиз, ҳаётингиз тажрибаларингиз, инсоний фазилатларингиз, тафаккур кудратингиз барча учун, аввало, ўсиб келаётган ва камол топаётган ёш авлодимиз учун ҳамиша ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади, - дея таъкидлади Президент. - Бу ибратнинг маъноси битта: у ҳам бўлса, она юртимиз, Ўзбекистонга садоқатли фарзанд бўлиб хизмат қилиш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асраш, керак бўлса, бу йўлда хатто жон фидо этишга ҳам қодир бўлиш!

Ўзбекистон ўз тараққиётининг машаққатли, мураккаб, зиддиятларга тўла, аммо Ғоят шарафли йўлидан юксак мақсад сари, оқибатда бормоқда. Бу йўлнинг барча пасту баландликлари, қувонч ва изтироблари, ютуғ ва камчиликлари, бутун халқимиз қатори сизларга ҳам яхши аён. Босиб ўтаётган йўлимиз қанчалар оғир ва қийин бўлмасин, истиқлол йиллари бизнинг мустақил яшаш ва мустақил тафаккур юритишга қодир миллат эканлигини жумлаи жаҳонга ёрқин намойиш қилмоқда.

Биз жаҳон ҳамжамиятига кириб борадиган ўз йўлигини топиб олдик ва бу йўлда дастлабки, шу билан бирга, салмоқли қадамлар қўймоқдамиз. Бу ҳаракатлар, иншооллох, ўзининг ижобий самарасини беришига халқимиз ишонди. Бу ишончини юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, моддий ва маънавий ҳаётимизда ижобий мақсадлар сари босқичма-босқич қадам қўйиб, сезиларли натижаларга эришишда ифода қилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида халқимиз, жамиятимиз қўлга киритган энг катта ютуғлардан бири айнан мана шу деб айтсак, хато қилмаймиз.

Ўзбекистонимизнинг эртанги куни маънавий-маданий баркамол, руҳан тетик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос, касб-кор маҳоратини ўзида мужассам этган, Ғурури баланд, иймони бутун, иродаси бақувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориятли инсонлар қўлида деб айтсак, асло муболаға бўлмас.

"Мардлик ва муруватни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди", дейди соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Сизлардаги ана шундай гўзал фазилатлар ҳаммамизни мамнун ва мафтун этади. Ўзбекистон сиз ва сизлар каби азамат, танти одамлари меҳнати билан буюк келажагини куради, - деди Ислом Каримов. - Сизларни улуғ ва қутлуқ Ватанимизнинг олий мукофотлари билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Ғурсатдан фойдаланиб, сизларни ва барча ватандошларимизни халқимизнинг улкан байрами - Конституция куни билан самимий табриклайман. Барчангизга омонлик-рўшнолик, оилаларингизга бахт-саодат тилайман...

1997 ЙИЛ - ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛСИН

1996 йил 6 декабрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан бу ерга Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, пойтахт меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Тошкентда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари келди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилиш қатнашчилари хузурида сўзга чиқди.

Юртбошимиз бугунги байрам, асосий қонунимиз қабул қилинган кунда эришган ютуғларимиз билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ҳам очиқ тан олиш лозимлигини таъкидлади.

- Ўтган давр ичида биз дунёга чиқдик, - деди жумладан Ислом Каримов. - Биз жаҳонни, дунё эса бизни англай бошлади. Кўплаб хорижликлар бугун янги турмушни куришда биз билан ҳамнафас бўлмоқда. Европага ва дунёнинг бошқа ривожланган давлатларига ташрифлар чоғида улардан кўп нарсаларни ўрганмоқдамиз, уларга ҳавас қилмоқдамиз.

Бизда аввало улардаги эркин ҳаёт ҳавас уйғотади. Шу ўринда инсоннинг умри бетакрорлигини, унга берилган ҳаёт Аллоҳнинг буюк инъоми эканини таъкидлаш жоиз. Аслида инсон бахт учун, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш учун туғилгандир.

Ривожланган давлатлардаги биз учун ибратли яна бир нарса давлат ва жамиятнинг инсонга ҳуқуқий кафолатлар беришидир. Конституцияда мустаҳкамланган бу кафолатлар барча учун баробардир. Бу қоидаларнинг амалга ошиши учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшади. Уларда гоҳо юз беражак англашилмовчиликлар ҳам аслини олганда тўқчиликдандир.

Ҳар бир инсон умид билан яшайди. Орзу-ҳавасимга эришсам, болаларимнинг роҳатини кўрсам, уларнинг камолига гувоҳ бўлсам, дейди. Бу, айниқса бизнинг болажон халқимизда ёрқин намоён бўлади. Не-не ота-боболаримиз озод кунлар учун ўзларининг жонини қурбон қилганларини шундай қутлуқ кунда эслаш ўринлидир. Уларга таскин берган ягона нарса ҳам мен кўрмаган бахтли кунларни болаларим кўрсин, деган қутлуқ ният эди.

Биз беозор ва мўмин халқимиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Аллоҳга шукрлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишга одатланганмиз. Бу яхши. Аммо мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман. Биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт.

Президент Ислом Каримов ана шу фикр барчани шууридан жой олиши лозимлигини қайд этди.

Хўш, фаровон турмуш шароитлари яратиш учун бизда имкон борми? Фаровон яшаётган халқлардан бизнинг қаеримиз кам? Юртбошимиз ана шу саволларга жавобан қатъий қилиб "ҳа, имкон бор", деди.

- Биз жаҳон маънавияти хазинасини бойитган улуғ алломалар меросхўримиз, - деди юртбошимиз. - Улкан маданий, маънавий меросга эгамиз. Дунёда бу қадар бой меросга эга бошқа халқ ҳам борми? Қонимизда ана шундай буюклар қони оқар экан, биз фаровон ва гўзал турмуш яратиш учун бекиёс имконимиз бор, десак бўлади. Иккинчидан, эътиқодли ва меҳнаткаш халқимиз бор. У хорижликдан бир неча баробар кам иш ҳақи олса-да, шундай меҳнат қиляптики, тасанно демай иложинг йўқ. У бугун янги билимларни эгаллаб, ўз қобилиятини оширмоқда. Ёрқин келажак яратиш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Бундай интилувчан, иродали меҳнаткаш халқ билан ҳар қандай олий

мақсадларни амалга ошириш мумкин. Фақат ташкилотчилик керак, холос. Яхши яшашни истар эканмиз, биз тезроқ эскилик сарқитларидан, иллатларидан қутулишимиз лозим. Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Конституциянинг асосий моҳияти яна шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдида мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйқунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.

Президентимиз Конституциянинг ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги қимматини қуйидагича баён этди:

- у жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамона халқдан ўзини ажратишга уринади. Аслида мансаб халқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиш учун берилади. Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қахрамонликдир.

Президент улкан ер ости ва ер усти бойликларимизни фаровон турмушга эришишимизнинг омилларидан бири сифатида қайд этди.

- Республикаимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари инсон ҳуқуқлари ҳимоясига катта аҳамият беришлари керак, - деди Ислом Каримов. - Гоҳо қабул қилган қонун ва фармонларимизда кўзда тутилган мақсадлар амалга ошмаяпти. Уларни тўла амалга татбиқ этиш чораларини кўришимиз зарур. Қонунларга ҳар биримиз риоя қилганимиздагина муайян ҳуқуқий ҳужжат обрўга эга бўлади. У барчамизнинг манфаатимиз йўлида хизмат қилади.

Президент ҳар биримизда миллий Ғурур, миллий онг, тафаккур ривожланган ва барқарор бўлишини тараққиётга эришишнинг яна бир муҳим омили сифатида таъкидлади. - Агар инсон ўз юртидан Ғурурланмаса, юртини ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асраш учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ. Шу ўринда биз 660 йиллигини нишонлаётган буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини яна бир карра эслайлик. Соҳибқирон: "Бир Қишт олган бўлсам, ўрнига ўн Қишт қўйдирдим, бир дарахт кессам, ўрнига ўн дарахт эктирдим", -деб ёзган эди. Биз юртимизни фаровон қилиш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш ниятида эканмиз, ҳар биримиз буюк бобокалонимизнинг ана шу сўзлари мақзани чақиб олишимиз лозим.

Ислом Каримов ўз сўзида миллий кадриятларимизга алоҳида тўхталди. - Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат. Биз кадриятларимизга риоя қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Демократияни қарор топтиришда миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши ҳақида сўзласам, айрим муҳолифлар бу фикрни тўғри англамаяптилар. Аммо, мен ўз фикримда собитман, уни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Албатта, демократиянинг умумий талаблари барча учун қоида бўлиши керак. Бироқ биз мусулмон халқмиз. Шарм-ҳаё, ор-номус ҳар биримизда мустаҳкам. Ғарбда агар шу кадриятлар ҳақида сўзласанг, сени тушунмасликлари ҳам мумкин.

Ғарбча индивидуализм Шарқ кишисига ёт. Жамоа тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллада кимнинг қандайлиги, ўз кунини ҳалол ёки қинқир йўллар билан кўраётгани кундай аёндыр.

1996 йилда биз ютуғлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигида кўзланган натижаларга эришолмадик. Айни кунда бунинг таъсирини сезаяпмиз. Шунга қарамай, муваффақиятларимиз ҳам салмоқли. Ёдингизда бўлса, мен 1996 йил юксалиш йили бўлади, деган эдим. Биз бу ниятимизга эришдик. Бироқ айримлар

яхши яшаётган бўлса, бошқалар анча кам даромадлигини кузатаяпмиз. Бунга ким айбдорлигини чуқур таҳлил қилишимиз лозим. Оилада тўкинлик бўлмаса, ё давлат, ё корхона, ё худ ишловчининг ўзи айбдордир. Бу вазиятни маҳаллаларга таяниб, обдан таҳлил қилиш мумкин.

Жоиз бўлса, яна бир нарсани қайд этишни ўзимга фарз деб биламан. Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас ва уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолойиқдир. Бу ўринда эришилган ютуғлар оддий кишилар турмушида сезилмаса, улар манфаатдорлигида акс этмаса, бундай юксалишнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Юртбошимиз шу боис бир шиорни ўртага ташлади.

- 1997 йилни инсон манфаатлари йили, деб эълон қилсак, -деди Ислон Каримов. - Ҳар биримиз мана шу эзгу мақсад рўёбга чиқиши учун муносиб ҳиссамизни қўшсак. Шахсан менга келсак, агар ҳалқим турмуш даражасининг ўсиши фақат менгагина боғлиқ бўлса, ҳатто жонимни ҳам беришга тайёрман.

Ҳар бир инсонда яхши фазилатлар ҳам, ёмон одатлар ҳам мавжуд. Гап ундаги қайси туйғуларни уйғотишда. 90-йилларда биз муҳолифларимиздан фарқли равишда эҳтиросларга берилмай иш олиб бордик. Натижада шу қутлуқ кунларга етиб келдик. Бугун кўп соҳаларда МДҲдаги бош-қа давлатлардан илгарилаб кетдик. Бунда Асосий қонунимиз бизга дастуриламал бўлди. Сўзимнинг охирида сизларни кишилардаги яхши фазилатларни уйғотиб, уларни эзгу мақсадларга сафарбар этишга, жипслашган ҳолда меҳнат қилиб, ниятларимизга эришишга даъват этаман. Сизларни Конституция куни билан чин қалбдан яна бир карра табриклайман.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛИШ - БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Муҳтарам халқ депутатлари!

Азиз дўстлар!

Авваламбор сизлар билан қадимий Бухоро заминда юз кўришиб турганимдан Ғоят хурсанд эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Ер юзида Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли одам йўқ десак, асло хато бўлмас.

Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган. Унга Бухорои шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари - Абдуҳолиқ ўйждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Фақнавий, Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Сомосий, Саййид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуғ зотлар ўтганки, уларнинг номларини ёдлаш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Бу муборак заминда ўтган азиз-авлиёларнинг руҳлари қўллаган Бухоро аҳлини биз ҳаммамиз қўли гул, дили соф, иймони бутун ва иродаси бақувват кишилар сифатида жуда яхши биламиз ва ҳурмат қиламиз.

Вилоятнинг табиий шароити анча мураккаб. Сув тақчил, жазирама иссиқ, бир тарафи кум ва саҳролардан иборат. Мана шундай оғир ва машаққатли аҳволда чўлу биёбондан ўзлаштириб олинган заминда беҳисоб инсонларнинг меҳнати бор. Бухоронинг ҳар қарич ери деҳқонларнинг пешона тери билан суқорилган, деб айтсак муболаға бўлмайди.

Бухоро аҳли ана шундай заҳматқаш, ишнинг кўзини биладиган халқ. Ўтмишда ҳам, кейинги замонларда ҳам бухороликлар ташаббускорлиги, янгиликка ташналиги билан халқимиз орасида машҳур бўлганлар. Яхшилаб эслаб кўрсак, пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам, бошқа талай соҳаларда ҳам бухороликлар кўп марта ибрату намуна кўрсатганлар.

Бухоронинг ер ости ва ер усти бойликлари, моддий потенциали жуда буюк. Хорижий сармоя иштирокида қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводи олиб қарайлик. Бу улкан корхона ҳали битмасдан туриб бутун жаҳон аҳлининг тилига тушди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу завод Ўзбекистон давлатининг нефть мустақиллиги дастурида беқиёс ўрин тутади.

Ёки Бухоро зардўзлари меҳнатини олиб қарайлик. Бундай санъат, бундай маҳорат ер юзида топилмайди. Бухорои шарифнинг зардўзи дўппилари, зар чопонлари, зар ковушлари, турли зар безаклари дунёдаги энг машҳур музейларнинг фахрига айланган.

Ҳурматли депутатлар!

Кейинги йилларда вилоятда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, шу йилнинг ўтган ўн ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди.

Вилоятда хусусийлаштириш ва мулкни давлат ихтиёридан чиқариш жараёнлари тобора чуқурлашмоқда. Шу йилнинг ўзида 3 мингга яқин хусусий ва кичик корхона рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг умумий сони қарийб 7 мингга етди. Ишлаб чиқаришда ва хизмат соҳасида нодавлат секторнинг ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу рақам 95 - 98 фоизни ташкил этмоқда.

Бозор инфраструктурасини ривожлантириш борасида ҳам маълум тадбирлар амалга оширилди.

Лекин, афсуски, қилинаётган ишларга тан берган ҳолда вилоятда юқорида зикр этилган эзгу мақсадларга хизмат қилувчи туб ислохотларга, инсонлар Қайрати ва ташаббусига кенг йўл очиб берилди, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилди, деб айтолмаймиз.

1996 йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 корхона 270 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари, 22 корхона эса 144 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни камайтирди.

Вилоят бўйича жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5 минг 350 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Олот, Пешку, Жондор туманларида 400 - 500, ўйждувон ва Вобкент туманларида бор-йўғи 300 сўмдан иборат, холос.

Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йил кўрсаткичидан анча орқада қолмоқда. Ўтган йили макарон маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2 баравар, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4 баравар камайган бўлса, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса қарийб 10 баравар кам бўлган.

Айни даврда озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтириш 31 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Буни қандай баҳолаш мумкин? Ахир шунча маблағга илғор технологияни сотиб олиб, шу ернинг ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эди-ку?..

Қачонгача энг керакли, кўпчилик истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва бошқа товарларни четдан олиб келишга муҳтож бўлиб ўзгаларга қарам бўлиб қоламиз?

Ўолбуки, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, энг илғор технологияларни олиб келиш учун тегишли ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин, минг афсуски, бундай яратувчилик ишларида вилоят раҳбарларининг сусткашлиги кўринмоқда.

Вилоятда хорижий инвестицияни жалб қилиш асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, эски ускуналарни янгилаш, энг илғор технологияларни ўзлаштириш асосида юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Бухорода ишбилармон, тадбиркор одамлар кўплаб топилади. Гап ана шундай кишиларни топиб, уларни рағбатлантириб, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиб, йўлини очиб беришда қолган.

Яна бир нарсани очик айтишимиз керак: четдан эркин валютага маҳсулот келтиришдан айрим одамлар манфаатдор. Шунинг ҳисобидан мўмай даромад олмоқда. Уларнинг жиловини тортиш қўлимиздан келади, албатта.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати билан вилоятда ҳеч ким шуғулланмаяпти. Масъул шахслар маҳсулот умумий ҳажми билан кифояланиб қолмоқда.

Вилоят омборларида бугун 1 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмай қолганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Рўйхатдан ўтган 43 та қўшма корхонанинг атиги 14 таси фаолият кўрсатмоқда, холос. 3 та қўшма корхона тарқалиб кетиш арафасида турибди.

Қишлоқ жойларида ташкил этилган 8 та қўшма корхонанинг ярми ишламаяпти.

Вилоят бўйича 320 миллион сўмлик ускуналар ўрнатилмай ётибди. Бу ускуналарнинг асосий қисми эркин валютага - 524 минг АҚШ долларига сотиб олинган.

Шунча ускунани қор-ёмқир остига ташлаб қўйган амалдорларга яна нима дейиш мумкин?

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкчиликнинг хусусий ва ҳиссадорлик шакллари жорий этиш борасида ҳам камчиликлар кўп. Мулкчиликни тарғиб-ташвиқ қилиш, унинг моҳиятини тушунтириш борасида ишлар жуда суст олиб борилмоқда. Бир кўринишда бундай муҳим вазифаларни кўпчилик раҳбарлар ўзи чуқур тушунмаганга ўхшайди.

Қуриб тугатилмаган иншоотлар, фойдаланилмай бўш ётган бинолар ва ишлаб чиқариш воситаларини "кимошди" усулида сотишга жиддий эътибор берилмаяпти. Вилоятда "кимошди" савдосига қўйса бўладиган 1000 дан ортиқ объект бўла туриб, улардан бор-йўғи 89 тасигина савдога қўйилган, холос.

Вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида кўчмас мулкни хусусийлаштиришдан олинадиган тушумлар режаси бажарилмади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, мамлакат деҳқончилик саноатида Бухоро вилоятининг тутган ўрни ва мавқеи катта.

Умуман, деҳқончилик маданиятини ошириш, ерга муносабатни ўзгартириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини кўпайтириш долзарб масалага айланиб қолмоқда.

Бу ҳақда гап борар экан, мен Бухоро деҳқонлари ҳақида, уларнинг машаққатли меҳнати тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман.

Биринчидан, бу қадимий юрт асрлар мобайнида шакл-ланган деҳқончилик мактабига эга. Ерга муносабатнинг ўзига хос тажрибаси мавжуд. Бу тажрибалар мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан анча фарқ қилади, чунки воҳанинг табиий иқлим шароити ва тупроқ таркиби шуни тақозо этади.

Иккинчидан, ер ниҳоятда шўрланганлиги оқибатида деҳқон машаққати яна ҳам ортган. Халқимиз "Ернинг шўри - деҳқоннинг шўри" деб бежиз айтмаган. Бухороликлар қаҳратон қишда муз кечиб, қор кечиб, ернинг шўрини ювишади. Ёзнинг жазирама иссиқида экинни бошқа жойларга нисбатан бир неча марта кўп суқоришади, ишлов беришади. Бу ерда меҳнат сарфи анча-мунча баланд.

Учинчидан, вилоят асосан механизациялашган сунъий каналлардан фойдаланади. Бу деҳқончиликдаги қийинчиликларни яна ҳам оширади, харажатни кўпайтиради.

Ана шундай шароитда меҳнат қилиш, уруғ экиб ҳосил олиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунинг учун бухоролик деҳқонларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Ва бугунги фурсатдан фойдаланиб, меҳнаткаш Бухоро аҳлига, захматкаш деҳқонларига самимий миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Лекин, минг афсуски, ҳукуматнинг қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш борасидаги жуда муҳим қарорини бажаришга вилоят раҳбарияти етарли эътибор бермаяпти. Очiqроқ қилиб айтганда, улар ҳозирги туб ислохотлар мақзани тушунмаяпти.

Дон етиштириш топшириқи атиги 77 фоизга бажарилди, холос. Суқориладиган майдонлардаги ҳосилдорлик 25 центнердан ошмади.

Ромитон, Пешку, Когон, Олот ва Қоровулбозор туманларида ҳосилдорлик 22 - 23 центнерни ташкил этди. 40 дан ортиқ хўжаликда ҳосилдорлик 20 центнерга ҳам етмади.

Дончиликни ривожлантириш, Ғалла мустақиллиги - давлат сиёсати. Бунга монелик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бироқ вилоятда Ғаллачиликка иккинчи даражали масала деб қаралмоқда.

Ғалла экинларига сифатсиз, сув етишмайдиган ёки лалми жойлар ажратилмоқда. Ўйисоботда Ғалла экилди деб кўрсатилган ерга пахта экилмоқда.

Бу кўзбўямачиликнинг сабабини икки ярим йил олдин худди шу залда айтган эдим: ер оборотидан яшириб қолинган ёки аслида суқориладиган Ғаллага аталган майдонларга чигит экиб, гектарни кам кўрсатиб, шунинг ҳисобидан пахта ҳосилдорлигини кўтармоқчи бўлишади.

Бу нима - ўзини алдашми, халқни алдашми, давлатни алдашми? Қандай тушуниш мумкин?

Афсуски, шунча гапдан сўнг ҳам Ғаллачиликда ёлқон ва хиёнат давом этмоқда. Гектарига 250 килограмм ўрнига 150 - 200 килограммдан уруғ ташланмоқда. Масалан, Олот туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида суқориладиган ернинг ҳар гектарига 185 килограммдан уруғ экилгани аниқланди. Буни қандай тушуниш керак? Бу учун ким жавоб бериши керак?

Ғалла ҳақида сўз борор экан, яна бир фикр билан сизларга мурожаат қилмоқчиман. ҲАМмамиз биламиз: Ўзбекистон шароитида фақат кузги Ғалладан мўл ҳосил олиш мумкин.

Янги ва серҳосил буғдой навларини экиб, кўкартириб, парвариш қилиб, асраб-авайлаш, бу - энг аввало, янги мавсумда шу хўжалик аъзоларининг, умуман, шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган одамларнинг ризқу рўзини яратиш эмасми?

Кузда дон экиб, қанча кўп ҳосил олсак, одамлар ҳам шунча кўп даромад олади. Хўжалик аъзоларининг насибаси, ҳаёти бут бўлади.

Шундай экан, хўжаликда ишлайдиган ва яшайдиган одамлар учун кузги Ғаллани асраб-авайлаш ва парвариш қилиш ҳаётий зарурат, ҳаётий мақсад эмасми?

Нима учун мен бу масалани куйиниб гапиряпман?

Ўеч ақлга сиқмаётган бир ҳолни менга тушунтириб беринглар. Нима учун деҳқон шунча катта ишонч ва умидлар билан, пешона тери билан эккан, энди кўқарган ниҳолларга бировлар сигирини, бузоғини кўйиб юборади, пайҳон қилади?

Бу - биринчидан.

Иккинчидан, нима учун шу хўжалик аъзолари бўлмиш, шу хўжалик эгалари бўлмиш одамлар бу номаъкулчиликларга бепарво қарайди? Кўра-била туриб, чорасини кўрмайди?

Нима учун кузги Ғалла экилган майдонларни, халқимизнинг ризқу рўзи экилган майдонларни биз мелиса кўйиб кўриклашимиз керак?

Бу аҳволга куйинмасдан, ёнмасдан бўладими? Бу аҳволни ақли соқ одам қандай тушуниши мумкин?

ғаллани пайҳон қилиш қип-қизил нонкўрлик, нонтепкилик эмасми? Гуноҳ эмасми? Уволи тутмайдими?

Хўжалик эгасиман деб гердайиб юрган раисларни қандай тушуниш мумкин?

Бундай нонкўр кимсаларга қарши ҳокимлар нима чора кўряпти?

Пахтачилик бўйича бу йилги режа вилоятда 89,5 фоизга бажарилди. Ўсилдорлик 1993 йилга нисбатан 6,3 центнерга камайди.

Пахтани қайта ишлаш борасидаги нуқсонлар ҳам анчагина. Йилдан-йилга тола олиш миқдори камайиб кетмоқда. Ўтган йили режадагидан 1,2 фоиз кам тола олинди. Режада белгиланганидан икки баравар ортиқ ёки 12,6 фоиз чиқимга (угар) йўл қўйилган. Бу вилоят бўйича 44 минг тонна пахтани ташкил қилади.

Бу тасодифий эмас, албатта. Бундан кимлар манфаатдор бўлиб, кимлар жабр кўрмоқда - бу масалага аниқлик киритиш керак. Мутасадди ташкилотлар ва органлар бунинг негизига етиб бориши вақти келди.

Чорвачилик соҳасида тўпланиб қолган муаммолар ҳам тобора мураккаблашиб бормоқда. Вилоят хўжаликларида гўшт етиштириш ўтган йилга нисбатан 25 фоиз, сут ишлаб чиқариш 47 фоиз камайди. Қорамоллар сони салкам 24 минг бош, сигирлар сони 4 минг бош, кўй-эчкилар сони қарийб 125 минг бош озайди. Масаланинг ташвишли томони шундаки, гўшт, сут етиштириш ва моллар сонининг камайиши деҳқон-фермер хўжаликларида ҳам содир бўлмоқда.

Чорвадорлар, фермерлар ҳар қадамда масъулиятсизликка, расмиятчилик ва таъмагирликка дуч келмоқда. Кирган идораларида мушқули ҳал бўлмай, сарсон бўлиб юришибди.

Вилоятда шу йил ем-хашак тайёрлаш режаси аранг 63 фоизга бажарилди. Озуқа сифати ёмонлашмоқда. Бундай аҳвол билан чорвачиликни ривожлантириб бўлармиди?

Хурматли депутатлар!

Бухоро вилоятидаги деҳқончилик тармоқларининг аҳволи мураккаблиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Бундай инқирозли ҳолатдан чиқиш учун кескин чоралар кўрмасдан, биринчи навбатда, ернинг, тупроқнинг унумини, унинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, ариқ-зовурларни тозаламасдан, дренаж ишларини бажармасдан, ер ости, шўр сувларни пасайтирмасдан, деҳқончилик маданиятини оширмасдан ҳеч нарсага эришолмаймиз.

Шу билан бирга илғор технологиялар жорий қилинмаса, эртага аҳволимиз янада қийин бўлиши муқаррар. Буни англамасдан, тушунмасдан бугунги замонда иш олиб бориш мумкин эмас.

Масалан, бугун мамлакатимизда пахтани плёнка остида ўстириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Унинг афзаллигини Андижон ва бошқа вилоятлар мисолида яққол кўриш мумкин. Охирги мавсум бу усулнинг самарасини жуда яхши намоён қилди. Хўш,

Бухоро вилояти бу борада бирор жиддий ҳаракат қияптими? Афсуски, бундай ҳаракат йўқ ҳисоби.

Яқинда Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари бирлаштирилди. Бу шунчаки, навбатдаги тадбир эмас. Биз Бухоро каби вилоятлардаги аҳволни, унинг келажагини ўйлаб шу ишни қилдик. Бу агросаноат тизимида қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, суқориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Энг муҳим масала - сув хўжалиги, сув иншоотлари, ирригация ва мелиорация ишлари, бунга сарф қилинган маблағлар, авваламбор деҳқончилик самарасини ошириш мақсадида қилинмоқда.

Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги тармоқлари ва идоралари, асосан, бюджетдан маблағ олиб, ҳеч нарсага жавоб бермай яшарди. Тўрачилик, текинтомоқлик ва боқимандалик улар фаолиятида одат тусига кириб қолган эди. Ваҳоланки, айти ҳосилнинг самараси, тақдири улар билан боғлиқ.

Мана энди қабул қилинган чора-тадбир ҳар бир қадамни ўйлаб босишга, ҳар бир гектар экин майдони тақдирга жавобгарликка, пировард натижада эса агросаноат тизимининг истикболи учун, деҳқончиликка мутасадди барча ташкилот ва уларнинг раҳбарлари масъулиятини оширишга олиб келиши керак. Қатъий жавобгарлик бор жойда ишда қут-барақа бўлади. Бу - шубҳасиз.

Лекин бу ўзгаришлар, ислохотларнинг негизини, маъно-моҳиятини вилоят раҳбарлари яхши англайдими, йўқми - гап ана шунда.

Вилоятнинг молиявий аҳволи кўнгилдагидек эмас. Шу йилнинг 1 ноябрига қадар дебитор қарзлар миқдори 2,5 миллиард сўмга, кредитор қарзлар эса 2 миллиард 800 миллион сўмга етди. Бу вилоятдаги баъзи корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий раванкига тўсиқ бўлмоқда.

Пул муомаласига жиддий эътибор берилмаяпти. Вилоятда муомаладаги ҳар 3 сўмдан 1 сўми банкка қайтиб келмаяпти. Ўтган 11 ой мобайнида пул эмиссияси 64 фоиздан ошиб кетди. Бу рақам Қоровулбозор туманида салкам 92, Олот туманида 81, Шофиркон туманида 77 фоизни ташкил этади.

Мен вилоят раҳбарлари ва тегишли фаоллардан бир нарсани сўрамоқчиман: қани, айтинларчи, қўлида пули бор одам қаёққа бориб савдосини қилади, қаерда ўз юмушларини битиради?

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўпчилик ишлар хўжакўрсин қабилида бўлса, дўконларнинг пештахталари бўм-бўш, савдо ташкилоти номи ва мулкчилик шаклининг ўзгаргани билан, иш эскича услубда ташкил этилаётган бўлса, умуман, одамларнинг, харидорларнинг эҳтиёжи ва дардидан узоқ бўлса, бечора одамлар кимга борсин, кимга доду фарёдини айтсин?!

Солиқ хизмати ходимлари томонидан шу йилнинг 10 ойи мобайнида ўтказилган 1100 текширувдан 850 тасида касса аппаратларини ишлатишдаги жиддий камчиликлар аниқланган, 780 киши маъмурий жавобгарликка тортилган.

Солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ҳоллари тобора кўпаймоқда. Айти пайтда текширилган 5276 корхона, ташкилот ва фирмадан 3451 тасида турли қонунбузарликлар рўй берганлиги аниқланди. Натижада 167 миллион сўм қўшимча солиқ ундириб олинди.

Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш жон бошига 760 сўмни ташкил этади, холос. Бу кўрсаткич Когон туманида 62,8, Шофирконда 173, Жондорда 180, Вобкентда 248, Олотда 200 сўмни ташкил этади.

Вилоятдаги 1531 қишлоқда атиги 21 та маиший техникани таъмирлаш, 9 та соатсозлик устахонаси, 63 та суратхона, 92 та телевизор ва радио тузатиш устахонаси, 7 та кимёвий тозалаш пункти мавжуд холос.

1531 кишлоқда бор-йўғи 135 та ҳаммом бўлиб, шундан 97 таси умуман ишламайди. Текширув пайтида Вобкент туманидаги 19 та ҳаммомнинг биронтаси ҳам ишламаётганлиги аниқланди.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси анча паст. 397 фельдшерлик-акушерлик пунктларининг 313 таси нобоп биноларда жойлаштирилган. Уларнинг 25 фоизи очик сув ҳавзаларидан, қолганлари эса қудуқлардан фойдаланади.

Ичимлик суви сифати ёмонлиги аҳоли соғлигининг кескин ёмонлашишига, юқумли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. 15-17 ёшли мактаб ўқувчилари тиббиёт кўригидан ўтказилганда уларнинг 20 фоизидан ортиғи турли касалликлар билан оғриганлиги аён бўлди. Маҳаллий ҳокимият органлари бунга жиддий эътибор бермаяпти. Қишлоқларнинг 23 фоизигина водопровод билан таъминланган. Айниқса, Олот, Қорақўл, Когон, ўйждувон, Вобкент туманларида бу аҳвол янада аянчли.

Хурматли дўстлар!

Бухоронинг халқимиз, миллатимиз маънавиятида тутган ўрни ҳақида гапиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу қадим ва буюк маскан юксак маданият ва маънавият маркази бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоғи керак.

Биз ўтмишимизни муносиб қадрлаган, улуғ аждодларимиз кадрларимизни ўз ўрнига қўйган ва келажагимизни аниқ кўра олган, тинимсиз ҳалол меҳнат қилган ҳолда, тараққиёт, истиқбол сари юришимиз мумкин.

Инсон онги ва тафаккури билан боғлиқ, унинг маънавий ва маърифий даражасини белгилайдиган омиллар ҳисобга олинмас экан, ислохотлар асло самара бермайди.

Бухоро вилоятида бугунги кунда бир университет, икки институт, 14 та ўрта-маҳсус билим юрти мавжуд. Уларда 10 мингга яқин йигит-қиз таълим олмоқда. Халқаро юксак талабларга мос келадиган, ҳар томонлама билимли, меҳнатга ижодий ёндошадиган кадрларни тайёрлаш учун барча имкониятлар бор. Лекин бундай имкониятлардан тўла фойдаланиш, ўқув масканларини ҳақиқий маънавий тарғибот ўчоғи - марказига айлантириш раҳбарларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Талабалар ўртасида сўров ўтказилганда айрим профессор-ўқитувчиларнинг таъмагирликлари, уларнинг педагогик ва илмий савияси пастлиги маълум бўлди.

Бундай вазият ҳар томонлама баркамол авлодни ўстириш мақсадида қилаётган эзгу ишларимизга қандай путур етказишни ким тушунади?

Вилоятда мавжуд умумтаълим мактабларининг 32 фоизидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган, 55 та мактаб авария ҳолатида. Янги, замонавий мактаблар қуриш кескин камайган.

Мактабларнинг асосий қисми газлаштирилмаган, ичимлик суви билан таъминланмаган, баъзи мактабларда спорт заллари нари турсин, ҳатто спорт майдончалари ташкил этилмаган. Мактаб ошхоналари ночор аҳволда.

Айрим мактаблардаги кутубхоналар, кўرғазмалар ташвиқот воситалари эски замонни эслатиб турибди. Бу бевосита бизнинг миллий истиқлол мафкурамизга зид бўлиб, фарзандларимиз дунёқарашининг шаклланишига катта зарар етказмоқда.

Жондор туманидаги 3-мактаб деворида ҳозиргача Михаил Калининнинг "Рус тили - буюк Ленин тили" деган гаплари шиор қилиб осиб қўйилганини қандай тушуниш мумкин?

Шу тумандаги 4-мактаб кутубхонасида Ленин ҳақидаги китоблар авайлаб-асраб сақланаётгани ҳолда, Ўзбекис-тоннинг янги ҳаёти ҳақидаги, бугунги замон ва истиқболимизга тегишли адабиётлар умуман йўқ. Айрим бинолар пештоқида "Октябрга шон-шарафлар!" деган шиорлар ҳамон ярқираб турибди!

Шу дунёқараш билан, шундай тафаккур тарзи билан биз узоққа бора оламизми? Зиё масканида, илм ва маърифат ўчоғида ҳаёт шу тарзда бўлса, бошқа жойларни қандай тасаввур қилиш мумкин?

Ўқитувчи кадрларга бўлган муносабат яхши эмас. Жорий йилнинг шу давригача 220 нафар ўқитувчининг шахсий уй-жой қуриш ҳақидаги аризаси қондирилмаган.

Азиз дўстлар!

Мактабларнинг ҳолати, халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш юзасидан нуфузли йиғилишларда кўп марта гапирилди. Аммо Бухоро вилоятида шу муҳим талабга бефарқ қаралмоқда. Вилоятда зарур техник воситалар ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган намунали мактаблар жуда оз.

Бу соҳага мутасадди ва масъул ходимларга талаб қўйиш, зарур бўлса, жавобгарликка тортиш вақти келмадими?

Маданият бизнинг умумий тафаккуримизнинг, миллий қадриятларимизнинг асосидир. Бунда клублардан фойдаланиш, улар хизмати самарадорлигини ошириш, уларни ҳаётда ҳақиқий маданият ўчоғига айлантириш каби масалалар раҳбар ва мутасадди фаолларимизнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Соқлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб улқайтириш учун шароит яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бинобарин, бунга монелик қиладиган, уни тан олмайдиган кишилар билан асло муроса қилолмаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласини қайтадан кўриб чиқиш керак. Гарчи мамлакат миқёсида фаолият кўрсатаётган футбол жамоаси учун бирмунча шароит яратилган бўлса-да, жойларда аҳвол анча оғир. Қишлоқлардаги стадионлар яроғсиз аҳволга келиб қолган, етарли спорт анжомлари билан таъминланмаган. Тренер кадрлар етишмайди.

Дўстлар!

Бухоро - қадимий ва мўътабар шаҳар. У - бутун инсоният маданияти ва тарихида улкан ўрин тутувчи муқаддас маскан. Дунёда миллион-миллион кишилар Бухорони зиёрат қилиш, уни тавоф этиш орзуси билан яшамокда. Бош-қача айтганда, Бухоро халқаро туризм учун жозибали манзиллардан биридир. Бироқ ана шундай катта имкониятдан унумли фойдаланилмаяпти.

Ўолбуки, туризмни ривожлантириш хорижий сармояларни жалб этишнинг муҳим ва самарали воситасидир. Биз Бухорода улуғ аждодларимиздан қолган беқиёс меросни дунёга намоён этиш билан бирга, бу борада муайян фойда топиш хусусида ҳам жиддий бош қотиришимиз зарур.

Афсуски, бу соҳадаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Айни пайт-да шаҳарда 1843 ўринга эга бўлган 6 та меҳмонхона ишлаб турибди. Шундан 2 таси халқаро андозаларга жавоб беради. Бироқ ана шу имкониятнинг атиги 8 фоиздан фойдаланилмоқда, холос. Бу нима деган гап?!

Туризм билан шуғулланаётган мутасаддилар сайёҳлар сонининг бирмунча кўпайгани билан ўзларини овутиб юрибдилар. Ваҳоланки, бу соҳада кескин ўзгариш яшаш, туб ислохотларни амалга ошириш вақти аллақачон келган! Соҳа раҳбарлари нимани кутишмаяпти?

Ҳурматли халқ ноиблари!

Қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғинидир.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жинойтчиликка қарши курашни кучайтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

Амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида жинойтлар сони жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 1995 йилнинг шу даврига қараганда 4,5 фоиз камайган. Бироқ бу етарли эмас.

Жазо ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларни иш ва турар-жой билан таъминлаш, уларни ҳаётга қайта кўниктириш ишлари етарли ташкил қилинмаган. Бу ўринда ҳокимлар қошидаги кузатув комиссияларининг ишлари уларнинг қонуний ваколатларидан тўлиқ фойдаланмаётганлигини кўрсатди. Шу боисдан жазо муддатини

ўтаб қайтган шахслар томонидан жиноят қилиш ҳолатлари шу йилнинг ўтган даврида анча ошган.

Вояга етмаганлар содир этган жиноятлар 130 тадан 134 тага қадар кўпайган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жиноятга қўл урган ўсмирларнинг деярли ярмини ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлар ташкил қилади.

Бир нарсага ҳайрон бўлади одам: бундай ҳолда юрган болаларнинг ота-онаси борми ўзи ёки йўқми? Уларнинг жамоа олдидаги масъулияти ва жавобгарлиги қандай? Умуман, жамоатчилигимизнинг бундай ўта муҳим масалаларга ёндошиши қандай?

Профилактик ишларнинг етарли эмаслигидан вилоятда спиртли ичимлик ичиб жиноят содир қилиш ҳолатлари кескин ўсган.

Айни вақтда вилоятда зўрлаб номусга тегиш 1995 йилнинг 10 ойига қараганда 24,3 фоиз, безорилик 5 фоиз кўпайганлиги қайд этилган.

Охириги вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ниқобланган оғир жиноятларни фош этиш борасидаги фаолиятида бирмунча самарадорликка эришилди. Порахўрлик, товламачилик, қонунсиз равишда қурол-аслаҳа, гиёҳвандлик моддаларини сақлаш жиноятларини очиш кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди.

Бухоро вилоятидаги судлов идораларида чиқарилган ҳукм ва ҳал қилув қарорлари бирмунча барқарорлашганлиги билан бир вақтда судларда жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда асоссиз ва қонунсиз судлов ҳужжатларининг қабул қилинишига чек қўйилмаган.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишидаги муаммолардан бири кадрларни танлаш ва тайинлаш масаласидир. Фақатгина 1996 йилнинг ўзида вилоятда 3 милиция ходими ва бир нафар судьянинг пора олганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу соҳадаги ишлар жиддий нуқсонлардан холи эмаслигини кўрсатади.

Биз биринчи галда инсонни қонун билан муҳофаза қилишимиз, унинг яшаш ҳуқуқини қафолатлашимиз ва имкониятларини кенгайттирмоғимиз керак. Қонун устувор бўлган жойда адолат барқарор бўлади. Қонун мустаҳкам бўлган жойда ҳаётимизда аниқ тартиб-интизом, турмушимизда ҳаловат мустаҳкамланади.

Азиз дўстлар!

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласида ҳам аччиқ, танқидий гапларни айтишга тўғри келади. Ўрта бўғин раҳбарларини аттестациядан ўтказиш яқунлари уларнинг асосий кўпчилиги эскича ишлаётганини, янги замон моҳиятини етарли даражада тушуниб ололмаганлигини кўрсатмоқда. Вазифаларни ҳал этишда, муҳим муаммоларни бартараф қилишда ижодий ёндашиш, ўзига хос иш услубини қидириш хусусиятлари етишмайди.

Туманларнинг ҳокимлари асосан пахта ва дон етиштириш билан шуғулланишади, холос. Ваҳоланки, улар ўз туманларидаги ҳар бир кишининг ташвишига шерик бўлишлари, ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари учун масъул ва жавобгар эканликларини чуқур тушунмоқлари даркор.

Шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари ҳам асосан кундалик ишлар билан ўралашиб қолиб, ўзлари масъул бўлган соҳалар билан шуғулланишга вақт топа олмаётдилар. Вилоят ҳокимининг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ марказини ташкил этиш бўйича қарори Ромитон тумани ҳокимлигига ҳалигача етиб келмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Кадрларни ўрганиш мақсадида ўтказилган аттестация ва суҳбатдан 290 нафар ўрта бўғин кадр, жамоа ва уюшмалар раисларидан 105 нафари шартли равишда ўтказилган, 24 нафари эса ўз лавозимига нолойиқ деб топилган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Уларнинг 73 фоизи олий маълумотга эга эмас.

Кадрларнинг кўпчилиги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Ўз ҳудудларида фаол иш юритишга етарли даражадаги тажриба ва кўникмалари йўқ.

Аввал айтиб ўтилганидек, айрим жойларда "ривожланган социализм" даврининг шиорлари ҳамон ўз кучида турибди. Бу маҳаллий давлат органларининг мафкура соҳасида олиб бораётган ишларини етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар моҳияти очиб берилмаяпти. Ўкуватимизнинг туб иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш борасида ишлаб чиқаётган чора ва тадбирлари аҳолига етказилмаяпти. Шу иш билан шуғулланувчи кадрларнинг ўзи, аслини олганда, махсус тайёргарликка муҳтож. Уларнинг ўқувини ташкил этишга, миллий истиқлол маънавиятини ҳар бир фуқаронинг қалби ва онгига етказишга жиддий эътибор берилмаяпти. Маҳаллий зиёлилар фаолиятдан ва имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Бухоро вилоятида йўл қўйилган нуқсонларнинг сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий. Бунга лўнда қилиб, битта жавоб бериш мумкин: асосий камчилик кадрлар масаласи тўғри ҳал этилмаганида.

Янада очикроқ айтадиган бўлсак, Бухоро вилоятида серандишаллик ва мулоимлик сиёсат даражасига кўтарилганлиги, талабчанлик, зарур ҳолларда қаттиққўллик йўқлигидир.

Албатта, андиша, муросаю мадора ҳам керак, кадр-қимматни жойига қўйиш ҳам керак. Булар барчаси ота-бобомиздан қолган удум. Аммо соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганларидек, "...Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир".

Бухоро вилоятида шундай аҳвол вужудга келдики, вилоят раҳбарлари ҳам, туман раҳбарлари ҳам бир-бирига қараб туради, камчиликни гапирмайди, орани бузгиси келмайди, зиммасига юкланган ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Бошлаган режаларни охиригача етказмайди, ишга чан-қаб турган одамларни атрофида жипслаштириб, барчани эзгу ишларга, қолиб кетаётган долзарб муаммоларга жалб этмайди.

Бухоро вилоятининг шундай катта потенциал билан оқсаб қолгани уларни ташвишга солмайди. Шундай катта имкониятларни ишга солиш уларнинг хаёлига ҳам келмайди.

Баъзи жамоалар, корхоналар раҳбарларининг юриш-туришини, кийинишини, савлату салобатини, юзидан ёқ томиб турганини кўриб, хўжалик ишлари ҳам, даромади ва одамларининг ҳаёти ҳам худди шундай бўлса керак, деган хаёлга борасан. Минг афсуски, кўп жойларда аҳвол мутлақо тескари бўлиб чиқади. Хўжаликда даромаддан дарак ҳам йўқ, қарз устига қарз, одамлари хароб аҳволда яшаётганига гувоҳ бўламиз. Халқимизнинг иборасини ишлатганда, бундай раҳбарларни сирти ялтироқ, ичи қалтироқ десак, хато бўлмайди.

Раҳбарнинг ўзи куйиб-ёниб ишлаётганини кўриб жамоа ҳам унга эргашади, ҳақиқатдан ҳам жамоа бўлиб, ўзаро ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлай бошлайди.

Ҳар қайси ҳокимнинг энг муҳим бурчи - бундай раҳбарлардан чўчимасдан, рашк қилмасдан, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кўмаклашиш, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилишдир.

Афсуски, кўп район ва вилоят раҳбарлари бундай кишиларни кўра олмайди, ёрдам бериш ўрнига йўлига тўсиқ бўлади. Бундай эскилик сарқитидан жудо бўлишимиз даркор.

Яна бир қусур - яхши маънодаги мусобақа кайфияти, Ғурурнинг йўқлиги. Самарқанд билан Бухоронинг ораси унчалик узоқ эмас. Самарқанд кўчаларини, қурилаётган иншоотларни, уйларни таъмирлаш ва ободончилик ишларини Бухоро вилояти раҳбарлари ҳам бориб кўрган. Очик айтишимиз керак, Самарқанд манзараларининг файзи бошқача, Афсуски, Бухорода бу аҳволни кўрмайсиз.

Албатта, мен Самарқанддан нусха кўчиринглар, Тошкентдан нусха кўчиринглар деб ташвиқот қилмоқчи эмасман. Бухоронинг ўз йўли, ўз услуби, қўли гул усталари бор.

Шуларнинг бошини бирлаштириб, ободончиликка, бунёдкорликка сафарбар этадиган фидойи одамнинг ўзи йўқ.

Аччиқ бўлса ҳам айтишим керак: Бухоро вилоятида замонавий бозор иқтисодиёти шунчаки номига бор, холос. Раҳбар кадрлар умумий гаплардан нарига ўтмаяпти. Энг ёмони - шундай ташкилотлар ҳам борки, уларнинг шакли ўзгаргани билан мазмуни, моҳияти мутлақо ўзгармаган. Илғор тажрибани ўрганиш, шу асосда ташаббус билан чиқиш йўлга қўйилмаган.

Бугунги кун ўтса бас - эртага худо пошшо, деб қачонгача юрамиз?

Бухоро вилоятида ҳам узоқ муддатга мўлжалланган дас-тур, режалар борми ўзи? Ёки эски замондагидек ҳазил-мутойиба, латифабозлик қилиб, ясама қувноқлик билан яшайверамизми?

Андишанинг ҳам жойи бор. Улфатчиликнинг ҳам жойи бор. Талабчанлик бўлмаса, қатъият бўлмаса, бу ҳолда вилоятнинг келажаги нима бўлади?

Бугун раҳбар киши осойишта ўтирадиган замон эмас. Вилоятнинг айрим туманларида аҳоли сони жуда тез ўсиб кетяпти. Камол топаётган авлодни иш билан таъминлаш, уларнинг келажагини ўйлаш керакми ёки йўқми? Бу аҳволда одамларнинг раҳбариятга ишончи қолмайди-ку!

Яна бир эски аломат, қусур ҳақида сўзламоқчиман. Эски шўролар замонидан қолган бир сарқит борки, баъзи бир мансабпарастлар ўз қариндошлари ва шерикларини мансабга ўтказиш учун ўзаро бирлашиб, ўзаро кўмак уюштириб, вилоятда олиб борилаётган ички сиёсатга таъсир ўтказишга уринадилар.

Буларни гуруҳ эмас, қабила деб атасак тўғри бўлади. Бухорода ҳам шундай қабила бор. Эски замонда катта ишларда ишлаганлар, собиқ райком секретарлари, пул тўплашга ружу қўйган эски савдо дохийлари, маъмурий ташкилотларда ишлаган ва, умуман, зўравонликка ўрганиб қолган кимсалар отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмасдан, вилоят, туман ҳокимларига тазйиқ ва таъсир ўтказмоқчи бўладилар.

Улар ўз яқинларини мақтаб, мансаб пиллапоясига эмаклаб чиқишлари учун муҳит яратадилар. Энг ёмони - ўзларига маъқул келмаган одамларнинг белини синдириш учун пинҳона ҳар хил бўҳтон-уйдирма гапларни тарқатадилар. Айрим ҳолларда ўз ниятларига эришадилар ҳам.

Мен бу гапни Наманган вилоятида ҳам айтган эдим. Бугун яна такрорлаб айтаман. Бунақа кимсаларга нисбатан бизнинг сиёсатимиз қуйидагича: кимки қачон ва қаерда ишлаган бўлмасин, қайси юксак лавозимда ва қанча кўп йил ишлаган бўлмасин, қандай ишларни, шу жумладан, номаълум ишларни қилган бўлмасин, уларнинг кетидан қувиш, эски гуноҳларини кавлаш, уларга "компрогат" йиғиш, уларнинг ҳаётини бузиш, болачақасига, қариндош-уруғига тазйиқ ўтказиш бизнинг мақсадимизга, сиёсатимизга мутлақо зид.

Улар ўз ҳолини билиб, қилган гуноҳлари учун Оллоҳга чин кўнгилдан тавба-тазарру қилиб ўтираверсин.

Биз мафкуравий сиёсатбозликдан батамом воз кечганмиз. Ким-кимнинг авлоди бўлишидан қатъи назар, авваламбор, унинг ишга муносабати ва меҳнатга ташналиги, қобилияти ва ташкилотчилиги, одамгарчилиги ва бугунги кун талабларига жавоб бериши, керак бўлса, юртга, жамоага қилган хизматига қараб баҳо берилади. Республика даражасида ҳам, вилоят, туман даражасида ҳам, хўжалик ва қишлоқ даражасида ҳам ана шу нарса асосий мезон бўлиши керак.

Бугун замон ўзгарди. Эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сиёсатимизга мутлақо тўғри келмайди. Яъни лаганбардор, хушомадгўй, ҳар қандай топшириққа ҳам ўйламасдан "лаббай!" деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёсат қилиб олувчиларга энди орамизда ўрин йўқ.

Икки қўлини кўксига қўйиб таъзим бажо этувчи "мулозим"ларнинг замони ўтди. Бугун уларни Президент эмас, замон қабул қилмайди. Яна такрорлаб айтаман: замон уларни қабул қила олмайди.

Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёкараши кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлганлар, энг муҳими, жамоат манфаатларини ўзининг шахсий манфаатидан устун кўядиганлар, қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди.

Қани энди шундай мардлар юртимизда кўп бўлса!

Санаб ўтилган фазилатларни мужассам этган йигит ва қизларни топиш, танлаш, ўз жойига қўйиш - бугунги кадрлар сиёсатининг негизи бўлмоғи даркор.

Хўш, бизнинг сиёсатимиз шундай экан, эскича фикрда Қимирлаб юрган одамларга савол беришимиз керак: нима қиласизлар гуруҳбозлик қилиб? Ўз одамини олға суриш, ҳар хил фитна, фиску фасод, соқлом муҳитни бузадиган гапларни кўтариб юришдан энди фойда йўқ. Энди бу гаплар кетмайди.

ҲАММа гап вилоятнинг ҳақиқий эгаларини, ҳақиқий юрт-парварларини топиш ва ўз жойига қўйишда.

Яхшининг қадрини халқ билади, халқнинг тақдирини мард билади, деган нақлнинг маъно-мазмунини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Менинг бир нарсага иймоним комил: юртимизда халқимизнинг дарду Қамини юрагидан ўтказиб, унинг кадрига етадиган фидойи раҳбарлар кам эмас.

Улар ўзларининг мардлиги, ақл-заковати, билими билан бугунги замон талабларини чуқур англаб, эл-юрт бахт-саодати, унинг истиқболи ва тараққиёти учун, халқимизга бошқош бўлиб, ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

Мени қувонтирган жойи шундаки, буларнинг орасида ёш, малакали, юртпарварлар сони кўпайиб бормоқда. Бир нарсага қаттиқ ишонаман: бундай раҳбарлар - етакчилар сафи қанча тез кўпайса, меҳнатқаш, қийинчиликларда тобланган халқимиз, жамиятимиз, ватанимизда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, шунча тез ўз мурод-мақсадига, фаровон ҳаётга етиб боради, иншооллох.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бухоронинг ўзига хос қиёфаси, ўзига хос шеvasи бор. Шу заминга қадам қўйганда одам ўзини бошқача сезади. Негаки, бу заминда яшайдиган инсонларнинг чеҳраси очиқ, юзида доимо табассум. Бухоро қариялари ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Уларнинг озодалиги, мўмин-мусулмонлиги, нурунийлиги барчамизга ибрат бўлади. Агар маҳаллий нурунийларнинг, оксоқолларнинг умумлашган сиймосини изласангиз, уни Бухорои шарифдан топасиз.

Бухоронинг аскиясидек нозик ва чуқур маъноли аския дунёда топилмайди. Насриддин Афанди бошқа жойда эмас, айна Бухорои шарифда туғилгани бежиз эмас.

Бухоронинг меҳмондўст, ширинсўз, Қайратли ва шижоатли одамларини кўриб, вилоят раҳбарларидан сўрагинг келади: шундай одамлар билан олдинги сафларда бўлмаслик гуноҳ эмасми?

Мен аниқ ишонаманки, Бухоро аҳли ўзининг асл шуҳратини тиклайди ва мамлакатга ибрат бўлгулик эзгу ишларни амалга оширади.

Мухтарам жамоа!

Келгуси йилда Бухорои шариф ўзининг 2500 йиллигини нишонлайди. Ўзбекистон давлатининг бевосита ҳомийлигида ва ЮНЕСКОнинг иштирокида ўтказиладиган бу тантаналарда дунёнинг энг йирик олимлари, маданият, санъат, сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этадилар. Биз яна бир бор қадимий маданиятимизни, кўп асрлик тарихимизни дунёга намоён қиламиз, кўз-кўз қиламиз. Бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бироқ, дўстлар, биз ўз аждодларимиз ва жуда катта тарихимиз билан қанчалик фахрлансак, бу фахр туйғуси ҳар биримизнинг зиммамизга шунчалик оғир масъулият ҳам юклайди. Ўтмишимиз қандай буюк ва улуг бўлмасин, бизнинг бугун яшаётган ва меҳнат қилаётган авлоднинг энг муҳим бурчи олдимизда турган долзарб масала ва муаммоларни ечиш, халқимизнинг эртанги ёруғ, бошқалар ҳавас қиладиган ҳаётига замин барпо этишдир.

Вилоят аҳлига ана шу йўлда катта сабот, соғлиқ, омонлик, бахту саодат тилайман.

Халқ депутатлари
Бухоро вилояти
сессиясида сўзланган нутқ,
1996 йил 14 декабрь

ҚОНУНЛАРИМИЗ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Республика Олий Мажлисининг 1996 йил 26 декабрда бўлиб ўтган еттинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама этилди. Мунозаралар ниҳоясида Президент Ислон Каримов сўз олиб, қонуннинг давлатимиз ҳаётидаги ўрни хусусида батафсил тўхталди.

Сессия кун тартибига қўйилган мазкур масаланинг ниҳоятда муҳимлигини таъкидламоқчи эдим, деди давлатимиз раҳбари. Бу ҳозиргина муҳокама қилганимиз келгуси йил бюджетни билан чамбарчас боғлиқдир. Бюджет муҳокамасида сўзга чиққан депутатлар халқимизнинг эртанги кунини ўйлаб, унинг ёруғ бўлиши нуқтаи назаридан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Зеро, бюджет эртанги кунимизнинг ҳаётий масаласи бўлиб, аҳолининг ҳар бир тоифаси, табақаси, шаҳару қишлоқларда истиқомат қилаётган халқимизнинг тақдирига бевосита таъсир этади. Шу маънода, билдирилган фикр-мулоҳазалар яна бир бор кўриб чиқилиб, сессиянинг қабул қилинажак қарорида ўз ифодасини топади.

Ана шу бюджетни бажариш, унда белгиланган кўрсаткичларга эришиш халқимизнинг меҳнати эвазига амалга ошади. Бу бунёдкорлик меҳнати учун тинч шарт-шароит яратиб бериш эса давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу маънода, эртанги тақдиримиз қандай кечади, эзгу ниятларимизга қандай йўллар билан етамиз - бу, бир томондан, мамлакатимизнинг ташқи сиёсат майдонидаги фаолиятига ҳам боғлиқдир. "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти ҳам шунга қаратилган. Чунки бизнинг танлаган йўлимиз тўғрилигини, мақсадларимиз эзгулигини ҳаёт тасдиқлади. Эндиги вазифа ана шу халқ маъқуллаган ислохотлар йўлидан изчил боришдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, барпо этаётган ҳаётимиз фақат ўзимизга боғлиқ десак, унча тўғри бўлмайди. Ички муаммоларимизни ўзимиз еча оламиз, бунга шубҳа йўқ, деди Ислон Каримов. Лекин мамлакатнинг раванқ топиши учун унинг атрофида ҳам тинчлик бўлиши, ҳар хил ташқи ёвуз кучлар тараққиёт йўлига тўсиқ қўймаслиги керак.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, биз мураккаб ҳудудда яшайпмиз. Сиз, депутатлар, халқ ваколатини олган ишончли вакилларсиз, унинг кайфиятини сизнинг юзингизда ойнадек кўриш мумкин. Демокриманки, атрофимизда рўй бераётган воқеаларнинг хавотирли жиҳатини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Бу вазиятни тушуниш, унинг нечоғлиқ хавфли эканини англаш учун қуйидаги уч масалага тўхталиш зарур, деб ўйлайман.

Биринчидан, бугун XXI аср бўсағасида ҳеч ким - на бирон давлат, на бирон раҳбар урушни тарғиб этмайди. Ким билан гаплашманг, ҳамма тинчлик тарафдори эканини таъкидлайди. Шундай экан, ҳақли бир савол туғилади: унда нега дунёнинг турли минтақаларида урушлар бўляпти, беғуноҳ одамларнинг қони тўкиляпти?

Демак, шундай урушларнинг пинҳоний тарафдорлари, улардан манфаатдор кучлар бор. Қолаверса, мафкура одамларнинг бошини айлантиради. Мисол учун қўшни давлат - Афғонистонни олайлик. Бу ерда 18 йилдан буён қирғинбарот уруш тўхтамаяпти. Қанча одам қурбон бўлди, қанча уй-жойлар вайронага айланди. Агар ҳозир афғон халқидан сўрасангиз, ҳеч ким мен урушни хоҳлайман, демайди. Лекин уруш тўхтамайди. Боя айтганимдек, бундан манфаатдор ташқи кучлар бор.

Биз қабул қилаётган қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унга кўра Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларга, мафкуралашган гуруҳларга қўшилмайди, дея таъкидлади Президент. Акс ҳолда, нисбатан кичик мамлакатлар катта давлатларнинг хоҳишини бажарадиган ҳолатга тушиб қолади. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Аслида, Афғонистондаги уруш нимадан бошланган эди? Бунга ўша даврдаги совет мафкуриси сабабчи бўлди. Оқибатда бизнинг йигитларимиз ҳам бу урушга қўшилиб, қўшни мамлакат заминига қадам босди, гуноҳсиз гуноҳкорга айланди. Бу биз учун сабоқ бўлиши керак.

Ҳозир ҳам НАТОнинг Шарққа қараб кенгайишига жавобан МДХ ҳудудида унга қарши ҳарбий блок тузайлик, деган даъватлар янграяпти. Биз охирини ўйламай, бу чақириқларга қўшилиб кетсак, нима бўлади? Кечаги кунимиз яна бошимизга тушади.

Иккинчидан, эски замонни қўмсаётган айрим аламзада кимсалар, шовинистик кайфиятларидан халос бўлолмаётган баъзи раҳбарлар МДХни конфедерацияга айлантириш керак, дейишмоқда. Конфедерация - мустақил давлатлар қисман ҳақ-ҳуқуқларидан воз кечиши, бошқача айтганда, ўз мустақиллигининг бир қисмини бировга бериши ҳисобига тузилиши мумкин. У ҳолда давлатлараро тузилмалар барпо этилиб, улар орқали катта давлатлар бошқаларга тазйиқ ўтказа бошлайди. Демак, биз бу хавфни доим назарда тутишимиз, ана шундай мафкуралашган гуруҳларга қўшилиб кетмаслигимиз керак. Чунки кейин бундай қўшилишнинг оқибатидан қутулиш қийин, тўғрироғи, кеч бўлади.

Учинчидан, биз тараққиёт йўлимизнинг бошидаёқ таш-қи сиёсатдаги ўз йўналишларимизни аниқ белгилаганмиз. Ҳар қандай давлат билан - у узоқми, яқинми - тенг манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Блокларга, гуруҳларга қўшилиш эса бизнинг бу борадаги имкониятларимизни чеклаб қўяди. Масалан, фалон давлат, дейлик, Корея билан ҳамкорлик қилаверайликми, деб кимдандир сўрашга мажбур бўламиз. Бу мустақил давлат учун мақбул эмас, албатта. Қонуннинг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири ҳам айни шундадир.

Биз ички сиёсатимиз ҳақида, умуман, мамлакатимиз ҳаёти тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин ташқи сиёсатимизни матбуот орқали одамларга тушунтириб бериш ишлари суст бормоқда. Биз турли можаро ва "савдо"ларга дуч бўлиб қолмаслигимиз учун атрофга зийраклик билан назар ташлашимиз, одамларда теран дунёқарашни шакллантиришимиз керак. Нотинч дунёда яшаётганимизни, унда турли "ўйин"лар кўплигини унутмаслик лозим. Токи, Афғонистон ва Тожикистонда тинчлик қарор топмас экан, биз ўзимизни хавфдан холи деб ҳисоблай олмаймиз. Ватанимиз манфаати ташқи сиёсатда ҳам, ички сиёсатда ҳам узоқни - 10-15 йилни олдиндан кўриб, сезгирлик билан фаолият юритишни тақозо этади, дея таъкидлади Президент.

Бугун 1996 йилга якун ясаб, мустақиллик йилларида нималарга эришганимизни сарҳисоб қиляпмиз. Келгуси йил режаларини белгилаяпмиз. Фараз қилинг: 5-10 йилдан кейин Ўзбекистон қандай бўлади? Биз қийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод қандай баҳо беради, лойиҳаларимиз, дастурларимиз, ишларимизни тарозига солиб кўриб нима дейди? Ҳар биримиз ана шу саволларни дилга тугиб, меҳнат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз. Муҳими, бизга биров халақит бермаса, бас. Асакадаги автомобиль, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводлари каби йирик корхоналар тимсолида ана шу кунларга замин ясаяпмиз. Мен сизларни бир нарсага даъват қилмоқчиман: биз ўз тақдирини қўлига олган, порлоқ келажагини бунёд этаётган битта, яқдил халқ эканимизни ҳеч қачон унутмайлик. Аллоҳ насиб этса, бугунгидан ҳам ёруғ кунларга, албатта, эришамиз, деди Ислом Каримов пировардида.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР - ЖАМИЯТИМИЗ ЯНГИЛАНИШИ АСОСИ

Муҳтарам дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан навбатдаги учрашувимизга йиғилганимиздан жуда хурсандман.

Кези келгандан фойдаланиб, Ўзбекистонга янгидан тайинланган элчилар: Япония элчиси жаноб Коичи Обата, Швейцария элчиси жаноб Пьер Хжановски, Малайзия элчиси жаноб Шарани Бин Иброҳим, Озарбойжон элчиси жаноб Ойдин Азимбеков, Чехия элчиси жаноб Лубош Добровски, Жазоир элчиси жаноб Риам Абдул Қодир, Польша элчиси жаноб Богуслав Качинскини шарафли лавозимда иш бошлагани билан яна бир бор самимий табриклайман.

Уларга ва ҳаммангизга мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган олижаноб ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Учрашувимиз 1996 йилнинг сўнги кунларида ўтмоқда. Кўп мамлакатларда халқ рождество байрамини нишонламоқда ва мен ҳам зўр мамнуният билан сизларни кириб келаётган янги йил билан табриклайман.

Одатда янги йил бўсағасида бир йил давомида қилинган ишларга яқун ясалади, амалга оширилган ишларга баҳо берилади, келгуси вазифалар белгилаб олинади.

Шу анъанага амал қилиб, бугун биз - Ўзбекистон ҳукумати, республикамиз халқи турмушининг барча соҳаларини - сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётни ўзгартириш, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида кўзланган режаларни амалга оширишда нималарни уддалай олганимиз тўғрисида сизларни хабардор қилмоқчиман.

Аввало, сиёсий соҳада юз берган ўзгаришларни таъкидламоқчиман. Демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг асоси, негизидир.

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир энг муҳим вазифалар, асосий йўналишлар Олий Мажлиснинг шу йил августда бўлиб ўтган IV сессиясида аниқ белгилаб берилди.

Сиёсий тизим ривождаги қолоқлик ҳаётимизнинг барча соҳаларини жўшқин ривожлантиришга ва аввало, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, иқтисодий юксалишни таъминлашга Ғов бўлиши мумкинлигини аниқлаб олдик.

Сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг ички ва ташқи сиёсатимиз асосий йўналишларига мос келадиган энг муҳим устуворликлари ҳозирги босқичда қуйидагиларга қараб белгиланади:

Биринчидан, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг конституциявий асосларини амалга ошириш. Унинг қонунчилик асослари ва янги демократик ташкилотларини шакллантириш.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан воситаларини таъминлашга доир аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

Сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг учинчи йўналиши - матбуотни, оммавий ахборот воситаларини демократиялаш, шу муносабат билан республикада ижтимоий ҳаётнинг бу муҳим соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарадиган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бу устуворликлар вақтинчалик бўлмай, жамиятимизни изчиллик билан янгилаш стратегиясининг асосий моҳиятини акс эттиришини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўтган йилда бу соҳада қандай ишлар амалга оширилганига қисқача тўхталиб ўтаман.

Аввало, жамиятимиз кундалик ҳаётида халқ турмушининг тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига мос келадиган чинакам демократия қоидалари тобора кўпроқ қарор топаётганини айтиб ўтмоқчиман. Умумбашарий қадриятлар устуворлиги мустаҳкамланмоқда, янги демократик меъёрлар ҳаётимизга тобора яққол кириб келмоқда.

Инсон ва фуқаро тафаккури ҳамда дунёқараши ўзгармоқда, унинг сиёсий фаоллиги ошмоқда.

Давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар демократик тус олмақда. Давлатга қарашли бўлмаган тузил-маларнинг ваколатлари кенгаймоқда. Уларнинг ижти-мой муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни тобора салмоқли ва фаол бўлиб бормоқда.

Болали оилаларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида фармон қабул қилингандан сўнг ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, айниқса, болали оилаларга нафақа беришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла қўмиталарининг иштироки кенгаймоқда. Бунинг учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида махсус жамғармалар ташкил этилди. Бу жамғармалар маблағидан камхарж болали оилаларга нафақа тўланмоқда.

Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида пенсия жамғармаси тузиш тўғрисидаги қарор кеча имзоланди, бу эса пенсия ёшидаги кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ишларини янада собитқадамлик билан ўтказишга имкон беради.

Чинакам демократиянинг қонуний ва зарурий белгиси сифатида сиёсий тизимни тубдан янгилаш, чинакам кўппартиявийликни шакллантириш учун асос солинди.

Жорий йилнинг ўзида Олий Мажлис ҳуқуқий давлатни барпо этиш бўйича жами қирққа яқин қонун ҳужжатларини кўриб чиқди ва қабул қилди.

Олий Мажлиснинг ҳозир ўтаётган сессиясида кўриб чиқилган масалаларни (бу масалалар йигирмадан ортиқ) санаб чиқишнинг ўзи ҳеч қандай шарҳларсиз, биз бу муаммоларни шунчаки айтмаётганимиз ёки номига муҳокама қилмаётганимизни ишонарли тарзда кўрсатади.

Жамиятимизни сиёсий жиҳатдан янгилаш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда. Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида "Сиёсий партиялар тўғрисида", адвокатура ҳақидаги ва бошқа қонунларнинг қабул қилингани буни тасдиқлайди. "Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсмани) тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Журналистнинг касбига оид фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида" ва бошқа қонунлар лойиҳалари биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Республика қонунлари инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқлаштирилмоқда, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни таъминлайдиган ташкилий тузилмалар - Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Амалдаги қонунлар мониторинг институти тузилмоқда.

Республикада оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланадиган ижтимоий-сиёсий жамғарма самарали фаолиятини бошлаб юборди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ташаббуси ҳамда иштирокида шу йил 11-13 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар" мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Бу эса Марказий Осиё, Европа ва Америкадаги 21 мамлакат экспертларига, шунингдек, 29 халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар вакилларига Марказий ва Шарқий Европада омбудсмент институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар фаолиятини ривожлантириш, қонун чиқарувчи тизимларни такомиллаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни хусусидаги мулоқотда кенг иштирок этиш имконини берди.

Тошкентда ҳукуматга қарашли бўлмаган "Хьюман Райтс Вотч Хельсинки" ташкилотининг вакили иш бошлади. "Эмнисти интернейшнл" ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти билан фаол алоқа қилинмоқда.

ЕХХТ ташаббуси билан 4-5 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган "Оммавий ахборот воситалари - демократиялаш шароитида" мавзусидаги семинар матбуотни демократиялаш жараёнини тезлаштиришда катта ижобий омил бўлди.

Кези келганидан фойдаланиб, ЕХХТ, БМТ, БМТ Тараққийёт дастури, "Аденауэр" жамғармаси ҳамда жамиятимизнинг демократик асосларини шакллантиришда, сўнгги йилларда республикамиз теварагида сунъий равишда вужудга келган Ғаразли фикрларни ўзгартиришда фаол иштирок этаётган бошқа халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари ҳамда институтларга, шунингдек, хорижий давлатларнинг элчиларига самимий миннатдорлик сўзларини айтмоқчиман.

Нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида очик семинарлар ўтказиш бизга нисбатан қилинган уйдирмаларни ва сохта фикрларни улоқтириб ташлади.

Муҳим бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчиман - республикамизда сиёсий ислохотлар кимларгадир демократия тарафдори эканимизни исботлаб бериш, намоийш қилиш учун амалга оширилаётгани йўқ. Қандайдир обрў ортириш мақсадида қилинаётгани йўқ. Бу объектив заруратдир, жоиз бўлса, объектив қонуниятдир. Бу бизнинг чинакам манфаатларимизга мос келади.

Агар қисқа ва лўнда қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий натижалари куйидагилардир.

Биринчиси. Доимий иқтисодий барқарорликка эришилди. Ички ялпи маҳсулот биринчи марта ошди ва кутилган 99,8 фоиз ўрнига 101,6 фоизни ташкил қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш деярли 6 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,8 фоиз кўпайди. Асосий, етакчи тармоқлар - металлургия, кимё ва нефт кимёси саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати жадал суръатлар билан ривожланди. Давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизидан ошмади. Ташқи савдо обороти 8,3 миллиард доллардан ошиб кетди ва 1995 йилдаги даражадан деярли 40 фоиз кўпайди.

Иккинчиси. Етарли даражада кескин пул-кредит сиёсатини ўтказиш ҳисобига пул ҳажмининг ўсиш суръати 1995 йилдаги 2,6 баравардан бу йил 2 бараварга камайди. Пулнинг қадрсизланиш даражаси йиллик ўртача ҳисобда 2 баравар камайди. Бирок пулнинг қадрсизланиши ҳамон йилига 60 фоиз даражасида турганини тан олиш керак. Шу сабабли биз 1997 йилда пулнинг қадрсизланишини 26-29 фоизга камайтириш чораларини белгиладик.

Учинчиси. Иқтисодиётимиз тизимида, унинг етакчи соҳаларида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Ялпи ички маҳсулотда саноат ва хизматнинг улуши кўпайди. Ишлаб чиқариш қувватлари тез суръатлар билан янгиланмоқда, замонавий технологиялар жорий этилмоқда, саноатнинг экспорт базаси кенгаймоқда. Йил давомида саноат маҳсулотининг 150 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, натижада бу маҳсулотларни четдан келтиришни камайтириш ҳисобига деярли 70 миллион АҚШ доллари тежаб қолинди. Дон етиштириш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан кўпайди.

Тўртинчиси. Иқтисодиётга сармоя киритиш шароити анча яхшиланди, сармоя ҳажми ҳам кўпайди. Хорижий маблағ иштирокидаги сармояларнинг умумий ҳажми 1996 йилда 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

Иқтисодиётда ўзлаштирилаётган сармояларнинг умумий ҳажмида сармоянинг ички манбалари анча кўпайди. Жорий йилда жами 3,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилган бўлса, шунинг 1 миллиард долларга яқини хорижий сармоядир.

Шу ҳисобдан "ЎзДЭУавто", "Қобул - Тўйтепа - Текс-тайлз", "Ўзсаламан" каби кўшма корхоналар, Қарши шаҳридаги тўқимачилик мажмуи, бир қанча озиқ-овқат саноати иншоотлари ва бошқалар ишга туширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қизилқум фосфорит заводи, Қўнғирот сода заводи қурилиши давом этмоқда, кимё, машинасозлик саноати ва бошқа тармоқлар корхоналари қайта қурилмоқда.

Американинг "Кейс корпорейшн" ва "Камминз эншин Ко ИНК" компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини деярли 140 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалик техникасининг асосий турлари билан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бироқ иқтисодиётдаги вазиятга баҳо берар эканмиз, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган маррага чиқа олмаганимизни ҳам тан олишимиз керак. Юқорида таъкидлаганимдек, бу аввало пулнинг қадрсизланиши даражасига тааллуқлидир. Жорий йилдаги оғир кишлоқ хўжалик мавсуми яқунлари, биринчи навбатда пахтачилик соҳасидаги натижалар иқтисодиётни ривожлантириш даражасига салбий таъсир қилди.

Миллий валюта - сўмни эркин муомаладаги валютасига алмаштириш билан боғлиқ саволлар берилишини олдиндан сезиб қуйидагиларни айтмоқчиман. Республика валюта биржасида алмаштирилаётган хорижий валюта ҳажми йил сайин кўпаймоқда. 1995 йилда Валюта биржасида 1,3 миллиард АҚШ доллари сотилган бўлса (бу 1994 йилдагидан 14 баравар кўп), бу йил 3,3 миллиард АҚШ доллари сотилди. Бунинг устига биржадаги савдо асосан республиканинг ўзидаги валюта тушумлари ҳисобидан таъминланмоқда.

Ноябрь-декабрь ойларида конвертация учун сарфланадиган марказлаштирилган валюта ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш юзасидан қабул қилинган чоратadbирларнинг моҳияти валюта сиёсатимизга баъзи ўзгартишлар, валютани алмаштиришга доир йўналишларимизга тузатиш киритишдан иборат.

Ўзгаришлар муносабати билан вужудга келган муаммолар тўғрисида гапирганда, бу масалага зарур аниқлик киритишни хоҳлар эдим.

Биринчидан, Ўзбекистон халқаро валюта жамғармаси низомининг жорий пул алмаштириш тўғрисидаги 8-моддасини ҳали имзолагани йўқ ва бинобарин бу борада зиммасига ҳеч қандай мажбурият олган эмас.

Иккинчидан, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ва замонавий техника ҳамда технология етказиб бериш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, сифатли истеъмол маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган бирорта катта фирма, компания, ҳуқуқий шахс бундан ҳеч қандай зарар кўргани йўқ. Аксинча, тегишли кафолатларга эга битимлар бўйича валютани алмаштиришда ҳеч қандай муаммо йўқ. Бизда муддати ўтиб кетган тўловлар йўқ. Шерикларимиз олган дивидендлар ва фойда ўз вақтида алмаштириб берилмоқда.

Шуни таъкидламоқчиманки, собиқ Иттифоқ ҳудудида кимки Халқаро валюта жамғармаси низомининг 8-моддасини имзолашга тайёрлигини ёки имзолаганини айтадиган бўлса, бу ё шуҳратпарастлик, ёки бўлмаса халқаро жамоатчиликни чалғитишдир. Бундай гаплар ўз теварагида муайян сиёсий вазият ҳосил қилишга уринишдан бош-қа нарса эмас.

Учинчидан, дарҳақиқат, биз айна пайтда Ўзбекистон ўзининг олтин-валюта ресурслари ва захираларини асосан истеъмол моллари харид қилиш учун сарфланишига йўл қўя олмаслигини эътироф этамиз ва бунини очиқ айтаемиз.

Ҳа, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида биз ички истеъмолни бирмунча чеклашга мажбурмиз, Мен бу ҳақда кўп марта гапирганман ва яна бир бор такрорламоқчиман. Ҳозирги пайтда бизнинг асосий вазифамиз тузилмаларни қайта ташкил этиш, иқтисодиётда тузилмавий ислоҳотлар ўтказишдан иборат.

Биз марказлаштирилган валюта ресурсларининг асосий қисмини биринчи навбатда замонавий технологияларни сотиб олишга, ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналарнинг самарали фаолияти учун шарт-шароит яратишга сарфлашимиз шарт. Қисқаси, иқтисодиётимизнинг янги тизимини барпо этишга сарфлаймиз.

Иқтисодиётимизда, асосий ва етакчи тармоқларда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширибгина, биз маҳсулотларимиз экспорти кўпайишига, тўлов балансида ижобий қолдиқни таъминлашга ва шу йўл билан иқтисодий мустақиллигимизни кафолатлашга эриша оламиз.

Тўртинчидан, биз мавжуд олтин-валюта захираларини баъзи четдан келтирилаётган мутлақо сифатсиз маҳсулотлар учун ҳақ тўлашга сарфлашга ҳақимиз йўқ. Айрим виждонсиз фирмалар ва олибсотарлар бошқа бозорларда ўтмаётган сифатсиз маҳсулотни бизнинг бозоримизга келтиришларини хотиржамлик билан кузатиб тура олмаймиз.

Мен такрорламоқчи бўлган сўнгги гапим шуки, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ва мамлакатимизда узоқ муддатли бизнес билан шуғулланаётган бирорта фирма, бирорта компания ҳеч қандай зарар кўрмаган, зарар кўрмайди ҳам. 1997 йилда олдиндан тузилган барча битимлар бўйича хорижий сармояга эга ишлаб чиқариш корхоналарига бу йилгидан кўра кўпроқ миқдорда валюта алмаштирилишига кафолат берамиз.

Парламентнинг шу кунларда ўтаётган сессиясида 1997 йилги давлат бюджети кўрсаткичлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилаётганини ҳисобга олиб, сизларни қизиқтириши мумкин бўлган бир қанча масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Умуман бюджет 1997 йилда давлат ва жамият тараққиётининг энг муҳим устувор вазифалари ҳал этилишини, иқтисодий ислохотлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишини, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги вазифаларни амалга оширишни ва айниқса, ҳозирги босқичда жуда муҳим бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайдиган ҳажмда тузилган. Бюджет камомати ички ялпи маҳсулотнинг 3 фоизи даражасида бўлиши кўзда тутилган, бу эса давлатнинг молиявий аҳволи барқарорлигидан далолат беради.

Бюджетнинг ички мазмуни ҳамда уни шакллантиришга ёндашувлардаги ўзгаришлар ҳақида гапирадиган бўлсак, сизларнинг эътиборингизни қуйидагиларга қаратмоқчи эдим. Бюджетнинг даромад қисми тузилмаси ўзгарди - бевосита ва билвосита солиқлар улуши камайиб, ресурс тўловлари улуши ошди. Бунга қазилма бойлиқлар, ер солиқлари ҳамда сув учун тўловлар ставкасини ўртача 1,5 барабар оширган ҳолда даромад солиғи ставкасини 1 фоиз, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган қўшимча қиймат солиғини 17 фоиздан 10 фоизга камайитириш эвазига эришилди. Солиқ олинadиган базани кенгайтириш ҳамда солиқ йиғиш даражасини ошириш ҳисобидан бюджетнинг даромад қисмини кўпайитириш бўйича чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Умуман олганда, солиқдан олинadиган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этадики, бу 1995 ва 1996 йиллардагига қараганда 3 пункт камдир.

Бюджетнинг харажат қисмида ҳам жорий йилдагига нисбатан ўзгаришлар кўзда тутилган. Ижтимоий соҳани таъминлаш ва ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга кетadиган харажатлар улуши ошди. Бюджетдан ажратилadиган маблағнинг қарийб 47 фоизини шу мақсадларга йўналтириш мўлжалланмоқда. Сармоялар ҳамда халқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилadиган маблағ миқдори ҳам сезиларли даражада ошган. Бюджет ҳисобидан таъминланadиган сармоялар ҳажми 60 миллиард сўм ёки бюджетда кўзда тутилган барча харажатларнинг 19 фоизини ташкил этади. Айни пайтда шу йилнинг ўзидаёқ маъмурий-бошқарув ходимлари сонининг 20 фоиз қисқартирилгани ҳисобига бу мақсад учун ажратилadиган маблағ миқдори ҳам кескин камайитрилган.

Маҳаллий бюджетларни молиявий жиҳатдан таъминлаш ҳажми, шу билан бир қаторда уларнинг масъулияти ҳам сезиларли даражада ошади. Республиканинг 1997 йил учун мўлжалланган бюджетининг даромад қисмида маҳаллий бюджетлар улуши қарийб 54 фоизни ташкил этади. Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетининг харажат қисмидаги улуши ҳам тахминан шунча фоиздан иборат бўлади.

Бюджетимизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда мудофаа учун жуда кам харажат кўзда тутилган. Бюджет тузилмасида мудофаага мўлжалланган харажат 4,3 фоизни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 1,4 фоизини ташкил этади. Умуман олганда, барча маъмурий органлар харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоиздан ошмайди.

Маънавий соҳани оладиган бўлсак, яқунланаётган йил ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби Амир Темур юбилеи белгиси остида ўтди. ЮНЕСКОнинг бу санани бутун дунёда кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорини бизнинг қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасига берилган юксак баҳо, деб биламиз.

Йил бошида бу ташкилотнинг Париждаги қароргоҳида бошланган юбилей тадбирлари ўнлаб мамлакатда илмий анжуманлар, китобхонлар конференциялари, кўргазмалар, ҳамкорликда яратилган театр ва кино асарлари билан давом эттирилди.

Буюк давлат арбоби ва саркарда ватанида эса соҳибқиронга ҳайкаллар ўрнатилди, шунингдек ноёб Темурийлар даври тарихи музейи қурилди.

Мазкур юбилейни ўтказишда бу ерда ҳозир бўлган дипломатларнинг кўпчилиги жуда катта ёрдам кўрсатди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Халқимизнинг маънавий тараққиётига улкан аҳамият берган ҳолда биз 1997 йилни "Инсон манфаатлари йили" деб эълон қилдик ва кишиларимизнинг маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни янада кенгроқ миқёсда ҳал этиш ниятидамиз.

Хонимлар ва жаноблар!

1996 йилни Ўзбекистон учун жаҳондаги жуда кўп халқаро ташкилотлар ва мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик йили бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Амалга оширилган расмий ташрифлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан ўтказилган музокаралар, шунингдек Ўзбекистон делегацияларининг халқаро анжуманлардаги иштироки ҳақида гапирадиган бўлсак, мен асосан, 1996 йилнинг октябрь-декабрь ойларида юз берган воқеаларга тўхталишни истардим. Чунки дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари бундан олдин юз берган воқеалар хусусида илгари бўлиб ўтган учрашувларимизда хабардор қилинган эди.

Яқунланаётган йилда халқаро ташкилотларнинг ёрдам дастурларини амалга ошириш юзасидан фаол иш қилинди. БМТ, Европа ҳамжамияти комиссияси, ЕХХТ, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Халқаро валюта жам-Қармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистонга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг ЕХХТ билан ҳамкорлигимиз хусусида бироз гапирмоқчи эдим.

Бу ҳамкорлик даражаси ЕХХТ билан биргаликда ўтказилаётган тадбирлар ҳамда бу ташкилот масъул ходимларининг Ўзбекистонга ташрифларида яққол кўриниб турибди. Август ойида АҚШнинг ЕХХТ ҳузуридаги делегацияси бошлиғи, элчи Сэм Браун Тошкентга ташриф буюрди. У билан мазкур ташкилот доирасида бундан буёнги ҳамкорлигимиз масалалари муҳокама этилди. Кейинроқ эса ЕХХТнинг "учлик" делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Кейинги пайтнинг ўзидаёқ ЕХХТ ташаббуси билан Тошкентда жамиятимизни демократлаштиришнинг муҳим муаммолари бўйича учта йирик анжуман ўтказилди.

Биз ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги миссияси ҳамда бу нуфузли ташкилотнинг бошқа тузилмаларидан амалга ошираётган фаол ишлари учун жуда миннатдормиз.

ЕХХТнинг Лиссабонда ўтказилган анжуманида Ўзбекистон-тон делегациясининг иштирок этишини ўтган давр мобайнида юз берган ўта муҳим воқеалар сирасига киритиш лозим. Бу анжуман доирасида Ўзбекистон ўзининг хавфсизлик муаммоларига оид нуқтаи назарини ифода этиш имконига эга бўлди. Бу анжуманда ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини янада фаоллаштириш хусусидаги даъватимиз яхши англаб етилди ҳамда Лиссабон декларациясида ҳужжат сифатида белгилаб қўйилди. Аслини олганда, бу ЕХХТ мазкур минтақадаги барқарорликни қўллаб-қувватлаши ҳамда зиддиятларнинг олдини олишда қатнашиш истагини ўз ҳужжатларида қайд этган биринчи ҳолдир.

Бизнинг можаролар давом этаётган зоналарга яширинча қурол етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги таклифимиз Лиссабон учрашувининг якуний ҳужжатида ўз аксини топганини қайд этиш қувончлидир.

Хавфсизликни, жумладан, Европа хавфсизлигининг ҳам чегараси йўқлиги ҳақидаги фикр бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Минтақамиз мустақамлигини таъминлаш ва мустақамлаш ишида биз жаҳондаги етакчи давлатлар, халқаро хавфсизлик тузилмалари билан ҳамкорлик

муносабатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва кенгайтиришга катта аҳамият берамиз.

Биз Брюсселда НАТО бош котиби Х. Солана билан бўлган учрашувимизни жуда муваффақиятли ўтди, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури иштирокчисига айланганидан сўнг биз бу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилмоқдамиз. Музокаралар жараёнида минтақамиздаги тинчликни сақлаб қолиш, Афғонистондаги можарони сиёсий воситалар билан бартараф этишга қаратилган ташаббусларимиз тўла англаб етилди ҳамда қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон 1996 йилда Европа Иттифоқи билан бир қанча муҳим халқаро ва ҳукуматлараро битимларни имзолади. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги оралик битими ҳам бор. Бу ҳужжат июнь ойи-да Флоренцияда имзоланган Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг мантикий давоми бўлиб, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар қўшма лойиҳаларни бугунги куннинг ўзидаёқ амалга ошириш имконини беради.

Европа Иттифоқи комиссияси раиси жаноб Ж. Сантер билан Марказий Осиё давлатлари ҳамда Европа тузилмаларининг наркотик моддалар тарқатилишига қарши биргаликдаги ҳаракатлари ва бу мақсадларда ТАСИС дастури доирасидаги лойиҳалардан фойдаланиш зарурлиги хусусида эришилган битимларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз Европа Иттифоқининг наркотик моддаларни тайёрлаш ҳамда ўз мамлакатлари орқали олиб ўтилишининг олдини олишда Марказий Осиё мамлакатларига ёрдам бериш ҳақида шу йил 14 декабрь куни Дублинда қабул қилинган қарорини юксак баҳолаймиз.

1996 йилда энг аввало иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан икки томонлама асосдаги ўзаро муносабатлар сезиларли даражада кенгайди ҳамда мустаҳкамланди.

Америка Қўшма Штатлари билан ҳукуматлараро даражада ҳам, жамоат ва ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилотлар орқали ҳам муносабатларимиз муваффақиятли ривожланмоқда. АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), АҚШ ахборот хизмати (ЮСИС), савдо ва адлия вазирликлари томонидан молиявий таъминланаётган дастурлар бўйича Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлигимизни алоҳида таъкидлашни истардим. Кейинги уч йил мобайнида бу дастурлар бўйича Ўзбекистоннинг 861 фуқароси, жумладан, уларнинг 451 нафари АҚШда касб ўрганди ва таҳсил олди.

Бу дастурлар кадрларимизнинг ижтимоий таъминот, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, экология, менежмент, иқтисодиёт ва қонунчилик тизимини ислоҳ этиш, бозор иқтисодиётига йўналтирилган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, солиқ сиёсати, банк иши, оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари ва демократик тараққиёт сингари бир қанча муҳим йўналишлар бўйича таҳсил олишини кўзда тутди.

Элчи жаноблари Стэнли Эскудеронинг менга яқинда хабар қилишича, бу дастурлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилади ва кадрлар тайёрлаш бўйича янги йўналишлар билан тўлдирилади.

Европа мамлакатлари билан ўзаро муносабатлар борасида Ўзбекистон делегациясининг Бельгия қироллигига (ноябрь ойида) ва Португалия Республикасига ташрифини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ташриф чоғида Бельгия қироли Алберт II, Бельгия Бош вазири Жан-Люк Дехани, мамлакатнинг етакчи бизнесменлари билан бўлиб ўтган учрашувларда икки томонлама ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда томонларнинг мавжуд имкониятларидан фаол фойдаланиш йўллари муҳокама қилинди.

Учрашувлар натижасида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган қўшма сиёсий декларация, иккиёқлама солиқ олмаслик ҳамда даромад ва капиталдан солиқ тўлашдан

бўйин товланинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция, шунингдек, ҳаво йўли тўғрисидаги битим имзоланди.

Португалия Республикаси раҳбарлари билан учрашувлар Ғоят самарали бўлди. ЕХТнинг олий даражадаги учрашуви даврида Президент Ж. Сампайя ва Бош вазир А. Гутерреш билан суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича кенг фикрлашиб олинди. Туризм ва ҳаво йўли бўйича имзоланган битимлар Ўзбекистон - Португалия ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик учун замин ҳозирлади. Бу муносабатлар истиқболи яхшилигига аминмиз.

Ўз навбатида биз Греция Республикаси ташқи ишлар вазири жаноб Теодорос Пангалос бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини 1996 йил 27-29 ноябрда қабул қилиш шарафига муяссар бўлдик.

Ташриф чоғида ўзаро фойдали иккитомонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қанча масалалар муҳокама қилинди. "Консуллик муассасаларини очиш тўғрисидаги битим" ва "Ҳаво йўли тўғрисидаги битим" имзоланди. Бу ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришига ишонаман.

Уэльс шаҳзодаси Чарльзнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи муҳим воқеа бўлди, бу ташриф Буюк Британия жамоатчилигининг халқимиз тарихи ва маданиятига жуда катта эътибор бераётганидан далолатдир. Биз шаҳзода Чарльзнинг Орол денгизи муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга қизикаётганини ва бу борадаги шахсий саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз. Шаҳзода Чарльз иштирокида Тошкент шаҳрида Британия кенгашининг ваколатхонаси очилди.

Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам самарали бўлди. Бош вазир Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Японияга расмий ташрифи натижаларини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф чоғида Япония Бош вазири Рютаро Хашимото, хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси президенти Акира Нишигаки, транспорт вазири Макото Кога, ташқи савдо ва саноат, молия, ташқи ишлар масалалари бўйича давлат котиблари ҳамда бир қанча расмий шахслар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар вакиллари билан самарали учрашувлар ва суҳбатлар бўлди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта жи-ҳозлаш, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги аэропортларни таъмирлаш лойиҳалари бўйича кредит битимлари, шунингдек, давлат ва ижтимоий қурилиш академиясида иқтисодий таълимни ташкил этиш тўғрисидаги протокол ҳамда бошқа ҳужжатлар ва битимлар имзоланди.

Мазкур ташрифни тайёрлагани ва муваффақиятли ташкил этгани учун Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Коичи Обатага миннатдорлик изҳор қиламан.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг 1996 йил 21 октябрда Тошкентда ўтган IV учрашувини муҳим халқаро воқеалар сирасига киритмоқ керак. Бу учрашув халқларимизнинг тарихий, этник-маданий ва маънавий яқинлиги туркий тилли давлатлар муносабатларининг асоси эканини яна бир бор тасдиқлади.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг анъанага айланиб бораётган олий даражадаги учрашувлари дастлабки босқичга хос бўлган номақбул сиёсийлаштириш хусусиятидан халос бўлгани мамнуният бағишлайди. Ҳозир бу учрашув иштирокчилари ўз халқларининг равнақини кўзлаб, кўпроқ диққат-эътиборни иқтисодий соҳадаги энг муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқдалар.

Масалан, "Буюк ипак йўлини қайта тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатлар маданий меъросини сақлаш ва барқарор ривожлантириш" қўшма дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилди. Сайёҳлик йўналишларини кенгайтириш ва туризмнинг тегишли инфратузилмаларини ривожлантириш бу дастурнинг мақсади бўлади.

Транспорт тизимини ривожлантириш ҳамда Транскавказ йўлагидан фойдаланиб транзит ва темир йўл алоқаси бўйича Сараҳсада имзоланган тўрт томонлама аҳдномани

тезроқ амалга оширишга доир фаолият ҳам иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан муносабатлар ҳам ривожлантирилади. Маълумки, биз бу ҳамдўстлик доирасида икки томонлама ва минтақавий асосдаги алоқаларни ривожлантиришни афзал деб биламиз.

Туркменистон Президенти С. Ниёзов ва Қирғизистон Республикаси Президенти А. Ақаевнинг расмий ташрифлари натижалари халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ҳамкорликнинг объектив тусда эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва турли соҳалардаги ўзаро фойдали шериклик бундай алоқаларнинг намунаси бўла олади.

Украина Бош вазири П. И. Лазаренко ва шу мамлакат ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи Г. И. Удовенконинг 1996 йил сентябрь ва декабрь ойларида Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга ҳамда муносабатларимизни аста-секин стратегик ҳамкорлик даражасига олиб чиқишга кўмаклашди.

Минтақа хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишга алоҳида тўхталмоқчиман. Биз учун бу ташқи муносабатлардаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Афғонистон мавзуси асосий ўринда туради.

Нақадар мураккаб бўлмасин, Афғонистон теварагидаги аҳвол билан боғлиқ масалада бир қанча жиҳатлар кўзга ташланмоқдаки, улардан бу мамлакатда тинчлик жараёнини бошлаш учун фойдаланиш мумкин.

Мен нималарни кўзда тутяпман?

1. Совет кўшинлари олиб чиқиб кетилгандан сўнг халқаро ҳамжамият илк бор Афғонистон муаммосига, бошқача айтганда, ҳақиқатан ҳам "жиддий назар" билан қаради. БМТ, ИКТ, ЕХХТ, ЕИ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар, Афғонистонга кўшни мамлакатларгина эмас, жаҳон сиёсатида катта ўрин тутувчи бошқа ривожланган давлатлар ҳукуматлари, ижтимоий-сиёсий доиралари ҳам бу можарони бартараф этишга тобора кучли қизиқиш билдирмоқда.

2. Кўплаб мамлакатлар можарони БМТ, ИКТ ва бошқа нуфузли халқаро тузилмаларнинг фаол воситачилигида халқаро ҳамжамиятнинг мувофиқлаштирилган ва ўзаро келишилган саъй-ҳаракатлари орқали ҳал этиш мумкин, деган фикрга кўшилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш тўғрисидаги ташаббусини халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг таклифларимиз БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХХТ, Европа парламенти, ИКТга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари конференциясининг сўнгги даврда қабул қилган қарорларида эътиборга олинди.

4. Жаҳоннинг бир қанча етакчи мамлакатлари ва трансмиллий компаниялари транспорт йўллари соҳасидаги кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборишга тайёрдир, бу Афғонистонни урушдан кейин қайта тиклашга ва унинг иқтисодий тараққиётига кўп даражада ёрдам берган бўлур эди.

Кўшни Тожикистондаги можарони ҳал этиш минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тожиқлараро зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Бунинг сабаби аввало шундаки, бу муаммони ҳал этишнинг бошқа йўли йўқлигига қатъий ишонамиз.

Биз БМТ ва Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари иштирокида ва воситачилигида Москва шаҳрида яқинда ўтказилган Тожикистон ҳукумати билан Бирлашган тожик муҳолифати БМТ ўртасидаги музокараларнинг натижаларини табриклаймиз. Москва шаҳрида имзоланган икки ҳужжат: "Тожикистон Президенти билан БМТ раҳбари ўртасидаги битим", шунингдек, миллий яраш комиссияси тузиш, унинг асосий вазифалари ҳамда ваколатлари тўғрисидаги протокол муайян умид бахш этмоқда.

Бу ҳужжатларда биринчи марта қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилинган.

- амалдаги конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқиш ва умумхалқ референдумига қўйиш;

- парламентга ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги Қонун лойиҳасига таклифлар киритиш;

- муҳолифат вакилларини ижроия ҳокимияти тузилмаларига киритиш;

- умумий афв эълон қилиш ва ҳарбий асирларни алмашиш;

- қочоқларнинг ватанига қайтиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

- 1-1,5 йилга мўлжалланган ўтиш даврида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш.

Буларнинг ҳаммаси жафоқаш Тожикистон диёрида тинчлик, барқарорлик ўрнатилишини чин қалбдан истаган ҳар бир кишини мамнун қилмаслиги мумкин эмас.

Сўнгги йилларда тожиклараро можаролар билан боғлиқ воқеаларнинг боришини диққат билан кузатиб турган кишилар Москвада имзоланган ҳужжатлардаги кўп қоидалар Ўзбекистоннинг Тожикистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш юзасидан биз расмий минбардан туриб бир неча бор ўртага қўйган ва матбуотда эълон қилинган таклифлар ҳамда ташаббусларни акс эттирганига эътибор бермаслиги мумкин эмас.

Бу таклифлар сўнгги марта шу йилнинг октябрь -ноябрида, яъни, Москвада музокаралар бошланмасидан олдин Тожикистон ҳукуматига, тожик муҳолифати раҳбариятига, шунингдек, БМТ Бош қотибининг Тожикистондаги махсус вакили Д. Меремга етказилган ва тинчлик жараёни учун асос сифатида мақбуллиги эътироф этилган эди.

Гап тожиклараро қуролли можарони ижобий ҳал этишга доир кўплаб таклифлар, таассуфки, манфаатдор томонлар ва аввало Тожикистон раҳбарияти томонидан рад этилгани тўғрисида бормоқда. Вақт ўтиши билан кеча рад этилган таклифларга яна қайтишга мажбур бўлмоқдамиз. Вақт ўтиши билан рақиб томонлар келишиб олиши мумкин бўлган позициялар бой берилмоқда. Натижада бир-бирига қарама-қарши туриш давом этмоқда, можарога янги-янги кучлар жалб этилиб, фожиа янада чуқурлашмоқда.

Бундай вазиятда англаб олиш лозим бўлган энг асосий нарса кишиларнинг сабр-тоқатидир, Тожикистон аҳолисининг сабр қосаси тўлиб-тошмоқда.

Москвада аҳдлашувга эришилганидан кейин маълум вақт ўтгач, бу аҳдлашувларнинг ҳаммаси яна қоғозда қолиб кетганлигини қайд этишни истамас эдик.

Агар аҳдлашув қоғозда қолиб кетса, муҳолифат томонидаги муайян гуруҳлар бу вазиятдан ўз кучларини тўплаш, 1997 йил баҳорида фуқаролар урушини яна авж олдириш мақсадида, зарур имкониятни яратиб олиш учун фойдаланиши мумкин.

Фақат сиёсий музокаралар йўли билангина жафоқаш Тожикистон диёрида тинчлик ва барқарорликка эришиш мумкин, бу муаммони ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Ниҳоят, ўзаро келишувга эришиш учун сиёсий иродани намойиш қилиш керак.

Бир-бирига қарши қурашаётган томонлар ўзаро ён босиш йўлидан бориб, бир-бирларига пешвоз чиққан шароитдагина Тожикистонда "Афғонистон фожиаси" - фуқаролар уруши авж олиши такрорланишига йўл қўймаслик мумкин. Буни бир-бирига қарши қурашаётган томонларгина эмас, уларнинг орқасида турганлар ҳам англаб олиши лозим.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Доимий учрашувларимиз яхши анъанага айланганидан хурсандман ва ошқора ҳамда хайрихоҳлик билан ҳамкорлик қилишни жуда қадрлайман.

Янги йилда сизларга мустақкам сиҳат-саломатлик, оилангизга осойишталик, мамлакатларингиз халқларига раванқ тилашга руҳсат этгайсиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Дипломатия корпуси раҳбарлари,
халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий

ахборот воситалари вакиллари билан
учрашувда сўзланган нутқ.
1996 йил 27 декабрь

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА БЕРИЛГАН ИНТЕРВЬЮ

ЎЗТВ МУХБИРИ: Жаноб Президент, бу Сизнинг Чехия ва Словакияга илк сафарингиздир. Сафардан қандай мақсадлар кўзланмоқда? Иккинчи саволим шундан иборатки, Ўзбекистон - Тожикистон чегарасида 10 январ куни рўй берган воқеаларга муносабатингизни билдирсангиз.

И. КАРИМОВ: Маълумки, Чехиянинг Ўзбекистон билан алоқалари илгаритдан яхши бўлган. Биргина мисол: Тошкент шаҳрида юртдошларимизга хизмат кўрсатаётган 55 та трамвай, 105 та троллейбус мана шу Чехиянинг "Шкода", "ЧКД" корхоналарининг маҳсулотидир. Улар халқимизга маъқул бўлганини, чехлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бошқаларникига қараганда сифатли ва арзонроқ эканини инобатга олсак, биз Чехия билан алоқаларимизнинг мустаҳкамланишидан манфаатдормиз. Бунинг учун, аввало, ҳуқуқий асос керак. Чехия Президенти жаноб Гавел ва Бош вазир жаноб Клаус билан ана шу ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш, сармоядорлар фаолиятига кенг йўл очиб бериш юзасидан фикр алмашамиз, шартномалар тузамиз. Кенг жамоатчилик, ишбилармонлар билан учрашиб, уларни Ўзбекистонга яна бир бор қизиқтириб, ўз лойиҳаларимизни таклиф қилиб, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш ниятимиз бор. Бундан ташқари, Чехиянинг бугунги ислохотлар йўлида, демократик жамият қуриш борасида эришган ютуғ ва тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Маълумки, Братислава шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган одамлар қатори бизнинг аскарларимизнинг қабрлари ҳам бор. Шу нуқтаи назардан ҳам словаклар бизга, Ўзбекистонга ҳурмат билан қарайди. Умуман, улар ҳам биз билан алоқаларни ривожлантиришдан жуда-жуда манфаатдор.

Бизнинг Европа давлатлари билан муносабатларни яхши йўлга қўйишдан кўзлаётган асосий мақсадимиз, яна бир бор айтаман, Ўзбекистонга сармоя ва технологиялар олиб келиш, Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этишдир. Эҳтиёжларимизни ҳар томонлама қондирадиган, замонавий, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий технология керак. Ана шундагина биз ўз маҳсулотларимизни экспорт қилиш, чет мамлакатларга сотиш имконига эга бўламиз, пировардида келажагимизга мустаҳкам пойдевор яратамиз.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, кейинги пайтда бу борадаги сиёсатимиз телевидение ва матбуот орқали яхши тарғиб-ташвиқ қилиняпти. Чунки четдан маҳсулот олиб келиш қийин эмас. Биз биламиз, қўлига илинган маҳсулотни Ўзбекистонга олиб келиб сотишга тайёр турган одамлар кўп. Бу маҳсулотнинг сифати, унинг истеъмолга яроқли ё яроғсизлиги билан уларнинг иши йўқ. Хўш, Ўзбекистоннинг бошқалардан нима кам жойи бор? Ўша четдан валюта эвазига келтириладиган макарон ёки вермишелни ўзимиз чиқара олмаймизми?! Ўзимизда ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин, майли, унинг кўриниши унчалик чиройли бўлмасин. Биз шундай яхши хом ашёга эгамизки, ундан бемалол сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг учун бизга фақат технология керак. Технология олиб келиб, ўзимизда кичик-кичик корхоналар ташкил этсак - марра бизники. Чехияга боришимиздан мақсад ҳам худди шундай. Бизларни Чехия ва Словакия билан бошқатдан таништиришнинг ҳожати йўқ. Биз уларни яхши биламиз, улар бизни яхши билади. Шубҳасиз, орамизда ишончли, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди.

Энди иккинчи саволингизга келсак. Тожикистоннинг Турсунзода деган шаҳри Ўзбекистонга чегарадош. Бу жойда яшайдиган аҳолининг сурхондарёликлар билан қонқариндошлиги, ўзаро яқинлиги юз минг йиллардан буён давом этиб келяпти. Уларни бири-биридан ажратиш ўта мушкул. Лекин, минг афсуски, кейинги беш йил давомида мустақил Тожикистон давлатида номаъқул беқарорлик давом этаётгани туфайли Турсунзода шаҳрида ва Тожикистоннинг бошқа минтақаларида одамлар жуда оғир қи-йинчиликни

бошидан кечиряпти. Бундай қийинчиликка чидаш, уни бошдан кечирриш учун одамлар ниҳоятда бардошли бўлиши керак экан. Бундай кунлар ҳеч қачон бошимизга тушмасин. Лекин у ёқда ҳам ўзбеклар яшяпти, у ёқда ҳам инсонлар яшяпти! Ноилож, қондошлигимиз, қардошлигимиз бор, жонимиз куяди. Ленинобод, Хўжанд, сиз айтган Турсунзода, Ҳисор ва бошқа жанубий минтақаларда қийинчиликларни бошидан кечираётган кишилар тез-тез кўз олдимда гавдаланади, юрагим ачийди. Тожикистондаги вазиятни кўриб-билиб турган одамларимиз уларга ҳамдардлик қилади. Рухан далда беради, кўлидан келганча моддий ёрдам бергиси келади. Халқимизнинг бундай олижаноб фазилатлари билан ҳар қанча фахрлансак, Гурурлансак арзийди. Халқимизни бутун дунёга машҳур қилган ҳам адолатсеварлик, инсонпарварликдир. Қолаверса, улуғ тарихимиз ҳам бизни шунга даъват этади.

Кўшни Тожикистонда анчадан бери давом этаётган сиёсий беқарорликнинг сабабларига келсак, очиғини айтиш керакки, Тожикистон раҳбарияти, ҳукумати мамлакат, халқ тинчлигини таъминлай олмаяпти. Раҳбарман деган одам ўз фуқаролари, уни сайлаган одамлар манфаатини кўриклаши керак. Халқ президент учун, ҳукумат учун нега овоз беради? Бизнинг жонимизни, болаларимизни, аёлларимизни, кексаларимизни ҳимоя қилсин деб! Барака топкур, одамларнинг қорнини тўйқазиб кўлингдан келмас экан, ҳеч бўлмаса, унинг тинчлигини таъминлагин-да!

Турсунзода шахрида алюминий чиқарадиган битта катта қорхона бор. Завод маҳсулотига харидор кўп. ҲАМмаси шунга ёпишгани-ёпишган. ҲАМмаси ўз тазйиқини ўтказишга, заводни ўз таъсир доирасига олишга уринади. Можаронинг бош сабаби ҳам мана шу завод, аниқроғи, бойлик. Тинчликни, барқарорликни таъминлайдиган ташкилотлар, органлар, вазирликлар эса ўз бурчларини бажармай, томошабин бўлиб туришибди. Яна бир бор айтаман: тартиб ўрнатиш Тожикистон раҳбарияти, ҳукуматининг кўлидан келмаяпти.

Тўқнашувлар натижасида Турсунзодага чегарадош Сурхондарё ҳудудига иккита снаряд тушиб, тўрт нафар фуқаромиз жароҳатланди, улардан бири ҳалок бўлди. Бегуноҳ жабрланган одамларга юрагинг ачишади. Жуда-жуда ачинарли ҳол бу. Биз вакилларимизни юбориб, чегарамизни ҳар томонлама ҳимоялаш, мустақкамлаш чоратадбирларини кўрдик. Лекин яна бир бор айтаман: орада чегаранинг ўзи йўқ. Бир қишлоқнинг ярми у томонда, ярми бу томонда. Шунинг учун биз Тожикистон ҳукуматини огоҳлантириб қўйдикки, барака топкурлар, агар ҳукумат бўлсангиз, ўз мамлакатингиз ичкарасидагина эмас, ҳудудларингизда, чегарангизда бўладиган ҳодисалар учун ҳам масъулсиз. Бунақа ўйинлар яна такрорланса, биз кескин ва қатъий чоралар кўришга мажбур бўламиз. Тожикистон раҳбарияти, ҳукумати бизнинг баёотномамиздан тўғри хулоса чиқаради, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб яна бир гапни айтмоқчиман: яхши биласизларки, Турсунзодада, умуман Тожикистон Фарбида - Сурхондарё чегарасида ўзбеклар кўп. Россиянинг баъзи бир оммавий ахборот воситалари шундан фойдаланиб икки халқ ўртасига нифоқ солишга уринаяпти. Қаерда бир тўқнашув юз берса, гуруҳбоши қилиб, албатта, ўзбек кўрсатилади. Мақсад - айбни Ўзбекистонга ақдариш. Бойматов деганининг ўзбекларга алоқаси бор экан. Энди нима эмиш, "ўзбек ундай қилди, ўзбек бундай қилди..."

Худойбердиев деганининг Турсунзода шахрига ўзбошимчалик билан юриш қилгани, албатта, қонунга ҳилоф иш. Лекин, эшитишимизча, унинг мақсади тинчлик, барқарорлик ўрнатиш бўлган. Ўша полковникнинг ҳам бир чеккаси ўзбек эмиш. Россия матбуоти шу фактни ҳам қанча "дўмбира" қилганини биласизлар.

Бундай ўйинлар орқасида турган одамлар билиб қўйсин: ўзбекни тожик билан ҳеч қачон уриштириб бўлмайди! Буни Тожикистонда яшаётган ўзбек ҳам, тожик ҳам яхши билади. Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат бу - тинчлик сиёсати! Бизларга ҳеч нарса керак эмас. Фақат тинчлик керак. Кучимиз етарли, бойлигимиз етарли, сиёсатимиз аниқ, келажагимиз, тараққиёт йўлимиз аниқ. Энг муҳими, мана шу йўлдан оқибатда олға бориб, мақсадимизга етамиз деб, халқимиз белини маҳкам боғлаган. Яна такрорлайман: бизга

фақат тинчлик, осойишталик, аҳиллик керак. Ёвуз ниятли кимсалар овора бўлишади: бизларни бўлиб, бир-биримизга қарама-қарши қўйиб бўлмайди.

Тожикистон раҳбарияти тезроқ ақлини йиқиб, муҳолифат деб аталмиш кучлар билан келишиб, бизга чегарадош юртларда тинчлик ўрнатса бас. Чегараларимиз ҳимояси ҳар томонлама мустаҳкам бўлиши керак ва биз бунинг барча чораларини кўрамиз, иқвогарона хатти-ҳаракатларнинг такрорланишига асло йўл қўймаймиз.

1997 йил 14 январь,
"Тошкент-2" аэропорти

"ОЗОДЛИК" РАДИОСИНИНГ ЎЗБЕК ШЎЪБАСИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН СУХБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Чехия Республикасига расмий ташрифи давомида Прагада фаолият кўрсатаётган "Озодлик" радиоси ўзбек шўъбасининг ходимлари билан учрашди. Қуйида шу суҳбат матнини эътиборингизга хавола этамиз.

МУХБИР: Чехия Республикаси Президенти В. Гавел таклифига биноан 14-16 январь кунлари Прагада ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 15 январь куни кечкурун "Озодлик" радиоси ўзбек шўъбасининг бир гуруҳ ходимларини ўзи меҳмон бўлиб турган Лихтенштейн саройига таклиф этди. Авваламбор, "Озодлик" радиоси раҳбарияти, жумладан, ўзбек шўъбаси ходимлари Президент жанобларининг уларга бу эҳтиромини юксак қадрлашларини ифодалаш ва мазкур эътибор учун самимий миннатдорчилик изҳор этишни ўз бурчлари деб билдилар. Зеро, икки кунлик расмий зиёрат кун тартибининг ниҳоятда тиқизлигига қарамасдан Ўзбекистон Президентининг "Озодлик" ходимлари билан учрашиб, улар билан қатор масалалар юзасидан фикр алмашишини "Озодлик" радиоси, демакки, у тарғиб ва ташвиқ қилаётган улуг мақсад ва Ғояларга кўрсатилган эҳтиром белгиси, дея баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Президенти билан бир пиёла чой устида ўтган мулоқотимизни самимий ва эркин дейиш муболаға бўлмас. Зотан, суҳбат давомида иштирок этганларнинг барчаси учун бирдай азиз ва қадрли бўлган юрт - Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳақида сўз борди. Айтиш керакки, биз Президент жаноблари билан қарийб икки соат давом этган суҳбатимизнинг ўзаро мулоқотдан бутун халқ эътиборига тақдим этиш мумкин бўлган мавзуларга ўтиб кетганини сезмай ҳам қолдик. Шу боис стол устида турган магнитофон тугмачасини вақтида босишни ва суҳбатимиз аввалидаги айрим саволларимизга Президент Ислон Каримов билдирган жиддий мулоҳазаларни магнит лентасига ёзиб олишни ҳам унутиб қўйдик. Шу боис мазкур мулоқот ҳақида тугал тасаввур ҳосил қилиш учун суҳбатимиз аввалида тилга олинган айрим мавзулар ҳақида қисқача фикр юритишга тўғри келади.

Ўзбекистон Президенти билан мулоқотимиз бошланишида Ўзбекистон ва "Озодлик" радиоси ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, биринчи манбалардан маълумот олиш масалалари ҳақида сўз борди. Шу ўринда шўъбамиз директори Ёкуб Турон "Озодлик" радиосига берилган ҳар қандай маълумот ушбу кўп миллатли ахборот тармоғининг 23 тилдаги эшиттиришлари орқали дунёнинг каттагина қисмига тарқалиши ва ўз-ўзидан ушбу ҳудудларда Ўзбекистон давлати ва ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўлишига имкон яратажани алоҳида таъкидлади. Қолаверса, Ёкуб Турон "Озодлик" радиосига берилган маълумотлар тез фурсат ичида радиодан бевосита тегишли бўлган АҚШ Конгрессига, шунингдек давлат департаменти, Оқ уй ва Американинг бошқа қатор нуфузли расмий идораларига етиб бориши ва бу ахборот уларнинг Ўзбекистон ва унинг манфаат-муаммоларидан мунтазам огоҳ бўлишларини таъминлашини ҳам айтиб ўтди. Бу хусусда айтилганларга муносабат билдирган Президент Ислон Каримов Ўзбекистонда демократик ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги қарори қатъий бўлган республика раҳбарияти халқаро оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Озодлик" радиоси билан ҳар жиҳатдан, биринчи галда эса уларни ахборот билан таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини таъкидлаб, бир қатор конкрет таклифларни ўртага қўйди. Суҳбат мавзуи Ўзбекистондан маълумот олиш масаласига бурилгани боис биз ҳам бу хусусдаги айрим мулоҳазаларни Президент Ислон Каримов билан ўртоқлашишга қарор қилдик. Шу ўринда Президент жанобларига қуйидаги савол билан мурожаат этдик.

- Ҳурматли Президент жаноблари, Ўзбекистонда Президент даражасига чиқишга муваффақ бўлинса, ҳар қандай саволга жавоб топиш ва ҳар қандай воқеа-ҳодисага нисбатан муносабатни билиш мумкин. Бироқ ҳокимиятнинг пастки бўғинларига тушган

сари бу иш оғирлашиб боради, ҳатто имконсиз ҳолга айланади. Нимага шундай? Ахир Ўзбекистонда ёки халқаро майдонда содир бўлаётган ҳар бир воқеа, ҳар бир ўзгариш хусусида давлатнинг олий даражали бошлиғига мурожаат қилишнинг иложи йўқ. Президентнинг бунга вақти ҳам йўқ-ку. Республикада ҳар соҳанинг ўз мутасаддилари бор. Нега улар у ёки бу саволга жавоб бериш ёки муносабат билдиришдан ўзларини олиб қочадилар? Шу ерда шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир мисолни айтиб ўтиш мумкин. Ўзбекистонда ўтган йил ноябрь ойида миллий сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришни чеклаш ҳақидаги фармон муносабати билан Ғарбда турли-туман фикрлар билдирилди. Ана шу шароитда "Озодлик" радиоси бу фармонга атрофлича шарҳ беришни, юзага келган вазиятга ойдинлик киритишни сўраб, Ўзбекистондаги бир эмас, бир неча тегишли идораларга мурожаат қилди. Бироқ бу мурожаатлар натижасиз қолди ва вазиятга яна фақат Сиз, яъни республика Президентининг ўзигина ойдинлик киритмагунча, аксарият саволлар ҳам жавобсиз қолди. Мана, Сиз Ўзбекистондаги ислохотлар суръатини жадаллаштириш, республикада очик ва эркин жамият барпо этиш фурсати келганини қайта-қайта таъкидлаяпсиз. Аммо қуйида аҳвол бундай. Бунинг сабаблари ҳақида нима дейиш мумкин?

Биз билдирган мулоҳазаларга жиддий билан қулоқ солган жаноб Ислом Каримов ўз сўзини Президент ҳузурида Ахборот маркази ташкил этилгани ва бундан сўнг Президент сиёсати билан боғлиқ барча саволларга ана шу марказ жавоб беражагини маълум этиш орқали бошлади. Суҳбатимизнинг бундан кейинги қисми магнит лентасига тушгани сабабли уни ўзингиз ҳам тинглашингиз мумкин. Марҳамат.

- Сизнинг саволингизга жавоб шундайки, бу Марказ нима учун ташкил қилинди? Авваламбор Президентнинг сиёсати тўғрисида кимдандир қандайдир саволлар пайдо бўлар экан, мана шу марказга мурожаат қилиб жавоб олиши, худдики Президентнинг ўзи жавоб бергандек, масъулиятли жавоб олиши мумкин бўлади. ҲАМмадан сўрайверинг. Нега деганда бизларда кўрқинч бор, вазир бўлса ҳам, ҳоким бўлса ҳам бу одамлар ўздан кўрқади. Совет даврининг тарбиясини олган, менга ортиқча масъулият керак эмас, менга тинчлик керак, деган бизда шундай одат бор. Шунинг учун бундай воқеалар кўп бўлади. Ўқимлар саволларга жавоб беришга кўрқади, жойларда сўрасангиз, улар ё қандайдир мужмал жавоб беради, ё мутлақо жавоб бермайди. Биз бу ярамас одатдан воз кечишимиз керак.

Бизда ташқи сиёсатимиз ҳақида ахборот тарқатувчи "Жаҳон" деган ахборот идораси тузилган. Улар ҳам масъул одамлар. Бизда берилган саволларга масъулиятни тушуниб жавоб берадиган одамлар, мухбирлар пайдо бўлмақда. Президент сиёсати ҳақида, мана, жумладан конвертация тўғрисида сўраяпсиз. Мана шу марказ саволларингизга жавоб беришга мажбур. Қандай жавоб беради - бу ўзининг иши. Конвертационинг жиддий масала эканлигини чуқур англаб, тушуниб, эътибор билан жавоб берадиган бўлса, яхши. Саёз жавоб берса ноилож, лекин савол жавобсиз қолмаслиги шарт.

Сиз айтган ҳодисалар бизда ҳали-ҳануз учраб туради, мен буни сизга очик айтишим керак. Бу - эски иллатларнинг бугунги асорати. Афсуски, баъзи одамларни уйғотиш қийин бўлаяпти. Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги давр шундайки, фақат ёшларга умид боғлаш мумкин. Менинг асосий ишончим - ёшлар.

Вазият шуни тақозо этгани учун биз бир вақтлар совет даврида тарбия олган, совет даврида тақдирланган одамларни ҳам турткилаб четга чиқариб қўйганимиз йўқ. Уларнинг тажрибаси, имкониятларидан фойдаланишга мажбур эдик. Уларни ишдан ҳайдасангиз, хўш, ўрнига кимни қўясиз? "Мен демократиячиман, ишни қойил қиламан", деган одамларни тегишли тайёргарликсиз, тўсатдан айтайлик, кўчадан чақириб келиб, лавозимга ўтқазиб қўйиш билан ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас. Шунинг учун, мана беш йилдирки, эски замон кишиси эканлигини, қотиб қолганини, эски одатларга ўрганиб қолганини билатуриб, барибир улар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлдик. Мана энди ёшлар ўзимизда ҳам, чет элларда ҳам тарбия олишяпти. Ёшлар ўзларини кўрсатадиган пайт келди.

Яқинда Ахборот марказида ишлайдиган ёшларни чақириб, озгина танбеҳ беришга тўғри келди. Бир томонга эски замондан чиққанларни, уларнинг рўпарасига ҳозирги ёшларни ўтказиб қўйдим. "Мана бу одам совет даврида, партия ташкилотида ишлаган, сизларнинг эса эски тузум билан боғлиқ жойларинг йўқ. Ўзимга яқин олиб, сизларга барча шароитларни яратиб бердим. Бундан ке-йин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Нега курашмайсизлар, нега масъулиятни зиммаларингга олишдан чўчийсизлар, нега ҳаракат қилмайсизлар", деб уларни койидим.

Биз ҳозир ёшларни масъул ишларга, ҳокимият тизимларига тортяпмиз. Саволингизга мана шундай жавоб беришим мумкин. Бошқа имконият ҳам, тайёр одамлар ҳам йўқ. Ёшларни кўпроқ масъул ишларга жалб этиб, керак бўлса қийинчиликларда тоблаб, уларни Ғарб андозаларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашга ёрдам берсангиз, бу бизга катта ёрдамингиз бўлади. Шароит яратиб бериш қийин эмас, лекин хайрон бўласанки, икки хил муҳитда тарбия олган одамларни матбуот конференциясида бирга ўтказиб қўйиб фарқини дарров сезиш мумкин. Савол беришиданок маълум: силлиқ саволига ўзи силлиқ жавоб беради-қўяди. Сизга ўхшаган ҳақиқатни қидирадиганлар эса шундай савол берадики, мен ҳақиқатни айтишга мажбур бўламан. Демокриманки, савол бериш учун ҳам савия, катта тайёргарлик керак.

- Шу ўринда суҳбатимиз йўналиши журналистлар ва Ўзбекистондаги матбуот муаммоларига келиб тақалгани боис Президент Ислом Каримов "Демократик ва эркин матбуот қандай бўлмоғи лозим?" деган саволга ҳам жавоб бериб ўтди. Бу ҳақдаги мулоҳазалар эса қуйидагича ва улар бугун, Президент таъбири билан айтганда, Ўзбекистондаги ҳамон ухлаётганларнинг кўзини очишга ва бу ҳақиқатни қарор топтиришга киришишларига туртки бўлса, ажаб эмас.

- Демократия, демократиянинг асосий шарти бўлмиш матбуот эркинлигини таъминлаш, умуман матбуот ҳақида менинг фикрим шундай: жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади. Одамларда ҳар хил фикр бўлиши табиий: ҳокимият биттасига ёқади, биттасига ёқмайди. Биттасининг хафачилиги бор, биттасининг аламзадалиги, биттасининг норозилиги, биттаси нима исташини ўзи ҳам билмайди. Матбуот буларнинг ҳаммасини ифодалаб бериши керак. Ўн хил, юз хил фикр бўлса ҳам ҳаммасини бериш керак, шунга биз чидашимиз даркор. Ана ўшандагина матбуот демократик матбуот бўлади. Менинг қўрқадиган жойим шундаки, баъзи бир жойларда матбуот буюртма бўйича ишлайди. Кимнидир йўқотиш, кимнидир пайига тушиш, кимнидир обрўсизлантириш ва шу йўл билан тирикчилик қилмоқчи бўлганлар йўқ эмас. Бу ҳам ўтиш даври касаллиги, ўтиб кетади. Лекин яна бир бор айтаман, ҳаммасига вақт керак.

ҲАМкорлик тўғрисида гапирадиган бўлсак, сизларга шароит яратиб беришимиз, Ўзбекистон мухбирлари, муҳаррирларимиз қандай ҳуқуқларга эга бўлса, сизлар ҳам худди шундай ҳуқуққа эга бўлишингиз керак. Мана шу аҳду қароримизни шартнома билан расмийлаштириб қўйсак, яхши бўларди. Раҳбарларингизга менинг фикрларимни етказинг. Ўзбекистон тўғрисида ёзмоқчи, бизга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, сизлар учун қўлимдан келган барча ишни қилишга тайёрман.

"Озодлик" радиосининг Тошкентдаги мухбири ва Тошкентдаги мухбирлик бюроси бошлиғи Фурқатбек Президент жанобларига қуйидаги савол билан мурожаат қилди:

- Хурматли Президент жаноблари, Сизни матбуотда кўпинча прагматик сиёсатчи деб аташади. Сиз Тожикистон ва Афғонистондаги масалалар ҳақида кўп гапирасиз ва бу баъзиларга эриш ҳам туюлиши мумкин. Бироқ яқинда Тожикистондан Ўзбекистон худудига келиб тушган снаряд ва унинг инсоний талафотларга сабаб бўлгани Сизнинг бу ҳақда билдирадиган ташвишларингиз асосли эканини кўрсатди. Ана шулардан келиб чиқадиган бир саволим бор эди. Сиз ҳеч қачон Ўзбекистонда авторитар бош-қарув усули жорий қилинганини рад этмагансиз ва Ўзбекистонда барқарорлик ҳамда тинчликни таъминлашда эҳтимол, бу бошқарув ўзини оқлагандир ҳам. Лекин Сиз ҳозиргина тилга

олган одамлардаги кўрқув, масъулиятни ўз зиммасига олмаслик Сизни ёлқиз қилиб қўймаптимикин?

- Қандий тизим ёки қандай тартибни авторитар тизим деб аташ мумкинлиги ҳақида, қандай хусусиятларга эга, қандай талабларга жавоб берадиган тизимни авторитар тизим деб аталиши ҳақида жуда кўп мувоҳаса юритиш мумкин. Аммо озгина қаттиққўллик бўлса, дарров авторитар тизим деб гапирадлар. Шунинг учун бу масала бўйича сиз билан бахслашишга тайёрман. Умуман айтганда, прагматик деганда, бу ҳаётга қараб, бугунги ҳаётга қараб, керак бўлса, бир қадам эмас, икки қадам олдинни кўриб, вазиятни чуқурроқ англаб, қаттиқроқ бир қарорга келсангиз, одамларга ёқмайди. Бирон жойда, дунёнинг бирон чеккасида мана шундай қаттиққўллик билан яхши мақсад учун, ёруғ ҳаёт учун, одамларнинг ҳаётини ҳимоялаш учун, бева-бечораларнинг бошларини силаш учун мана шундай сиёсат юритилса-ю, унинг номини авторитар сиёсат деб айтишса, айтинг, қайси тоифага ёқади? Умуман қаттиққўллик қайси тоифага ёқади? Лекин мен ҳар доим бир нарсани айтаман, раҳбар қаттиққўллик кўрсатиши мумкин, лекин адолатни йўқотмаслик керак. Шунинг учун авторитар тизим тўғрисида гапирилганда, шуни унутмаслик керакки, қаттиққўллик бошқа, адолатсизлик бошқа. Қаттиққўллик бўладики, одамзот учун, инсон манфаати учун амалга оширилади - адолатни йўқотмасдан, адолатни мақсад қилиб. Бу қаттиққўлликни авторитар дейсизми, бошқа дейсизми, бу авваламбор инсон учун, жамият учун қилинган иш. Такрор айтаман, бу борада зин-хор адолатни йўқотмаслик керак.

Мен доим айтаман: тасаввур қилингки, бирор жамоа ёки корхона оқсаб ётибди, даромади йўқ, маош беришга қурби йўқ, одамларнинг ахволи чаток, раҳбар эса қаттиққўллик қилиб ҳеч кимга ёмон кўринишни истамайди. Амир Темур бобомиз айтганидек, қатъиятсиз мингта одамдан битта қатъиятли, ишбилармон, азму шижоат эгаси бўлган тадбиркор одам афзал. Агар шу фикрни инобатга олсак, корхонага охир яхши раҳбар келадию тартиб ўрнатиш учун мажбур бўлади қўттиққўллик ишлатишга. Дангасаларни ҳайдади, қолганларини, керак бўлса, саккиз соат эмас, ўн соат ишлатиб жамоасини оёққа турқазади. Вақти-соати келади, одамлар унга раҳмат дейди. Вақти-соати келади, одамлар маошини олганда, уй-жой қурганда, болаларининг тўйини ўтказганда келиб шу қаттиққўл раҳбарга раҳмат дейди.

Мен бу гапларни айтишимдан мақсад шуки, кўп одамлар менга мана шундай айб қўяди. Шу нуқтаи назардан қараганда 1990 йилни эсланглар. Биз қандай жарлик олдига келиб қолган эдик. Фарғона фожиаси, Бўқадаги фожиалар, Сирдарёдаги, Ўшдаги фожиалар... Бу тўғрида жуда кўп гапириш мумкин. Кўз ўнгингизга бир келтиринг: вазият умуман беқарор, эски тузум, эски тартиблар емирилган, янгиси ҳали шаклланмаган, одамлар ишсиз қолган, далада ҳеч нарса йўқ... Агар мана шу йўлдан кетаверсак, фараз қилингки, кўпи билан ярим йилга етар эди. Ундан кейин хонавайрон бўлардик. Шунинг учун яна бир бор айтаман: бир вақтлар юртимизда қонли воқеалар рўй берганда, шундай ҳам бўлдики, Андижоннинг йигитлари Қазаб билан Ўш чегарасига бориб, у томонга ўтамиз, Қирғизларни сўямиз, деганлар ҳам бўлган. Шунда биз одам юбориб, "Эй барака топгур, бу йўл нотўғри, эртага бунинг давоми бўлади, кирқин бўлади, бунинг қайтиши бор", - деган гапларни айтиб, уларни тўхтатганмиз. Ҳатто уларнинг баъзиларига қаттиқроқ муомала қилишга ҳам тўғри келган. Орадан озгина вақт ўтгандан кейин, мен бориб шу вилоятларда ўша одамлар билан учрашдим. "Қани, айтинг-лар, ўша пайтда тўғри қилганмизми ёки нотўғри қилганмизми?", деб сўраганимда, ҳаммаси бошини эгиб, юзимга қарай олмади.

Агар ўшанда уларни қўйиб юборсак, майли, битта-иккитасини ўлдирар эди. Лекин бир-бирига яқин бу икки вилоят бир-бирига қарама-қарши бўлиб, эртага икки мамлакат - энди мустақил бўлаётган Қирғизистон - Ўзбекистон тўқнашувига айланиб кетса, кимга маъқул бўларди?.. Бу фитнани ташкил қилган КГБнинг одамларигами?!

Қаттиққўлликни авторитарлик билан бир-бирига тенг қўйиш, албатта, нотўғри. Мана сиз яқиндагина бўлган воқеаларни эсладингиз. Гарчи битта одам ўлган бўлса-да, у ҳам инсон. Тожикистондаги ёки айтайлик, бошқа ҳудудлардаги беқарорлик шунга олиб

келмайдимиз?! Беқарорлик деганим шуки, ҳар бир инсон, ҳар қайси одам ўзи сайлаган, ўзи ишонган ҳокимиятга катта умид билан қарайди, барака топгур, менга нон топиб беролмасанг, ҳеч бўлмаса ҳаётимни, бола-чақамни ҳимоя қиларсан, деб умид билан қарайди. Агар шу иш қўлидан келмаса, у қандай ҳокимият?! Агар шунга ҳам қодир бўлмаса, ўтирадимиз Кўддайиб, мен ҳокимиятман, деб.

Албатта, биз Тожикистоннинг ички сиёсатига аралашмаймиз. Нега деганда, бу - тожикларнинг ички иши. Лекин у ерда ўзбеклар ҳам яшайди. Энг ёмони шуки, Турсунзода воқеаларидан фойдаланиб, баъзи собиқ "оҚа"лар қаерда тўқнашув бўлса, унисининг отаси ўзбек экан, бунисининг онаси тожик экан, деб, ёки тескарисини айтиб, орага қутқу солмоқчи бўлади. Уларнинг телевидниесига ҳам шу гап, матбуотида ҳам. Бундан мақсад нима? Мақсад шуки, икки миллатни бир-бирига қарши гижгижлаш, адоват уруғини сепиш.

Ўзбекларнинг ҳам, тожикларнинг ҳам табиати бир. Қаерда қон тўкилса, уларни тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар доим мен шуни айтиб тураманки, эй одамзот, ўзингни ушла, аввало қон тўкилмасин, акс ҳолда хунрезликни тўхтатиб бўлмайди. Энг ёмон нарса - аламзадалик, онасининг, отасининг аламини олиш. Шунинг учун битта одам ўлса ҳам, тўртта одам ярадор бўлса ҳам - бу бизлар учун, ўзбеклар учун фожиа.

Эртага уларнинг тарафдорлари ҳам у томонга бориб аччиқ устида бирор ҳаракат бошласа нима бўлади? Яна беқарорлик бўлади, яна Ўшдаги воқеалар такрорланади. Шунинг учун гап нечта одам қурбон бўлганида эмас. Битта одамнинг ўлими ҳам биз учун катта фожиа. Шунинг учун менинг айтадиган гапим шуки, барака топгур, агар давлатингда тартиб ўрната олмасанг, яна бир ўйлаб кўр - сен ҳукуматмисан? Сенинг раҳбарман, деб юришга ҳақкинг борми?

Иккинчидан, чегара дахлсизлиги - бу жуда масъулиятли иш. Чегара деганда нафақат ўз фуқароларингни, балки чегарадош бўлиб яшаётган, ҳеч айби йўқ одамларнинг ҳимоясини, уларнинг тақдирини ҳам ўйлашинг керак. Шунинг учун бундай фожиаларнинг, бундай воқеаларнинг олдини олмасак, бунга кескин баҳо бермасак, огоҳлантириб қўймасак, бу яхши оқибатга олиб келмайди.

- Сухбатимизнинг шу ўрнида табиий равишда туғилган "Бундай қаттиққўл сиёсат одамларни масъулиятни ўз зиммасига олишдан кўрқитиб қўймайдими?" деган саволга Президент Ислом Каримов жаноблари мана бундай деб жавоб бердилар:

- Одамларнинг кўрқиши, одамларнинг очиқ жавоб беришга тайёр эмаслигининг сабаби менинг қаттиққўлликим эмас. Бунинг сабаби - тарбия. Ҳар доим бизга шундай тарбия бериб келишганки, сен ўйлашинг шарт эмас, сен учун тепадагилар ўйлайди. Сенинг ишинг кетмонни кўтариб, далада ишлаш, пахтани ўстириш. Қолганига райком бор, обком бор. Қашқадарёда ишлаганимда, мени "Обком бобо" дейишар эди. Бир куни битта чол келиб: "Энди хафа бўлманг, сиз бизнинг пошшомиз-да", деди. Давр шунақа эди-да. Мен бекорга бу мисолларни келтираётганим йўқ. Ўша даврнинг "ҳосили"ни ҳозир биз кўриб турибмиз. Яъни обкомни "пошшо" деб эски замонни эслайдиган одамлар ҳали ҳам бор. Яъни, шунинг асоратлари ҳали ҳам сезиляпти.

- Агар шу аҳвол, яна ўзингиз айтгандек, эскича тарбия ва тафаккур давом этаверса ва одамлар ўз юртлари ташвишларига масъулиятсизлик ва лоқайдликда қолишни давом эттираверсалар, унда Ўзбекистон келажаги ва Сиз бугун таъкидлаётган юксак мақсад ва вазифалар тақдири нима бўлади?

- Мен ўйлайманки, ҳаётимиз, бугунги моддий аҳволимиз кундан-кунга яхши бўлиб кетади. Нима учун? Биз ўтган мана шу тўрт-беш йилда қурган, барпо этаётган қўшма корхоналар, Япония, Корея ва бошқа жойлардан олиб келган технологиялар, кичик, катта ва ўрта корхоналар ҳаммаси ўз маҳсулини бериши керак. Бунинг ҳисоб-китоби бор. Буларнинг ҳаммаси эртага авваламбор одамларни иш билан банд қилади, иккинчидан, одамларнинг ҳаётини яхшилади, даромадини кўпайтиради ва умуман турмуш даражасини ўстиради.

Шунинг учун менинг юз фоиз ишончим борки, бизлар орқага эмас, олдинга борамиз. 1996 йил бизлар учун иқтисодий ўсиш даврининг заминини барпо этиш эди. 1997 йилни биз инсон манфаатлари йили деб эълон қилдик. Бунинг ҳам маъноси жуда катта. Яқинда янги йил муносабати билан халқимизга йўлланган табрикномада мен инсон манфаатлари йили деган гапнинг мазмунини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, ўтган йилнинг якуни февраль бошида Вазирлар Маҳкамасида бўлади. Бу борада ҳам мен тегишли топшириқлар берганман, яъни инсон манфаатлари йили деган гап куруқ шиор бўлиб қолмаслиги учун 1997 йилда биз қандай тадбирлар белгилаб, ҳаётга татбиқ қилишимиз керак, режаларимизни қандай қилиб ҳаётга жорий этишимиз керак? Қандай қилсак одамларнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлади? Уларнинг кундалик эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни қандай ҳал қиламиз? Бу масалаларни амал курсида ўтирган одамлар, вазирликлар, умуман бизнинг бошқарув идораларимиз раҳбарлари чуқур ўйлаб кўришлари керак.

Яна бир бор айтаман, мен беш йил давомида биронта куруқ ваъда берганим йўқ. Агарда сизлар буни кузатиб турган бўлсангиз, айтинглари, қайси пайтда, қачон мен биронта ваъда бериб, ваъдамнинг устидан чиқмадим? Мен ҳамиша бир нарсдан кўркаман: замон тез ўтар экан, бирон кун келиб, бирорта одам: "Эй оғайни, раҳбар, Президент жаноблари, бир вақтлари шундай ваъда берувдингиз, ваъдангиз нима бўлди?" деб юзимга солмасмикан? Мен бу улкан масъулиятни зинҳор эрдан чиқарган эмасман. Такрор айтаманки, 1997 йил биз учун орқага чекиниш йили бўлмайди. Бу йил биз учун юксалиш, халқимизнинг ҳаётини, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш йили бўлади.

ҲАМмамизни Парвардигорнинг ўзи паноҳида сақласин. Мана сизлар Европада, бизлар олис Ўзбекистонда яшаймиз. Лекин нима учундир мен Ватанимга қайтаётганимда, бу ёққа йўл анча узоқ бўлади-ю, қайтиш йўли эса тезроқ ўтадигандек туюлади. Бунинг сабаби, назаримда, замон энди биз томонга юз бурмоқда. Қани, муҳбир қизим, айтинг-чи, куёш қайси томондан чиқади?

- Шарқдан.

- Шарқдан чиқади. Сизлар Ғарбда яшайсизлар. Шунинг учун замон бизга боқяпти, деганимда ҳар томонлама асос бор, деб ўйлайман. Бизнинг келажагимиз бор. Бир вақтлар мен, Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, деб айтганимда, баъзи бир одамлар мана шу "Озодлик" минбарига чиқиб, "Каримов нима деяпти, Ўзбекистон - келажаги буюк давлат, дегани нима ўзи?", деб жар солган, бизга ақл ўргатганлар ҳам жуда кўп эди. Энди бу Ғоя бизнинг амалий ишларимиз мезони бўлиб қолди. Биз "буюк" деганда "улуғдавлатчилик" деган маънони эмас, балки халқимизнинг ёруғ кунларини, фаровон ҳаётини, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб олишини назарда тутамиз.

Мана, яқинда "Буюк хизматлари учун" деган янги бир орден таъсис этдик. Мен бу орденни қандай номласак экан, деб кўп ўйладим, кўп китоблару луқатларни варақлаб чиқдим. Бошқа мамлакатларда ҳам шундай орденлар бор. Она тилимизда элу юрт манфаати йўлида қилинган эзгу меҳнатининг энг маъқул ифодаси, менимча, "Буюк хизматлари учун" деган иборадир. Чиндан ҳам, агар ёзувчими, шоирми, оддий хизматчими, дейлик, маънавият соҳасида ишлайдиган кишиларми, сизларнинг соҳангиздаги қаламқашларми, умуман, ҳалол ва самарали меҳнат қилган ҳар бир инсоннинг Ватан олдида, юрт олдида буюк хизматлари бўлади.

- Мана, азиз тингловчилар, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 15 январь куни Прагада "Озодлик" радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан ўтказган мулоқоти давомида билдирилган фикр-мулоҳазалари билан ҳам бевосита танишдингиз. Бу мулоқот ҳар бирингизда ўзгача тасаввур, ўзгача мушоҳадалар туғдирган бўлса, ажаб эмас.

Мазкур суҳбатда бевосита қатнашганларнинг таассуротларига келсак, биз бу учрашув ва мулоқотга Ўзбекистон Президентининг демократик ва эркин матбуотга нисбатан самимий эҳтиром ва эътибори, қолаверса, Ўзбекистонда ҳам ана шундай

матбуот қарор топтириш ҳақидаги истакнинг собит эканини кўрсатувчи мисол сифатида қарашга мойилмиз.

Зотан, суҳбат давомида изҳор қилинган фикр ва режалар Ўзбекистонда ҳар тарафлама тараққий қилган ва эркин жамият барпо этиш, инсон манфаатлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилишни давлатнинг олий сиёсати даражасига кўтариш йўлида республика Президентининг қарори қатъий эканини намоён қилади. Бу қатъиятни қўллаб-қувватлаш ва ўз ҳаётларини ана шу юксакликларга қай даража кўтара олишлик эса халқнинг ирода ва шижоатига боғлиқдир. Агар аксарият фуқаролар Ўзбекистон бугуни ва келажаги, демакки, ўз ҳаётлари ва ўсиб келаётган янги насллар тақдирига лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан қарашни давом эттираверсалар, у ҳолда бунинг учун жавобгарлик биринчи навбатда ўз устиларига тушмоғини ҳам унутмасликлари лозим.

Қарс икки қўлдан чиқади. Зотан, давлат бошлиғининг сўзлари қанчалар тўғри ва у қўяётган мақсад ва вазифалар қанчалар улуғ бўлмасин, уларни ҳақиқатга айлантириш бутун халқнинг иймон-измига боғлиқдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлган мулоқотимиз давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўртага қўйилган саволлар сизнинг ҳам шуурингизга кўчиб, уларга ҳар бирингиз муносиб жавоб излаш ва уни топишингизга умид қиламиз. Зотан, бундай мулоқотлардан асл муддао ҳам шулдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга "Озодлик" радиоси ўзбек шўъбасига берган суҳбати учун яна бир бор самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз ва "Озодлик" радиоси билан Ўзбекистоннинг муштарак мақсад йўлидаги ҳамкорлигининг бундан сўнг янги поғоналарига кўтарилиши ва бу каби очиқ суҳбатларнинг ҳали яна кўп бўлишига умид билдириб қоламиз. Бу ҳамкорлик тезда ўз самарасини бериб, "Озодлик" тўлқинларида Ўзбекистон ҳаёти ҳақида ҳақиқатни ифодаловчи маълумот ва шарҳлар кўпайиб қолса, ажаб эмас.

ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ - УСТУВОР ВАЗИФА

1997 йил 27 январь куни Республика Президенти Ислон Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида ўтган йиғилишда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисида тегишли вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди ўринбосарлари, бир қанча жамоа, деҳқон (фермер) хўжаликлари раислари, тадбиркорлар, олимлар иштирок этди.

Биз бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида 1996 йил якунларини кўриб чиқишимиз, улардан керакли хулосалар чиқариб, жорий йилда ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилашимиз лозим, деди Ислон Каримов. Бу гап, талаб айниқса қишлоқ хўжалик соҳаси учун тегишлидир. Чунки қишлоқ хўжалигида олиб бораётган ислохотларимиз кутилган натижани бермаса, умумиктисодий ўзгаришга эришиш қийин. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хом ашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади.

Мажлисида таъкидланишича, республикада мулкчилик муносабатларини ислох қилиш, хусусан қишлоқда кўп тармоқли иқтисодий вужудга келтириш борасида ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Мингдан зиёд давлат корхоналарининг мулк шакли ўзгарди, қишлоқда жамоа хўжаликлари, ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, ижарачилар, деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмалари, агрофирмалар, шахсий, ёрдамчи хўжаликлар ташкил топди. Сўнгги уч йилда деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 3,8 баробар ортиб қарийб 20 мингга етди, бу соҳада юз мингдан зиёд одам ишламоқда. Бир минг беш юзга яқин чорвачилик фермаси акционерлик жамиятларига айлантирилди, 694 ферма кимошди савдосида сотилди.

Қисқача айтганда, қишлоқда ишлаб чиқаришнинг давлат сектори асосан тугатилди. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотнинг 98 фоизи давлатга қаршли бўлмаган секторда ишлаб чиқарилмоқда.

Мажлисида таъкидландики, кўрилган чора-тадбирларга қарамай қишлоқда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамон кутилган натижани бермаяпти. Бу борада қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни татбиқ этишда сусткашлик қилинмоқда. Натижада бозор муносабатларига мос хўжалик механизми секин шаклланимоқда. Ана шу камчиликларнинг оқибатида деҳқон ҳақиқий мулкдорга айлана олмаяпти, қишлоқ мулкдорлар синфи шаклланимаяпти.

Тан олишимиз керакки, қишлоқда ўтказилаётган ислохотлар йўлида муайян тўсиқлар, бу ишларни ривожлантириш борасида камчиликлар мавжуд, деди Ислон Каримов. Хусусан, мулк шаклини ўзгартирган, деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусийлаштирилган фермаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик етишмаяпти.

Уларга етарли миқдорда ер ажратиш, айланма маблағларини ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника ва ўғит билан таъминлаш, етиштирилган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар яқиндан ёрдам беришлари керак. Қишлоқ ҳақида қайқуриш барчанинг иши бўлмоғи зарур.

Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштириш учун нималарга эътибор бериш, қандай тўсиқларни бартараф этиш керак, дея савол қўйди Президент ва бундай деди: Биринчидан, давлат тасарруфидан чиқарилган мулк ҳақиқий эгасининг, яъни деҳқон ёки чорвадорнинг қўлига тушиши зарур. Очиғини айтиш керакки, хусусийлаштиришнинг дастлабки

босқичларида бу борада айрим жойларда шошма-шошарликка йўл қўйилди, натижада деҳқончилик ёки чорвачиликдан йироқ одамлар, айрим бойваччалар мулк эгаси бўлиб қолди. Бу камчиликларни зудлик билан тузатиш, керак бўлса, қишлоқда ислохотларни тартибга солувчи ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар киритиш, янгиларини ишлаб чиқариш лозим. Токи, ҳеч нарса ислохотларни амалга оширишга монелик қилолмасин.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари, хусусийлаштирилган фирмалар оёққа туриб олиши учун давлат уларга ҳар томонлама ёрдам бериши, ҳимоя қилиш керак. Барчага аёнки, хўжалик муваффақиятли иш юритиши учун айланма маблағ зарур. Дастлабки босқичда буни давлатдан кредит олмасдан шакллантириб бўлмайди. Республика Молия вазирлиги, Марказий банк раҳбарлари Қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бу масалани ҳал этишлари лозим.

Қишлоқда ҳақиқий бозор муносабатларини қарор топтириш учун яна бир масалага аниқлик киритиш лозим, деди юртбошимиз. Нега мулк шакли ўзгарган хўжаликларни очиқ ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамияти деймиз? Улар ҳақиқатдан ҳам шундай жамиятми? Менимча, йўқ. Чунки бирор корхона акционерлик жамияти бўлиши учун албатта ўз акцияларини чиқариб сотиши керак. Жамоа хўжаликларида шундай акциялар борми? Йўқ. Шундай экан, масалани мураккаблаштирмасдан қишлоқда пайчиликни жорий этиш маъқул эмасми? Аслини олганда акция ҳам ўзбекча пайнинг ўзи-ку. Пай бўйича ҳам унинг эгаси қўлидаги пай миқдорига қараб умумий даромаддан ўз улушини, замонавий ибора билан айтганда дивидендини олади.

Акция, яъни пай ҳақиқий қимматига эга бўлиши, қишлоқда яшовчиларга меҳнатига яраша даромад келтириши учун эса қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучини бош-қа соҳаларга ўтказиш шарт, деди Ислоҳ Каримов. Токи эллик нафар одам ишлайдиган жойда, беш юз, юз одам ўрнига минг киши ишласин. Лекин бу муаммони ҳал этиш осон иш эмас. Бу муаммони бригадиру раислар ҳам яхши билади. Лекин улар ҳам нима қилсин. Ишловчиларнинг барчаси билан кунда бўлмаса кунаро кўришиб турса, уларнинг ҳам бола-чақаси бор. Демак, одамларни ранжитмаслик, уларга янги иш жойлари таклиф этиш лозим. Биз саноатни қишлоққа олиб келиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш деганда ана шу муаммоларни ечишни назарда тутамиз. Бу борадаги ишларнинг ҳозирги аҳволи эса бизни қониқтирмайди.

Ислохотлар йўлидаги яна бир муаммо қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиши лозим бўлган турли идора ва ташкилотларнинг деҳқон (фермер) хўжаликлари, ферма эгалари - умуман тадбиркорларга муносабатини ўзгартириш билан боғлиқдир. Бу ерда гап уларнинг яққа ҳокимликлиги, шунинг натижасида тазйиқ ва зўравонлик қилиш ҳақида бормоқда. Масалан, биз дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, уларни камайтириш тўғрисида кўп гапирамиз. Маълум бўлишича, кўплаб тайёрлов идоралари, қайта ишловчи корхоналар олинган маҳсулот учун вақтида ҳисоб-китоб қилмас экан. Бундай ҳол бозор шароитига тўғри келадими? Улар ҳақиқий бозор шароитида, айттайлик, хорижда бўлганида бир ҳафтага қолиб-қолмасдан инқирозга юз тутиб, хонавайрон бўлардику. Демак, улар деҳқонларнинг кўнгилчанлигию, ўзларининг зўравонлиги боис яшаб келмоқда. Деҳқон пулини вақтида олмаса, нима ҳисобидан тирикчилик қилади, бола-чақасини қандай боқади? Ўғит ёки техникани қайси пулга сотиб олади?

Қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ва техника ажратишда ҳам муносабатни кескин ўзгартириш пайти келди. Улар ўз маҳсулотларига истаганча нарх қўймоқдалар. Ўолбуки, ҳар бир корхона нарх осмонга чиқиб кетмаслиги учун ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга интилиши лозим. Шуни унутмаслик керакки, ана шу химия корхонасининг ҳам, техника ва уни эҳтиёт қисм-лари билан таъминловчи ташкилотнинг ҳам келажаги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Чунки хўжаликлар бизнинг иқтисодийтимизда ҳал қилувчи бўғиндир. Уларга ёрдам бермаслик, уларнинг йўлига тўраларча муносабат билан тўсиқ қўйиш ўз ризқини қийиш билан баробардир. Шунинг учун ризқ-рўзимизни етиштирадиган деҳқонларни ҳурмат қилишимиз, эъзозлашимиз

даркор. Ҳар бир ҳоким ёки вазир, олим ёки ташкилот раҳбари - барча бу ҳақиқатни унутмаслиги керак, дея таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Ўтган йили тегишли вазирлик ва ташкилотларга ер кадастрини тайёрлаш вазифаси топширилган эди. Бу нима учун керак? Аввало ер кадастри пухта ўрганилганда муайян ҳудудда, қишлоқ ёки жамоа хўжалигида маълум миқдордаги ҳосилни олиш учун қанча сарф-харажат кетиши аниқланади. Бунда ернинг унумдорлигидан тортиб, саноат корхоналаридан, сув ҳавзаларидан қанчалик йироқда эканлигигача эътибор берилади. Бошқача айтганда, деҳқонлар учун шароит тенг бўлиши керак. Оддий бир мисолга эътибор қилинг: Хоразм ёки Қорақалпоқистонга минерал ўғит олиб бориш учун кетадиган транспорт харажати ана шу ўғит қийматидан ҳам ортиқ экан. Тошкент вилоятидаги хўжалик эса шундоқ химия заводи ёнида жойлашгани учун деярли транспорт харажати сарфламайди. Демак, Хоразмдагига нисбатан унга ўғит икки баробар арзон тушади. Бу адолатданми? Узоқ вилоятларда ҳосил етиштираётган деҳқоннинг айби нимада? Заводдан узоқда жойлашганидами? Бундан шундай хулоса чиқариш керакки, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи идора ва ташкилотлар, хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси дифференциал тарифлар жорий этиши лозим. Токи деҳқон ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар боис зарар кўрмасин.

Халқда йил йилга ўхшамайди, деган гап бор. Бу нақл ўлкамизда рўй бериб турадиган табиий офатлар, табиат инжиқликлари, етиштириладиган ҳосилнинг миқдори маълум маънода ана шуларга боғлиқлигидан келиб чиққандир. Шу маънода ўтган 1996 йил деҳқонларимиз учун оғир келди. Баҳорнинг кечикиши, сел келиши, ёмқирнинг етарли даражада бўлмагани туфайли кўп хўжаликлар зарар кўрди. Йил бўйи заҳмат чекса-да, деҳқонларимиз кутилган ҳосилни ололмади. Бунда уларнинг айби йўқ.

Илгари бизда давлат Суғурта идоралари фаолият кўрсатарди. Лекин улар айрим ношуд раҳбарларнинг айбини ёпишга, нафси ҳаққалак отган кимсаларнинг қўнжини тўлдиришга хизмат қиларди. Яъни, "зарар кўрганлар", юқорида айтилган мезонлар таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик асосида аниқланар эди. Бошқаларнинг вазифаси эса Суғурта бадалларини тўлашдан иборат бўларди.

Ҳозирги шароит ана шу Суғурта компаниялари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди. Табиат инжиқликлари туфайли зарар кўрган хўжаликлар зарарини қоплаш лозим. Бу деҳқонларга нисбатан одилликни тиклаш борасидаги хайрли иш бўлур эди. Умуман, қишлоқ хўжалиги билан ҳисоб-китоб масалаларини такомиллаштириш зарур. Ўзининг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлигини исботлаган хўжаликларга техника сотиб олиш, ижтимоий ривожланиш мақсадлари учун кредит беришни йўлга қўйиш лозим. Айниқса молиявий аҳволи яхши бўлган хўжаликларда маош беришни кечиктиришга йўл қўйиб бўлмайди. Буни шу ишга алоқадор бўлган ҳар бир мутасадди раҳбар ёдда тутиши лозим.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқарувчидан муайян маҳсулотни етиштиришдан олдин уни сотиш масаласини ҳал этишни тақозо этади. Бунинг учун эса жойларда улгуржи савдо масаласини ечиш керак. Контрактация шартномалари асосида деҳқон ўз маҳсулотларини кимга, қанча ва қандай нархда сотишини аниқ билиши лозим. Шундагина у хотиржам ва меҳнати самарасига ишонган ҳолда ишлайди. Демокриманки, деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирган маҳсулотини сотолмай ўтиришига йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалада уларга ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Акс ҳолда деҳқоннинг кўнгли меҳнатдан совийди.

Шўро тузумининг сўнгги йилларидаги ижтимоий танг-ликни бартараф этиш мақсадида марказнинг хоҳишига қарши ўлароқ биз одамларга томорқа ажратишга қарор қилган эдик, деди Ислоҳ Каримов. Бу яхши натижа берди. Одамлар яратувчилик меҳнати билан банд бўлди. Натижада бозорларимиз турли ноз-неъматлар билан тўлди. Энди айтинглар, ана шу ишимиз, яъни одамларга ер берганимиз том маънодаги ислоҳот эмасмиди?! Ахир бир ҳовлида саккизталаб оиланинг яшашига йўл қўйиб бўлармиди?

Бугун эса ана шу томорқа масаласига қайтишимиз, унинг барча жиҳатларини ўрганишимиз жоиздир. Бу йўлда нималарга эришдик, қандай муаммолар бор, яна нималар қилиш керак?

Томорқанинг бизга ибратли жиҳати шуки, у одамлар кўз олдида ҳақиқий мулк сифатида намоён бўлди. Шунинг учун одамлар унга ёпишади, кўз қорачиғидек асрайди, бола-чақаси билан ишлайди. Одатдагидан икки баробар кўп ҳосил олади. Бу ҳақиқий мулкнинг афзаллиги эмасми? Биз мулк ҳақиқий эгасини топсин деганда, мулкка бўлган ана шундай муносабатни назарда тутамиз.

Шунинг учун ҳам томорқа масаласининг ҳуқуқий жиҳатларини, ҳажмини яна бир бор кўриб чиқишимиз, унинг келажагини ўйлашимиз керак. Давлат мулкчилигининг бу шаклига ўз кафолатини бериши, уни ҳимоя қилишини йўлга қўйишимиз лозим.

Кейинги пайтларда чорва моллари камайиб кетмоқда деган гаплар қулоққа чалинадиган бўлиб қолди, деди юрт-бошимиз. Афсуски, бунга ҳисоб-китобларнинг мукамал эмаслиги сабаб бўлмоқда. Уларда хусусийлашган фермалар, аҳоли кўлига ўтган моллар ҳисобга олинмаяпти. Ҳозиргина тилга олинган бир мисолга эътибор беринг. Чиноз туманидаги "Муқимий" хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи фермани сотиб олгач, барча молни зотдор сигирларга алмаштирдим, деди. У моллар сонини икки баробар камайтирган бўлиши мумкин. Лекин сут етиштиришни оширган. Аввалги 16-20 тонна ўрнига ҳозир 75-80 тонна гўшт етиштирмоқда. Ўзингиз хулоса қилинг, мазкур фермада чорва туёқчи ва маҳсулоти камайди, деб бўладими? Бошқа фермерлар ҳам шундай йўл тутган бўлса-чи? Демокчиманки, чорвачиликда сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Биз чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омили наслчилиқни яхшилашдир, деган гапни такрор-такрор айтаемиз. Раҳбарларнинг, олимларнинг бу ишга эътиборини тортаемиз. Лекин ҳамон аниқ натижага эришганимиз йўқ. Қолаверса, бу хайрли ишни асосан тадбиркорлар амалга оширмоқда. Бу ҳам хусусий мулкчилиқнинг яна бир шарофати эмасми? Ҳақиқий мулк эгасига туртки ҳам, бирор ишга даъват ҳам шарт эмас. У ўз юмушини билиб қилаверади. Унга халақит бермаслик лозим, холос.

Бизда ҳақиқий фермерлар, мулк эгалари, тадбиркор хўжалик раҳбарлари нега кам? Борларига ҳам нима учун вилоят ва туман ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар етарлича хайрихоҳлик билан қарамайдилар? Матбуот, радио ва телевидение нега уларни барчага ибрат қилиб кўрсатмайди? Амалга ошираётган хайрли ишларини тарғиб этиш орқали бошқаларда ҳам тадбиркорликка рағбат уйғотиш мумкин-ку, ахир!

Республикамизда иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни ўқитиш, келажагимизга хизмат қиладиган қобил инсонлар бўлиб етишиши йўлида ҳаракат қилинмоқда. Ўйлайманки, бу ишларимиз ҳам яқинда ўз натижасини бера бошлайди. Шу маънода кўп йиллардан буён ишлаб келаётган тажрибали ходимлар, ишбилармонлар орасида ҳам янгича фикрловчи одамларни аниқлаш, уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топширишни йўлга қўйиш лозим. Чунки қобилиятли кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди ҳисобланади. Уларнинг изланишлари, меҳнатларисиз жамиятнинг тараққиётга эришиши секинлашади. Ҳар бир вилоят ва туман ҳокимлигида ана шундай кадрларнинг рўйхати бўлиши, турли лавозимларга одам тайинлашда ундан фойдаланиш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги яна бир муаммо унга агросервис хизмати кўрсатиш, етарли миқдорда техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдир. Бу масалани машина техника парклари - МТПлар ташкил этмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди. Шу боис МТПларни кўпайтириш, ҳамма жойда ташкил этиш зарур. Айталик, "Кейс" комбайни ёки "Магнум" тракторини сотиб олишга ёлқиз фермер ёки жамоа хўжалигининг молиявий жиҳатдан кучи етмаслиги мумкин. Оқибатда у кунига 50 гектар ер ҳайдайдиган "Магнум" ўрнига 5 гектар ҳайдайдиган "Алтай"ни ёки бир йилда икки ой ишлаб, бошқа вақт бекор турадиган "Р-4" тракторини сотиб олишга мажбур бўлади. Бунинг нима кераги бор? МТП эса маблағларни бирлаштириш ва унга керакли техника воситасини сотиб олиш имконини

беради. Хуллас, МТП йўқ жойда ҳеч нарса - "Кейс" ҳам, "Магнум" ҳам бўлмайди. Ҳар бир раҳбар буни назардан соқит қилмаслиги керак.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиши лозим бўлган ташкилотлар қишлоқдан олисда - марказда жойлашган. Бу олимларга ҳам тегишлидир. Ана шу ҳолатга барҳам бериш, илм аҳлини қишлоққа яқинлаштириш, унинг муаммолари билан бақамти шуғулланишга имкон бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қошида янги тармоқ - марказ очдик.

Қишлоқ хўжалиги ривож, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ҳокимликлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бугунги куннинг талабидир. Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, кўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайтириш ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан химия, агросервис, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига аралаштириш, уларга тазйиқ ўтказиш, тамаъгирлик ва тўраларча муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий барҳам бериш даркор. Яна такрорлайман, йўл қўйилган камчиликлар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Ана шунда биз халқимиз турмушини фаровон қилишдек олий мақсадларимизга эришамиз. Меҳнатқаш, фидойи халқимиз бор экан, Ўзбекистоннинг эртанги куни албатта порлоқ бўлади. Ана шу йўлда сизларга улкан муваффақиятлар тилайман, деди Президент пировардида.

МУЛҚДОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ - ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ МЕЗОНИ

1997 йил 6 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш Раиси, Президент Ислон Каримов бошқарди. Мажлисида 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, республика фонд биржаси фаолиятини такомиллаштириш ва фонд биржасида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Бугун муҳокама этиладиган масалалар мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга моликдир, деди Ислон Каримов мажлисни очиб. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилаб, мақсадларимизни яна бир бор аниқлаб олиб ҳаракат қилишимиз лозим. Бу эса ислоҳотларнинг дастлабки босқичларига назар ташлашни, хусусан, 1996 йил якунларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этишни, йўл қўйилган хато ва нуқсонларни бартараф қилиш йўллари излашни тақозо этади. Зеро, ислоҳотлар узлуксиз давом этадиган жараёндир. Шу маънода жорий йил вазифаларини ўтган йиллардан ажратиб, алоҳида белгилаб бўлмайди.

Ахборотларда таъкидланганидек, 1996 йилда мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни кескин қисқартириш, молия ва пул кредит тизими, миллий валютани мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилди. Энг муҳим вазифа - ишлаб чиқаришнинг пасайиши тўхтатилди, иқтисодий ўсиш кўзга ташланди. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,6 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 6 фоиз, истеъмол товарлари 8,1 фоиз, ташқи савдо обороти 1,4 баравар ўсди. Дон етиштириш ва харид қилиш, пулли хизматлар кўрсатиш, қурилиш ишлари, юкларни ташиш ҳажмлари аввалги йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайди.

Қатъий пул кредит сиёсати натижаси ўлароқ, пул эмиссияси анча пасайди. Бюджет танқислиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизидан ошмади. Республика валюта биржасида 3,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл валютаси сотилди. Бу 1995 йилдагидан деярли уч баравар кўпдир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган инвестиция сиёсати давом эттирилди. Бу борада 7 фоиз ўсишга эришилди. 166,5 миллиард сўм миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилди. Чет эл инвестициялари 825 миллион АҚШ долларида ортди, бу аввалги йилгидан деярли икки баравар кўпдир. Инвестицияларнинг 66 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Маҳсулотларнинг 150 дан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни акционерлаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва фонд фаолиятини ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, мулкдорлар тоифасини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Миллий даромаднинг 68,9 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,4 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб 98 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келди. Барча ишловчиларнинг 70 фоизи ана шу тармоқда меҳнат қилди.

Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг айланмалари ўтган йили 1995 йилдагига нисбатан 4,8 баравар ўсди ва 8,3 миллиард сўмни ташкил этди. Акцияларнинг иккиламчи бозори айланмалари кўпайди. Улар акциялар умумий айланмасининг 30 фоизини ташкил қилди. "Тошкент" республика фонд биржаси, 12 та филиалга эга бўлган "Консаудит-информ" агентлиги ва 375 та инвестиция ташкилотларидан иборат фонд бозорининг яхлит инфратузилмаси шаклланди.

Шунга қарамай айрим корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи қийинлигича колмоқда. Оборот маблағларининг етишмаслиги сезилмоқда. Дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳажми пасаймаяпти. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар секинлик билан бормоқда. Хўжалик юритиш усули ўзгармаяпти. Одамларда мулкка эгалик ҳисси секин уйқонмоқда.

Биз иқтисодиётни янги тизимга ўтказиш, бозор муносабатларини шакллантириш борасида инқилобий сакрашларсиз, яъни тадрижий йўлдан бордик, деди Ислон Каримов. Чунки айрим мамлакатлардаги каби иқтисодий ислоҳотларни муайян кун, ой ёки йилда амалга оширамиз, деб режалаштириб бўлмайди. Тажриба шуни тасдиқладики, бу ишлар кутилганидан ҳам мураккаб, ҳаёт талаби қаттиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, бозор муносабатларига ўтишнинг биз ишлаб чиққан беш тамойили ҳаётга мос экани тўла исботланди. Биз ислоҳотларни амалга оширишда босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб эволюцион йўлдан бориб тўғри қилдик. 1991 йилда олдимизга муайян вазифалар қўйган бўлсак, кейинги йилларда ана шу вазифаларни амалга оширишнинг қонуний асосларини яратдик. Сўнгги икки йилда эса мураккаб вазифаларни ҳал эта бошладик. Бу давр мобайнида ислоҳотларнинг қонуний асослари, бозор ҳақидаги тушунчаларимиз такомиллашди. Таъбир жоиз бўлса, бу йўлда эришган энг катта ютуғимиз - одамлар онгида рўй берган ўзгаришдир, уларнинг меҳнатга, мулкка бўлган янги муносабатидир, дея таъкидлади Президент. Лекин ҳамон кўпчиликда, айниқса турли бўғин раҳбарларида замон руҳини ҳис этмаслик, янгиликни қабул қила билмаслик, боқимандалик кайфияти мавжуд. Биз бу сарқитлардан ҳалос бўлмас эканмиз, кутилган натижаларга эриша олмаймиз.

Ислоҳотлар жараёнида 1997 йил ҳам ўз муаммолари билан иқтисодий тараққиётимиздаги ўзига хос бир босқич бўлади, албатта.

Биз ана шу жорий йилдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилар эканмиз, аввало, нималарга аҳамият бермоғимиз лозим?

Шуни таъкидлаш керакки, ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий, энг катта мақсади, устувор йўналиши Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг қабул қилган барча фармону қарорларимиз, қонунларимиз ҳамма ишимиз ана шу мақсадга қаратилгандир. Бу вазифаларни ҳал этмасдан кутилган натижага, ҳаётимизда, иқтисодиётимизда исталган ўзгаришларга эришиб бўлмайди.

Саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, иқтисодиётнинг барча соҳаларида мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиши керак. Одамлар онгига мулкка эгалик ҳиссини сингдириш лозим. Барча фонд биржалари, қимматли қоғозлар бозорларининг фаолияти одамлар онгида эгалик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилиши даркор.

Биз аҳолининг кескин табақалашувиға йўл қўймаймиз. Яъни, бизда энг бой ва ўта камбағаллар бўлмайди, балки ўртача мулкдорлар синфи қарор топади. Бу синф иқтисодиётда, борингки, мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутиши, асосий таянч бўлиши керак, деди юртбошимиз.

Бу синфни шакллантириш учун бизда барча шароит, ҳуқуқий асос бор. Унга амалий ва моддий ёрдам берувчи янги тузилмалар барпо этилган. Лекин нега бу масалада ўзгариш бўлмаяпти? Янги ижтимоий тоифа ўзини намоён этолмаяпти. Бу синфнинг ҳаётимизга таъсири сезилмаяпти. Бусиз биз ўз муродимизга етишимиз қийинку!

Бир қарашда деҳқон, фермер хўжаликлари, хусусийлашган корхоналар бошлиқлари, чиқарилган акцияларни сотиб олганлар - яъни мулк эгалари бор. Лекин уларнинг дунёқараши ўзгараяптими, ўз манфаати учун курашяпти-ми? Бу саволларга тўла ижобий жавоб бериш қийин. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳали-ҳамон Президент бор, ҳуқуқат бор, ҳокимликлар бор, ҳамма муаммоларимизни улар ҳал қилиб беради, деган эски кайфият билан юрибди. Кредит олишга эришиш, янги технология, усқуналар олиб келиш борасида ҳам ана шундай "олма пиш, оғзимга туш" қабилдаги ҳолат ҳукмронлик қилмоқда. Бу билан узокқа бориб бўладими? Бизнинг 1997 йилдаги устувор вазифаларимиздан бири ана шундай кайфиятларга барҳам беришдан, мулк эгаларининг мустаҳкам оёққа туриб

олишини таъминлашдан иборатдир. Улар ҳеч нарсадан чўчимасдан ҳаракат қилиши лозим. Охир-оқибатда давлатнинг таянчи ана шу мулкдорлар синфи бўлиши керак.

Ўзбекистонда албатта кўп укладли иқтисодиёт қарор топади. Давлат мулки ҳам, жамоат мулки ҳам, шахсий мулк ҳам бирдек ривожланиши учун барча шароит яратиб берилади. Асосий қонунимизда қайд этилганидек, давлат шахсий мулкни ҳимоя қилади. Бу бизнинг бош йўлимиздир. Лекин одамлар дунёқарашини шунга мосми? Айтайлик, бир завод мулки давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциялари сотилди. Ана шу акция эгалари завод фаолиятида, уни бошқаришда ўз овози билан фаол иштирок этиши лозим. Бошқача айтганда, корхонанинг тақдирини, ҳаёт-мамотини директор эмас, балки акционерлар ҳал этиши лозим. Амалда эса кўпгина жойларда акция эгалари директор бизга қачон дивиденд берар экан, дея кўл қовуштириб ўтирибди. Бу аввалги даврдаги ўн учинчи маошни кутишни эслатмайдими? Демокриманки, акция эгаси фақат даромаддан улушини олувчи эмас, балки ўзини ана шу корхонанинг эгасиман, деб ҳис этиши керак. Биз одамлар дунёқарашини ўзгартириш деганда ана шу жиҳатларни назарда тутамиз.

Идоралараро кенгаш таркибида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет эл фирма ва корхоналарининг вакиллари ҳам бор. Президент йиғилганларга, хусусан чет эллик кенгаш аъзоларига "Сизлар Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун 1997 йилда нималарга аҳамият бериш керак, деб ўйлайсиз", деган савол билан мурожаат қилди.

Корхоналар бир меъёردа ишлаши учун ўз айланма маблағига эга бўлиши керак, деди Президент. Бунинг учун эса хусусийлаштириш туфайли вужудга келадиган имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим. Хусусийлаштириш корхоналарга сармоя келишининг омили бўлиши даркор. Акциялар доимо ҳаракатда бўлиши, айланиб туриши, ана шунинг натижасида корхонага даромад келтириши шарт. Бунинг учун эса акцияларни жамоага, давлатга, чет эллик инвесторларга ва эркин сотувга оқилона тақсимлаш зарур. Бизнингча, бунда жамоанинг улуши 30 фоиздан ошмагани мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётга маблағ жалб этишнинг асосий йўлларида бири акцияларни эркин тарзда сотишдир. Бу аҳоли қўлидаги ортиқча пулларни ишлаб чиқаришга киритиш имконини беради. Шу ўринда бу иш бизда нега кўнгилдагидек амалга ошмаётганига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Нега бизнинг юртдошларимиз ҳамон ортиқча пулни ёстик остида сақлашни афзал кўради?

Мана, мустақиллик боис дунёга чиқдик. Чет элларни кўряпмиз. У ерларда бирор одамнинг қўлига пул тушса, уни кўпайтиришнинг йўлини қидиради. Пулини ё банкка қўяди, ёки янги иш очади, бизнес қилади. Бизда эса қўлига пул тушган одамнинг негадир боши айланиб қолади, тўқликка шўхлик қилади. Нега шундай? Нега у пулини банкка қўймайди? - дея савол берди Президент. Чунки унда шўро даврида қолган қўрқув бор. У пайтдан бадавлат одамни кўролмаслик кайфияти ҳукмрон эди. Қолаверса, унда банкка тўла ишонч йўқ эди.

Бу вазиятни қандай ўнглаш мумкин? Бунинг учун аввало одамлар онгидаги ўша кайфиятларни ўзгартириш керак. Қолаверса, бу масалани давлат даражасига кўтариш, уларни ҳимоя қилиш лозим. Чунки фуқаролари бой бўлган мамлакатгина бой бўлади, деган ҳақиқат бор.

Фуқароларимиз шуни яхши билсинки, биз ҳеч кимнинг чўнтагидаги пулни ҳисоб-китоб қилмаймиз. Пул топибдими, ҳалоли бўлсин. ҲУҚУҚ-тартибот, назорат идораларининг ходимлари ҳам ана шу ақидага амал қилишлари даркор. Бизда ўтмишда ҳам бойлар бўлган. Улар, бизга Шўро даврида уқтирганларидек, золим бўлмаган. Бой-бадавлат одамнинг бутун маҳаллага, қишлоққа нафи теккан. Шунинг учун ҳам биз бой-бадавлат одамларга нисбатан қарашимизни ўзгартиришимиз керак. Давлат, жамоа ишини бажариб қўйгандан кейин ўз манфаати йўлида меҳнат қилсин, бола-чақасининг ризқини қўпайтирсин, бойлик орт-тирсин. Биз буни фақат қўллаб-қувватлаймиз, деди Ислом Каримов.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг яна бир йўли эса акцияларни хорижий инвесторларга кўпроқ сотишдир. Улар бу жараёнда корхоналарга сармоя киритиш орқали фаол иштирок этишлари мумкин. Шунга интилиш керакки, бундай акциялар салмоғи ўртача 25 фоизни ташкил этсин. Бу 1997 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг натижаси тобора яққолроқ кўринмоқда. Буни Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-сотиқ кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистон уларнинг барчаси билан ижобий сальдога эга. Биз барча хорижий давлатлар билан маърифий савдони йўлга қўйганмиз. Бу барча ҳисоб-китоблар эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, демакдир. Россия эса бизни кўпроқ бартер йўли билан ҳисоб-китоб қилишга ундамоқда. Бу бизга маъқул эмас. Мисол учун, нега ҳар жиҳатдан афзаллиги аён "Кэйс" турганда самараси паст комбайнларни сотиб олишимиз керак?

Хуллас, бозор иқтисодиётига ҳар ким ўз йўлидан бораётир. Бу гап инфляцияни жиловлаш усулларига ҳам тегишли. Ўзбекистонда бир неча ойлаб маош бермай қўйиш, шу йўл билан инфляцияни сунъий равишда ушлаб туриш ҳолатлари йўқ. Аксинча, бизнинг барча ҳаракатларимиз, ўтказаетган ислохотларимиз халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ватанимиз равнақини таъминлашга, буюк келажагимизни бунёд этишга қаратилган. Бошқа-ча қилиб айтганда, одамлар ислохотга эмас, балки ислохот инсон манфаатлари учун хизмат қилади.

Ҳар биримиз ана шу йўлда бор имкониятимизни ишга солишимиз, 1997 йилги устувор вазифаларни ҳал этишда камарбаста бўлмоғимиз лозим. Бизнинг халқимиз оғир-вазмин, инсофу андишали, бунёдкор халқ. Шундай экан, порлоқ келажагимизни албатта бунёд этамиз. Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга омад ва муваффақиятлар тилайман, деди Президент пировардида.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Қадрли дўстлар!

Мухтарам депутатлар!

Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маънавий хазинасида Фарғонанинг алоҳида ўрни ва муносиб ҳиссаси бор. Бу ерда асрлар мобайнида шаклланиб, буюк мазмун ва моҳият касб этган улуғ анъаналар, урф-одатлар, кадриятлар миллатимизнинг тараққиёт йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона вилояти нафақат табиий гўзаллиги билан, балки жуда катта ва такрорланмас ишлаб чиқариш салоҳияти, хунармандчилик ва маърифий тажрибалари билан ҳам алоҳида нуфузга эга.

Фарғона вилояти диёнатли, ориятли, меҳнаткаш, баҚри кенг, меҳмондўст халқи билан ҳам оламга машҳур. Бу заминда миллий кадриятларимиз ва маънавиятимизга ҳамда жаҳон илм-фанининг ривожига улкан ҳисса қўшиб, миллатимизни дунёга танитган Аҳмад Фарқоний, Бурҳонуддин ал-МарҚиноний каби улуғ зотлар етишиб чиққан.

Фарғона адабий муҳитида камол топган Муқимий, Фурқат, Завқий ва Собир Абдулла каби улуғ маърифатчиларнинг миллатимиз маънавий хазинасига қўшган ҳиссалари ҳам беқиёсдир.

Увайсий, Нодира, Анбар отин ва Дилшод Барно каби нозик қалб соҳибалари эса ўзбек аёлининг беқиёс маънавий гўзаллигининг, иффати ва садоқатининг бетакрор тимсолидир.

Ўзбек театри, қўшиқчилик ва мусиқа санъатининг йирик намояндалари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Ҳалимахоним, Муқаррамахоним, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Наби Раҳимов, ҲАМза Умаров, Таваккал Қодиров каби истеъодлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Истиқлол йилларида Фарғона вилояти халқ хўжалигининг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги тармоқ ва корхоналар барпо этилди.

Кейинги йилларда Кувада қандолатчилик фабрикаси, Қўқонда спирт заводи, Куvasойда ойна ишлаб чиқариш цехи, Риштонда мебель фабрикаси ва Фарғона шаҳрида "Ўзсаламан" қўшма корхоналарининг ишга туширилганлиги вилоятда саноатни ривожлантиришда муҳим туртки бўлди.

Бундан ташқари, чет мамлакатлар билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжудларини қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолининг 80 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланди. Газлаштириш эса истиқлол йилларида икки баравар кўпайди, яъни 75 фоизга етди. Ҳатто энг чекка, тоҚли Шохимардон қишлоҚига ҳам табиий газ етиб борди. Шаҳар ва туман марказларида шарқона усулда бозор, дўкон ва маиший хизмат шохобчалари қурилиб, ободончиликка катта эътибор берилди.

Шу ўринда Ватанимиз тарихи ва маданиятида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган шаҳарлардан бири - Қўқон шаҳри ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш макбул деб ўйлайман. Қўқон аҳли ўзининг нафис санъати, хунармандлиги ва адабий муҳити, маърифати ва юксак маънавияти билан ном қозонган.

Истиқлол йилларида Қўқоннинг қиёфаси тубдан ўзгариб, у ўзининг қадимий санъат ва тижорат маркази сифатидаги нуфузини тиклай бошлади. Янги саноат корхоналарини барпо этишга, тадбиркорликни кенг ривожлантиришга катта эътибор берилди. Хамиртуруш заводи, телефон станцияси, вилоят офтальмология маркази қуриб ишга туширилди. Спирт заводининг иккинчи навбати, янги автовокзал ва янги тўқимачилик комбинати қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Шаҳарда миллий меъморчилик услубида куриб битказилган 300 дан ортиқ хусусий дўконни кўрган одамнинг кўзи қувонади. Шарқ тижорат санъати анъанасига мувофиқ кечаю кундуз ишлайдиган биринчи улгуржи савдо бозори - "Бозори шаб" ҳам ана шу Кўконда барпо этилгани бежиз эмас.

Халқ хашари, ўзаро беҒараз инсоний ёрдам каби анъаналаримиз Кўкон заминида жуда яхши ривожланаяпти. Мана, биргина мисол: шаҳар ўрдасининг катта бир залини Ўзбекистон халқ рассоми 87 ёшли Сайдахмад ота Маҳмудов ўқиллари ва шогирдлари билан уч ой мобайнида бепул таъмирлаб берди. Бундай олижаноб иш учун ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Кўкон шаҳридаги каби ташаббускор инсонларни Марғилон, Тошлоқ ва Қувасой шаҳарларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Номлари зикр этилган шаҳарларда ҳам моддий ва маънавий бунёдкорлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Энг муҳими, одамларда ёруғликка ишонч ва интилиш бор. Шу юрт учун куйинадиган, шу юрт тақдирини ўйлайдиган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларни кўриб албатта қувонади, қалби Ғурурга тўлади.

Хурматли халқ ноиблари!

Фарғона республика халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида бу заминнинг бой имкониятлари, бекиёс ишлаб чиқариш қуввати, маънавий ва ақлий захиралари алоҳида мавқега эга.

Ана шундай улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятига ҳамда бебаҳо маънавий меросга, қадимий анъаналарга эга бўлган Фарғонадек муқаддас заминда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами қандай, деган савол туғилиши табиийдир. Қанчалик аччиқ бўлмасин, шуни таъкидлаш керакки, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кўлами ва моҳиятини қониқарли деб бўлмайди. Иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар ва туб ислохотлар изчил амалга оширилмаяпти.

Вилоятда кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Мулк шаклини ўзгартирган корхоналар билан иш олиб борилмаяпти, ханузгача номи ўзгариб, иш услуби эскича қолмоқда.

Ислохотларнинг тақдирини ҳал қилувчи масала - мулк шаклини ўзгартиришдир. Мулк ўзининг ҳақиқий эгасига етиб бориши учун, янада соддароқ айтадиган бўлсак, мулкдор, фермер, деҳқон ўзини ҳақиқий, асл мулк соҳиби сифатида ҳис қилиши учун етарли шарт-шароит яратиш зарур. Афсуски, жуда кўп жойларда бу масалани ечишда расмиятчиликка, бошбошдоқликка, бепарволик ва масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда.

Кўпгина янги ташкил этилган ҳиссадорлик жамиятлари шунчаки, номигагина ўз шаклини ўзгартирган, аниқ бизнес режаларига эга эмас, акциядорлар жамиятнинг бошқарувида фаол иштирок этмаяпти.

Вилоятда бизнес фонд, "Мадад" Суғурта компанияси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бўлимлари ҳамда биржалари ўз фаолиятини давр талабларига мослаштира олмаётир. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 8 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхона рўйхатдан ўтган. Бироқ уларнинг фақат 50 фоизи фаолият кўрсатмоқда, холос.

Вилоят бўйича янги иш жойларини яратиш кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Ёзёвон, Охунбобоев, Сўх, Фарғона ва Фурқат туманларида бу масалаларга жиддий эътибор берилмаяпти.

Вилоятда 2,5 миллион аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли ҳар йили икки фоизга кўпаяпти. Бу янги иш жойларини ташкил этишни тақозо этади. Афсуски, маҳаллий ҳокимият органларида аҳоли ривожланиши ва ижтимоий сиёсатга доир истиқболли дастурлар йўқ.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида ҳам аниқ режалар мавжуд эмас. Кўшма корхоналар барпо этиш ўта суст даражада. Вилоят ва баъзи корхоналар раҳбарлари бу ишларни амалга оширишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлар.

Вилоятда рўйхатдан ўтган 73 қўшма корхонанинг атиги 35 таси фаолият кўрсатмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари, Тошлоқ ва Кува туманларидан ташқари бошқа туман ва шаҳарларда бирорта ҳам қўшма корхона фаолият кўрсатмаяпти. Бу масалада етарли назорат ва масъулият йўқ.

Чуқур текшириш ва тайёргарлик кўрмасдан ташкил қилинган баъзи бир қўшма корхоналар умуман ишлаётгани йўқ. Уларни тузиш, ташкил қилиш учун кўп миқдорда пахта толаси, пилла ва бошқа қимматли хом ашёлар сарф қилинган. Энди улар ўз самарасини бериши шарт.

Вилоятда молиявий аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Жумладан, ўтган йил якуни бўйича дебитор қарзлар 51 миллиард сўмни, кредитор қарзлари эса 46 миллиард сўмни, эмиссия миқдори 36 фоизни ташкил қилди. Қўқон ва Марғилон шаҳарларида пул эмиссиясини камайтириш борасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, бошқа бирорта туман ва шаҳар эмиссия режасини бажармади.

Банк тизимлари фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, тижорат банкларида кредит беришда мижозларнинг молиявий аҳволи чуқур ўрганилмаяпти. Ўзаро кафолат ва гаров мажбуриятлари ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштирилмаяпти.

Аҳолига савдо, пулли ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Чакана савдо хизмати жон бошига 10 минг, пулли хизмат 960, маиший хизмат эса 130 сўмни ташкил этади. Бу республика кўрсаткичларидан анча кам.

Аҳоли жон бошига пулли ва маиший хизмат кўрсатиш Данғара, Ёзёвон, Ўзбекистон ва Учкўприк туманларида вилоят кўрсаткичидан ҳам икки баробар кам. Айрим туманларда эса маиший хизмат шохобчалари сони охириги 5 йил мобайнида кўпайиш ўрнига камайиб кетган.

Яқинда вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятларига қарашли савдо шохобчалари фаолияти ўрганилганда, уларнинг аксариятида кўп турдаги кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-рўзғор молларининг йўқлиги аниқланди. Айниқса, Бешарик, Бақдод, Тошлоқ, Олтиариқ ва Фарғона туманлари савдо шохобчалари томонидан аҳолига кундалик эҳтиёж моллари етказиб беришда узилишларга йўқ қўйилмоқда. Бу эса харидорларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Савдо тизимида ислохотлар юзаки ўтказилаётганлиги, уларда тартиб-интизомнинг бўшлиги, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, фақат ўз фойдасини ўйлаб иш юритаётганлиги, савдо шохобчаларини хусусийлаштиришда шошма-шошарликка йўл қўйилаётганлиги ана шу тизимдаги қолоқликнинг асосий сабаби ҳисобланади. Халққа ҳалол хизмат қилиш ўрнига харидорни алдаш, унинг ҳақиқага хиёнат қилиш, кўзбўямачилик каби иллатлар кўплаб учрамоқда. Буларга чек қўйиш вақти келди!

Яна бир муҳим масалага тўхтаб ўтмоқчиман. Фарғона вилоятида саноат корхоналарининг аксарият қисми ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаяпти. Жумладан, химия, машинасозлик ва енгил саноат тизимидаги корхоналар ишлаб чиқариш қувватларининг бор-йўғи 50 фоиздан фойдаланмоқда. Марғилон "Хонатлас" ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватининг атиги учдан бирдан фойдаланаётганлигини қандай тушунмоқ керак?

"Маҳаллий саноат" савдо-саноат концерни тизимида жун, калава ип ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш 70 фоизгача камайди. Ўтган 4 йил мобайнида Фарғона газ аппарат ишлаб чиқариш бирлашмаси газ плиталари ишлаб чиқариш ҳажмини 9 баравар камайтирган. Сўх туманида "Пойабзал" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти эса бир вақтлар йилига 840 минг дона пойафзал ишлаб чиқарган бўлса, бугунги кунда тўхтаб қолиш арафасида турибди.

Фарғонадаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган саноат корхоналарининг аҳволи ҳам жуда ташвишли бўлиб, вилоятда сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш охириги уч йилда уч марта камайиб кетган.

Ўзбек амалий санъати ривожига муносиб ҳисса қўшадиган Риштон кулолчилик заводига аҳвол ўта аянчлидир. Илгарилари 2000 дан ортиқ ишловчиси бўлган ушбу корхонада ҳозир ишчилар сони тенг ярмига қисқарган, маҳсулот бозори касодга учраган. Корхона ва туман раҳбарияти аҳволни ўнглаш учун амалий иш олиб бормаяпти.

Бозор талабини билмаслик, сифатсиз маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг буюртмалар "портфели"га эга эмаслиги боис бугунги кунда вилоятда 3,2 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғи бор.

Қишлоқда кичик-кичик саноат корхоналарини ташкил этиш ва ривожлантириш ёрдамида аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб масаладир. Лекин Сўх, Ўзбекистон ва Фурқат туманларида кейинги уч йилда бирорта ҳам саноат корхонаси ишга туширилмаганлиги ушбу туманлар раҳбариятининг бепарволиги, лоқайдлиги, масъулиятсизлигининг натижаси эмасми?

Вилоят раҳбарияти саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ дастурга эга эмас.

Азиз дўстлар!

Фарғона водийси деҳқончилиги, тарихий анъаналари ва бой тажриба мактаби хусусида алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Чунки, бу қадимий маконда маданият ва маърифат сингари ерга муносабат ҳам, деҳқончилик ва яратувчилик ҳам ўзига хос намуна даражасига кўтарилган. Бугунги кунда биз ана шу тажрибага таянамиз, уни юксак кадрлаймиз.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда қишлоқда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ҳозирги кун талабига жавоб бермаётганлигини алоҳида таъкидладик.

Ислохотлар борасида қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг қишлоқ жойларда етарли татбиқ этилмаётгани, мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётгани, деҳқонларда ҳуқуқий мулкдорлик ҳисси ва қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланмаётгани, деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани ва моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги ва бошқа қатор муаммолар ҳамда иллатлар кескин танқид қилинди.

Бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш ҳақида гапирар эканмиз, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Авваламбор, суқориладиган ерлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги яққол сезилмоқда. Тупроқ унумдорлигини оширишга оид тадбирлар ер ислохоти билан мувофиқлаштириб борилмаяпти. Уруғчиликка, наслчиликка, техника ва ўғит таъминоти, илғор технологияларни жорий этишга етарли эътибор берилмаяпти. Натижада деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Ўтган йили вилоятда бирорта туман пахта тайёрлаш режасини уддалай олмади ва ялпи ҳосил 93 минг тонна камайиб кетди. Айникса, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Риштон, Ўзбекистон ва Учкўприк туманларида пахта етиштириш кескин камайиб кетган.

Дон етиштириш масалаларига жиддий эътибор беришимиз керак. Вилоят бошоқли дон ишлаб чиқариш топшириғини уч йилдан буён бажармай келмоқда. Ўтган йили бу соҳадаги топширикни вилоят жамоат секторида 77 фоиз, Ёзёвон, Охунбобоев, Фарғона, Данғара ва Бақдод туманлари эса 60-70 фоиз бажардилар, холос.

Вилоятда ўтган йили картошка етиштириш режаси атиги 26 фоиз бажарилди. Бунинг сабабларидан бири Голландиядан 2,6 минг тонна сифатсиз уруғлик ва Бельгиядан эса 1000 тонна истеъмол картошкаси жами 123 миллион сўм эвазига келтирилган. Деҳқончилик қоидаларига зид ҳолда истеъмол картошкаси уруғлик сифатида экилгани учун ҳар бир кило уруғ ҳисобига 2 килога етар-етмас ҳосил олинди, холос. Натижада даромад ўрнига миллион сўмлаб зарар кўрилди.

Бундай номаъкулчилик учун ким жавоб беради? Нега кўра-била туриб қайта ишлов берилган истеъмол картошкаси уруғлик сифатида экилди? Нега деҳқон меҳнати ва ер умри поймол қилинди?

Бунга йўл қўйган мансабдорларни жавобгарликка тортиш масаласи республика Бош прокурори Бўритош Мустафоевга топширилсин. Айбдор раҳбарлар қонун бўйича жавобини берсин.

Қишлоқ хўжалигида техника таъминоти масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Кейинги уч йилда атиги 10 фоиз техника янгиланган. Ваҳоланки, ҳайдов, чопиқ тракторлари ва озуқа ўриш комбайнларининг ярми, дон ўриш комбайн-ларининг эса 30 фоизи яроғсиз аҳволга келиб қолган.

Деҳқончиликда илғор технологияларни жорий қилишга эътибор суств. Плёнка остига пахта экиш, дончилик соҳасида биринчи репродукция уруғ топиш, янгилликка интилиш ва водийлик бободеҳқонларнинг унутилган анъаналарини тиклаш борасида ибратли ишлар қилинаётган бир пайтда бу ердаги суствкашлик ва лоқайдликни қандай тушуниш мумкин?

Нима учун тенг шароитда, тенг аҳволда бўлган Андижон вилоятида бу масалаларни ечиш учун тегишли имкониятлар топилади-ю, Фарғона вилоятида бепарволикка йўл қўйилади?

Бунга асосий жавобгар кишиларни вилоят раҳбарлари орасидан кидириш керак, деб ўйлайман.

Чорвачилик соҳасида ҳам аҳвол қониқарли эмас. Аҳоли кўлидаги моллар сони кўпайгани ҳолда, ўтган йил мобайнида ширкат хўжаликлариди қорамол сони 33 минг бош камайди, суств ва гўшт етиштиришда кўзланган даражага эришилмади.

Азиз дўстлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўтган йилги ишларга умумлаштириб хулоса чиқарсак, йил яқунлари яхши бўлмади.

Албатта, бунинг сабаблари кўпчилик учун аён. Табиатнинг, иқлимнинг салбий таъсири, кўп масалаларга ечим топмаганимиз бунга сабаб бўлди.

Лекин мен бир нарсага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: кўпчиликдан сўрасак, Фарғона вилоятида 1996 йил мавсумида чигит экиш муддатлари ўн-ўн беш кун ўрнига бир ярим ойгача чўзилди, техника етишмади, ўғитдан қийинчилик бўлди, деган сабабларни рўқач қилади.

Аслида, масалага синчиклаб қарасак, табиий савол туғилади: экиш мавсумининг чўзилиб-кечикиб етишига нима сабаб бўлди? Ернинг ўз вақтида тайёр бўлмаганлиги, шўри вақтида ювилмаганлиги ва ҳоказолар - бу ҳолатнинг асосий сабабидир.

Хўш нима учун ер ўз вақтида тайёр бўлмади? Чунки кўп туманларда ер кузда шудгор қилинмасдан кўкламда ҳайдалган. Яъни ота-бобомиздан қолган "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" деган нақл эсдан чиқарилган.

Бу сабабларнинг ҳаммасини умумлаштириб айтсак, биз ҳануз бир одатдан халос бўлолмаяпмиз. Пахта йиғим-терими ноябрь, гоҳо декабрь ойигача чўзилади. 95-йил мавсумида вилоятда ноябрда ҳам пахта терилган. Совуқ эрта тушган, ер музлаб қолган, яъни янги мавсумга - 1996 йилга мутлақо тайёргарлик бўлмаган.

Хулоса қилиб айтганда, мана шу эски одат вилоят учун катта зиён келтирган. Минг марта айтилди: чигит экиш, уни парвариш қилиш, пахтани йиқиб-териш олиш ишлари бугунги Ўзбекистон шароитида 15 октябрдан ўтмаслиги керак.

Бу талабнинг яна бошқа бир томони шундан иборатки, бир икки ёмқир ёққандан кейин пахта сифати кескин пасаяди ва ноябрь охирида терилган пахта аранг 4-5-сортга қабул қилинади, бу эса хўжалик учун зиёндан бошқа нарса келтирмайди.

Бу ҳақиқатни тушуниш, буни ҳисоб-китоб қилиб, оқибатининг олдини олиш бугунги энг долзарб масалага айланиб қолмоқда.

Бундан аввало раҳбарлар - раисдан тортиб ҳокимгача - яхшилаб хулоса чиқариб олишлари керак. Нега деганда деҳқонни эскича тарзда ишлашга мажбурлаётган, ўша зарарли, эски усулни давом эттиришга сабабчи бўлаётган кишилар айнан раҳбарлардир.

Нега деганда бундай раҳбарлар, агар пахта тайёрлаш режасини бажармасам, мени ишдан олади, деб кўрқади.

Барака топгурлар, икки қулоқингиз билан эшитиб олинг-лар: раҳбарнинг лавозимидан кетишига сабаб бу эмас. Агарки, деҳқоннинг даромадини, соф фойдасини ташкил этолмасангиз, унинг ризки-рўзини таъминлаб беролмасангиз, эгаллаб турган мансабингиздан айрилишингиз мумкин. Аммо хўжаликка ҳам, давлатга ҳам ташвиш ва зарар келтирадиган режабозлик фаолиятингиз учун эмас.

Хурматли депутатлар!

Битта табиий саволга биргаликда жавоб топишимиз керак: нега эскича усуллар самара бермаётганлигини кўриб туриб, билиб туриб, биз бунга бефарқ қараймиз?

Нима учун яхшиликка тоби бўлмаган, эски услубларда суяги қотган, тадбиркорликка, ишбилармон одамлар йўлига тўсиқ бўлиб турган мансабдорларга, раҳбарлик курсида ўтирганларга чидаб туришимиз керак?

Вилоятда жами 264 чорвачилик фермасидан 135 таси кимошди савдоси орқали сотилган эди. Аммо, уларнинг 81 таси икки йил мобайнида ҳам пули тушмаганлиги сабабли қайтариб олинди.

Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Бу ислохотларнинг маъносини тушунмасликми ёки чорвани йўқ қилишга интилишми?

Маълумки, мамлакатимизда баъзи жамоа хўжалиklarини ҳиссадорлик (пайчилик) жамиятларига айлантириш борасида тавсиялар берилган эди. Афсуски, бу ишларга етарли эътибор берилмаяпти. Ваҳоланки, вилоятда яхши кўрсаткичларга эришаётган деҳқон-фермер хўжалиklари бор. Охунбобоев туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Акмал", Учкўприк туманидаги пахтачилик ва Ғаллачиликка ихтисослашган "Боқбон" деҳқон-фермер хўжалиklари ўтган йили 50-60 фоиз рентабелликка эришганлар. Лекин уларнинг тажрибасини ўрганиш, оммалаштиришга вилоят раҳбарлари мутлақо эътибор бермайдилар.

Айни пайтда вилоятда қарийб 2000 та деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар кишлок хўжалигини ислох қилишнинг асоси ҳисобланади. Бирок деҳқон фермер хўжалиklари фаолиятига эътибор етарли эмас. Аниқроғи вилоят, туман ва тегишли ташкилот раҳбарлари бу масалага лоқайдлик билан қарамоқдалар.

Биз катта умидлар билан аҳолига томорқа учун ер бердик. Жумладан, вилоятда 17 минг гектар ер ажратилди. Жами томорқалар майдони 60 минг гектарни ташкил этади. Бу ўз самарасини кўрсатди. Ҳозирги пайтда вилоятда етиштирилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми ана шулар ҳисобига тўғри келмоқда.

Биргина мисол келтирмоқчиман. Олтиариқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги электриги Ё. Қипчоқов ўзининг 17 сотих томорқасидан ўтган йили бодринг ва узум етиштириб, 313 минг сўм даромад олган. Шу туманда яшовчи Н. Низомов 5 тонна узум етиштириб, 400 минг, Фурқат туманида яшовчи М. Каримов 300 минг сўмлик маҳсулот сотган. Бундай мисолларни, томорқадан уч мартадан ҳосил олиш каби ижобий тажрибаларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин, минг афсуски, вилоятда томорқа муаммоси тўла ҳал этилган, деб бўлмайди.

Вилоят шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси ўз вазифасини тўла бажармаяпти. Томорқага ажратилган ерлардан унумли фойдаланмаслик ҳолатлари мавжуд. Айрим ташкилотлар ўтган йили томорқа эгаларидан харид қилган маҳсулотлари учун эгаларига ҳақ тўлаганлари йўқ. Буни қип-қизил зўравонлик деб баҳолаш ва шунга яраша чорасини кўриш керак.

Одамлар ўз ҳақларини, ҳалол меҳнатлари туфайли етиштирган ризқларини ўз вақтида ололмаса, адолатга ишончи қоладими?

Уларнинг ҳафсаласи сўниб қолмайдими?

Яна бир марта таъкидлаб айтаман: биз шахсий хўжаликларга амалий ёрдам беришимиз керак. Уларни сара уруғлик билан, минерал ўғитлар ва кимёвий моддалар билан таъминлаш учун бутун имкониятларни ишга солишимиз керак. Бу йўлдаги

тамаъгирликлар ва тўрачиликка чек қўйиб, меҳнат қилмоқчи бўлган одамга имкон яратиш зарур. Керак бўлса, еридан оқилона фойдаланаётган, жамоа, эл-юртимиз учун фойда келтираётган деҳқонларга ажратилган участка ҳажмини яна кўпайтириш тўғрисида ўйлашимиз даркор.

Сўнги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга шартнома тузиш (контракция) ишларига катта эътибор берилмоқда. Аммо Фарғона вилоятида ушбу масалаларга юзаки ёндошилмоқда.

Шунчаки расмий учун тузилган шартномаларда ҳар иккала томон талаблари ва жавобгарлиги тўлақонли акс этмаяпти. ҲАМкор ташкилотларнинг ўз шериклари олдидаги вазифаси, масъулияти ва бурчи аниқ бандларда кўрсатилмаяпти. Натижада ҳуқуқий асоси бўлмаган, чала тузилган шартномалар ўз кучини йўқотмоқда. Ишлаб чиқариш меъёрини бузмоқда.

Вилоят хўжаликлари, ташкилотлари ва корхоналари ўртасида минглаб муаммолар бор. Улар ўзининг қонуний ечимини топиши керак. Лекин ўтган йил мобайнида вилоят хўжалик судларида атиги 8 та иш кўрилди, холос. Буни ким назоратга олган?

Азиз биродарлар!

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жамиятимиз иқтисодий ва маънавий-маърифий истиқбол сари юз бурмоқда. Истиқлол мафкураси шаклланимоқда. Маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишини ташкил этмоқда.

Маълумки, инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудрати фуқароларнинг маънавий-маърифий савияси даражаси билан баҳоланади.

Маърифат - маънавиятга олиб келадиган йўл. Бугун қилаётган яхши ишларимиз келгуси авлод баркамоллиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. Бугун қандай кўчат эксак, эртага шундай мева оламиз. Ёш авлодни эл-юртга, Ватанга садоқатли, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, юқори малакали, маънавияти юксак инсонлар қилиб тарбиялашда таълим ўчоқларининг алоҳида ўрни бор.

Таҳлил шуни кўрсатадики, вилоятда халқ таълими тизимида таълим-тарбия ва касбий тайёргарлик ўртасидаги ўзаро алоқалар яхши эмас. Таълим масканларининг моддий-техника базасини яхшилашга, таълим-тарбия соҳасига, ўқитувчилар, тарбиячилар таркибига етарли эътибор берилмаяпти. Агарки, маънавиятнинг аҳамиятини, унинг ҳаётимиздаги ўрнини жойига қўймоқчи бўлсак, авваламбор, мана шу масалаларни ечмасдан иложимиз йўқ.

Хурматли депутатлар!

Ислохотлар натижасини, уларнинг мазмунини халққа етказишда матбуотнинг роли катта. Биз туб янгиланишлар жараёнини қанчалик чуқур ўргансак, қиладиган ишларимиз шунчалик аниқ бўлади.

Матбуот эса ана шу мураккаб вазифани бажармоғи лозим.

Афсуски, Фарғона вилоят матбуотида ва умуман миллий матбуотимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни ёритувчи чуқур мазмунли таҳлилий мақолалар жуда оз учрайди.

Биз очиқ демократик жамият қурмоқдамиз. Мақсадларимиз, ниятларимиз ва ишларимиз очиқ. Яширадиган жойи йўқ. Демак, Президент ҳам, вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам, оддий фуқаро ҳам очиқ баҳсдан, очиқ мулоқотдан ўзини тортмаслиги шарт. Бизни сайлаган одамлар ҳокимият фаолиятдан хабардор бўлиши ва унга баҳо беришида матбуот воситачи ролини бажариши лозим. Лекин матбуот эркинлиги, матбуот таъсир кучи ҳақида биз жуда кўп гапираму, аммо амалда натижа кўринмаяпти. Матбуот, айниқса, вилоятлар матбуоти ҳамон юзаки бўлиб қолмоқда.

Матбуотимиз ислохотлар, ҳаётимизнинг янгиланиши йўлига тўсиқ бўлиб турган тўрачилик кайфиятини, умуман, ҳаётимизда ечилмаган кўпдан-кўп муаммоларни очиқ-ойдин ёритишда заиф бўлиб қолмоқда.

Албатта, бу ҳол учун фақат матбуот органларининг ўзини айблаш ҳам адолатдан эмас. Мухбирлар ахборот олиш масаласида жуда катта тўсиқларга дуч келаётгани, ахборот бериш бурчи, вазифаси бўлмиш мансабдорларнинг бу муҳим масалага беписанд қараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Нега вилоят ҳокимлари, туман ҳокимлари, вазирлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар матбуотдан ўзини олиб қочади?

Заифлиги, тили қисик жойи борми? Нега очиқ мулоқотга чорласангиз, дудуқланиб қолади? Ёки, очиғини айтадиган бўлсак, мазмунли жавоб бериш учун, яъни оддий хизмат бурчи - вазифасини бажариш учун қурби, савияси, малакаси етишмайдими?

Билингки, бу масалада сиёсатимиз қатъий бўлиши шарт: бизнинг яширадиган нарсамиз йўқ. Сиёсатимиз очиқ-ойдин. Халқ билан бамаслаҳат иш кўрсак, ислохотларнинг бориши ва яқунларидан уни доимо хабардор қилиб турсак, қийинчиликларни яширмасдан ҳаётимизнинг энг оғир жиҳатларини ҳам очиқ ошкор этсак, баён этсак, бундан биз асло ютқизмаймиз, аксинча - фақат ютамиз.

Ошқоралик ва очиқлик бизнинг ҳар қадамимизни зимдан пойлаб юрган Қанимларимиз тарқатаётган турли миш-мишларга, бўҳтон ва уйдирмаларга қарши зарба беради. Тирноқ остидан кир ахтариб юрадиган кимсаларга ҳам иш қолмайди.

Ошқоралик, фикр эркинлиги кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши керак. Ҳаётда ютуғлар билан бир қаторда кўп камчиликларимиз ҳам бор. Буюк мақсадларни ўз олдига қўйган одам, жамоа, халқ хатоларини очиқ бўйнига оладиган ва бартараф этиш чорасини кўра биладиган даражада жасур ва мард бўлиши шарт.

Азиз дўстлар!

Маълумки, ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш жараёнида ҳуқуқ органлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жинойтчиликка қарши курашиш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Уюшган жинойтчиликка қарши кураш анча яхши йўлга қўйилган. Қатор оғир жинойтларнинг ўз вақтида тезкорлик билан очилиши, уюшган жиноий гуруҳларнинг қўлга олиниши вилоятдаги барқарор вазиятни мустаҳкамлагани шубҳасиз. Умумий жинойтлар сони 1996 йилда 1995 йилга нисбатан 6,5 фоиз камайди. Қотиллик, талончилик ва фирибгарлик каби жинойтларнинг кескин камайганини ҳуқуқ-тартибот органларининг ютуғи деб баҳолаш керак.

Афсуски, жинойтчилик барча турларининг ҳам пасайи-шига эришилган эмас. ҲУҚУҚни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан жинойтга қўл уриш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бу ҳоллар вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, солиқ ва божхона хизмати фаолиятида жиддий камчиликлар борлигидан далолат беради.

Ахир, улар аҳоли тинчлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахслар эмасми? ҲУҚУҚ ҳимоячиларининг ўзлари қонунни бузса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Банк ва ижтимоий таъминот тизимлари ходимлари томонидан содир этилаётган жинойтлар кўпайиб бормоқда. Вилоятда ўтган йили 23 нафар банк ходими томонидан 16 та жинойт содир этилган. Пенсия ва нафақаларни беришда кўплаб ноқонуний ишлар аниқланиб, 18 та жиноий иш қўзқатилди. Кексаларнинг пенсиясига, норасидаларнинг нафақаларига кўз олайтириш, уларни ўз вақтида тўламаслик ўтакетган диёнатсизлик, виждонсизлик эмасми?

Ҳурматли дўстлар!

Ислохотларнинг тақдири, жамиятимизнинг равнақи, аввало, раҳбар кадрларнинг изланувчанлигига, янгиликка интилувчанлигига, фидойилигига, тафаккурига ва ташкилотчилигига боғлиқ.

Вилоят ҳокими Мирзажон Исломовни ҳаммамиз яхши инсон, хушфеъл раҳбар сифатида биламиз. Унинг ўзига хос табиати, одамларга ёқадиган хусусиятлари бор, албатта. Бунга биз тўғри баҳо берамиз.

Лекин у бугунги замон раҳбарларига нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бера олмаяпти. Авваламбор, вилоятни бошқаришда қатъиятлилиқ, талабчанлиқ, керак бўлса, қаттиққўллиқ, изланувчанлиқ, тадбиркорлиқ билан иш олиб бориш масалаларидаги оқсоқлиқ бугунги вазиятга ва иш самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кадрларни танлаш, уларнинг касбий, ахлоқий, инсоний фазилатларини чуқур ўрганмасдан лавозимга қўйиш натижасида кадрлар қўнимсизлиги вужудга келмоқда. Ўтган икки йил давомида вилоятда шаҳар ва туман ҳоким ўринбосарларининг ярми алмаштирилган.

Айрим раҳбарлиқ курсисида ўтирганлар ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ор-номусни йиғиштириб қўйиб, шахсий манфаат йўлида ҳаром-хариш ишларга қўл ургани сабабли бугун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Хўжалиқларнинг айрим раҳбарлари эски тизимда суяги қотган, аввал турли катта-катта лавозимларда ишни эплай олмаган кишилардир. Вилоятдаги жамоа хўжалиқлари раисларининг тахминан 20 фоизи илгари туман раҳбарлари бўлиб ва бошқа катта мансаб курсиларида ишлаб келганлар.

Албатта, одам зоти борки, бир-бирига ўхшамайди. Раҳбарлар борки, хатога йўл қўйиб ёки зиммасидаги вазифанинг уддасидан чиқмагани сабабли ишдан олинса, тез орада тегишли хулоса чиқариб, ҳаётдан сабоқ олиб ўз фаолиятини ўзгартиради. Собиқ раҳбар, агар у инсофли ва диёнатли бўлса, бор куч-Қайратини ўзини эл-юрт олдида оқлашга сарфлайди. Бундай инсонлар яна қайтадан одамлар орасидан муносиб ўрин олса, ўз обрў-эътиборини тиклашга ҳаракат қилса - бош устига. Улар билан ишлаш, уларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш - бу ҳам бизнинг катта ютуғимиз.

Лекин, минг афсуски, бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди. Онги ва шуури эски услубларда қотиб қолган одамлар янги талабларга жавоб бера олмайдилар, йўл қўйилган нуқсонлардан хулоса чиқара олмайдилар.

Бу ҳолат - эски совет тизимининг сарқити. Илгари "номенклатура" деган рўйхат бўларди. Шу рўйхатга, бош-қача айтганда, "раҳбарлиқ доирасига" кирган одам қанча хато қилмасин, уни тепада қўллайдиган ўз одами бўлса, шу доира юзасида сузиб юраверарди. Ҳозиргача шу касалликдан халос бўлганимиз йўқ. Илгари раҳбар бўлиб ишлаган одамни бутунлай қўйиб юборишга кўнглимиз бўлмайди. Жуда бўлмаганда, отбозор ёки молбозорга директор қилиб қўямиз.

Бу иллатнинг энг ёмон томони шуки, бугунги вилоят ҳокимлари, туман ҳокимлари ишни эплай олмаган раҳбарларнинг юзига қараб тўғри гапириш, унга халқ олдида холисона, аччиқ бўлса-да тўғри баҳо беришдан қочади. Ношуд одамга ҳақиқатни айтишдек "оғир" вазифадан ўзини тортади. Улар мендан ўтгунча - эгасига етгунча қабилида ишлайди. Ишни барбод қилган раҳбарни четлатиш ўрнига, мендан нима кетди, майли насибасини териб юраверсин, деб ўйлайди. Агар дўппи тор келиб, ношуд раҳбарни ишдан олишга тўғри келса, Президент номидан олади, жазолайди ва, аксинча, тузукрок мансабга ишга қўйса, албатта ўзининг номидан қўяди.

Кадрлар масаласида талабчанлиқ ва қатъият кўрсатиш ўрнига, ҳокимларимиз ўзларига бирорта бўлсин ортиқча душман орттирмаслик йўлига ўтиб олганлар.

Бу - заифлиқ ифодаси эмасми? Бундай кайфиятда юрганлар мутлақо раҳбарликка муносиб эмас. Агар раҳбар масъулиятни ўз елкасига олмаса, бу унга ишониб сайлаган одамларни алдаш, уларга хиёнат қилиш билан баробар.

Битта ўзини йўқотган қобилиятсиз одам раҳбар бўлиб қолаверса, бунинг жабру жафосини минглаб одамлар тортади. Нимага деганда бугунги оғир ўтиш даврида, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг битта оқил ва тадбиркор инсон минг-минглаб лоқайд, бепарво ва тадбирсиз одамлардан афзалроқдир, деган мазмундаги сўзлари Ғоят муҳим замонавий мазмун ва аҳамият касб этади.

Албатта, Фарғона вилоятида ўз эл-юртининг қадрига етиб обрў топаётган фидойи раҳбарлар кўп. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан халқимизнинг бахт-саодати, юртимизнинг истиқболи йўлида курашмоқдалар, мамлакатимиз тараққиётига ўз

хиссаларини кўшмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Биз кадрлар танлови, уларни тарбиялаш, уларнинг билими ва истеъдодидан оқилона фойдаланиш ҳақида кўп гапиримиз. Афсуски, кўп ҳолларда бу соҳадаги ишларимиз кутилган натижаларни бермаяпти.

Раҳбар ходимларни саралаш, уларни тайёрлашда биз ҳанузгача замонавий самарали тизим ва тартибни шакллантира олганимиз йўқ. Бизда эскидан қолган "кадрлар резерви" деган гап бор. Бунинг нима эканини шу залда ўтирганлар яхши билади. Оддий қилиб айтганда, бу эртага масъул раҳбарлик, етакчи мутасадди лавозимларини эгаллайдиган кишиларнинг рўйхати.

Хўш, бу рўйхат қандай асосда тузилади? Кадрлар захираси қайси услубда тайёрланади?

Тан олиб айтиш керакки жойларда, жумладан, Фарғона вилоятида ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар юзаки. Захира рўйхатига аксарият ҳолларда ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, билимдон, азму шижоатли кишилар ўрнига ҳамтовоқлик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик асосида танланган тасодифий одамлар кириб қолмоқда. Оқибатда кадрлар сиёсатимизда жиддий оқсашлар вужудга келмоқда.

Айниқса, бу ҳол жамоа хўжаликларига раис тайёрлашда яққол сезилмоқда. Хўжалик раиси - қишлоқ жойларда жуда катта ва масъулиятли вазифа. У шу қишлоқнинг отаси, элнинг яхши-ёмон кунларига жавоб берадиган шахс. Яъни, бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган, умуман қишлоқда яшаётган аҳолининг ҳаёт тарзи, уларнинг оладиган даромади кўп жиҳатдан мана шу раис, хўжалик раҳбарига боғлиқ. Хўш, шундай экан, раисларни танлаш, уларни ўқитиш, замонавий билим бериш бизда қандай ташкил этилган? Очиғини айтсак, ҳеч қандай.

Бугун ҳаёт, давр тараққиёти кадрлар танлови, уларнинг тарбияси ва билим-малакасини ошириш, савиясини юксалтириш борасида замонавий услубларни қўллашни тақозо этмоқда.

Виждонли, юртпарвар одамларимиз, ёшларимиз бор, аммо уларнинг тажрибаси йўқ. Хўш, биз уларга тегишли тажриба ва малакани, замонавий бошқарув асосларини қаердан олиб ўргатамиз?

Тилимизда "муовин" деган сўз билан бирга "ўринбосар" деган жуда маъноли сўз ҳам бор. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бунинг мазмуни шуки, ўринбосар одам керакли дақиқада, исталган шароитда бошлиқнинг ўрнини боса оладиган, раҳбарининг ишини юксак савияда давом эттиришга қодир кучли шахс бўлиши зарур. Афсуски, кундалик турмушимизда биз кўпинча бунинг тескарисини кўраимиз.

Агар бирор катта раҳбарга, у ҳоким бўладими, вазирми, ўзингиз бир муовин топинг, дейилса у қандай одамни танлайди? Табиийки, ўзининг измида юрадиган, гап қайтармайдиган, шахсий садоқатли, ўзидан савияси паст-роқ, ҳеч қачон ўзининг ўрнини босолмайдиган одамни танлайди.

Натижада биз бугун шундай аччиқ ҳақиқатга дуч келиб турибмиз: катта бир раҳбарнинг еттита муовинидан бирортаси ҳам бугун унинг ўрнини эгаллашга муносиб эмас. Нега? Чунки ўша бошлиқ ўзидан кучлироқ кадрни яқинига йўлатмаган, уларнинг қобилятини намоён қилишига йўл бермаган.

Бухоро вилоят сессиясида айтган гапимни яна такрорламоқчиман: ёш йигит-қизларни, олий маълумотли, билимга ташна, интилувчан, иймони бақувват ёшларимизнинг рўйхатини тайёрлаш, уларни тўрт-беш йилдан кейин мана шундай масъулиятли лавозимларга тайинлаш юзасидан изчил тарбиявий иш олиб бориш зарур. Албатта, ўзимизнинг ва хорижий мамлакатларнинг илғор компания, фирма, банклари ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги замонавий бошқарув тизимини ўрганиш учун уларга керакли шароит туғдириб беришимиз зарур. Бўлажак раҳбар кадрлар захирасини тузганда

холислик ва ҳалоллик бош мезон бўлиши шарт. Бу масалани ҳал қилмасдан туриб жамият олға силжий олмайди.

Ўз тажрибамиздан, ҳаётимиздан яхши биламизки, тоталитар тузумнинг асосий зиддияти ишга онгли муносабатнинг йўқлиги эди. Бу тузумнинг табиати бундай муносабатни хушламас, моҳият эътибори билан уни рад қилар эди. Экиш ҳам, суқориш ҳам, яғана ҳам тепадан тушган буйруқ билан бошланар эди.

Минг афсуски, бизда ҳали-ҳануз ўша эски тузумнинг асорати сезилиб туради. Меҳнатга онгли ва ижодий муносабат бўлмас экан, кадрлар ҳар қандай масалага оқилона ва одилона ёндашиб, масъулиятни бўйнига олмас экан, ишимизда ижобий ўзгаришлар юз бермайди.

Фарғона вилоятининг иқтисодида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик тармоқларида кўпгина ечилмаган муаммолар мавжуд. Биз, албатта, бу муаммоларнинг ечимини топамиз. Аммо кадрлар масаласи билан боғлиқ муаммоларни қандай ҳал қиламиз, буйруқбозликка ўрганган одамлар онгини қандай ўзгартирамиз?

Бу масала бугунги куннинг энг муҳим, долзарб масаласи бўлиб турибди. Барча бўғиндаги катта-кичик раҳбарларимиз бу масалани жуда чуқур тушуниб олишлари зарур.

Хорижий мамлакатларда, илғор Ғарб давлатларида ишни ташкил қилиш бутунлай бошқача. У ерда фирмами, корхонами, биринчи галда эртага оладиган фойдасини ўйлайди. Фойда олмаса, унинг иши касод бўлади. Шунинг учун корхона ёки фирма эгаси ҳар томонлама кучли, ишнинг кўзини биладиган, янгиликка интиладиган, рақобатга ўрганган, рақобатни енгадиган одамлар билан ишлашга мажбур. Бизда эса аҳвол аксинча: айрим раҳбарларимиз аввало ўз чўнтагини ўйлайди. Айтайлик, у бир-икки гектар ерни "яхши муомала" қилган ижарачига бериб қўйса бас, пичоғи мой устида. Хўжалик ёки ташкилотнинг қарзга ботгани ҳам, режалар барбод бўлгани ҳам, ишлаб чиқарилган сифатсиз мол сотилмай ётгани ҳам, ишчиларга ойлаб маош берилмаётгани ҳам уни асло безовта қилмайди.

Куруқ гаплар билан, баландпарвоз шиорлар билан одамларнинг энсасини қотиради. Бугун кўп жойларда эшитиладиган гапларни олиб кўрсак, мазмуни бир хил: минг раҳмат Президентимизга, мана, ҳукумат қарзимизни кечди, энди биз бундан руҳланиб, янги мавсумда планларни, режаларни қотириб ташлаймиз, деб сафсата сотиб юради.

Хўш, бу ҳолатнинг асосий сабаби нимада?

Асосий гап шундаки, бизда ҳали-ҳануз мулк шаклининг ҳақиқий маънода ўзгармаганида. Мулк ўз эгасини топмаганида. Ҳар бир хўжалик, ҳар бир корхонанинг оддий ишчисидан тортиб бош раҳбаригача, биз энди ўз кунимизни ўзимиз кўришимиз керак, бўлмаса ҳолимиз хароб бўлади, деган аччиқ, аммо яғона тўғри хулосага келмаганида.

Биз ҳозирга қадар субъектив ҳолатлар ҳукмрон бўлган шароитда яшамоқдамиз. Ижтимоий турмушимизда иқтисод, ҳаёт қонунлари кўп жойларда ишламаяпти. Эскича фикрлаш, эскича қарашлар, боқимандалик ҳамон бизнинг асосий душманамиз, энг заиф жойимиз бўлиб қолмоқда.

Бу касалликлардан қутилишнинг энг тўғри, энг маъқул йўли шуки, раҳбарлик лавозимларига эски сарқитлардан халос бўлган, янгиликка интилувчан ёшларни кўтариш керак.

Ёш кадрларнинг касб малакасини оширишга имконият туғдириб бериш, кўрқмасдан уларга кенг йўл очиб бериш, масъулиятли вазифаларни топшириш, уларга таяниш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланиб қолмоқда. Қисқача, содда қилиб айтганда, бизнинг тараққиётимиз, авваламбор, мана шу муаммога тақалиб қолганини барчамиз англаб етишимиз даркор.

Азиз дўстлар!

Кадрли депутатлар!

Фарғона ҳақида унинг хушфёъл ва оққўнғил одамлари тўғрисида ҳамма вақт яхши гапларни гапиргинг келади. Чунки Фарғоналиклар азалдан ҳалол меҳнатларию бой

маънавий фазилатлари билан маълум ва машҳур бўлиб келишган. Биз бугун, жамиятимизни тубдан янгилаётган бир пайтимизда, ана шундай одамларни юксак кадрлаймиз. Уларнинг иззатини жойига кўямиз.

Фарғона халқи ҳар нарсага кодир, изланувчан, бунёдкорлик иқтидори юксак халқдир. У ўзининг бой маънавий анъаналарини, деҳқончилик маданиятини, ишлаб чиқариш салоҳиятини юксак кадрлаб, мамлакатимиз равнақини таъминлашда муносиб ҳисса кўшадиган олижаноб ва мард халқ.

Мен бугун ана шу минбардан туриб Фарғона халқига, бутун водий халқига чуқур меҳр-муҳаббатимни изҳор қиламан. Зотан, меҳрга меҳр билан, садоқатга садоқат билан жавоб бериш халқимизнинг азалий удумидир.

Мамлакатимизнинг буюк ва ёруғ келажагини яратиш, иншооллоҳ, ҳаммамизга насиб этгай! Бундай ишларимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлгай!

Барчангизга сихат-саломатлик, оилангизга тинчлик-омонлик, Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги хизматларингизга барака тилайман.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят
Кенгашининг навбатдан ташқари
сессиясида сўзланган нутқ,
1997 йил 14 февраль.

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ - ИНСОН МАНФААТЛАРИ ОМИЛИ. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти яқунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзланган нутқ, 1997 йил 26 февраль.

Мухтарам кенгаш қатнашчилари!

1996 йил яқунлари, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислохотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили биз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Чунки 1997 йилги иқтисодий янгиланишларнинг устувор йўналишлари айни мана шу асосда белгиланиши керак.

Ўтган йилга яқун ясар эканмиз, унинг асосий хусусиятлари ҳақида хулоса чиқарганда, 1996 йил мамлакатимиз учун бозор иқтисодиётига асосланган демократик янгиланишлар йўлида муҳим босқич бўлди, дейишга тўла асосимиз бор.

1996 йил ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало у иқтисодий ва молиявий барқарорлик йили бўлганини тўла ишонч билан айтиш мумкин. Чунки бу йилда иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Ялпи ички маҳсулот 1995 йил даражасига қараганда 101,6 фоизни, саноат маҳсулоти ҳажми - 106 фоизни, истеъмол молларини ишлаб чиқариш - 108 фоизни ташкил этди. Бюджет камомади 3,5 фоиздан ошмади. Пулнинг кадрсизланиш ўртача йиллик даражаси 2 мартага камайди. Нақд пул эмиссияси даражаси эса 20,4 фоиздан 19,7 фоизга қисқарди.

Иккинчидан. Миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу миллий валютанинг ягона тўлов воситаси сифатидаги мавқеини ошириш имконини берди. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1995 йилда 1,3 миллиард доллар сотилган бўлса, 1996 йилда 3,3 миллиард доллар миқдорида хорижий валюта сотилди.

Учинчидан. Иқтисодиётни таркибий тузилиш жиҳатидан ўзгартириш ишлари изчил амалга оширилди. 166,5 миллиард сўмлик сармоя ўзлаштирилиб, бундан 66 фоизи ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга сарфланди.

Асака автомобил заводи, "Кварц" ишлаб чиқариш бирлашмасида меъморлик ойнаси ишлаб чиқариш бўйича цех қурилиши тугалланди, "Қабул-Тўйтепа-Текстайлз" қўшма корхонаси, Қарши шаҳридаги тўқимачилик комплекси, чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича "Касмир-Дери" қўшма корхонаси, Чирчиқдаги болалар пойабзали ишлаб чиқарадиган "КИБО" қўшма корхонаси ва яна бир қанча муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли-Нукус газ қузури, 3-кон-металлургия заводи, ўзур-Бойсун-Қумқўр-Қон янги темир йўли, Қамчиқ доводинадаги автомобил йўли қурилишлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати, Олмалиқ кон металлургия комбинати ва бошқа муҳим объектларни қайта қуриш давом эттирилди. 150 дан ортиқ янги хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тўртинчидан. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бозор ислохотлари натижасида ҳозирги пайтда халқ хўжалигида банд кишиларнинг ва ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 фоизи, саноат маҳсулотининг 53,5 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,7 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

Бешинчидан. Ташқи иқтисодий фаолият сезиларли даражада фаоллашди. Ташқи савдо обороти 9,3 миллиард доллардан ошди. Бу ўтган йил даражасидан 1,4 марта кўпдир. Ташқи иқтисодий фаолиятимиз жўғрофияси ҳам анча ўзгарди. Иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо обороти 1,7 мартага кўпайиб, умумий ҳажмнинг 72 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, ўтган йили олдимишга қўйилган вазифаларни амалга оширишда жиддий хато ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини тан олиш лозим.

1996 йил қишлоқ хўжалиги учун оғир келди. Қишлоқдаги ислохотлар жуда сушт ва кўп ҳолларда расмиятчилик йўлида амалга оширилмоқда. Яқинда бу масалалар махсус кенгашда кўриб чиқилди ҳамда бу вазиятга принципиал баҳо берилди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бундай камчиликлар мавжуд.

Пул қадрсизланиши даражаси қисқаришига қарамасдан, йил натижалари бўйича бу кўрсаткич кўзда тутилган тахминлардан юқори бўлди. Кўпгина корхона ва соҳаларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, айланма (оборот) маблағлари етишмаслиги сезилмоқда, ўзаро ҳисоб-китоб муаммоси ва тўловлар илгаригидай долзарб бўлиб турибди.

Корхоналарни акциялаштириш жараёни сушт ва юзаки бормоқда, қимматли қоғозлар бозори ҳам яхши ривожланмаган, фонд бозори фаолиятида ҳам камчилик кўп. Корхоналарда мулк шакли ўзгарди, бироқ улар фаолиятида принципиал, сезиларли ўзгаришлар деярли юз бергани йўқ.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш, банк, молия ва Суғурта тизимларини қайта ташкил этиш, бу соҳаларда билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп иш қилиниши керак.

Республикада зарур ҳуқуқий база барпо этилган, бироқ ҳуқуқий меъёрлар ҳозирча сушт амалга оширилмоқда. Шахсий ташаббусда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам ташкилий иқтисодий шарт-шароитлар барпо этилган, бироқ бу ерда ҳам тўсиқлар жуда кўп. Ўрта ва кичик бизнес ҳам янада жиддийроқ қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Кўпгина раҳбар ходимлар ва ўрта бўғин ходимлари онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолиплари ҳамон жуда мустаҳкам. Афсуски, бу одамларнинг кўпчилиги юз бераётган ўзгаришларни Ғоят заиф идрок қилмоқда. Улар бу ўзгаришларнинг моҳиятини яхши англаб етмаяпти ва шу сабабли ислохотлар йўлига тўсиқ бўлмоқда.

Ҳали мулкдорлик туйғуси ҳам тўла қарор топгани йўқ. Мулкдорлик ҳуқуқи берилган кишилар ўзини мулкдор деб ҳисоблай олмаяпти, мулкка эгалик ҳуқуқларидан фойдалана олмаяпти. Ҳақиқий мулкдорлик туйғусидан маҳрум киши ўз ҳуқуқлари учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва пировард натижа учун кураша олмайди. Бу борада ҳуқуқий асос, ҳуқуқ ва суд органлари, адвокатура, Суғурта ва аудит тизими ҳам заиф ишляпти. Бу эса бугунги кунда мулкдорлар синфини шакллантириш ва ривожлантириш, умуман ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган энг катта муаммодир.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳал этилмаган муаммолар мавжудлигига қарамай, 1996 йилда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишига баҳо бериладиган бўлса, йилнинг асосий яқунлари умуман бажарилган, деган хулосага келиш мумкин.

Мен бир гапни кўп такрорлаганман, ҳозир ҳам эътиборингизни шунга яна бир бор жалб этмоқчиман. Бу - ислохотлар жараёни изчил ва тўхтовсиз жараён эканидир. Биз амалга ошираётган ислохотларни қандайдир вақт доираси билан, муайян муддатлар билан чеклаб-чегаралаб бўлмайди. Барча ўзгаришларни босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл билан амалга оширишимиз лозим.

Биз 1997 йилга айнан мана шу нуқтаи назардан, яъни Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ислохотлар йўлидан дадил боришидаги изчил босқич сифатида қарашимиз лозим.

1997 йилнинг энг муҳим, устувор вазифалари Иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашда, шу йил 27 январь куни ўтказилган қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган йиғилишда кенг муҳокама этилган эди.

Хўш, биз 1997 йилда эътиборни қандай вазифаларни бажаришга қаратишимиз, бунинг учун зарур бўлган барча ресурсларни сафарбар этишимиз керак? Биз учун нималар устувор бўлиши лозим?

Ўзбекистон аҳлига яхши маълумки, 1997 йил Инсон манфаатлари йили деб белгиланган. Бугунги кунда ҳар бир киши бу Ғоя замирида қандай маъно мужассамлигини, бу билан биз ўз олдимизга қандай мақсад қўйганимизни яхши англаб олиши жуда муҳимдир. Нима учун бу масала бугунги кунда бундай улкан ва долзарб аҳамият касб этмоқда?

Мана шу масалаларга имкон бори қадар қисқача тўхталиб ўтишни истардим.

Биринчидан, 1997 йилни Инсон манфаатлари йили деб белгилаганимиз, биз Ўзбекистонда бу муҳим масалани ҳал этишга эндигина киришяпмиз, деган фикр туғдирмаслиги лозим. Биз илгари ҳам, яъни бутун ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганмиз.

Бироқ, чора-тадбирлар кўп ҳолларда тарқоқ бўлиб, уларга муайян, лекин айни замонда ўтиш даврининг ўткир ижтимоий масалаларини юмшатишга хизмат этувчи алоҳида вазифалар сифатида қаралган эди.

Бугун вазифалар мутлақо бошқа тарзда қўйилмоқда. Инсоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаш керак. Бу саъй-ҳаракатлар яхлит, умумлаштирилган тарзда олиб борилмоғи, бошқача айтганда, ҳар томонлама уйқун бўлмоғи лозим. Ушбу мақсадда барча имкониятларимиз, куч-Қайратимизни бирлаштиришга тўғри келади.

Иккинчидан, яна шуни таъкидлашни истардимки, бизнинг бу тадбирларимиз, 1997 йилда Инсон манфаатлари билан боғлиқ барча муаммоларни бир йўла ҳал қилиб ташлаймиз, деган маънони билдирмайди. Мазкур муаммолар ечимига юзаки қарамаслик керак.

Енгил-елпи ёндашув муаммолар моҳияти ва аҳамиятини қадрсизлантиради ва пировард оқибатда амалий иш билан мустаҳкамланмаган қуруқ шиорбозликка олиб келади.

Инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш - албатта, узок давом этадиган, мураккаб жараёндр. У соф ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий муаммолар доирасига ҳам сиқмайди.

Бозор муносабатлари чуқур илдиз отган, умумжаҳон тизимлари билан ҳар томонлама интеграциялашган, иқтисодий бақувват, демократик давлатгина инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, муносиб турмуш шароитини яратиб бериши мумкин. Шу билан бирга, сиёсий ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятимиз ҳаётида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, аввал кўп марта зикр этганимиздек, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Учинчидан, яна бир бор таъкидлаш жоизки, инсон манфаатларини таъминлашни амалга ошириш - Ўзбекис-тонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил, олдиндан аниқ-равшан белгиланган мантиқий давомидир.

Бинобарин, 1997 йилни инсон манфаатлари йили деганимизда биз, аввало, мустақиллик шароитида кечган беш ярим йиллик мураккаб ҳаётимизга яна бир бор кўз ташлаб, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотларимизнинг илк натижаларини инсон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини назарда тутамиз.

Ҳаётимизга, жамият қурилишига узвий равишда кириб келаётган ўзгаришлар, янгиликлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, меҳнатни ташкил қилиш, инсоннинг турмуш шароитини яхшилашга қай даражада таъсир этаётганини биз аниқ-равшан тасаввур этмоғимиз зарур.

Эришган ютуғларимизни танқидий кўз билан баҳолаш эканмиз, тан олишимиз керакки, биз ўтган йиллар мобайнида инсон манфаатларини ҳимоя қилишни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга имкон берувчи зарур заминни, пойдевор, барқарор асоснигина ярата олдик. Бу борада биз ҳали, хусусан жорий йилда ҳам, жуда кўп иш қилишимиз лозим.

Бор саъй-ҳаракатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни мунтазам ишонтириб бормоғимиз керакки, ислохотлар жараёнида фақат уларнинг ўзлари фаол иштирок этган тақдирда, белгиланган мақсадларга етиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб тер тўккан тақдирда, ислохотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати манфаатдор давлат ва ижтимоий тизимлар билан инсон манфаатлари ҳимоясини амалга оширишнинг 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди. Мазкур Дастурда ечиш кўзда тутилган ўзаро боғлиқ муаммолар мажмуи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш;

- инсон ҳуқуқи ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

- инсоннинг маданий, маънавий интеллектуал лаё-қатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш.

Дастурда инсоннинг кўпқиррали манфаатларига жавоб берувчи тадбирлар белгиланган. Асосий гап дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг қуруқ гапга айланиб қолишига йўл қўймасликда.

Мазкур дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаро, ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоқни ҳаётида ўз ифодасини топиши ўта муҳимдир.

Мазкур тадбирлар янги ташаббуслар туғилишига, янги имкониятлар очилишига олиб келиши, одамларимизга бунёдкорлик кайфияти бағишлаши билан Ғоят муҳимдир.

Бугунги барча саъй-ҳаракатларимиз нафақат замондошларимиз, балки келажак авлодларимиз бахт-саодати учун ҳам хизмат қилишини одамлар ҳис этиши айниқса муҳим.

Бу дастурнинг мазмун-моҳияти бандма-банд, бобма-боб, барча тафсилотлари билан жойлардаги ижрочиларга етказилиши, унинг ижроси мунтазам назорат қилиб борилиши зарур.

Азиз ватандошлар!

Юқорида тилга олинган дастур ва иқтисодимизни ислоҳ этишнинг умумий стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 1997 йилнинг энг долзарб масалалари-муаммолари нима, деб сўрашингиз табиий.

Биринчи галдаги энг муҳим вазифа - 1997 йилда макроиқтисодий барқарорлик, инфляция даражасини пасайтириш, миллий валютаимизни мустаҳкамлаш соҳасида эришган ижобий силжишлар, ютуғларимизни мустаҳкамлаш.

Вазифаларимиз кўлами жуда катта - изчил иқтисодий ривожланишни таъминлашимиз, иқтисодий ўсишда барқарорликка эришишимиз, кредит эмиссиясини кескин қисқартиришимиз, сўмимизнинг харид қувватини оширишга мустаҳкам замин ҳозирлашимиз керак. Бир сўз билан айтганда, шундай бир иқтисодий шарт-шароит яратишимиз керакки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини кенг кўламда ислоҳ этишга эришайлик.

1997 йилнинг яна бир муҳим вазифаси - кичик ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборат.

Биз бу масалага аввал ҳам катта эътибор берганмиз. Талай ютуғларга ҳам эришдик. Хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий замин яратилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берувчи тизимлар - Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, "Мадад" Суғурта идораси ташкил этилди, консалтинг, инжиниринг, лизинг фирма ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар тармоғи вужудга келди.

Муҳими, кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолияти воқеликка айланди. Биргина ўтган йилда республикада 34,5 минг янги хусусий кичик корхоналар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони бугун 100 мингга яқинлашиб қолди. Бундан ташқари 19,5 мингдан зиёд

деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этилди. Шуниси муҳимки, кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг барча соҳаларида барпо қилинмоқда.

Аmmo биз бугун олдимизда турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, амалда вужудга келган вазиятга реал баҳо берган ҳолда, бу масалага яна бир бор қайтишимиз лозим. Стратегик режа борасида биз шундай вазифани қўямиз: кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш ва бунда хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнесга биринчи даражали аҳамият бериш лозим.

Ўлкамизнинг ўзига хос хусусияти, меҳнат ресурсларининг ошиқчалиги, ривожланган қишлоқ хўжалиги ва хом ашё базаси, керак бўлса, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада фаол ривожлантиришни тақозо қилади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, биз бу масалага алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Мен нимани назарда тутмоқдман?

Биринчидан, қонунчиликда бу борада кўзда тутилган рағбат ва имтиёзларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларга барҳам бериш керак.

Биз хусусий тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва тартибларга ҳокимиятнинг жамики бўғинлари томонидан оқишмай амал этиладиган қатъий ва мажбурий муҳитни вужудга келтиришимиз шарт. Кимки бу ишга халақит бера-ётган бўлса, тўрачилик, тамаъгирлик, юлқичлик билан шуғулланаётган бўлса, шафқатсиз суратда жазоланиши зарур. Расмиятчиликни ўзига қалқон қилиб олиб, амалда кичик бизнес тараққиётига тўқоноқ бўлаётган кимсаларнинг баҳридан ўтиш керак. Биз кичик ва ўрта корхоналарнинг турли шакллари тез ва кенг ривожланиши учун йўл очишимиз лозим.

Иккинчидан, ислохотларнинг бу муҳим йўналишини қўллаб-қувватлаш учун янги манбалар излаб топиш ва мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш зарур.

Хўш, бунда нима назарда тутилмоқда?

Бу аввало, ички манбаларни, банк кредитларини жалб қилиш демакдир. Шунини эътиборга олиш муҳимки, халқ-аро тузилмалар, хорижий компания ва жамғармалар, жумладан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, Немис техник ҳамкорлик жамияти, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Ўрта Осиё-Америка жамғармаси ва бош-қа ташкилотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун салмоқли кредитлар ажратиш ва тегишли хизматлар кўрсатишга тайёр эканликларини билдириб, бу борада амалий ҳаракатлар ҳам қилмоқдалар.

Умумлаштириб айтганда, халқаро ва хорижий миллий молиявий тузилмалар ва банклар томонидан шу мақсадда таклиф этилаётган кредитларнинг ҳажми бугунги кунда 350 млн АҚШ долларини ташкил этади. Бизнинг бу мақсадга йўналтириладиган ўз ички манбаларимиз бу ҳисобга кирмайди.

Шу ўринда мазкур маблағларни ўзлаштиришга бизнинг ўзимиз тайёрмизми, деган савол туғилади. Қани шундай одамлар, қани ўша мулк эгалари, қолаверса, қани зарур экспертизадан ўтган инвестиция лойиҳалари? Биз уларни амалга ошириш учун керакли маблағлар билан таъминлашга ва сарфланган маблағларнинг ўзини қоплашга эришмоғимиз лозим.

Учинчидан, биз моҳият эътибори билан кичик ва ўрта бизнес яқин келажакда ишлаб чиқариш таркибида, экс-порт таркибида ҳаракатчан, тез ўзгариш қобилиятига эга бўлган тармоқ сифатида иқтисодиётда етакчи ўрин тутишига эришмоғимиз лозим.

Тўртинчидан, кичик ва ўрта корхоналар жўн, алмисокдан қолган эски асосда эмас, балки сифатли ҳамда замонавий техник база негизида ташкил этилишига эришиш керак. Бозор инфратузилмасини махсус марказлар, лизинг компаниялари тармоғини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Токи кенг ривожланган сервис хизмати йўлга қўйилмас экан - кичик ва ўрта бизнес ҳам бўлмайди. Бу борада бошқа йўл йўқ.

Бешинчидан, аҳолига берилган шахсий томорқаларнинг янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига жиддий эътибор бериш даркор. Биз томорқага ички бозорни маҳсулотлар билан, энг аввало озиқ-овқат моллари билан тўлдиришнинг, энг аввало, аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг энг муҳим манбаларидан бири бўлган кичик, оилавий бизнес шакли деб қарашимиз керак.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада кўп ишлар қилинди. Уларни санаб ўтирмасдан, шу даврда шахсий томорқа майдонларининг икки баробар ортганини айтиб ўтиш kifоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда улар 650 минг гектар суқориладиган ерни ташкил этади. Шунингдек, қорамолларнинг қарийб 80 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 65 фоизи, паррандаларнинг яқин 60 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади.

Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 69 фоизи, меваларнинг 55 фоизи, узумнинг учдан бир қисми шахсий томорқаларда етиштирилмоқда. Томорқанинг қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётимиз таркибида қандай ўрин тутишини изоҳлаш учун ана шу мисоллар етарли, деб ўйлайман.

Бироқ, тан олишимиз керакки, сўнгги вақтда шахсий томорқа участкаларига эътибор сусайиб кетди. Бу аҳволни тубдан яхшилаш лозим. Шахсий томорқасида ишловчиларга амалий ёрдам бериш, уларни керакли анжомлар, ихчам техника воситалари, минерал ўғит ва ем-хашак билан таъминлашнинг қатъий тартибини ишлаб чиқиш даркор. Улар етиштирган маҳсулотларни сотиб олиш тизимини кескин ўзгартириш, амалда қайтадан яратиш зарур.

Бор масъулиятни ҳис этган ҳолда таъкидлайманки, давлатнинг ёрдамсиз нафақат шахсий томорқа, деҳқон (фермер) хўжаликлари, балки бутун кичик ва ўрта бизнес ҳам ривожлана олмайди. Давлат бунинг учун зарур маблағларни излаб топиши шарт. Албатта, бу борада аввало аҳоли, фермерларнинг ўз маблағлари ишга солиниши керак. Лекин давлат қўллаб-қувватламаса, кичик бизнеснинг оёққа туриб олиши қийин кечади.

Шуни диққат марказида тутишимиз лозимки, аҳолини, айниқса ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган қишлоқ жойлари ва ҳудудларда иш билан таъминлашдек кескин муаммони фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама, кенг ривожлантириш ҳисобига ҳал эта оламиз.

1997 йилдаги устувор вазифалардан яна бири кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдир.

Республикада молия, солиқ, банк тизимлари яратилди. Зарур қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Лекин, ана шу тизимлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадими, деган савол туғилади. Афсуслар бўлсинки, бу саволга ҳозирча "йўқ", яъни тўлиқ жавоб бермайди дейишга мажбурмиз. Молия идоралари ходимлари онгида эскича бюджет психологияси ҳукмронлик қилмоқда, бевосита хўжалик юритувчи субъект-ларнинг молиявий аҳолини яхшилаш, зарар кўриб ишловчи корхона ва хўжаликлар сонини камайтириш, уларнинг самарали фаолият юритиши, айланма маблағларига эга бўлиши учун зарур шароит яратишга етарли эътибор берилмаяпти.

Молия ва солиқ тизимлари фаолиятида солиқларни нима қилиб бўлса ҳам ундиришдек бир томонлама ёндашув устунлик қилмоқда.

Албатта, бу нарса солиқлар тўла йиғилишини таъминлаш, даромадларни яшириб қолишга қарши курашиши шарт бўлган молия ва солиқ хизматларининг бевосита вазифаси эканини ҳеч ким инкор этмайди. Лекин уларнинг вазифаси фақат шундан иборат эмас. Оддий бир ҳақиқатни тушуниб етиш керакки, солиққа тортилувчи объектларнинг мустаҳкам молиявий аҳоли билан жуда кўп нарса, биринчи навбатда, бутун иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва ана шу корхоналарда ишлаётган одамлар ва уларнинг оилалари даромади ва фаровонлиги узлуксиз боғлиқдир. Яъни содда қилиб айтганда, ишлаб чиқариш корхоналарининг аҳоли қай даражада мустаҳкам бўлса, иқтисодимиз ҳам шу даражада бақувват бўлади. Барча ишни, унинг мақсади ва

йўналишини ана шу ҳақиқатни инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Ўйиб-китобни тўғри йўлга қўйиш, ўзаро тўловларни вақтида амалга оширишга эришмоқ даркор.

Банк ҳисоб-китоби ва тўлов тизими замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Тўрачилик, баъзида коррупция ҳоллари мавжуд, фоиз ставкаларининг юқорилиги сабабли тижорат банкларидан қарз, айниқса инвестиция кредитлари олиш ниҳоят даражада мушкул. Бунинг яна бир сабаби - кредит бозорида рақобатнинг йўқлигидир. Минг афсуски, банклар ҳали ҳам корхона ва тадбиркорликнинг ҳақиқий ҳамкори ва кўмакчиларига айлана олмадилар.

Эътиборингизни яна бир муаммога қаратишни истардим. Кўплаб корхона раҳбарлари ва тадбиркорларда ҳали ҳам молиявий натижаларга жиддий муносабат шакллангани йўқ.

Корхона раҳбарлари ва тадбиркорларнинг барчасида ҳам ўз фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ масъулият ҳисси шаклланган, деб бўлмайди. Йўқса, биз бугунгидай дебиторлик ва кредиторлик қарзларига ботиб қолмаган бўлардик.

Ўз-ўзимга, дебиторлик қарзи нима, бозор шароитида шу нарса бўлиши мумкинми, деб савол бераман.

Уни қайта-қайта, аммо оддийгина тушунтириш мумкин:

бир тарафдан - мен маҳсулотни жўнатдим, лекин ҳақини олмадим;

бошқа бир тарафдан - мен маҳсулотни олдим, лекин ҳақини тўламадим.

Нима қилиш керак, ким ҳақ, ким ноҳақ? Ким жавобгар бўлиши керак?

Айбдорлар ҳам, жавобгарликка тортилиши керак бўлганлар ҳам хўжақўрсинга шартнома тузган кишилардир. Шунинг учун ҳам у амал қилмай, қоғозда қолиб кетаверади. Бу - биринчидан.

Иккинчидан, ўз маҳсулотига ҳақ ололмастлигини олдиндан била туриб, уни жўнатиб юборганлар айбдор.

Ва, учинчидан, бизга хўжаликлар олдиндан ҳақ олмасдан маҳсулот етказиб беришга мажбур, дейдиган, улар билан ҳисоб-китоб қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган боқибеклар жавобгарликка тортилиши керак.

Жиддий огоҳлантириб қўймоқчиман: агар кимки, корхона раҳбарими, туман, шаҳар ёки вилоят марказий ва тижорат банкларининг тўловлар ва ҳисоб-китоб ишларини назорат қилиб юрган мутасадди раҳбарларми, шу масалага масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан қараб, тузилган шарт-номаларни кўпол равишда бузиб, бажармасдан, қўлини қовуштириб ўтирганларни жиноий жавобгарликка тортиш керак. Бугун бу масала-муаммо билан кўп жиҳатдан ишчиларимизнинг ўз вақтида маош олиши, корхоналарнинг ўз келажагини кўриши чамбарчас боғлиқдир.

Кимки шу талабни бажармаса, нафақат корхона манфаатларига, балки шу корхонада ишлаётган одамларнинг ризқ-рўзига хиёнат деб билиш даркор.

Минг афсуски, маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин унинг бозорини билмасдан, аниқламасдан туриб иш бошлаётганларнинг сони кўп. Шунга ҳали-бери ақли етиб бормаганлари ҳам кам эмас. Бугунги кун тили билан айтганда, бозор маркетингини ўзлаштириш, доимо унинг шарт-шароитлари ва мавжуд чекловларини ўрганиб бориш зарур.

Маҳсулот етказиб берувчи ва уни сотиб олувчи корхоналар раҳбарларига бир савол бермоқчиман. Мабодо, сиз ўз даромад ва шахсий жамғармангиздан қарз бергудай бўлсангиз, унинг қайтарилиши ёки қайтарилмаслигини юз марта ўйлаб кўрмасмидингиз? Орангиздан бирор киши, қайтарилмаслигини олдиндан била туриб, бировга қарз беришига ишониш қийин.

Унда нега хўжаликлар фаолиятида бунга йўл қўйилмоқда? Чунки мулкка эгалик ҳисси шакллангани йўқ. Шу пайтгача хусусий корхоналар ҳам, ҳиссадорлик жамиятлари ҳам, уларнинг раҳбарлари ҳам, қолаверса, ҳиссадорлар кенгаши аъзолари ҳам ўзларининг мулкдор эканини ҳис қилгани ва англаб етгани йўқ.

Заиф Суғурта тизими ҳам бозор муносабатлари тараққиётига халал бермоқда. Биз 1997 йилда кучли Суғурта тизимини яратишимиз ва бунинг учун тегишли хорижий структураларни жалб этишимиз лозим бўлади.

Яна бир муҳим масала: биз ишлаб чиқаришда яккахокимликка (монополизмга) барҳам бериш тизимини яратдик, яқинда "Товар бозорларида рақобатни қарор топтириш ва монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида" қонун қабул қилдик. Тўғриси айтганда, улар амал қилмаяпти. Барча соҳада, ҳатто хусусий тадбиркорликда ҳам монополистик тузилмалар илдиз отмоқда, бу эса бозор муносабатлари тараққиётига тўсқинлик қилмоқда.

Биз 1997 йилда ишлаб чиқаришда яккахокимликка чек қўйиш, фаолиятнинг барча соҳаларида муайян рақобат муҳитини яратиш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Навбатдаги устувор вазифа инвестицион фаолиятни кучайтириш ҳисобига иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришишдир.

Ўтган йилларда биз, маблағлар етишмовчилиги шароитида ҳам, таркибий ўзгаришлар ўтказиш учун замин ҳозирлашга эришдик;

- маблағлар ишлаб чиқариш инфратузилмасини, транспорт ва телекоммуникация тизимларини ривожлантиришга сарфланди;

- халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилиши бошланди;

- иқтисодиётга ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий тизим яратилди.

Таъкидлаб ўтганимдай, бу сезиларли натижалар берди: янги корхоналар ва янги соҳалар яратилди, янги товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, энг асосийси, сармоя жалб қилишга қизиқиш пайдо бўлди.

Бироқ ҳали олдимизда бутун иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни бошлаш вазифаси турибди. 1997 йилда ушбу стратегик вазифани бажаришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Биз 1997 йил учун инвестициялар дастурини қабул қилдик. Унда инвестицияларни кўп миқдорда, ўтган йилдагига нисбатан 30 фоиз ошиқ жалб этиш кўзда тутилган. Бизнинг вазифамиз бу инвестицияларнинг ишлашини, маълум инвестицион лойиҳаларга айланишини, маълум иншоотлар қурилишига сарф қилинишини таъминлашдан иборат.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини ишга тушириш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини, Шўртан газ ва кимё комплексини қайта таъмирлаш, магистрал газ қувурлари ётқизиш ҳисобига мамлакатимизнинг энергетика мустақиллиги мустаҳкамланибгина қолмасдан, экспорт қилишга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш соҳалари ҳам яратилади.

Жадал суръатларда қурилаётган Қизилқум фосфорит заводи, Қўнғирот сода заводи, учта спирт заводининг ишга туширилиши, полиэтилен плёнка тайёрлайдиган ва чет эллик сармоядорлар иштирокида замонавий қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда бир қанча энгил ва озик-овқат саноати иншоотлари

Шунинг учун, чет эл сармояси иштирокидаги қўшма ишлаб чиқариш корхоналари тузишни ҳар томонлама рағбатлантириш баробарида, хусусийлаштирилган корхоналар акциялар пакетининг камида 25 фоизини чет эллик инвесторлар сотиб олишига ҳам эришиш керак. Токи харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналаримизнинг акциялари чет эллардаги фонд бозорларига ҳам дадил кириб борсин.

Бизнинг хусусийлаштириш борасидаги сиёсатимиз қуйидагича бўлиши зарур: жамоа ва давлат мулки бўлмиш акциялар пакети улар умумий қийматининг 50 фоиз атрофида бўлиб, келгусида аста-секин давлат улушини камайтириб бориб, эркин бозорда сотилишини ташкил қилишимиз даркор.

1997 йилнинг устувор вазифаси республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришдан иборат. Истикболимиз равнақи маҳсулотларимиз экспортини кескин оширмасдан, корхоналар фаолиятини рақобатбоп товарлар ишлаб чиқаришга

йўналтирмасдан, валюта ресурсларини кўпайтирмасдан ўз келажагимизни қуришимиз мумкин эмас.

Экспорт потенциалимизни кескин оширишимизга имконият борми? Жавоб битта - бор.

Бу мақсадларга етишиш учун анъанавий хомашё ва ярим тайёр моллар - пахта ва пахта маҳсулотлари, рангли металллар, минерал ўғит ва бошқа моллар экспортини кенгайтириш катта аҳамият касб этади. Биз ҳам ўзимизнинг улкан бойлигимизни жаҳон бозорида сотишни ўрганишимиз керак.

Шу билан бирга, мамлакатимиз экспорт имкониятларини кескин оширишнинг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштириш ва четга тайёр маҳсулот чиқаришдан иборат бўлиши керак. Бизнинг бўш, анчайин заиф томонимиз ишлаб чиқаришда тугалланмаган технологик жараёнлар кўплигида. Бизнинг улкан имкониятларимиз ана шу жойда кўзга кўринмай ётибди.

Исталган соҳанинг - "Ўзозиковқатсаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзкимёсаноат", "Ўзенгилсаноат", қурилиш материаллари саноати имкониятларига бир назар солинг, улар жуда катта салоҳиятга эга эканини кўрасиз. Масалан, мувофиқ технологияни жорий этиш билан табиий газдан бир қанча турдаги полимер материаллар (полиэтилен, поливинхлорид ва ҳоказо), нитрил-акрил кислотаси, нитрон толаси ва бошқа бозори чаққон маҳсулотлар олиш мумкин. Ёки капролактдан полиамид-6, нитрондан янги маҳсулотлар олинишини, бугун миллион тонналаб бекор ётган каолин қазилмаларини олиб кўрайлик... Кўп сармоя сарфламасдан, янги технологияни амалиётга татбиқ этиш, технологик циклни ниҳоясига етказиб, катта самара олиш мумкин бўлган мисолларни бошқа соҳалардан ҳам топса бўлади.

Модомики, мана шундай кучли базага эга эканмиз, биз экспорт салоҳиятимизни мустаҳкамлаш муаммосини бартараф этишга жиддий киришишимиз керак. Шу маънода экспортни рағбатлантириш тадбирлари кўзда тутилган Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш махсус давлат программасини ишлаб чиқиш зарур.

Экспортни ривожлантиришда катта натижаларга эришганларни ҳар йили миллий мукофотлар билан тақдирлашни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Экспорт-импорт Суғурта компаниясини ташкил этиш билан четга мол чиқарадиган хўжалик субъектларини ҳимоя ва Суғурта қилишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Яна бир муҳим, устувор масала. 1997 йилда биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Биз бугун шунга тайёрмизми? Бунинг учун зарур куч ва ресурсларимиз борми?

Мана шу минбардан туриб, қатъий айтаманки, ҳа Ўзбекистон ана шундай куч-қувват ва зарур ресурсларга эга.

Бизда умумий ўрта таълим тизими мавжуд, ўқув муассасалари маълум моддий базага эга, ўрта махсус ва олий ўқув юртлиги тармоғи кенг, кўп мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Шуниси қувончлики, ўрта мактаб ва ўқув муассасалари битирувчиларининг умумтаълим ва профессионал билим даражаси юқори. Нафақат шаҳар, балки қишлоқ мактаблари ўқувчилари ҳам яхши билим, тайёргарликка эга эканликларини кўрсатмоқда.

Кадрлар тайёрлашда кучли базага эга эканлигимизни чет эллик ҳамкорларимиз ҳам эътироф этмоқда. Мисол тариқасида, қисқа муддатда йигит-қизларимиз Кореянинг "ДЭУ" компаниясида, Германиянинг "Саламандер", Италия ва бошқа мамлакатлар корхоналарида мутлақо янги касбларни эгаллашга муваффақ бўлдилар ва ҳамма жойда улар

мутахассисликни яхши ўзлаштирган, ҳар қандай хорижий юқори малакали ишчи ёки мутахассис билан рақобат қила олишга қобил, деган ижобий баҳо олдилар.

Аммо биз маърифий салоҳиятимизни ошириш учун кўп иш қилишимиз керак. Ўқув муассасалари тизимини такомиллаштириш зарур. Тўққизинчи синфни тугатаётганлар учун махсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш ва ташкил этиш лозим. Кичик ва хусусий бизнес ташкилотчиларини тайёрлаш бўйича техник коллеж ва махсус бизнес-мактаблар ташкил этиш керак. Ўқув жараёнига тадбиркорлик фаолияти, ҳуқуқ, солиқ, Суғурта асослари ҳақида билим берадиган фанларни дадиллик билан киритиш керак.

Университет дипломи даражаси ва обрўсини ошириш зарур. Бунинг учун ўқув муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш, ўқувнинг турли шакллари кенгайтириш, ўқитувчиларнинг меҳнатга рағбатини кучайтириш керак.

Бугунги кун ёшлар билан мунтазам, кунт билан иш олиб бориш, истеъдодли болаларни саралаб, уларга чет элнинг яхши ўқув марказларида профессионал билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни тақозо этапти. Бу мақсадни амалга оширишда яқинда тузилган "Умид" жамғармасидан умидимиз катта.

Бир сўз билан айтганда, биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Бу муаммоларни ечиш учун, демократик ва бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамрай оладиган махсус Миллий дастур тузиш лозим.

Хурматли дўстлар!

Бугун мен 1997 йилда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим, устувор масалалар бўйича тўхталдим. Бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланган бу муаммоларнинг ечими иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш имконини беради.

Шубҳа йўқки, олдимизга қўйилган вазифаларнинг амалга ошуви ҳар бир инсон манфаатига, демократик жамият қуриш манфаатларига хизмат қилади. Ишонаманки, уларнинг рўёбга чиқиши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига, дунё бозорига мунтазам кириб боришига, дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишига ва ишбилармонлар доираси вакиллари янада жозибали ва янада ўзаро фойдали асосда ҳамкорлик қилишига кўмак беради.

Энг муҳими, бу масалаларнинг ечими халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Очиқ айтишим мумкин: қўйилган вазифалар осон эмас, булар биздан нафақат барча имкониятларимизни ишга солишни, балки бор кучимизни аямай сарфлашни, фуқаролик масъулияти ва бурчини намоён этишимизни тақозо этади.

Энг муҳими, бошқарув ва хўжалик фаолиятининг барча бўғинлари мана шу устувор вазифалардан келиб чиқиб, ўз вазифаларини, истикбол режаларини ва уларнинг бажарилишида ўз ўринларини аниқлаб олишлари керак.

Ишончим комилки, олдимизда турган муаммоларни муносиб ҳал этишга қурбимиз этади. 1997 йил жамиятимиз ҳаётини тубдан ислоҳ қилишда, Ўзбекистонимизнинг обрўсини, халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтаришда муҳим давр бўлиб қолади.

Барчангизга мана шундай эзгу ниятларни амалга оширишда куч-қувват тилайман.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг
1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий
тараққиёти яқунлари ҳамда 1997 йилдаги
иқтисодий ислохотларнинг устувор
йўналишларига бағишланган
мажлисида сўзланган нутқ,
1997 йил 26 февраль